

КРИПТОНИТНИ ЙЎҚ ҚИЛГИШ

КУЧИНГИЗНИ ЎҒИРЛАЁТГАН
НАРСАНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ
ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ МУМКИН

ЖОН
БИВЕР

Азиз дўстим!

Бу китоб – сизга совға ва мен ибодат қиламанки, унинг саҳифаларида ёзилган хабар сизнинг ҳаётингизни абадий ўзгартирсин!

Мен ишонаманки, бизлар охири замонда, ҳақиқий руҳий криптонит бўлган дунёда яшаймиз ва у ҳар куни бизлардан, масиҳийлардан кучимизни ўғирлашга ҳаракат қилмоқда.

Кўплаб имонлилар, уларни боғлаётган нарсалардан қайта ва қайта қутулишга ҳаракат қилганларида ҳафсалалари пир бўлади ва толиқадилар. Бу Худодан эмас. У бизларга ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида ғалабада яшашимизни режалаштирган, боз устига, йўлингизда нима сизга қарши турса шуни енгишга куч берган!

Мен шахсий ҳаётимдаги воқеани сизлар билан ўртоқлашмоқчиман, у мени ёриб ўтишга олиб келди ва менинг ҳаётимни абадий ўзгартирган Муқаддас Ёзувдаги асосий ҳақиқатларни очиб берди. Сиз ҳам Худо билан шахсий муносабатларга эга ҳаётдан лаззатланишингиз мумкин. Сиз ҳам атрофингиздаги дунёга таъсир қиладиган тирик, кучли имонга эга бўлишингиз мумкин. Лекин биринчи ўринда ўз руҳий криптонитингиз билан курашишингиз керак.

Бу китоб билан ва CloudLibrary.org даги бошқа манбалар билан ўзингизнинг барча дўстларингиз ила дадил ўртоқлашинг.

Исо Масиҳдаги сизнинг биродарингиз



Жон Бивер

JohnBevere@ymail.com



MESSENGER
INTERNATIONAL
MessengerInternational.org

КРИПТОНИТИ

ИҶҶ ҚИҶИШ

Жон Бивер – бизга куч берадиган инаят ёрдамида гуноҳни қандай енгишни кўрсатаётган бугунги кундаги чинакам пайғамбардир. У ўзининг *“Криптонитни йўқ қилиш”* китобида ҳар биримизнинг ҳаётимизда мавжуд бўлган криптонитни фош қилмоқда ва уни фақатгина Худонинг севгиси билан енгиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Худого Жонга ушбу ваҳийни бергани учун шукур!

РОБЕРТ МОРРИС

Даллас/Форт – Уэрто, Техасдаги “Gateway Church” жамоатининг асосчиси ва катта чўпони. *“Мен ҳеч қачон билмаган Худо”, “Чинакам эркин”, “Марҳаматли ҳаёт”* ва *“Давр”* (Frequency) каби бозоргир китобларнинг муаллифи.

Мазкур китоб – Худо биз учун эга бўлган ҳамма нарсадан кўра камроғига рози бўлмасликка, Масих танасига қаратилган қатъий илтижодир! Ишонаманки, Жоннинг Муқаддас Китобий донолиги ва унинг имонлиларга ҳақиқатан Худо учун яшашларига ёрдам бериш нияти, ушбу мактубни юрагига яқин қабул қилаётган инсонларни ўзгартиради.

ЖОЙС МАЙЕР

Муқаддас Китоб муаллими ва бозоргир китобларнинг муаллифи.

«Криптонитни йўқ қилиш» китобида Жон Бивер биз Масихдаги имкониятларимиздан тўлиқлигича фойдаланишимизга тўсқинлик қилиши мумкин бўладиган қотмаларни яққол кўрсатмоқда. Ушбу кучли ва ойдин китоб ўқувчиларни уларнинг ҳаётидаги криптонит билан юзма-юз тўқнаштиради.

ЖЕНТЕЗИН ФРАНКЛИН

“Free Chapel” жамоатининг катта чўпони ва *“Нью Йорк Таймс”*нинг фикрича бозоргир китобларнинг муаллифи.

Жон Бивернинг Муқаддас Китоб қоидалари тўғрисидаги ваҳийлари, таълимоти ва инсонларга нисбатан севгиси ўнлаб йиллар мобайнида имонлиларни ва бутун шоҳликни қуриб келмоқда. Унинг китоблари жаҳоннинг тўртала сарҳадигача етиб бормоқда, унинг инсонларнинг ҳаётига бўлган таъсири эса чексиздир. Мен унинг дўстоналиги ва қаламни тебратишга қўл уришдаги доимий итоаткорлиги учун миннатдорман.

БРАЙАН ХЬЮСТОН

«Hillsong Church» жамоатининг асосчиси ва катта чўпони.

Фош қилади. Рух билан тўлдиради. “Криптонитни йўқ қилиш” китоби иноят ва ҳақиқат инъоми ёрдамида бизни аста-секинлик билан бўғиб ўлдираётган одатий гуноҳни парчалаб ташлайди. Мен ишонаман, бу китоб ҳақиқатни нисбий, итоаткорликни эса имконсиз деб ўйлайдиган авлодга ёрдам беради, бизга энг аъло нарсани – озодлик ва биргина Унга бўйсунимизни истайдиган Худога қувонч келтиради.

ЛУИ ГИЛИО

«Passion City Church» жамоатининг чўпони, “Passion Conferences” ташкилотининг асосчиси, «Голиёт қулаши шарт» китобининг муаллифи.

Мазкур китоб Жон Бивернинг бошқа китоблари сингари ажойибдир, кўплаб одамларни қўққисдан ҳайрон қолдиради. Йўқ, у ўзининг долзарб масалаларни илгари суришдек ноёб қобилятини йўқотмаган. Ҳойнаҳой, аксинча. Ушбу китобнинг мисолида, унинг ҳаётида тубдан замонавий бўлиб яшашнинг инояти яққол кўриниб турибди. Кўплар у қандай қилиб бизнинг бурнимиз тагида ётган, бироқ бизга сезилмаган нарсаларни очишга муваффақ бўлди экан деб лол қоладилар. Бу китобни керакли деб айтиш ҳеч нима демасликни англатади. Бизнинг кунимиздаги ҳар бир имонли “Криптонитни йўқ қилиш” китобини ўқиб чиқиши шарт.

БИЛЛ ЖОНСОН

Калифорния, Реддингдаги “Вефил” Жамоати, “Эзгу Худо” китобининг муаллифи.

КРИПТОНИТНИ ЙҮК ҚИЛГИШ

「КУЧИНГИЗНИ ЎҒИРЛАЁТГАН
НАРСАНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ
ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ МУМКИН」

**ЖОН
БИВЕР**

Killing Kryptonite by John Bevere, Uzbek

© 2019 Messenger International

www.MessengerInternational.org

Originally published in English as Killing Kryptonite

Additional resources in Uzbek by John Bevere are available for free download at: www.CloudLibrary.org

To contact the author: JohnBevere@ymail.com

“Криптонитни йўқ қилиш” Жон Бивер, ўзбек тилида

© 2019 MessengerInternational

www.MessengerInternational.org

Илк бора инглиз тилида «Killing Kryptonite» номи билан нашрдан чиқарилган.

Жон Бивернинг ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини:

www.CloudLibrary.org сайтидан бепул юклаб олиш мумкин.

Муаллифнинг алоқа учун электрон манзили: JohnBevere@ymail.com

Мен бу китобни “Мессенжер Интернешнл” жамоаси
аъзоларига бағишлайман.

Худонинг инояти билан бизлар биргаликда Исо Масиҳнинг
Хушхабари билан миллионлаб одамларга эришдик.

Сизларнинг имонингиз, сизларнинг қобилиятларингиз,
сизларнинг бағишланган ва қунтли меҳнатингизсиз бунинг
иложи бўлмас эди.

Мен ва Лиза сизларни ҳурмат қиламиз, сизлар билан
ҳамкорликдаги меҳнатдан лаззатланамиз ва Масиҳ сизларни
содиқ хизматингиз учун абадий мукофот билан тақдирлаши
Кунини сабрсизлик билан кутамиз.

*Зеро бизнинг умидимиз, қувончимиз ва мақтов тожимиз
ким экан? Раббимиз Исо Масиҳнинг келишида, Унинг
ҳузурида бўладиган сизлар эмасми? Чунки сизлар бизнинг
шуҳратимиз ва қувончимизсиз.*

1- ФЕССАЛОНИКАЛИКЛАРГА 2:19-20

Раҳмат сизларга, “Мессенжер” жамоаси 2019!

МУНДАРИЖА

Кириш.....	13
------------	----

1-БЎЛИМ. БИР КИШИНИНГ КУЧИ

1. БИЗЛАР ЧЕТЛАБ ЎТАДИГАН САВОЛЛАР.....	19
2. ТАНИШИНГ, КРИПТОНИТ.....	29
3. БИТТА.....	39
4. ЮЎУМЛИ КРИПТОНИТ.....	47
5. ЎЗГАРИШЛАР ОЛИБ КИРИНГ.....	55
6. НИЯТ.....	63
7. БИРЛИКНИНГ КУЧИ.....	71

2-БЎЛИМ. КРИПТОНИТНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ

8. НИКОЎ АЎДИ.....	83
9. ХУДОГА НИСБАТАН ЗИНО.....	91
10. БУТПАРАСТЛИК ОРТИДА НИМА ТУРАДИ?.....	99
11. ИМОНЛИЛАРНИНГ БУТПАРАСТЛИГИ.....	109
12. ЕНГИЛЛАШТИРИЛГАН БОСИМ.....	117
13. КРИПТОНИТ.....	125
14. ГУНОЎ.....	133

3-БЎЛИМ. КРИПТОНИТНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

15. ГУНОҲНИНГ КУЧИ (1-ҚИСМ).....	143
16. ГУНОҲНИНГ КУЧИ (2-ҚИСМ).....	151
17. АДАШАЁТГАНЛАР.....	159
18. СОХТА ИСО МАСИҲ.....	167
19. БОШЛАНИШ НУҚТАСИ.....	175
20. ТАВБА.....	185
21. УЧ ПОДШОҲ.....	195

4-БЎЛИМ. КРИПТОНИТНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ

22. ЮЗМА-ЮЗ.....	207
23. САБРЛИЛИК.....	217
24. СЕВГИ ВА ҲАҚИҚАТ.....	227
25. КРИТОНИТНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ.....	237
26. ГУНОҲ БЎЛМАГАН ГУНОҲ.....	247
27. БАЗМ ЭШИГИ.....	257
28. ТУРГИН.....	267

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР.....277

НАЖОТ ҲАР БИР КИШИГА ТЕГИШЛИ.....285

МАЗКУР КИТОБ ҲАҚИДА

«Криптонитни йўқ қилиш» китобини, бошқа китоблар каби жилдидан жилдигача ўқиб чиқиш мумкин. Мен уни шундай ёздимки, боблар қисқа бўлсин ва уларнинг ҳар бирини ўқиш ўн, ўн беш дақиқадан ортиқ вақтни олмасин. Ҳар бир боб, «Ҳаракат қилинг» мавзуси остидаги қисқа матн билан тугайди, бу сизга шу бобда ўқиган ҳақиқатларни ҳаётингизда қўллашга ёрдам беради. Илтимос, шу қисмни ташлаб кетманг, у китобни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шу учун мен кунда бир бобдан ортиқ ўқимаслигингизни тавсия қиламан. Шу тарзда, сиз кейинги бобга ўтишдан олдин муҳим ҳаракатларни қила оласиз.

Китобнинг охирида «Криптонитни йўқ қилиш» китобини гуруҳда ўрганиш учун фойдали бўлган музокара учун саволлар берилган. Мен китобнинг мундарижасига асосланган онлайн курс ва қўлланма яратдим. Буларнинг иккалови ҳам мазкур дарсга чуқурроқ шўнғиш учун ажойиб имконият беради. (Китобнинг охирида мазкур курс ва китоб ҳақида қўшимча маълумотни топасиз).

Агар сиз мазкур китобни «Криптонитни йўқ қилиш» курсининг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, мен сизга гуруҳ билан йиғилишни ва ҳафтада битта дарсни кўриш ёки тинглашни ва китобнинг охирида берилган саволларга жавоб беришни тавсия қиламан. Сўнгра гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси кейинги учрашувдан олдин керакли бобларни ўқисин.

Агар сизларда саволлар туғилса, менга ва «Мессенжер Интернэшнл» хизматидаги менинг жамоамга мурожаат қилишдан тортинманг.

Сафарингиз мароқли ўтсин!!



Жон

КИРИШ

Балки сиз ҳайрон қоларсиз, лекин илгари ҳеч қачон менда китобни ёзишни бас қилиш истаги бу қадар кўп келган эмас ва мен ҳозир сизга бунинг сабабини тушунтираман. Биринчидан, «Криптонитни йўқ қилиш» номига эга китобнинг Масиҳнинг издошларига қандай алоқаси бор? Қисқача тушунтиришимга имкон беринг.

Бизлардан кўпчилигимиз «Криптонит» сўзини «Супермен» фильми сюжетида биламиз. Тўғридан-тўғри Америка халқи эртагига айланган ҳикоя юқори синф ўқувчилари Жерри Сигел ва Жо Шустер томонидан яратилган илк бора комиксларда 1938-йил июнида чоп этилган эди. Ўта қудратли қобилиятга эга зўр қаҳрамон тимсоли фашистлар зўравонлиги даврида заҳарни сўндирувчи ажойиб восита эди. Суперменнинг машҳурлиги ошиб борар эди ва аста-секин бу қаҳрамон нафақат комикслар, балки радиодастурлар, телесериаллар ва тўлиқ метражли фильмлар қаҳрамонига айланди.

Маълум вақт ўтгандан кейин Супермен ҳақидаги комикслар ўқувчиларнинг ва томошабинларнинг жонига тегди, чунки қаҳрамоннинг заиф томони йўқ эди. Ўшанда 40-йилларда муаллифлар янги элемент - криптонит деб номланган машҳур бўлиб кетган моддани киритишга қарор қилдилар. Суперменнинг она сайёрасидан бўлган бу минерал унинг ғайриинсоний қобилиятларини йўқ қилишга қодир эди. Криптонитнинг таъсири остида Супермен ўз қобилиятларини йўқотар ва оддий одам каби бўлиб қолар эди.

Бизларда, масиҳийларда ҳам Худо бизларга берган куч ва хулқ-атвори йўққа чиқарувчи «криптонит» бор. Бу нима? Уни қандай таниш мумкин? У шахсан ҳар биримизга ва биргаликда ҳаммамизга қандай таъсир қилади? Биздаги гуноҳкорларга хизмат қилиш қобилиятимиз ва маҳсулдорлигимизга у қандай халақит қилади? Унинг таъсири остида биз нимани йўқотамиз? Нима учун у бу қадар осон ниқобга ўранади? Мана шулар - мазкур китобда кўтарилган баъзи саволлардир.

Бу Муқаддас Рух кўмагида ва Унинг бошқаруви остида мен ёзган йигирманчи китобдир. Мен аллақачон айтганимдек, мен беш ёки олти марта бу китобни ёзишни тўхтатишни истадим. Бунинг сабаби битта: у менинг қаршимда мен шахсий ҳаётимда инкор эта олмайдиган саволларни

қўяр эди. Мен беихтиёр ўзимдан сўрар эдим: «Наҳотки мен яшашим лозим бўлган ҳаёт даражасидан паст даражадаги ҳаётдан қониқяпман? Ҳақиқатан ҳам биз, жамоат, жамиятни ўзгартириш учун етарлича Худонинг ҳузури ва кучини ҳис қиляпмизми? Бир неча бора, тунда уйғониб, мен кўйидаги сўзларни айтар эдим: «Ота, менга бу китоб ёқишига шубҳам бор. Мен унинг устида ишлашни тўхтатмоқчиман».

Ҳар дафъа мен Муқаддас Рухнинг қатъий «Йўқ» жавобини ҳис қилар эдим. Ахийри, У сўнгги бора бутун дунё бўйлаб соғлом оилалар ва жамоатлар қуриш учун кучли имонлиларни кўтариш учун бу китоб керакли донолик беришига ишонтирди. Унда ёзилган қонуниятлар бутун шаҳарларни ўзгартириши мумкин.

Мазкур ваъдадан сўнг мен имон билан ёзишда давом этдим. Мазкур китобнинг охирги бўлимига, сўнгги етти бобга келганимда, унинг устунлиги ёрқин намоён бўлиб қолди. Агар бошланғич уч бўлимни ташлаб кетсангиз, 4-бўлимнинг таъсири анча қисқаради. Бу кинонинг хотимасини кўриш учун охирги йигирма дақиқага киришга ўхшашдир. Бу ҳолда, кинодан таассуротингиз ва унинг фойдаси, сиз уни бошидан кўрганингиздан кўра камроқ бўлади. Бошидан кўрган одамлар қаҳрамонларга чин қалбдан ҳамдард бўлиб йиғлайдилар, куладилар.

Мазкур китобда тўрт бўлим мавжуд ва уларнинг ҳар бирида еттитадан боб, ҳаммаси бўлиб йигирма саккиз боб бор. Ҳаёт жадвали жадал бўлган ўқувчиларга ёрдам бўлиши учун китоб атайин шундай тақсимланган. Сиз кунда бир бобни ўқишга ўн дақиқадан ўн беш дақиқагача сарфлашингиз мумкин ва бир ой мобайнида бор китобни тўлиқ ўқиб тугатишингиз мумкин. Ёки сиз бир ҳафтада бир бобни ўқишингиз ва ярим йил мобайнида бор китобни ўқиб чиқишингиз мумкин. Албатта сиз уни ўзингизга қулай тарзда ўқиб чиқишингиз мумкин. Биз шунчаки сиз учун ҳар қандай ўқиш тартибига тўғри келадиган қулай шакл яратишга ҳаракат қилдик.

Ниҳоят, мазкур китобга, криптонитдан ҳимоя қиладиган сафар ва атрофимиздаги дунёга таъсир қиладиган донолик деб қараш лозим. Бизлар бошлашимиздан олдин, келинг, ибодат қиламиз ва Муқаддас Рухдан сўраймиз, У бизларнинг руҳий кўзларимизни очсин, токи бизларни ердаги даъватимизни бажариш учун мустаҳкамлайдиган самовий доноликни кўра олайлик.

Ота, Исо Масиҳ номи билан сўрайман, менинг кўзларимни, қулоқларимни ва юрагимни очгин, токи мен ўз ҳаётимга нисбатан

Сенинг иродангни кўрай, эшитай ва қабул қилай. Муқаддас Рух, мен бу китобни ўқиётганимда Исо Масиҳнинг йўлларини чуқур англай. Мен Сенга Устозим сифатида қарайман. Мазкур китобнинг ҳар бир жумласи орқали менга сўзлагин. Менинг ҳаётим абадий ўзгарсин. Омин.

「1-БЎЛИМ」

БИР КИШИННИНГ КУЧИ

БИЗЛАР ЧЕТЛАБ ЎТАДИГАН САВОЛЛАР

Муаллифнинг изоҳи:

Қадрли ўқувчи, агар сиз Кириш қисмини ўқимаган бўлсангиз, мен уни ўқиб чиқишингизни қатъий тавсия қиламан. У сизга китобнинг мазмунига шўнғишга ёрдам беради. Ёқимли сафар!

“Криптонитни йўқ қилиш” — супермен ҳақида китобми? Йўқ, лекин бу китобда, суперменнинг ҳикояси ва бизнинг имонлилиқ ҳаётимиз орасидаги ҳайратланарли параллеллар кўриб чиқилади. Келинг, бу ўхшашликларни кўриб чиқамиз.

Супермен бу дунёдан эмас; Худонинг фарзанди ҳам бу дунёдан эмас.

Супермен оддий одамларда бўлмайдиган ғайритабиий кучга эга; бизлар ҳам дунёдаги одамлар эга бўлмаган ғайритабиий кучга эгамиз.

У ёвузликка қарши курашади, биз ҳам ёвузликка қарши курашамиз.

У барча эзилганларни ҳимоя қилади ва қутқаради; бизлар заифларни асраймиз ва асирларни озод қиламиз.

У кучини қуёшдан олади; биз кучимизни Ўғилдан оламиз.

Суперменни фақат бир нарса тўхтатиши мумкин: криптонит — унинг она сайёрасидан бўлган, ўйлаб топилган радиоактив модда. Бизнинг еримизда ҳам шунга ўхшаш “криптонит” мавжуд ва у Худонинг фарзадини кучсизлантириш қобилятига эга. Ҳа, у ерда яратилган эмас, балки бизлар ҳаммамиз келиб чиққан жойда яратилган. Криптонит Суперменнинг нафақат ғайритабиий кучларини шикастлар, балки шунингдек, унинг инсоний кучини ҳам заифлаштирар эди. Бизнинг криптонитимиз ҳам айнан шундай қилади.

У нима ўзи? Унинг мағзини чақишдан олдин, мен бор ҳикояни айтиб бермоқчиман. Криптонитнинг Супермен устидан улкан устунлиги шундан иборат эдики, уни таниш қийин эди, шунинг учун у кўзга ташланмаган ҳолда таъсир қилиши мумкин эди. Шунингдек бизнинг ҳаётимизда ҳам криптонит масиҳийларни алоҳида, алоҳида заифлаштиргани каби, бутун Масиҳ танасини ҳам заифлаштиради, лекин кўпчилик унинг борлигини пайқашмайди ҳам. Бу китоб — бизлар уни танишни ўрганишимиз, шунингдек, уни хавфсизлаштириш ҳамда алоҳида имонлиларга ҳамда бутун жамиятга таъсиридан маҳрум қилиш учун ёзилган. Шунинг учун келинг, саволдан бошлайлик.

Энг катта истак

Нимани биз ҳамма нарсадан кўра кўпроқ истаймиз? Мен “биз” деяпман, чунки самимий бўлсак, бизларнинг ҳаммамизнинг истажимиз бир: муваффақиятли бўлиш, ўз соҳасида аъло бўлиш, машҳур бўлиш, никоҳда бахтли бўлиш, ажойиб дўстона муносабатлардан лаззатланиш, ёрқин жамиятнинг аъзоси бўлиш, соғлом бўлиш ва ўзимизга ёқадиغان ҳамма ишни қилиш учун етарлича пулга эга бўлиш, шундай эмасми?

Юқорида санаб ўтилган барча бандлар жозибали, улардан кўпчилиги ҳатто бизларнинг ҳаётимизда муҳим, аммо улар бизларнинг энг катта истажимизни акс эттирадими? Ахир бизлар буларнинг ҳаммасига эга бўлган, лекин барибир бўшлиқни ҳис қиладиган одамларни билмаймизми? Ахир бизлар ҳаётларида мутлақ муваффақиятга эришган туюладиган, лекин барибир уларга нимадир етишмаётган голливуд актёрлари, ширкатларлар эгалари, мутахассис спортчилар, ҳокимият ходимлари ва бошқа одамларнинг тарихларини эшитмаганмизми? Юрагидаги бўшлиқ сабабли уларнинг баъзилари гиёҳванд моддалар ёки ароқ истеъмол қила бошлайдилар, ғалати саргузаштлар ёки ишқий завқларни излайдилар. Баъзилар ичларидаги азобловчи ва тирновчи бўшлиқни тўлдириш умидида динга, “Янги аср” сирли ҳаракатида руҳий изланишларга ёки оккультизмга бериладилар.

Агар ўз-ўзимизга самимий бўлсак, нимадир улуғроқ нарса борлигини қалбимиз тўрида ҳар биримиз биламиз. Ҳар бир эркак ва ҳар бир аёл чанқоқ бўлган ҳақиқий қониқишни, уларнинг ўзлари бунини ҳис қиладиларми ёки йўқми, фақатгина Яратувчи билан яқин муносабатлардагина топиш мумкин. Сиз Худо ҳақида нима деб ўйлашингиздан қатъий назар, сизнинг қалбингиз ҳамма нарсадан кўра кўпроқ Унга чанқоқдир. Инсон фақатгина ўз Яратувчиси билан бирлашганида лаззат ва қониқиш ҳис қилиши мумкин.

Воқелик шундан иборатки, Худо “одамларнинг юракларига абадиятни англашни жойлаштирди” (Воиз 3:11 МЁССТ). Бизларни асир қилган ёлғоннинг кучига қарамасдан, ихтиёрий равишда бизлар юрагимизда “абдий Подшоҳ”га чанқоқмиз (Тимотийга 1-мактуб 1:17 га қаранг). Мана Худонинг сўзи одам ҳақида нима дейди:

Чунки Худо ҳақида нимани билиш мумкин бўлса, уларга аёндир, негаки Худо уларга очиб берган. Зеро дунёнинг яратилишидан бошлаб Унинг кўринмас хусусиятлари, абдий қудрати ҳамда илоҳийлиги Унинг ижодлари орқали очиқ кўринмоқда ва англаймоқда. Шунинг учун уларга ўз йўқ (Римликларга 1:19,20).

Худо ҳақида билмайдиган одам йўқдир. Ҳар бир эркак ёки ҳар бир аёл ўз қалбига самимий назар ташлаб, ҳаётининг қайсидир лаҳзасида Худони билишга чуқур чанқоқликни ҳис қилганларини англайдилар. Бизларнинг ҳар биримиз Унинг ҳамма жойда мавжудлиги, ҳар нарсага қодирлиги ва ҳамма нарсани билишини ихтиёрий даражада биламиз.

У билан муносабатга киришганларнинг барчаси Унинг ҳузури, кучи, ҳашамати ва улуғворлиги қўл етмас эканлиги ва тенгсизлигини биладилар. У шу қадар улуғворки, борлиқдаги энг кучли мавжудотлар, серафимлар самода тўхтовсиз эҳтиром ва титроқда турадилар ва ҳайрат билан Унинг ғаройиб улуғворлигини ҳайқирадилар. Бу қудратли мавжудотлар У ҳақида шу қадар иштиёқ ва куч билан сўзлайдиларки, уларнинг овозларидан балки миллиардлаб мавжудотларни сиғдирира оладиган самовий майдоннинг эшикларининг тўсини титрайди.

Худонинг донолиги, ақли, ижоди, самимийлиги ва билими англаб бўлмасдир. Кўплаб асрлар мобайнида энг ёрқин онглари Унинг ижодлари сирларини ўрганмоқдалар ва уларнинг тузилиши ажойиблиги ва мураккаблигини охиригача тушуна олмаётдилар.

Бирор киши Унинг муҳаббати, эзгулиги, ҳамдардлиги ва шафқатини тўлиқлигича англаш ва ҳис қилишга қодир эмас. Унинг муҳаббати чексиздир.

Мен қарийб қирқ йилдан буён У билан муносабатлардан лаззатланиш имтиёзига эгаман, лекин яқин кунларда яна бир бора бизлар ўзимизни дучор қилган айбловдан Яратувчимиз бизни қутқаргани ҳақидаги фикр мени мутлақ гангитиб қўйди. Худо бизларга, одамларга ерни бошқариш учун бор ҳокимиятни берди, лекин бизлар уни энг катта душманига – шайтонга ва унинг хизматкорларига топширдик. Бизларнинг сотқинлик қилишимизни олдиндан билган Худо режа тузди ва бизларни қулликдан

22 КРИПТОНИТНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ

ҳамда қамоқдан олиб чиқиш учун улкан нарх тўлашга тайёр бўлди. Бизлар ўзимизни айбловга дучор қилдик, аммо бизларга озодлик бериш учун У ўзини қурбон қилди. У буни Ўз сўзини бузмаган равишда амалга оширди. Бу сўз фақатгина У одам бўлиб келсагина амалга ошар эди.

Худо одамга сайёрани бергани тўфайли, У уни Худо сифатида қайтариб олишга ҳаққи йўқ эди, уни инсон Ўғли қайтара олар эди. Исо Масиҳнинг бокира қиздан туғилишининг маъноси ҳам шундадир, У юз фоиз одам бўлиб келди, лекин Унинг Отаси Худонинг Рухи бўлгани тўфайли инсониятнинг қул қилинган табиатига эга эмас эди. Исо Масиҳ танада намоён бўлган Худо эди. Бизларнинг нажотимиз учун қандай азобларни бошидан кечириши кераклигини У билар эди, лекин у бизларни шу қадар кучли ва чуқур севиб қолдики, ихтиёрий равишда бизнинг озодлигимиз учун нарх тўлашга қарор қилди.

Фақатгина Унинг эзгулиги, ҳимматли муҳаббати, кучи ва улўғворлиги ҳақида бутун бир китоб ва ҳатто бутун томлар ёзса бўлади. Лекин бу китоб бошқа ниятда ёзилган.

Биз четлаб ўтадиган савол

Биз ажойиб Худонинг фарзандларимиз, шунинг учун оддий мантиқ бизларнинг ғаройиб муҳаббатни ҳис қилишимиз лозимлигини айтиб туради. Бу шунчаки соғлом мантиқ эмас, аммо Ёзувнинг ўзи шундай ҳулосани қўллайди. Бизларга ваъда берилган:

- Унинг илоҳий табиати,
- Таъмасиз хулқ-атвори,
- Шартсиз севги ва кечирим,
- Таърифлаб бўлмайдиган қувонч ва тинчлик,
- Ғайритабиий куч,
- Мол-мулк,
- Яшаш қобилияти,
- Соғлиқ,
- Хавфсизлик ва барқарорлик.

Унинг сахийлиги бу рўйхат билан чекланиб қолмайди, бошқа кўплаб ваъдалар ҳам бор ва улар орасида қуйидагилар:

- Илоҳий донолик,
- Билим,
- Фаҳмлаш,

- Ихтиро эта олиш,
- Ўткир зеҳн ва ижодкорлик.

Буларнинг ҳаммаси бизларнинг ишларимизда ҳосил ва муваффақият келтириши керак. Бошқача қилиб айтганда, бизларга самоларда яширинган хазиналар ваъда қилинган. Ёдга олинг, Исо Масиҳ Унинг шоҳлиги бизнинг ичимизда эканини нақадар жўшқин тарзда изоҳлар эди; шунинг учун осмонда бўлганидек ерда ҳам Унинг иродаси амалга ошиши керак.

Бунга қарамасдан, кўриниб турибдики, жамият ҳаётида ҳам, шахсий даражада ҳам бундай натижалар йўқ. Агар бизлар ҳақиқатга тик қарасак, Худонинг одамлари билан дунёнинг одамлари орасида катта фарқни кўрамизми? Бизлар, Исо Масиҳнинг издошлари дунёвий одамлардан ажралиб турамызми? Зулмат авлодлари орасида нур каби порлаймызми? Ажралишлар даражасига назар ташланг – жамоат ва дунё орасида ёрқин фарқни кўряпсизми? Муносабатлар ёмон бўлганида ҳасадга, раҳна, ғийбатларга ва жанжалларга бериламызми? Маънан қулаган жамият ичра Худонинг одамлари ўз ҳулқ-атвори, ҳалоллиги ва юксак ахлоқи билан ажралиб туришларини кўряпмызми? Соғлиқ ва фаровонлик соҳасида имонли ва имонсизнинг орасида фарқ кўриняптими? Тўқинликда манбалар эгамизми? Бошқа одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга ва Унинг Хушхабарини ер сайёрасидаги ҳар бир кишига эълон қилишга қодирмызми?

Балки юқоридаги сўзларнинг ҳаммаси жуда баландпарвоз ва қўл етмас жаранглар? Тасаввур қилинг, Эски Аҳдда шундай давр бўлган эдики, кумуш оддий тош саналар эди ва ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди, чунки ҳамма жойда у тўлиб-тошиб ётар эди (2-Шоҳлар 10:21,27 га қаранг). Аксинча, энди Янги Аҳдда мен баъзур маошини учидан учига етказиб яшаётган хизматларнинг етакчиларини, ўз шаҳарлари ва қишлоқларида одамларга ёрдам бериш истаги билан ёнаётган хизматчилар, маблағ ёки бошқа манбалар етишмаслиги туфайли буни қилишга қодир бўлмаган чўпонларни кўп учратиб тураман. Икки ҳолатда ҳам, “осмонда бўлганидек ерда ҳам” бўлиши шундай кўринишга эгами?

Исо Масиҳ ваъда беряпти: агар бизлар Унинг шоҳлигини ва Унинг ҳақлигини изласак қолган ҳамма нарсаси бизларга қўшиб берилади. Бизлар манбаларнинг етишмовчилиги Исо Масиҳни у ёки бу ишни қилишдан тўхтатган бирор воқеани топа олмаймиз. Афсуски, баъзан жамоатда бойлик ва фаровонлик ҳақида кескин таълимотлар пайдо бўлар эди. Мазкур носоғлом таълимотлар туфайли одамлар тўқин-сочинчиликда ҳеч қандай яхши нарсаси йўқ деб ишона бошлар эдилар. Лекин ўзимизда ҳеч нима бўлмаганида, бизлар бошқаларга нима бера оламиз??

Агар биз ўзимизни Худонинг Шоҳлигини излашга бағишласак, Унинг иродасини ерда тарқатиш учун У керакли бўлган ҳамма маблағни бизларга ишониб топширади. Худо ёмон етакчи эмас, У керакли воситалар билан таъминламаган ҳолда Ўз издошларидан Унинг иродасини бажаришларини сўраган бўлмас эди. Янада муҳимроғи бу – Худонинг Эзгу Оталигидир. У Ўз фарзандларини дуо қилишни истайди. Лекин у мулкимиз бизни назорат қилишини истамайди. Пул эмас, балки “пулга севги” – ҳар қандай ёвузликнинг илдизидир.

Қадимги Исроилда шундай давр бўлган эдики, бутун давлатда бирорта ҳам қашшоқ одам йўқ эди. Ёзилган: “Яҳудо ва Исроил Сулаймоннинг барча кунларида, Дандан Беершебагача ҳар бир киши ўзининг узумзори остида ва анжир дарахти остида хотиржам яшар эди” (1-Шоҳликлар 4:25). Дан шаҳри Изроилнинг йироқ шимолий томонида эди, Беершеба эса йироқ жанубда эди, шунинг учун Ёзув бизларга бутун давлатда бирорта муҳтож одам йўқ дейди, бирорта фуқаро ҳам, давлат таъминотида бўлган одамлар тоифаси ҳам бўлмаган! Нима уларни бундай тўкин-сочинликка олиб келди?

Бу шунчаки тасодиф эмас. Агар Эски Аҳдда Худо халқининг тарихини кўздан кечирсак, кўплаб авлодлар ҳайратлантирар даражада фаровонликка эришганини ва иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий жиҳатдан кучли бўлганини кўришимиз мумкин. Уларда манбалар, овқат ва бойлик тўлиб-тошган эди. Душманлар уларга ҳужум қилар эди, лекин чекинаар эди, чунки исроилликлар мағлуб бўлмас эдилар, аксинча, ғалаба қозонаар эдилар. Бошқа халқлар уларнинг ҳаётларининг сифатига қараб ҳайрон қолар эдилар. Ёдда тутинг, бу Эски Аҳд эди, У Янги Аҳд қадар зўр эмас эди!

Исо Масих – аълороқ ваъдаларга асосланган аълороқ аҳднинг шафоатчисидир (Ибронийликларга 8:6 га қаранг). Агар биз Унинг ҳаётига назар ташласак: ҳокимлар, амалдорлар (солиқ йиғувчилар), зодагонлар, фоҳишалар, ўғрилар, бойлар, қашшоқлар – умуман ҳамма тоифадаги одамлар У билан учрашишни излаганларини кўришимиз мумкин. Исо Масих қаерга келишидан қатъий назар бутун бир шаҳарларни ўзгартирар эди. Бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш учун Унда ҳеч қачон етишмовчилик бўлмас эди. Агар Унинг шогирдларига кимдир зарар етказмоқчи бўлса, жиддий зарар етказа олмас эди, ёмон вазиятлар кўпинча ажойиб муваффақият билан якун топар эди.

Илк Жамоат аъзолари ҳақида “бутун дунёни остин-устун қилдилар”, дер эдилар (Ҳаворийлар 17:6 га қаранг). Уларнинг ҳам ҳеч нарсага эҳтиёжлари йўқ эди, чунки улар ҳақида ёзилган: “...уларнинг ҳаммаларининг ўстида буюк иноят бор эди. Уларнинг орасида муҳтож

бўлганлар йўқ эди” (Ҳаворийлар 4:33,34). Улар шу қадар ноёб эдиларки, кўпинча қўмондонларни ва шаҳар ҳокимларини худо эмасликлари ва саждага муҳтож эмасликларига ишонтиришларига тўғри келар эди. Бу шаҳарларнинг барча аҳолиси уларда ўз авлодларининг суперқаҳрамонларини кўрар эдилар. Улар азоб тортаётган одамларни касалликлар ва заифликлардан озод қилар эдилар. Улар ўша замоннинг жамиятидаги зулмат аро ёрқин порлар эдилар.

Яна бир бора сизга савол беришга ижозат беринг: бизнинг ҳаёт тарзимиз бизлар яшаётган дунёнинг ҳаёт тарзидан кучли фарқ қиляптими? Бу ваъдалар фақат янги аҳд жамоатига берилган эди ва ҳозир аҳамиятини йўқотган деб тушунтириш учун бизларга Муқаддас Ёзувда аниқ очилган таълимотни ўзгартиришга ва буни оқлашга ҳаракат қилмаяпмизми? Янги Аҳд муаллифлари бунга жавоб бермоқдалар, аммо бизлар бу қийин саволларни четлаб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Ёзув нима деяётганига бизлар ҳақиқатан қулоқ солсак нима бўлади?

Мен бирор кишига бармоғимни тақаб кўрсатаётган эмасман, мен шунчаки саволга жавоб беришларини сўраяпман: “Сенинг Шоҳлигинг келсин, самода бўлгани каби ерда Сенинг ҳам ироданг бажо бўлсин”, дегани шуни англатадимиз? Исо Масиҳнинг: “...Худонинг Шоҳлиги сизларнинг ичингизда”, деган сўзларини инкор этишнинг иложи йўқ (Луқо 17:21). Унинг Шоҳлиги шу ерда, Масиҳ танасининг ичидадир. Бизлар ўз авлодимизда, Масиҳ Ўз авлодида яшагани каби яшаяпмизми? “Кимки мен Унда жо бўлмоқдаман деб айтса, Масиҳ қандай юрган бўлса, у ҳам шундай юриши керак”, деган насиҳат бизларга берилган эмасми? (Юҳаннонинг 1-мактуби 2:6).

Дунёга хушxabар билан эришиш борасида илк жамоат муваффақиятли бўлган даражада муваффақиятлими? Бутун бир ҳудудлар фақат икки йил ичида Худонинг Сўзини эшитганларини кўряпмизми? (Ҳаворийлар 10:10га қаранг). Ёдда тутинг, уларда интернет, Facebook ва бошқа ижтимоий тармоқлар, ойнаижаҳон, ҳатто радио йўқ эди. Барибир ҳар бир одам, нафақат бир шаҳар ёки бир халқ, балки бутун бир ҳудуд Хушxabарни эшитди.

Биз бу нарсани ҳозирги кунларда кўряпмизми? Келинлар, ҳақиқатга тик боқамиз. Бизлар гўё хонада филни кўрмагандек: “Худо бошқа бундай ҳаракат қилмаяпти”, - деймиз. Гўёки бизлар Хушxabарни ўз ҳолатимизга қараб кесамиз. Бизлар ҳокимият, куч, муваффақият, тўқинлик, ҳосил ва соғлиқ келтирадиган ҳамма нарсадан гўё чекинамиз (ҳатто жирканиб бошимизни бураемиз). Бизлар бундай хабар ўта кескин, меъёрлаштирилмаган ва такаббуруна, деймиз. Шу тарзда бизлар қийин саволларга жавоб бериш шартидан ўзимизни ҳимоя қиламиз ва нима учун

Хушхабар билан дунёга таъсир қила олмаслигимизни оқлаймиз.

Шунинг учун мен ҳаракатсизлигимиз ҳақидаги савол устида ўйлайман, ҳамма бўлмасада, кўпчилигимиз бу ҳақида мулоҳаза қиламиз. Лекин нима учун бу саволни кўтариб чиқмаймиз? Нима учун унга жавоб изламаймиз? Балки журъатсизлигимизнинг сабаби бизлар ҳал қилишни истамайдиган сирларни очиб қўйиши ҳақидаги қўрқувга боғлиқдир? Лекин агарда бу саволларга жавобни изламасак ва уларга биноан яшамасак, бизлар ўзимиз даъват қилинган ҳаёт даражасидан паст даражада қоламиз.

Ўттиз беш йилдан ортиқ хизматдан, ҳаётимнинг олтмишинчи йилига яқинлашаётиб, мен бу саволни бериш истаги ва тайёригига тўламан. Боз устига, мен бунга нисбатан илоҳий истакни ҳис қиляпман. Агар Унинг Сўзи таъсири остида унга назар ташласак, бизлар даъват қилинган ҳаётнинг тўлиқлиги очилади, деб ҳисоблайман.

Агар сиз ҳам мен каби саволлар беришни ёқтирсангиз, келинг, бу руҳий сафарга биргаликда йўл оламиз. У тез бўлмайди ва балки шифокор бемор ҳақида қайғуриб, унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қиладиган қийин жарроҳлик операциясига ўхшаб оғриқли бўлиши мумкин.

Муқаддас Рух бизлар ҳақимизда: ҳам шахсий, ҳам оммавий даражада ҳар қандай жарроҳдан кўра кўпроқ қайғуради. Энг ғашингизни келтирадиган бобларни ўқиётганингизда буни ёдда тутинг. Натижада сиз қувват, соғлиқ, хушчақчақлик, муҳаббат ва ҳаётбаш кучни ҳис қиласиз. Мен ишонаманки, бу жавобларда инсонлар, шаҳарлар ва бутун авлодлар ҳаёт йўналишини ўзгартириш қудрати мавжуд.

Агар мен билан бирга бўлсангиз, унда олға!

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Худо бизларни Ёқуб (1:22) мактубида огоҳлантиради: “Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас, балки бажарувчилари бўлинглар”. Бу ерда айтилган, агар биз (Муқаддас Ёзувдан, Муқаддас Рухдан ёки соғлом таълимотни етказётган одамдан) Худонинг сўзини тинглаб, лекин уни бажармасак, бизлар шунчаки ўзимизни алдаймиз.

Бизларнинг имонимизнинг исботи бизларга ўргатаётган нарсаларни тўғри деб қабул қилишимизгина эмас, балки уларни бажаришга ҳаракат қилишимиздир. Айнан шунинг учун китобнинг ҳар бир бобининг охирида берилган вазифалар жуда муҳим. Уларнинг ҳар бири фойдали туртки

ҳисобланади, кейинги бобларда очилган ҳақиқатларга диққатингизни қаратиб, уларнинг ҳар биридан сиз бир лаҳзада жуда узоққа сакрашингиз мумкин. Булар узоқ вақтни талаб қилмайдиган қисқа ҳаракатлардир.

Агар сиз уларнинг ҳар бирига диққатингизни қаратсангиз, бу китобдан кўпроқ фойда оласиз ва ўз ҳаётингизда чуқурроқ ўзгаришни кўрасиз.

III

Ҳамма четлаб ўтишга ҳаракат қиладиган саволни кўтариш – тиш чиришини даволатиш учун тиш шифокорининг олдига боришга ўхшашдир, тўлиқ фойдага эришиш учун бизлар жасоратга тўлишишимиз керак.

Сизнинг ҳаётингиз дунёдаги бошқа одамларнинг ҳаётидан нимаси билан фарқ қилади? Атрофингиздаги одамлар сиз ҳақингизда, бу одам Исо Масиҳ каби яшамоқда, дейишадими? Бу саволдан қочманг, у учун очиқ бўлинг. Исо Масиҳ каби яшаганингизда ҳаётингиз нақадар бошқача бўлган бўлар эди? Сиз қайси одатларни синдирган бўлар эдингиз? Бу сизнинг атрофингиздаги одамлар билан муносабатингизни қандай ўзгартирган бўлар эди? Оилангиздаги муносабатлар қанчалик бошқача бўлган бўлар эди?

Бунга вақт ажратинг ва ўз фикрларингизни ёзиб олинг. Ёзувдан йўлбошловчи сифатида фойдаланинг. У сизга интилишингиз лозим бўлган мақсадни беради. Жавобларингизни ёзганингиздан сўнг улар учун ибодат қилинг. Муқаддас Рух ҳозирги вақтда сизнинг ҳаётингизда содир этаётган, сизнинг жавобларингиздан бирортасини ёритиши учун Уни таклиф қилинг. Ундан сўранг, бу соҳани У сиз учун шу қадар ёритсинки, сиз ўзгариш учун куч олинг.

ТАНИШИНГ, КРИПТОНИТ

Биринчи кириш қисмида бизлар Худонинг улўғворлиги ҳақида музокара юрийтишга ҳаракат қилдик. Мен “ҳаракат” сўзини ишлатишимдан мақсад, бизнинг тилимиз нақадар бой ва ифодали эканлигидан қатъий назар, бизлар Унинг маҳобатини озроқ бўлса ҳам таърифлай олмаймиз. Кучда ва шўҳратда Ундан устун ҳеч ким йўқ, ҳеч ким Унга тенг кела олмайди. Худонинг рақиблари йўқ ва Унинг тенги йўқ. У ўтмишдаги абадиятдан келажакдаги абадиятгача ҳукмронлик қилади. У ажойиб!

Биз аъло даражада тушунамизки, Унинг фарзандлари сифатида бизларнинг ҳаётимиз Уни акс эттириши лозим, Ёзув бу ҳақида аниқ сўзламоқда. Худонинг Сўзи Унинг ўғиллари ва қизлари ҳақида баён этиб: “...бу дунёда У каби ҳаракат қиламиз” дейди (Юҳаннонинг 1-мактуби 4:17). Ҳаворий Юҳанно: “Бизлар ҳам кейинги ҳаётимизда У каби ҳаракат қиламиз”, - деган эмас. Йўқ, у ёзганки, айнан ҳозир, шу дунёда бизлар У каби ҳаракат қиламиз! Бу сўзлар қалбимизни тубигача титратишга қодир. Бошқа жойда ёзилган:

“Илоҳий табиатга шерик бўлишингиз учун Худо сизларга жуда буюк ва қимматбаҳо ваъдаларни Унинг шарофати (шўҳрати ва эзгулиги) билан берди” (Петъорнинг 1-мактуби 1:4).

Шунчаки ўйлаб кўринг. Бизларга Унинг илоҳий табиати берилган. Бу дунёдаги энг машҳур одамнинг табиати эмас. Йўқ, бу Худонинг табиати ва Петъор бизлар бунга тушунмаслигимизни билиб, “илоҳий” сўзини қўшиб бизларни бунга ишонтирмоқда. Бу ерда юнонча theios сўзи ишлатилган бўлиб, у “фақатгина Худого тегишли бўлган ва Ундан келиб чиқадиган” деган

маънони билдиради (WSNTDICT луғати). “Табиат” сўзи – бу юнонча phusis сўзи бўлиб, “борлиғини, муҳим таркибий қисмини ва хусусиятларини аниқ кўрсатиш”, деган маънони билдиради (WSNTDICT). Бу таърифларни биргаликда қўйсангиз, қуйидаги гап келиб чиқади: “У бизларга ...ваъдалар берди, токи улар орқали сиз фақат Худога тегишли бўлган муҳим таркибий қисмга эга бўлинг”.

Бизлар ҳақиқатан ҳам Худодан туғилганмиз!

Хизматчиларнинг: “Масиҳийлар ва гуноҳкорлар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, шунчаки масиҳийлар кечирилган”, деган сўзларни айтишлари мени ташвишлантиради. Бу бидъат ва у ўзи билан иккита даҳшатли нарсани олиб келади: биринчидан, у Худо Масиҳ орқали бизлар учун қилган ишнинг қадрини пасайтиради, иккинчидан, Унинг ваъдасининг кучини йўқ қилади, шу тарзда, бизлар гуноҳкорона истакларимиз тўфайли келиб қолган бу дунёнинг асирлигидан Худонинг халқи қутулишига тўсқинлик қилади.

Ҳатто табиат ҳам бу бидъатни инкор этади. Сиз қачондир шер чумчуқни ёки зотдор от чувалчангни дунёга келтирганини кўрганмисиз? Бизлар Худодан туғилганмиз ва биз Унинг болаларимиз. Бизларга айтилган: “Севганларим, биз энди (кейинчалик, самога келганимиздан кейин эмас) Худонинг фарзандларимиз...” (Юҳаннонинг 1-мактуби 3:2).

Биз Унинг севганлари эканлигимиз нурида, биз Унинг беғараз ҳуқ-атворини, шартсиз севгисини, таърифлаб бўлмайдиган қувончини, тушунишимиздан устун бўлган тинчлигини, ғайритабиий кучини, ўлчовсиз билим ва зийраклигини намоён қилишимиз лозим ва бу сўнгги рўйхат эмас! Ёзув бизларга буларни ва буларга ўхшаш фазилатларни кўплаб даражаларда ваъда беради, шунинг учун мен саволимни яна бир бора бераман: “Нима учун бизлар буларни ҳар биримизнинг ҳаётимизда ва бутун жамоат ҳаётида кўрмаймиз?”

Бу ва шунга ўхшаш бошқа саволларга жавоб беришдан олдин, мен сизни мазкур китобни ўқишга тайёрламоқчиман. Кейинги бир неча боблар салбий ва қўпол туюлиши мумкин, лекин мен сизларга ваъда бераман: сизлар жавоблар оласизлар ва улар қониқарли бўлади.

Шундай манзарани тасаввур қилинг: агар шифокор беморга бошланғич босқичида меланома деб ташхис қўйса ва унга амбулаторияда енгил жарроҳлик операциясини тайинласа, унинг қарори салбий туюлиши мумкин. Бемор ўзича ғазабланиши мумкин: “Мана омадсизлик! Мен саратон касаллигига йўлиқибман! Мен бу ҳақида эшитишни ҳам, бу

хасталиқдан қутулиш учун муолажалар қилишни ҳам истамайман. Лекин ўз ҳаётимни сақлаб қолиш учун мен бун қиламан”. Лекин бошқа хотимани тасаввур қилинг: агар шифокор муаммони инкор этса ва беморга шунчаки соғлом ҳаёт тарзи юритишни, мунтазам равишда жисмоний машғулотлар билан шуғулланишни, ўзига ижобий қарашни ва асабийлашмасдан яшашни маслаҳат берса, меланома жарроҳлик муолажаси қилишга кеч бўлиши даражасига ўсиб боради ва ўлим содир бўлади.

Худо бизларни жуда севади, шу учун бизларни чеклаши, ҳатто ўлдириши мумкин бўлган нарсани ташхис қилиш билан шуғулланмасдан қўймайди. У ижобий ҳаёт тарзи билан бизларни чеклаб турган нарсани олиб ташлашнинг иложи йўқлигини билади. Аниқроғи касаллик билан юзма-юз учрашиш ва шунчаки олиб ташлаш керак. У бизларнинг соғлиғимиз ва фаровонлигимиз учун жуда ғамхўрлик қиладиган Отадир.

Шунинг учун кейинги бобларни ўқиётиб, ёдда тутинг, ташхис керакли муолажаларни тайинлаш учун қўйилади. Бунинг натижасида сизга Ёзувда ваъда қилинган тўқинчилик ҳаётингизга ёғилади.

Саволга қандай жавоб бериш мумкин?

Агар Унинг Шоҳлиги бизнинг ичимизда бўлса, нима учун У самода бўлгани каби ерда ҳам йўқ? Нима учун Эски Аҳддаги баъзи имонлилар, камроқ ваъдаларга асосланган, “биринчи” аҳд иштирокчилари бизлар ҳозир яшаётганимиздан анча яхшироқ яшаган эдилар? Ёзув бу саволга кўп бора жавоб беради! Жавоблардан бири Повулнинг Коринфликларга жавобида битилган:

“Ҳар бир инсон ўзини текширсин, шундагина бу нондан есин ва бу косадан ичсин. Чунки кимки номуносиб тарзда еб-ичса, у Раббийнинг танаси ҳақида мулоҳаза қилмасдан, ўзига маҳкумлики еб-ичади. Шў сабабдан, сизларнинг кўпларингиз заиф ва касалсизлар, ҳатто ўлганлар ҳам оз эмас. Агар биз ўз-ўзимизни ҳукм қилганимизда эди, маҳкум бўлмас эдик. Биз бу дунё билан бирга маҳкум бўлмаслигимиз учун ҳозирги вақтда ҳукм қилиниб, Раббий томонидан жазоланмоқдамиз” (Коринфликларга 1-мактуб 11:28-32).

Повул коринфликлар кечликка қанчалик ҳурматсизлик билан муносабат қилганлини пайқади, бироқ кўпчилик ўйлагандек, уларнинг жоҳиллиги муайян

ҳаракатлар билан чекланиб қолмади. Улар нон синдириш вақтида бизга ўхшаб кечлик маросимини ўтказмаганлар, балки тўлақонли тушлик ейишган. Давомида биз тушуняпмизки, уларнинг бошига ҳукм ёғдирган муаммонинг илдизи айнан мана шунда бўлган, улар Худога бўйсунмаётганларини тушунишган ва шунга қарамай шундай йўл тутишда давом этишган.

Уларнинг хатти-ҳаракатлари учта оқибатга олиб келди: ожизлик, касаллик ва жисмоний ўлим. Охирги иккитаси тамомила тушунарли, бироқ биринчиси нимани англатади? “Ожизлик” кучнинг ва соғлиқнинг етишмаслиги, ҳолсизлик ва ночорлик деган маъноларни ўз ичига олади. Бу сўз ҳаётнинг бир талай соҳаларига тааллуқлидир. Умуман олганда бу бизлар қандай ҳаётга яратилган бўлсак, ўша ҳаётда яшаш учун ожизмиз деганини билдиради.

Энди Суперменга қайтайлик. Криптонит – у учун хавф туғдираган, унинг ҳолсизланишига сабаб бўлган моддадир. Супермен мисли йўқ қобилиятларга эга бўлган. У нотабиий ҳаракатларни амалга ошира олган, ғайримеъёрий билимга эга бўлган, ўткир сезгирлик, ноодатий кучга ва бенуқсон хулққа эга бўлган. Бироқ агар яқин атрофда криптонит бўлса, Супермен заиф ва касал ҳамда оддий инсонга қараганда анча заифроқ бўлиб қолар эди. Модомики у криптонит ёнида узоқ вақт қолиб кетса ҳатто ўлиб қолиши ҳам мумкин эди.

Моҳиятан ҳаворий Повул бизга криптонитнинг жамоатдаги ҳаракатини очиб беряпти. Бундай ҳолат бизни кучимиздан маҳрум қилади ва бизни илоҳий табиатнинг кучида яшашдан ушлаб туради.

Шоҳ Довуд бир пайтлар кўз ёш тўкиб, тавба қилмаганини ва ўзининг гуноҳини эътироф этмаганини тан олди: “Туну кун менинг устимдан Сенинг қўлинг оғир эди. Менинг тароватим ёзги қурғоқчиликдагидек йўқолди. Селаҳ!” (Санолар 31:4). The Message таржимасида шундай деб ёзилган: «Ҳаётимнинг шарбатлари қуриб кетди». Бошқа санода шундай битилган: “...Менинг гуноҳларим туфайли мадорим қолмади ва суякларим қуриб кетди” (Санолар 30:11).

Ёқуб қўйидагича ёзган: “... содир этилган гуноҳ ўлимни туғади. Суюкли биродарларим алданманглар” (Ёқуб 1:15, 16).

Ёқуб биз имонлиларга гуноҳнинг тузоғига тушиб қолмаслигимиз учун тушунарли тилда бизни огоҳлантириб мурожаат қиляпти. Агарда биз гуноҳ билан курашмасак, у имонлиларни, криптонит Суперменни соладиган аҳволга солади, уларни ҳаттоки ўлимга йўлиқтиради. Шундай экан, Повул севувчи руҳий ота сифатида Коринф жамоатини ва бизни руҳий криптонитнинг таъсири ҳақида огоҳлантиряпти.

Кучли огоҳлантириш

Биринчи навбатда ушбу синовчи оятлардаги огоҳлантиришга урғу бериш зарур. Повул: “Манашу нарса орангиздаги ҳар қандай заифликнинг, касалликнинг ва барвақт ўлимнинг сабабидир” – демаяпти. Бошқа сўз билан айтганда, у барча синовлар, касалликлар ва ўлим гуноҳ туфайли келиб чиқади демаяпти. Биз имонлилар кўпинча қийинчиликлар билан курашамиз, чунки биз реал бўлган табиат ва шайтоний кучлар бор бўлган ҳамда вайрон бўлган дунёда яшаймиз.

Масалан, Инжилда Исо шогирдлари билан кўр бўлиб туғилган одамнинг ёнидан ўтганини ҳикоя қиладиган воқеа бор. Шунда шогирдлари Ундан сўрадилар: *“Нима учун у кўр туғилган, ким гуноҳ қилган ўзими ёки ота-онасими?”* (Юҳанно 9:2). Улар бу одам биргина сабабга кўра – гуноҳ туфайли кўр бўлиб туғилган деган тўхтамга келишган.

Исо шу заҳоти жавоб берди: “У ҳам, ота-онаси ҳам гуноҳ қилгани йўқ”. Исо зудлик ва қатъият билан бундай нотўғри ва ваҳимали фикрларни рад этди. Заифликларнинг, касалликларнинг ва ўлимнинг ҳаммаси ҳам гуноҳ туфайли келмайди.

Элифаз, Билдад ва Сафар ҳам Аюб ҳақида ҳудди шундай фикрларга бориб, Аюбни танқид қилишди. Улар айблов қўйган жойларда Аюбнинг азоблари унинг гуноҳлари билан боғлиқ деб айтишган. (Аюб 5:17; 8:4-6; 11:13-15; 22:1-11 га қarang). Шундай бўлса-да, Худо Аюб азият чекишидан аввал у ҳақда мақтаниб шундай сўзларни тилга олди: *“... ер юзиди у каби бенуқсон, адолатли, Худодан қўрқадиган ва ёвузликдан узоқлашадиган киши йўқдир”* (Аюб 1:8). Аюбнинг азоблари гуноҳ ёки нуқсон билан боғлиқ эмас эди. Худо маълум бир вақтгача сукут сақлади, кейин У Элифазга деди: “Менинг ғазабим сенга ва сенинг иккала дўстинга қарши алангаланмоқда, чунки сизлар Менинг қулим Аюб каби Мен ҳақимда тўғри гапирмадингизлар” (Аюб 42:7). Биз Худони инсоннинг гуноҳи учун тузатади ва жазолайдиган деб тасвирлаймиз. Аслида эса У бунақа эмас, аксинча биз шу тарзда Унинг феълига қарши жиддий айбловларни илгари сураётган бўламиз.

Кўп йиллар аввал, мен ёш имонли бўлганимда, кўплаб жамоат давраларида, агар одамлар қийинчиликлар билан тўқнаш келишса, улар гуноҳни важ қилиб ҳукм қилишларини эшитганман. Баъзи инсонларда ҳозир ҳам илгаригидек шунақа тафаккур бор, лекин бахтимизга бугун камчилик одамлар шундай деб ўйлайди. Муқаддас Китоб таълимоти ва яхши етакчилик жамоатдаги ушбу даҳшатни илдизи билан деярли йўқ қилди. Бу каби фикрларни айтган одамларнинг оҳанги хунук, ҳукмловчилик ва ҳатто

нафрат билан жарангларди. Афсуски, бу таълимот баъзи одамларни имондан қайтарди.

Бошқа томондан, биз Исонинг, ўттиз саккиз йил мобайнида қийнаган дарддан шифо топган кишига айтган сўзларини эсга олишимиз керак: “Мана, сен шифо топдинг, энди янада ёмонроқ нарса бошингга тушмаслиги учун бошқа гуноҳ қилма” (Юҳанно 5:14). Исо тасдиқлаган нарсани, яъни гуноҳ ёмон оқибатлар ва синовлар учун эшик очиб беришини инкор этиб бўлмайди. Исо ўша инсонни шу қадар севдики, Ўзининг ҳаётини у учун қурбон қилди. У айнан Ўзининг оташин севгиси билан уни огоҳлантирди.

Биз бу каби масалаларни ечишдан қочганимизда бизда ҳақиқий севги танқис эканини намойиш қиламиз. Бошқалар бизни қўпол, айбловчи ва ҳукм қилувчи деб ўйламасликлари учун ўзимизни тийиб турамиз, бироқ ўзимизнинг сукутимиз билан бошқа чегарадан чиқамиз. Бундай ҳолда биз ҳали-ҳануз Повул таърифлаган ҳолатда қолган бўламиз, орамизда кўпчилигимиз заиф ва касал бўлиб юрамиз, шунингдек барвақт ўлиб кетишимиз ҳам мумкин. Наҳотки бу севги бўлса? Наҳотки бу ғамхўрлик бўлса?

Биз одамларга нима деб жавоб беришни биламиз, бироқ гапиришга шошилмаймиз, чунки улар бизни тушунишмайди деб қўрқамиз. Келинг, виждонан гапирамиз: бизнинг севгимиз нимага қаратилган? Биз ҳам Исо ва Повул жамоатга ҳақиқатни айтиб севганидек севаимизми? Ёки биз ўзимизга, издошларимизни йўқотишдан ёки нотўғри тушунилган бўлишдан қўрқиб, ўз обрўйимизга қадалиб қолганмизми?

Менинг йўлим

Мен хизматимнинг бошида доим ҳаммага далда беришга ва атрофимдагилар билан жон-жаҳдим билан ижобий муносабатда бўлишга ҳаракат қилар эдим. Мен қаршиликлардан вабодан қочгандек қочар эдим. Мен бахслашмасам бўлгани деб баъзида ёлғон ҳам гапирар эдим ва фақат яхши сўзларни айтар эдим. Одамлар Жон Бивер ҳақида: “У жуда яхши, жамоатимизнинг энг ёқимли кишилардан бири” – дер эдилар. Бундай сўзлар менгача етиб келар ва улар менинг жонимга оро берар эди.

Бир куни менга Худо ибодат қилаётганимда деди: “Одамлар сени жамоатнинг энг ёқимли кишиларидан бир дейишяпти, шу тўғрими?”

Мен жавоб бердим: “Ҳа, шундай дейишяпти”. Мен Худо ҳам мендан мамнун деб ўйладим, аммо Муқаддас Рухнинг оҳангидан ва ишорасидан бу масалада Унинг фикри бошқача эканини сездим.

Унинг кейинги сўзлари менинг гумонимни тасдиқлади. У: “Ўғлим, сен бу

жамоатдаги одамларни севмайсан” – деди.

Мен хижолатда қолдим ва Унга ножўя сўзларни гапирдим: “Нима? Мен одамларни севаман, улар мени севишимни тасдиқлаяптилар”.

Сўнгра У қўшимча қилиб: “Сен нима сабабдан ҳар қандай сўзлашишда нуқул ижобий ва руҳлантирувчи сўзларни гапиришингни биласанми?” – деди.

Мен эҳтиёткорлик билан: “Нима сабабдан?” – деб сўрадим.

“Чунки сени рад этишларидан қўрқасан” – деб жавоб қилди Раббий. Мен мағлۇб ва чилпарчин бўлдим, мен гапириш учун керакли сўзларни тополмай қолдим.

У давом этиб: “Агар сен одамларни чиндан ҳам севганингда эди, улар сенинг сўзларингни ва ўзингни рад этишлари мумкинлигини билсанг ҳам, уларга ҳақиқатни гапирган бўлардинг” – деди.

Ҳаётимнинг ҳал қилувчи пайти келди. Мен бир зумда ўзгариб қолиб, бошқа чегарадан чиқишни бошладим. Энди мен ҳақиқатни айтишни бошладим, бироқ буни қўполлик ва андишасизлик билан амалга оширар эдим, чунки менга илгаригидек энг муҳим сифат бўлмиш, ҳақиқий севги етишмас эди. Мен кўп жойларга бориб, кичик жамоатларда хизмат қилар эдим ва минг афсуски, қўйларни савалар эдим. Ортимга қараб, одамларни койиганимдан, уларга сариқ чақа ачинмаганимдан афсусдаман. Мен келиб кетганимдан сўнг, жамоатларини тартибга келтиришига тўғри келган чўпонларни ўйласанг, уларга раҳминг келади.

2001-йили мен Европанинг йирик жамоатларининг биридаги катта анжуманда хизмат қилдим. Бир неча ойлардан сўнг дунёнинг учта қитъасидаги турли одамлардан, шу жамоатнинг чўпони ўзининг бош етакчиларига мен қўйларга нисбатан қўполлик қилганим ва уларни аёвсизлик билан урганим ҳақида айтганини эшитдим. У ҳақ эди.

Бу қайғули хабар мени тиз чўкишимга мажбур қилди. Мен ибодат қилдим, аниқроғи Худога хитоб қилдим, Ундан юрагимни ўзининг севгиси билан ва Унинг одамларига нисбатан раҳмдиллик билан тўлдиришини илтижо қилиб сўрадим. У мен сўраган нарсани берди. Хизмат қилаётган одамларингни чин юракдан севиш нима эканини ҳаётимда илк бора тушуниб етдим.

Баъзилар эмас, кўплар

Эсингиздами, Повул Коринф жамоатини иштиёқ билан севган. Унинг ёзган сўзлари бунинг исботидир: “Нима учун? Сизларни севмаганим учунми? Худо буни билади!” (Коринфликларга 2-мактуб 11:11).

Ушбу мактубнинг бошқа қисмида у шундай деб ёзипти: “Зеро мен сизларни хафа қилиш учун эмас, балки сизларга бўлган чексиз севгимни билишингиз учун чуқур қайғу ва юрак изтиробидан ҳамда кўп кўз ёшлар билан ёздим” (Коринфликларга 2-мактуб 2:4). Бу жамоат уни нотўғри тушунди. Улар Повулнинг тузатишини ва огоҳлантиришини севги танқислигининг аломати деб ўйладилар. Албатта бунақанги нарса жамоатда ва бошқа ҳар қандай жойда рўй бериши мумкин. Кўплаб одамлар ўзларини мендек қаттиққўл, ҳаддан зиёд жиддий, эътирозсиз тутишади, самимий севги, ғамхўрлик ва ҳамдардлик кўрсатмайдилар. Улар чиройли сўзлаб, энг дадил гапларни айтишлари, бироқ шу билан бирга ўз ниятининг холислигида адашишлари мумкин. Кўплаб одамлар ҳокимиятни шу тарзда суистеъмол қилишининг қурбони бўлишди. Бироқ тузатиш ва огоҳлантиришнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Повул гоҳида ўз сўзларида қаттиққўл бўлган. У тўғрилайди ва фош қилади, бироқ у бунинг барчасини пок, самимий ва иштиёқли севгига тўлган юрак билан амалга оширади.

Повул шу мактубнинг давомида ёзипти: “Мен эса ўзимни сизларнинг жонларингиз учун бажонидил сарф қиламан ва сарф бўламан. Мен сизларни ҳаддан ташқари севсам ҳам, сизлар томондан камроқ севилмоқдаман” (Коринфликларга 2-мактуб 12:15). У ўзининг аламини яширмайпти. Улар унинг севгисини ва уларнинг фаровонлиги ҳақидаги теран ташвишларини тушунмадилар ва энди Повулни тошбағир етакчи, ўзининг ноғорасига ўйнатишни истайдиган одам деб қабул қилишяпти.

Илтимос, тўғри тушунинг, Повул гарчи кескин сўзласа-да, у уларни иштиёқ билан севгани учун уларнинг кўплари заиф эканини, соғлиғидамуаммоси борлигини ва барвақт ўлаётганини кўриб ачиниб гапиряпти.

Агарда у “баъзиларингиз” деганида бунинг томоқдан ўтказиш осонроқ бўларди, бироқ у атайлаб “кўпларингиз” деяпти. Унинг сўзларидан очилган ҳақиқатга кўз юмиш мумкинми? Агар ушбу ҳақиқат ўша пайтда уларга тааллуқли бўлган бўлса, у бугун бизга ҳам тааллуқли эмасми? Ахир, бу ҳақиқат бир марталик бўлса эди, Худо ушбу ҳодисани Ёзувга киритишга йўл қўйган бўлармиди? Демак, бу ҳақиқат бугун бизга ҳам тааллуқли эмасми? Бунинг жавоби “ҳа” эканини тушуниш қийин эмас.

Охириги далил: Повул жамоатдаги шунчаки нон синдириш маросимига мурожаат қилмаяпти. Унинг сўзларида бир назар солишда кўрадиган нарсалардан кўра, анча кўпроқ маъно ётибди, кўпларимиз, шунингдек мен ҳам узоқ йиллар давомида бутун мактубни ўрганиб чиқмаганмиз. Кейинги бобда биз унинг сўзларидаги маънога шўнғиймиз.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Ортга қайтиб бобнинг бошини қайта ўқиб чиқинг, ўзингизга сиз нимага қодир эканингизни эслатинг. Сиз нимага даъват қилинганингизни ёдда сақланг: “Севги бизда шундай камолотга эришадики, ҳукм кунида дадил бўламиз, чунки биз бу дунёда Масих кабимиз”(Юҳаннонинг 1-мактуби 4:17). Худо қачонлардир бошқа ҳаётда эмас, ҳозирнинг ўзида сизни Исо каби яшашга чақиряпти.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб ўзингизнинг кундалик ҳаётингиз ҳақида қандай фикрдасиз? Эҳтимол, сиз Масихдаги имкониятингизни тушунмагунингизча ўзингизни заифмасман деб тасаввур қилгандирсиз. Бироқ энди буни тушунгандан сўнг ўзингизни кучли деб ҳисоблаяпсизми ёки заиф дебми? Агар заиф деб ҳисобласангиз, демак ўзингизни оқилона баҳолабсиз. Зеро Худонинг кучи ҳаммадан ҳам кўра бизнинг заифликларимизда намоём бўлишини таъкидлаяпти. (Коринфликларга 2-мактуб 12:9).

Биз Худонинг қаршисида ўзимизни бўйсундирганимиздан кейингина У бизнинг заифликларимизни кучга айлантиради (Петъорнинг 1-мактуби 5:5). Ҳаётингизда қанақа заифликлар бўлишидан қатъий назар, Худодан уларнинг сабабини очиб беришини сўранг. Уларни ёзиб олинг, сўнгра Ундан уларнинг ҳар биридан озод бўлишнинг йўлини сўранг. Вақт ажратинг ва Худодан ҳар бир заифликни қандай қилиб кучга айлантириш тўғрисидаги йўл-йўриқларни ёзиб олинг.

БИТТА

Повул севган жамоатга ёзган сўзларини яна бир бор ўқиймиз:

“Ҳар бир инсон ўзини текширсин, шундагина бу нондан есин ва бу косадан ичсин. Чунки кимки номуносиб тарзда еб-ичса, у Раббийнинг танаси ҳақида мулоҳаза қилмасдан, ўзига маҳкумлики еб-ичади. Шу сабабдан сизларнинг кўпларингиз заиф ва касалсизлар, ҳатто ўлганлар ҳам оз эмас. Зеро агар биз ўз-ўзимизни ҳукм қилганимизда эди, маҳкум бўлмас эдик” (Коринфликларга 1-мактуб 11:28-31).

Ушбу бобда биз Повулнинг “Раббийнинг Танаси ҳақида мулоҳаза қилмасдан” деган сўзларига тўхталамиз. Биринчидан, у айрим одамларга эмас, балки ушбу жамоатдаги ҳар бир кишига, яъни Коринф шахридаги жамоатнинг барча имонлиларига қарата гапиряпти.

Ўтган ўн йиллар давомида Исо Масих билан шахсий муносабатга эга бўлишга кучли урғу берилар эди. Албатта, бу масиҳийликнинг жуда ҳам муҳим ва муайян соҳасидир. Бироқ жамоат бу битта тана деган бирликка шу қадар кучли урғу берилмади. Бошқача сўз билан айтганда, Масихдаги бирликка эга бўлишга урғу берилмади. Иккала ҳақиқатни ҳам эътиборга олиш зарур, уларнинг бирортасини ҳам менсимаслик керак эмас.

Иккинчидан, келинг Повулнинг сўзларини Муқаддас Китобнинг бошқа таржимасидан кўриб чиқамиз (New King James Version). Ёзилганки, кўпларимиз “Раббийнинг Танасини аҳамиятини англамасдан”, заифмиз, касалмиз ва барвақт ўлапмиз (29 оят). Иккала таржимани ҳам ўрганиб

чиқиб, унинг сўзларидаги мазмуннинг тўлиқ суръатини кўряпмиз.

Унинг маъносига шўнғиш учун Коринфликларга Биринчи мактубнинг илгариги бобини очиш зарур. У ерда Повул Исроилнинг Мисрдан халос бўлгани ва саҳрода ўтказган даври ҳақида мулоҳаза юритади. Ушбу мулоҳазалар орасида у уларга бу воқеани нима мақсадда эслатаётганини тушунтирган: “Буларнинг ҳаммаси уларда намуна сифатида содир бўлган. Бизга эса, замоннинг охирига етганларга – булар огоҳлантириш учун ёзиб қолдирилган” (Коринфликларга 1-мактуб 10:11). Повул шунчаки тарихдан дарс бермаяпти, ҳойнаҳой, бизни муайян суддан сақлаб қолиш учун муҳим бўлган нарса ҳақида огоҳлантиряпти.

Ҳаворий, исроилликлар саҳродан қай тарзда ўтганликлари ҳақида мулоҳаза юришиб, уларнинг Худо билан бўлган аҳд муносабатларини тасвирлаб берган. У таъкидлаптики, ҳамма Худонинг Рухи билан бошқарилган (булут), ҳамма Мисрдан халос этилган (дунёнинг тимсоли), ҳамма сувга чўмдирилган (яъни бизлар битта Танага чўмдирилдик), ҳамма ўша бир хил руҳий озқани истеъмол қилди ва ҳамма ўша бир хил руҳий сувни ичди (Худонинг Сўзини ичди), - шубҳасиз у ҳамма сўзига урғу берган. Сўнгра улар билан юрган қоятош, Масих эди деб хотима ясапти. Повул аниқ мана шунга ишора қиляпти, яъни уларнинг ҳаммаси битта Тана бўлган ва ҳаммаси аҳдни сақловчи битта Худога тегишли бўлган. Бунинг бариси бизга, Масихнинг Танасига тўғридан-тўғри тааллуқлидир.

Сўнгра Повул эсанкиратадиган сўзларни айтяпти: “Лекин Худо уларнинг кўпларига илтифот қилмади, зеро улар саҳрода йўқ қилиндилар” (10:5). Худо бизни жуда қаттиқ севади, биз бунини тушунишимиз мумкин бўлгандан ҳам кучлироқ севади. Биз ҳеч қачон Уни бизни кўпроқ ёки камроқ севишга мажбурлай олмаймиз. Бироқ шу билан бирга шунини ҳам таъкидлаш керакки, У илтифот қилиши бизга ҳам боғлиқ. Анашу сабабга кўра Повул: “Унга маъқул бўлиш учун жонбозлик қилмоқдамиз” – деган (Коринфликларга 2-мактуб 5:9). Ҳар биримиз учун бу биринчи даражали мақсад бўлиши шарт.

Нима сабабдан Эски Аҳд давридаги одамлар Худо уларга ваъда қилган нарсаларни кўрмасдан ўлиб кетишди? Повул уларнинг қулашига сабабчи бўлган бешта гуноҳни санаб ўтйпти: очкўзлик (Худодан бўлмаган нарсани ёки У биз учун тайинламаган нарсаларни кучли исташ), бутпарастлик, жинсий бузуқлик, Худони синаш ва шикоятлар. Бир неча оятлардан сўнг Повул ёзйпти:

“Мен сизларга бунини фаросатлиларга айтгандай айтйпман. Сўзларим ҳақида ўзларингиз мулоҳаза қилинлар. Биз дуо қилаётган “дуойи баракат косаси” Масихнинг қонига дахлдор

бўлиш эмасми? Биз синдираётган нон Масиҳнинг Танасига дахлдор бўлиш эмасми? Шундай қилиб, битта нон бутун бўлганидек, биз ҳам кўпчилик бўлиб, битта танамиз, чунки ҳаммамиз битта нонда иштирок этамиз. Эски Аҳддаги Исроилга бир қаранглар: қурбонликни еган руҳонийлар қурбонгоҳга дахлдор бўлмаганларми?” (Коринфликларга 1-мактуб 10:15-18).

Повул бу ерда яна дахлдорлик ёки нон синдириш мавзусини кўтаряпти ва Коринфликларга биринчи мактубнинг 11-бобида кўтарилган аниқ мавзунинг: “Раббийнинг танаси ҳақида мулоҳаза қилмадинглар” деган мавзунинг кўламдор суратини кўрсатяпти. У бизни кўпчилик эканимизни, алоҳида одамларнинг кўплигини ва ҳар биримиз Худо билан Исо Масиҳ орқали шахсий муносабатга эга эканимизни тан оляпти. Бироқ бошқа томондан, Худонинг кўз ўнгиде биз биттамыз. Бу Повулнинг сўзларидаги асосий фикр. Биз Масиҳнинг битта танасимиз, биз Исроил битта бўлганидай биттамыз.

Шу боис биз шундай савол беришимиз лозим: Бизни заиф ва касал қилган, барвақт ўлимга олиб келган суд бўлиб ўтдимиз? Ҳар бир гуноҳ қилувчи ёки Коринфдаги баъзи аъзоларнинг ҳатти-ҳаракатлари оқибатида азият чекаётган бутун Масиҳ Танаси устидан ҳукм тайинландими? Мени нотўғри тушунманг, мен алоҳида тўхталмоқчиман: инсон атайин ва мудом қилган гуноҳларининг шахсий оқибатлари мавжуд, лекин ҳозир келинг, Повул бизга очиб берган ҳақиқатга тўхталамиз. У барча имонлиларга – битта Танага, жамоатга, бир бутун халққа мурожаат қиляпти. Ушбу ҳолатда эса – Коринф шаҳридаги Масиҳнинг Танасига мурожаат этипти.

Бир кишининг очкўз ҳаракати

Келинг бизга мисол қолдирган Исроилликларга қайтайлик. Фақат янаги авлодга, Нўн ўғли Йешуа етаклаган халққа назар соламиз. Бу имонлилар Танаси Ўрдун дарёсини далиллик билан кесиб ўтди ва ўзларининг ваъда қилинган ерига келди. Уларнинг биринчи вазифаси Йерихон шаҳрини йўқ қилиш эди. Шубҳасиз, бу осон топшириқ эмас эди, аммо Худо яна Ўзининг қудратли кучини намоён қилди. У Нўн ўғли Йешуага аниқ кўрсатмаларни берди, уларга қуйидагича буйруқ берилган эди:

“Бироқ лаънатланган нарсалардан бирор нима олиб ўзингиз лаънат остида қолмаслигингиз учун ва Исроил ўғилларининг қароргоҳига лаънат олиб келмаслик ҳамда унинг бошига

кулфат солмаслик учун ўзингизни лаънатланган нарсалардан асранг. Барча кумуш ва олтин, мис ва темир идишлар Раббийга бағишланган муқаддасворлик бўлсин ва Раббийнинг хазинасига кирсин” (Йешуа 6:17-19).

Йерихондаги бор ўлжа Худонинг хазинаси учун аталган эди. Барча нарса фақат Худога аталган эди, шахсий фойдаланиш учун исроилликлар ўзларига бирор нима олишлари тақиқланган эди.

Хужум вақтида Худонинг халқига ўқ тегмади. Улар шаҳарда бўлган бор тирик мавжудотни шамширлари билан қирғин қилдилар – эркак ва аёлларни, ёшу қариларни, қорамолни, қўйларни, эчки ва эшакларни. Сўнгра улар шаҳарни ва Худонинг уйининг хазинаси учун аталган олтин, мис ва темирдан бўлак шаҳардаги ҳамма нарсани ёқиб юбордилар. Таажжубки, исроилликларнинг орасида битта ҳам ҳалок бўлган ёки яралангани бўлмади.

Биз бу шаҳар, олдинги авлоддан одамлар айғоқчилик қилиб, ундаги аҳвол тўғрисида Мусога ҳисобот берган шаҳарлардан бири эканини ёдда сақлашимиз лозим: “Бироқ у ерда яшайдиган халқ кучли ва шаҳарлари мустаҳкамланган, ўта катта шаҳарлар...” – эди (Сонлар 13:29). Айнан балоғат ёшига етган биринчи авлод болалари мана шу мустаҳкам шаҳарга ҳужум қилди ва уни ўзларининг сафидан бўлган бирор кишини йўқотмай тор-мор этишди. Исроил ушбу жангда ғайритабиий қудратни кўрсатди. Бироқ сўнгида ёзилган: “Бироқ Исроил ўғиллари хиёнат қилдилар ва лаънатланган нарсадан олдилар. Яҳудо қабиласидан Зераҳ ўғли, Забди ўғли, Кармининг ўғли Ахан лаънатланган нарсадан олди ва Раббийнинг ғазаби Исроил ўғилларига қарши алангаланди” (Йешуа 7:1).

Эътибор беринг, Ёзув: “Ахан исмли киши жинойат қилди” демаяпти. Бу ерда: “Исроил ўғиллари жинойат қилдилар” деб ёзилган. Яна “Раббийнинг ғазаби Исроил ўғилларига қарши алангаланди” деб ёзилгани ҳам қизиқ. Бу ерда: “Раббийнинг ғазаби Аханга қарши алангаланди” – деб ёзилмаган. Исроил бир бутун эди ва бир киши ўзининг очкўзлиги туфайли Худонинг қарорини бузиб гуноҳ қилди, лекин ўша бир кишининг қилмиши учун бутун Исроил жавоб беришига тўғри келди.

Фожеали оқибатлар тез орада кўзга ташланди. Хужум қилиш учун навбатдаги шаҳар ғай эди. У жуда митти шаҳар эди, шу боис бошлиқлар шундай деди: “Улар Йешуанинг олдига келиб, унга: “Бутун халқ бормасин, балки икки ёки уч мингга яқин одам бориб, ғайни яксон қилсин. Бутун халқни уринтириб ўтирма, чунки уларнинг сони оз,” – деди. Шундай қилиб,

халқдан уч мингга яқин одам у ерга кетди, бироқ улар Ғайнинг аҳолисидан қочиб келдилар” (Йешуа 7:3, 4).

Йерихон олдидаги жангда чамаси олти юз минг аскар иштирок этди. Бу ғай шаҳри Йерихонга қаранганда қанчалик кичик шаҳар эканининг исботи. Бироқ сўнгида шундай деб ёзилган:

“... бироқ улар Ғайнинг аҳолисидан қочиб келдилар. Ғайнинг одамлари улардан ўттиз олти нафаргача одамни ўлдирдилар ва уларни дарвозанинг олдидан Шебаримгача таъқиб қилдилар ҳамда уларни тоғдан тушиш жойида қирғин қилдилар. Шу сабабдан, халқнинг юраги бўшашиб, сув каби бўлиб қолди” (Йешуа 7:4, 5).

Яқиндагина анча йирик ва бақувват бўлган Йерихон шаҳри билан жанг қилиб, битта ҳам одамини йўқотмаган ўша халқ шуми? Аммо энди аскарлар ҳадиксираб қолиб, чекинишни бошладилар ва тумтарақай бўлиб ортга қочишга мажбур бўлдилар. Улар криптонитнинг таъсирига тушдилар.

Аттанг, ўттиз олти киши ҳалок бўлди. Улар Йерихон этагида заиф эмасдилар, ҳеч ким чекинмаган эди, ҳеч ким жароҳат олгани ёки ўлгани йўқ эди!

Келинг шу ҳақда мулоҳаза юритамиз: Ахан гуноҳ қилди, аммо у ва унинг оиласи билан ҳеч нима бўлмади. Бошқа томондан эса, Ғай этагидаги жангдан сўнг ўттиз олтита она ва ўттиз олтита отанинг ўғиллари жанг майдонидан тирик қайтиб келмади. Ўттиз олтита хотиннинг эри тирик ёки соғ-омон қайтмади. Бир талай фарзандлар ўзларининг отасини бошқа кўрмайдиган бўлиб қолди. Бунинг сабаби уларнинг ўғли, эри ёки отаси қандайдир бир ножўя иш қилиб қўйганида эмасди – улар беайб эди. Бу фожеа бошқа оиладан бўлган бир кишининг қилмиши туфайли содир бўлди!

Энди Исроил қўрқиб қолди. Йешуа ва барча етакчилар Худонинг қаршисида тиз чўкдилар. Сиз бундай тасвирни ҳаёлингизга келтира оласизми? Улар довдираб қолдилар ва саросимага тушиб хитоб қилдилар: “Ё, Раббий Худо! Нима учун сен ушбу халқни Йордандан олиб ўтдинг? Бизларни амўрликларнинг қўлига топшириш ва бизни қириб ташлаш учунми? Қани эди, бизлар Йорданнинг у томонида қолиб яшасак эди!” (Йешуа 7:7).

Раббий нима деб жавоб берганига қулоқ солинг: “Ўрнингдан тур, нима учун сен юз тубан йиқилдинг? Исроил гуноҳ қилди ва улар Мен уларга буюрган Аҳдимни бузди...” (Йешуа 7:10, 11).

Худо: “Орангизда бир киши гуноҳ қилди” демаяпти. Йўқ, У: “Исроил гуноҳ қилди!” –деб яна такрор айтяпти. Ҳеч ким Ахан гуноҳ қилганини билмас эди. Ҳеч ким унинг фойда кетидан қувганини кўрмади. Шундай бўлса-да, бутун Тана руҳий криптонитнинг таъсиридан азият чекди. Сўнгра Нўн ўғли Йешуа айб кимдалигини билиб олди ва Ахан билан муҳокама қилишни бошлаганда, у жавобан шундай деди:

“Аниқ, мен Исроилнинг Раббий Худосига қарши гуноҳ қилдим ва мана шундай қилдим: Мен ўлжаларнинг орасида бир ажойиб Шинар кийимини, икки юз шеқел кумуш ва эллик шеқел оғирликдаги қўйма олтинни кўрганимда, мен уларни жуда ҳам хоҳладим ва олдим” (Йешуа 7:20, 21).

Нўн ўғли Йешуа ва етакчилар Аханни унинг гуноҳи учун қаттиқ жазоладилар ва улар бу муаммога барҳам берганлариданоқ, шундай сўзларни ўқиймиз: “Шундан сўнг, Раббий ғзабининг қаҳри сўнди” (Йешуа 7:26).

Мисол

Эски Аҳднинг бу ҳодисаси Повулнинг Коринф жамоатига ёзган мактубини тасвирлайди, у шундай дейди: “Шу сабаб кўпларингиз заиф, касал ва ўлаётганлар кам эмас”. Биз кейинги бобда бир киши томонидан содир этилган гуноҳ, уни содир этган биргина кишига эмас, балки бутун жамоатга таъсир қилишини кўряпмиз.

Сизда, нима сабабдан бугун жамоатда кўплаб одамлар заиф ва доимий касалликлар ва хасталиклардан азоб чекапти деган савол туғилганми?

Бизнинг қимматли биродарларимиз ва опа-сингилларимиз, ўзларининг касалликларидан қутулмайдигандек туюлади, баъзилар эса ҳатто барвақт ўлишяпти. Нима учун жамоатларимизда мурувват ёрдамни олаётган ва қозонини аранг қайнатаётган якка-оналар жуда кўп? Нима учун ишсиз ёки ўта оғир шароитларда яшаб давлатга қарам бўлиб қолган имонлилар шунчалик кўп?

Биз заифлигимиз туфайли енгиб бўлмасдек туюладиган қийинчиликларнинг рўйхати қарийб чексиз.

Сулаймоннинг даврида давлатнинг қаромоғида ёки ишсиз бўлган битта ҳам одам бўлмаган. Ҳаворийлар китобининг даврида одамларда бирор нарсада камчилик бўлмаган. Улар бир зумда хасталиклардан, касалликлардан ва заифликлардан шифо топган. Нима учун биз бунини бугун кўрмаймиз? Бизлар Исроил ғайи этагида кўрган кўргуликни бошимиздан ўтказаятган бўлишимиз мумкинми?

Яна бир бор таъкидлайман, инсон ўзи учун қаноат топадиган гуноҳининг

оқибатида шахсан ўзи ҳам азоб чекади. Ахан ахийри суд бўлиб жазоланди, бироқ бутун Исроил унинг гуноҳи туфайли руҳий криптонитнинг таъсири остига тушди. Умид қиламанки, бу масалани ўрганишда давоб этиб, Масих Танасининг бир қисми бўлиш, Исо билан қай даражада шахсий муносабатга эга бўлиш билан боғлиқ эканини билиб оласиз. Шунингдек, битта аъзонинг ҳаракатлари Тананинг бошқа қисмларига ёки барака, ёки азоб олиб келиши мумкинлигини ҳам англаб етасиз.

Ушбу бобни тугатаётиб шуни таъкидламоқчиманки, озодлик келтирадиган ҳақиқатни ўрганганимизда, баъзида у бизга салбий оламда кўрамиз ва миямизга “у ҳақда гапиришнинг нима кераги бор ўзи?” деган фикрлар чирмашиб қолади. Бироқ ахийри, ҳақиқат ёруғликка чиққанида, у сизни илгари боғлаб турган ҳамма нарсадан озод қилади.

Исо Масих: “Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади” – деган (Юҳанно 8:32).

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Эҳтимол сиз “Гладиатор” фильмини кўргандирсиз ва бош ҳарбий Максимус: “Биргаликда турамыз! Бир кишидек!” – деб бақиргани ёдингиздами? Бу услуб ғалаба келтирганининг гувоҳи бўлдингиз. Сир эмаски, энг самарали ҳарбий режа – бўлиб ташлаш ва ҳокимлик қилишдир.

Исо бу ҳақда жуда яхши билар эди ва ўз ўзидан бўлинган уй турмайди деб ўргатган (Матто 12:25 қаранг). Масихнинг Танасида Унга садоқатли бўлиш масаласида бўлиниш бўлса, у заиф бўлиб қолади. Жамоат дунё миқёсида таъсир қила олиши учун сиз қилишингиз мумкин бўлган энг буюк иш – Худонинг мақсадларига тўлиқ бағишланиб яшашдир. Бу Унга сажда рамзи сифатида кундалик ишларимизни бағишлаб яшашни англатади.

Худо фақат ҳар якшанба кўни эрталаб эмас, балки бутун ҳаётингизда иштирок этишни истади. Агарда сиз ишингизни, оилангизни, қизиқишларингизни ва ҳоказоларни Унга бўйсундирмай ҳамда Унга ҳамма нарсда сажда қилмай яшаётган бўлсангиз, бугун тавба қилинг. Исодан сиз учун саждали ҳаётнинг тасвири қанақа эканини кўрсатишини сўранг. У сизга нимани кўрсатса ёки айтса, ўзингизни Худога тўлиқ бағишланг ва Худонинг Руҳи сизни тўлдиришини ва янгилашини сўранг.

ЮҚУМЛИ КРИПТОНИТ

“Худо бизнинг танамизни шундай қилиб яратдики, токи биз жамоат, ундан намуна олиб биргаликда қандай яшашимиз кераклигини тушунайлик” (Коринфликларга 1-мактуб 12:25).

Сизнинг танангиз қандай тузилгани ҳақида ўйлаб кўринг ва уларнинг барча аъзолари бир-биридан узоқ жойлашган бўлса ҳам улар қанчалик бир-бирига боғлиқ экани ҳақида фикр юритинг. Оёқдаги жимжилоқ бурун билан боғлиқ, жигар тиззалар билан, оғиз эса умуртқа мияси билан боғлиқ ва ҳоказо. Алоҳида яшай оладиган битта ҳам тана аъзоси мавжуд эмас. Акс ҳолда у тананинг аъзоси бўлмас эди.

Агар битта аъзо оғриётган бўлса, наҳотки у билан бошқа аъзолар ҳам оғримайди? Агар танамизга юқумли касалликлар кирса, улар аста-секин бутун танани қамраб олади ва иштахани йўқотишга олиб келади, куч сўнади, фикрлаш хиралашади, оғриқ ва сиқилишлар пайдо бўлади. Бошқа томондан агар оғриётган битта аъзо яхши бўлиб кетса, бутун танамиз қувонади. Агар бел ёки бош уқаланса, мушакларнинг тортилиши тезда кетади ва бутун танага енгиллик ва бахтиёрлик қўйилиб келади. Танага қўл теккизилганда у бутунлай қувониб, ором олади.

Биз жамоат сифатида бирмиз. Исроил ҳам бир бўлиб, то Ахан атайин гуноҳ қилгунига қадар, биз учун мисол бўлди. Унинг гуноҳи нафақат унга, балки бутун халққа ҳам таъсир қилди. Исроил Йерихон олдида енгилмас эди, бироқ атиги бир неча кундан сўнг шундай қўшин заиф бўлиб қолди, у осонгина таслим бўлиб, душмандан йўқотишлар билан қочиб кетди. Тимсол қилиб айтганда халқ руҳий криптонитнинг таъсирига тушди. Коринфдаги

жамоат ҳам шуни бошидан ўтказмадимми? Яқинроқдан назар солсак биз бунинг жавобини кўраимиз.

Илгари қисқача айтсак, илк Жамоатда нон синдириш кечлиги бугунгидан кўра бошқача ўтказилган. Улар учун бу кечлик эди, биз учун эса – маросим. Шу сабабдан бу матнда Повул таърифлаётган қутлуғ кечаларни замонавий жамоатда ўтказишнинг деярли имкони йўқ. Шундай бўлса-да, биз уларнинг ҳатти-ҳаракатлари тагида нима ётганини тушунишимиз муҳим.

Уларнинг вазиятидан кўряпмизки Коринф жамоатидаги баъзи имонлилар жамоатнинг қолган барча аъзоларининг келишини кутмаган. Олдинроқ келганлар бўкиб ейишган ва ичишган, энг маззали овқатлар ва шаробни танлаб олганлари ҳам эҳтимолдан нари эмас, шунинг учун кеч қолиб келганларга фақат сарқитлар қолган. Кўплаб Муқаддас Китоб оимлари ва тарихшунослар бу жамоатда камбағаллар ҳамда паст табақадаги одамлар камситилган эди деб ҳисоблайдилар. Келинг, Повулнинг сўзларини яна бир бор ўқиймиз:

“Чунки ҳар бир киши бошқалардан олдин кечликдаги ўз овқатини тезроқ еб қўймоқда. Шунинг учун бири оч қолади, бошқаси эса маст бўлади. Чунки кимки номуносиб тарзда еб-ичса, у Раббийнинг танаси ҳақида мулоҳаза қилмасдан, ўзига маҳкумлики еб-ичади. Шу сабабдан сизларнинг кўпларингиз заиф ва касалсизлар, ҳатто ўлганлар ҳам оз эмас” (Коринфликларга 1-мактуб 11:21, 29, 30).

Ушбу матнда мен алоҳида белгилаган иккита сўзга назар солинг: сизларнинг ва кўпларингиз. Повул баъзиларнинг гуноҳлари тўғрисида гапираётгани аниқ (21 оят), лекин бунинг оқибати кўпларга таъсир қилади – одамлар заиф, касал ва барвақт ўлар эдилар (30 оят). Ахан билан ҳам шундай нарсa содир бўлган эди, битта одамнинг итоатсизлиги туфайли Худонинг амрларини бузмаган бошқа баъзи одамларнинг устига ҳукм келди ва оқибатда беайб одамлар азоб чекдилар.

Янги Аҳднинг “Pillar” изоҳида шундай деб ёзилган:

“Касал ва ўлаётган одамлар маълум бир гуноҳда айбдор бўлишган деб ўйлаш мумкин эмас, бироқ Эски Аҳдда илоҳий суднинг кўплаб жазоси тариқасида, жазо бутун жамоатга тушиши мумкин эди”.

Ўхшаш ҳолат

Повул ўзининг мактубида бутун жамоатга таъсир қилган яна битта гуноҳни тилга оляпти. У қуйидаги сўзлардан бошляпти: “Сизларнинг орангизда зинокорлик пайдо бўлгани ҳақида овозалар чиқди...” (Коринфликларга 1-мактуб 5:1). Бу ҳолатда кўряпмизки, ўзини Исо Масиҳ кетидан эргашаяпман, мен Худонинг фарзандиман, Масиҳдаги биродарман, Масиҳ Танасининг аъзосиман дейдиган, бироқ шу билан бирга атайин жинсий гуноҳда яшаётган одам бўлган.

Повул бу вазиятда фақат биргина гуноҳ қилаётган киши ҳақида гапирмаяпти. Бутун жамоат аҳли уни биродар ва жамоат аъзоси деб тан олишган, бироқ жамоат етакчилари унинг гуноҳини кўрсатмаганлар, улар унга эътибор бермаганлар.

Нима сабабдан улар унинг ҳатти-ҳаракатларига эътибор бермадилар? Хойнаҳой, улар унинг гуноҳи ҳақида юзига гапириб, уни хафа қилишни истамагандирлар. Эҳтимол у катта одам бўлгандир, жамоат етакчиси, машҳур спортчиси ёки саҳий берувчи бўлгандир. Коринф ўта нуфузли шаҳар ва санъат маркази бўлган. Эҳтимол, бу одам ўша замон Голливудининг ҳурматли актёри ёки энг юқори рейтингларни эгаллаган оммабоп мусиқачи ёки улуғлов жамоасида бош партияни кўйлайдиган хушовоз хонанда бўлгандир. Ёзув бизга бу ҳақда ҳеч нима демаган, лекин агар у жамоатдан кетиб қолса, бу жамоатга таъсир қилиб, унинг ривожланиши тўхтатиб қолади, деб ўйлаганини тахмин қилиш мумкин.

Балки бошқа сабаблар ҳам бўлгандир. Эҳтимол, у жамоатдан кетиб қолса Худонинг Сўзини бошқа эшита олмайди деб ўйлагандирлар. Эҳтимол, улар қуйидагича сабаблар келтиришган: “У дунёда юриб Худонинг Сўзини эшитиш имконини йўқотганидан кўра орамизда ўтириб Хушхабарни тинглагани яхшироқ”. Балки, бу жамоатнинг асосий мақсади якшанба куни келувчиларни навбатдаги хизматга жалб қилиш бўлгандир ва агарда унга унинг гуноҳи ҳақида гапирсалар, у навбатдаги йиғинга келмайди деб ўйлагандирлар. Улар шунингдек, қуйидагича мулоҳаза юритган бўлишлари ҳам мумкин: “У ҳали гўдак, яқинда тавба қилди, унга вақт беришимиз керак”. Аминманки, улар вақт ўтиб у “эсини йиғади” ва гуноҳини қолдиради деб умид қилишган.

Повул жон-жаҳди билан Коринфдаги жамоат етакчиларини бу одамни жамоатдан ҳайдаб юборишингиз керак деб ишонтиряпти. Сизнинг ижозатингиз билан унинг сўзларини келтираман:

- “Бунинг ўрнига ... шу ишни қилган одам орангиздан чиқариб

ташланиши керак эмасмиди?” (Коринфликларга 1-мактуб 5:2)

- “Сизлар бу инсонни шайтонга топширингиз керак...” (Коринфликларга 1-мактуб 5:5)
- “Шундай қилиб, сизлар янги хамир бўлишингиз учун ўзингизни эски ачитқилардан покланглар...” (Коринфликларга 1-мактуб 5:7)
- “...бўзуқ кишини орангиздан чиқариб ташланглар” (Коринфликларга 1-мактуб 5:13)

Битта қисқа бобда Повул бир кишига қарши тўрт марта гапиряпти! Ўйлаб кўринг, ўн учта оят ичида ҳаворий тўрт марта бу жамоатга битта аъзони чиқариб ташлашни ва ҳатто “бу инсонни шайтонга тоширингиз керак” деб қаттиқ буюряпти. Бу кескин сўзлар! Ёдингизда бўлсин, Повул бу жамоатни ва ўша инсонни ҳам севган.

Сиз: “Чиндам ҳам севганми? Бўлиши мумкин эмас!” – дейишингиз мумкин. Бироқ биз у жамоатни чинакам севганини биламиз, чунки бутун Ёзув сегви билан битилган. Ахир Ёзувни Худо руҳлантирган, Худо эса севги Худоси (Тимотийга 2-мактуб 3:16 ва Юҳаннонинг 1-мактуби 4:8).

Эсда тутинг, бу мурожаат нафақат Коринф жамоатидаги етакчиларга, балки бутун жамоатга айтилган. Повул унинг мактубларини бутун жамоат ўқишини доим сўраган. У шуқадар кескин ва матонат билан ёзишининг сабаби нима? Бу саволнинг жавобини қуйидаги сўзларда ўқиймиз: “Наҳотки озгина ачитқи бутун хамирни ачитишини билмасангизлар?” (Коринфликларга 1-мактуб 5:6). Биз бир кишининг гуноҳи нафақат унинг ўзига балки бутун жамоатга таъсир қилганини кўряпмиз. Навбатдаги оятларни ўқиймиз: “Шундай қилиб, сизлар янги хамир бўлишингиз учун ўзингизни эски ачитқилардан покланглар, чунки сизлар аслида ачитқисиз нонсизлар. Зеро биз учун қурбон бўлган Масиҳ – бизнинг Песаҳимиздир. Шунинг учун эски ачитқи, яъни ёвузлик ва бўзуқлик ачитқиси билан эмас, балки самимийлик ва ҳақиқат бўлган ачитқисиз нон билан байрам қилайлик” (Коринфликларга 1-мактуб 5:7, 8).

Повул нон синдиришнинг бош мавзусига қайтляпти. Исроилнинг Песаҳ байрамида барчанинг эътибори қурбонлик қўзисига қаратилади. Боз устига, бизнинг Песаҳ байрамимизнинг бенуқсон қўзиси – Исо Масиҳдир. Биринчи Песаҳ Исроил Миср қуллигидан чиққанининг нишонаси бўлгани каби, Масиҳнинг ўлим қурбонлиги сирли Кечликнинг марказий мавзуси бўлиб, бизни гуноҳ қуллигидан чиққанимизнинг рамзи бўлди.

Бошқа байрамлар ҳам бўлган: биринчи ҳосиллар байрами, Эллигинчи кун, карнайлар байрами, халос бўлиш ва чайла байрамлари. Бироқ бу байрамлар Масиҳдаги ҳаётнинг етукроқ томонларининг тимсолидир.

Соддалаштириб айтганда, Песаҳ нажот байрами бўлган. Шунинг учун Повул ўз мактубида бизга Шоҳликка кириш йўлини кўрсатган. У Песаҳни “эски ачитқи, яъни ёвузлик ва бузқлик ачитқиси” билан нишонлаш мумкин эмаслигини айтган. Шунинг учун инсоннинг ҳатти-ҳаракатини “у ҳали Масихдаги гўдак” деб оқласак, биз ўзимизга ва унга зарар етказаётган бўламиз. Кўпинча бундай баҳона “гуноҳга берилган” кишини эътиборга олмаслик учун ишлатишади Бу алдовчи ва йўлдан оздирувчи баҳона, чунки жамоатда атайлаб давомий қилинаётган гуноҳ учун жой бўлмаслиги шарт. (Кейинги бобда “атайлаб давомий қилинаётган гуноҳ” билан “гуноҳга қулаш” ўртасидаги фарқни тушунтириб ўтаман).

Иккинчидан, Повулнинг бу инсоннинг гуноҳи “ачитқига” (ёки хамиртурушга) ўхшайди деган сўзларига эътибор беринг. Ачитқи – бу хамирда эрийдиган ва уни кўтариб юборадиган модда. Исроил Песаҳ байрами борасида қатъий насиҳат олди: “Етти кун давомида ачитқисиз нон енглар; биринчи кунёқ ўларингиздаги ачитқини йўқотинглар. Кимки биринчи кундан еттинчи кунгача ачитқи қўшилган нон еса, бу жон Исроил орасидан қириб ташланади” (Чиқиш 12:15). Қириш сўзи кескин маънога эга, у қатъийликда Повулнинг огоҳлантиришидан қолишмайди. Худо шундай буйруқ бериб, Исроилга ва бизга кўрсатяптики, жамоатда У билан аҳдлашган бирорта ҳам инсон “гуноҳга берилмаслиги зарур”. Унинг Сўзига атайлаб давомий итоатсизлик қилган барча одамлар тавба қилиши шарт, акс ҳолда улар гуноҳ ачитқисини ва унинг оқибатларини бутун жамоатга олиб келадилар.

Янги Аҳднинг “Pillar” изоҳида ёзилган:

“Повул таъкидлаяптики (бу жойда юнон тилининг ифодали сўзлари тартибидан фойдаланилмоқда), агар ёвузликка эътибор берилмаса, жамоатнинг ҳаттоки “озгина” қисми орқали, яъни бир киши орқали ҳам, у аста-секинлик билан бутун жамоатга тарқалиши шубҳасиз. Атайлаб қилинган у ёки бу гуноҳ жамоатга жиддий оқибатлар олиб келиши мумкин. Хамирдаги ачитқи каби эътиборсиз қолган гуноҳ бутун жамоат бўйлаб тарқалади ва уни ўзгартириши муқаррар”.

Афтидан мен бу изоҳдаги фақат бир нарсa билан норозиман. Ачитқи мавзусини ўрганиб чиқиб, мен ачитқи аста-секинлик билан эмас балки жуда шиддат билан тарқалашини пайқадим.

Бу энди биз ўз ҳаётида давомий гуноҳга эга бўлган барча одамларга йиғинларга келишни тақиқлаш керак деганими? Йўқ, албатта! Бизнинг йиғинларимизда кўп имонсизлар бўлиши керак, бироқ улар жамоат

аъзоси бўлишолмайди, токи улар атайин қилаётган давомий гуноҳларига тавба қилиб, ҳаётини Исо Масиҳга тўлиқ бўйсундиргунига қадар улар жамоат аъзоси деб ҳисоблана олмайдилар. Повул лўнда қилиб гапиряпти: “Мактубимда сизларга зинокорлар билан алоқа қилманглар, деб ёзган эдим. Бироқ умуман бу дунёнинг зинокорлари ёки тамагирлари, талончилари, бутпарастлари билан демоқчи эмас эдим, акс ҳолда, сизлар бу дунёни тарк этишга мажбур бўлар эдингизлар!” (Коринфликларга 1-мактуб 5:9, 10).

Биз Масиҳнинг издошларига дунёга бориш, ҳалок бўлган одамларни қутқариш ва улар Худонинг Сўзини эшитишлари учун уларни жамоатга таклиф қилиш бўйрилган. Бироқ бу энди биз уларга уларнинг руҳий ҳолати ҳақида ҳақиқатни тўлиқ гапирмай, келишув ёки битим тузиб, жамоатга таклиф қилишимиз мумкин дегани эмас. Ҳа, биз одамлар Хушхабарга эришишига узлуксиз интилишимиз зарур. Имонсиз одамлар билан Исо каби дастурхон устида тушлик қилишимиз, улар билан дўст бўлишимиз ҳамда уларни севишимиз шарт.

Бироқ Повул бу сўзларда ўзини масиҳий деб атайдиган одамлар ҳақида гапирган:

“Аммо ўзини биродар, деб атаб, лекин бузуқ, тамагир, бутпараст, ғийбатчи, ичкиликбоз ва талончи бўлиб қолувчилар билан алоқа қилмаслигингиз учун мен сизларга ёзган эдим. Бундай одам билан бирга ҳатто овқат ҳам еманглар” (Коринфликларга 1-мактуб 5:11).

Повул “гуноҳ қилиб қўйган” имонлилар ҳақида гапирмаётгани кўриниб турибди, у ҳойнаҳой, ўзини имонли деб ҳисоблайдиган, лекин шу билан бирга “гуноҳга берилган”лар ҳақида гапиряпти. Нима сабабдан жамоат отаси бу ҳақда шунчалик жиддий ёзган? У жамоатни чиндан ҳам севгани маълум. У биродару опа-сингиллар гуноҳда яшаётган “имонлиларни” ҳимоя қилиб, ғамхўрлик қилиб ўзларини азобга қўйишларини истамаган.

Фараз қилинг, бирор киши фавқулотда атрофдагиларга ҳаво орқали тез тарқаладиган юқумли касалликка йўлиқиб қолса у билан нима қилишади? Уни зудлик билан алоҳида жойга жойлаштиришади. Шундай қилиб, бутун жамият касалликдан ҳимояланган бўлади. Агар шундай қилишмаса, юқумли касаллик ёнғиндай тарқалиб кетади ва бутун шаҳар касалликдан ҳамда унинг оқибатидан азият чекади. Бунинг энг йирик оқибатлари қанақа бўлади? Иш ўриндиқлари бўшаб қолади, маҳсулдорлик пасаяди, хизмат кўрсатиш вақтинчалик тўхтади ва иқтисодий йўқотишлар бўлади – бу

билан оқибатлар ўз якунига етмайди.

Повул гуноҳга берилган одам билан ҳам, мана, нима қилиш кераклигини ёзган:

“...бундай ишни қилган одамнинг танасини барбод қилиш учун уни шайтонга топшириш керак, токи Раббий Исонинг кунда унинг руҳи нажот топсин” (Коринфликларга 1-мактуб 5:5).

Агар бу биродар ўзгармаса, у абадийликдан умрбод маҳрум бўлиш хавфи остида қолади. Бу эса жуда жиддий. Мана шу сабабдан аввал мен “ҳимоя ва ғамхўрлик қилиб” деган сўзларни ёздим. Гап шундаки, атайлаб гуноҳ қиладиган ҳар қандай киши, ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ хавфли ҳолатда турибди. У Худо мени оқлаган деб ўйлагани учун, унга жамоатда қолишга ижозат беришса, ҳукм кун келганда у абадийликдан маҳрум бўлганини тушуниб етади, лекин ўшанда кеч бўлади.

Худонинг ҳимоясидан маҳрум бўлган бундай киши, бошига ёғилган синовлардан сўнг, ҳойнаҳой, эс-хушига келади ва бу оғир синовлар уни бутун юраги ва жони билан Исога ўгирилишига мажбур қиладди. Повул Коринфликларга иккинчи мактубида мисол қилиб келтирган киши билан айнан шу нарса содир бўлди. Ўйқотишлар ва машаққатлар дарбадар ўғил каби бизни ўйқотишга қодир. Дарбадар ўғил ўзининг гуноҳли ҳаётининг ҳосилларини кўрганидан сўнг уйига қайтди. Агар ота унинг ҳатти-ҳаракатларини маъқуллаганида ва унга пул берганида эди, ўғил ҳеч қачон Худога қарши яшаётганини англаб етмас эди.

Осмонда бўлгани каби...

Келинг бош ғояга қайтамыз. Охирги иккита бобда биз Масихнинг Танаси эканимизни яққол кўрдик. Битта Тана сифатида биз ҳар бир инсоннинг иштирокидан фойда кўришимиз ёки давом этаётган гуноҳдан азоб чекишимиз мумкин.

Бу ҳақиқатга беписанд бўлиш мумкин эмас. Масихнинг Танасида бу масалага эътибор бермаганимизнинг оқибатларини анча вақтдан буён ўриб келаётганимиз етади. Агар биз бу мавзудан энди ҳам қочиб юрсак бу оқибатлар йўқ бўлиб кетмайди.

Келинг, дадил бўламиз ва мураккаб саволлардан ваҳимага тушмаймиз. Бутун само биз учун қайғурмоқда! Биз тантана қиладиган Жамоат бўлишга, Исони тўхтатиб бўлмаганидек, бизни ҳам тўхтатиб бўлмайдиган

Масиҳнинг Танаси бўлишга чақирилганмиз. Касаллик, заифлик, қашшоқлик, воситаларнинг танқислиги ва душманнинг бошқа ишлари Раббийнинг Жамоати олдида тиз чўкиши шарт.

Биз ҳокимият билан ҳукм суришга, ғайритабиий кучда яшашга чақирилганмиз, токи осмон ғанимини оёғимиз остига ағдарайлик. Агар бизни қуршаб олаётган қийинчиликларга очиқ қаршилиқ кўрсатишдан қўрқмасак, биз бунинг уддасидан чиқа оламиз. Биз осмонда бўлгани каби ерда ҳам бунинг имкони борлигига ишонишга жазм қилишимиз шарт!

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Бу жуда муҳим масала, афсуски, ушбу ҳақиқатларга урғу берадиган замонавий жамоатларни камдан кам учратасиз. Ўйлаб кўринг, биринчидан, Худо бизни гуноҳдан озод бўлиб, Унга тўлиқ бўйсуниб яшашга чақирди. Иккинчидан, имонлилар гуноҳни енгишнинг уддасидан чиқмаганида, улар нафақат ўзларининг ҳаётини, балки Масиҳнинг бутун Танасининг ҳаётини ҳам хавфга қўйишади.

Бу мавзу ҳақида ўйлаб кўришга вақт ажратинг. Бу ҳақиқатлар сиз учун шунчаки яхши ғоялар бўлиб қолмасин. Уларга диққат қилинг, улар тўғрисида мулоҳаза юритинг. Улар учун ибодат қилинг ва Худодан уларни ўз ҳаётингизда қандай қўллаш мумкинлигини кўрсатишини сўранг. Бу ҳақиқатлар юрагингизнинг тубига кирсин ва Повул учун қанчалик муҳим бўлганидек, сиз учун ҳам шунчалик муҳим бўлсин.

ЎЗГАРИШЛАР ОЛИБ КИРИНГ

Менинг замондошларимнинг кўпчилиги қатори мен ҳам, биз имонлилар битта Танамиз деган таълимотдан кўра кўпроқ Исо билан юриш тўғрисида воизликлар эшитганман. Жамоат тўғрисидаги бу ҳақиқат яқиндагина мен учун яққол тушунарли бўлди. Мени нотўғри тушунманг, албатта, бу ҳақиқатни илгари ҳам билар эдим, бироқ ҳозиргидек даражада эмас.

Муқаддас Рух менга Масиҳнинг битта Танаси нимани англатишини кўрсатишни бошлади, мен тез-тез АҚШнинг сув, ҳаво ва қуруқликдаги қўшинларини кўз ўнгимга келтирар эдим.

Менинг бир дўстим бор, у сараланган ҳарбий бўлинманинг аъзоси. У ўн беш йил мобайнида махсус хизматда хизмат қилди, ҳозирги кунда у йўриқчи бўлиб ишлайди. Масиҳ Танаси ҳақида фикр юритаётганимда унга қўнғироқ қилишга қарор қилдим. Мен махсус хизматдагилар ўзаро мустаҳкам биродарлик ришталари билан машҳурлигини билар эдим, шу сабабдан мен улар ҳақида кўпроқ билмоқчи бўлдим. Унга берган биринчи саволим қуйидагича бўлди: “Сизлар махсус хизматда ўзаро қандай муносабатга эгасизлар? Қандай қилиб шундай мустаҳкам жамоани қуришга муваффақ бўлдингизлар? Машғулотларингизнинг негизи нимада?” У шу лаҳзада жавоб берди: “Махсус хизматнинг жангчиси ўзи ҳақида охириги навбатда ўйлайди”.

Менга у бирданига лўнда ва яққол жавоб беришни бошлагани ёқиб қолди. Мен бу телефонли суҳбат, менга кўп янги нарсани очиб беришини билар эдим, шу боис унинг гапини бўлмасдан, жим туриб, уни тингладим.

“Биз ўзимиздан кўра, ёнимизда турган биродарни кўпроқ қадрлаймиз. Шунинг учун ҳар биримиз ўз белимизни ҳимоя

қилишимизга тўғри келмайди, чунки махсус хизматдаги ўз биродарларимизга таяна оламиз”.

Шу пайт у менга воизлик қилишни бошлади: Агар сиз Эфесликларга Мактубнинг олтинчи бобига нигоҳ солсангиз, Худонинг қурол-аслаҳалари олдги жанг майдонини ҳимоя қилиш учун берилган, лекин орқани ҳимоя қилиш учун эса у ерда ҳеч воқо йўқлигини кўрасиз. Сабаби шундаки, Худо ҳар биримизни махсус хизмат жангчиси сингари йўл тутишимизни белгилаб қўйибди, биз бир-биримизнинг белимизни ҳимоя қилишимиз керак – бир-биримиз ҳақида бир бутунмиз деб ўйлашимиз керак. Агар биз шундай фикрламасак, менинг белимни фақат бир киши ёпиб туришига тўғри келади – бу менинг ўзим. Борди-ю биз ҳаммамиз бир жамоа бўлиб ҳаракат қилсак, менинг бўлинмамдаги ҳар бир киши менинг белимни ёпиб туради”. Сўнгра у яна деди: “Махсус хизмат жангчиси ҳамма нарсани яқини учун қилади. Биз бундай ёндашувга ишонамиз. Биз ўзимиз тўғримизда алоҳида шахс сифатида эмас, балки биз бир бутунмиз деб фикр юритишга ўргатилганмиз. Орамизда турли соҳада ўргатилган мутахассислар – қўпоровчи моддалар бўйича, алоқа, қурол, тартибни бузиш бўйича тажрибали мутахассислар борлигига қарамасдан биз бир бутун бўлиб ҳаракат қиламиз. Биз топшириқни бажариш учун бораётганимизда ҳеч қачон: “Фақат айримларимиз қайтиб келамиз” ёки “Орамиздан фақат қирқ фоизи қайтамиз” – деган фикр билан бормаёмиз. Йўқ, биз топшириққа юз фоиз ҳаммамиз бораётганимизга ва топшириқдан ҳаммамиз юз фоиз қайташимизга қатъий ишонч билан йўлга чиқамиз.

Мен завқ билан унинг ҳамма сўзларини тингладим. Ниҳоят, мен сўрадим: “Янги олинган аскарларга бундай муносабатни қандай ўргатасизлар?”

“Буни ўргатишнинг имкони йўқ!” – деди у. “Денгиз мушуклари махсус хизматининг” сув ости қўпоровчи ишларининг бошланғич тайёргарлик курслари ва асослари АҚШ СХФдаги энг мушкул ва серғайрат курси ҳисобланади, айнан шу сабабга кўра дастурга ёзилган деярли тўқсон фоиз кишилар ёки ўзлари кетишади, ёки уларни четлатишади. Фақат биттагина ўта пишиқ бўлган, тўлиқ анжомланган одамлардан ташкил топган бўлинма қолади. Уларнинг ҳар бири яқинини ўзидан кўра кўпроқ қадрлайди ва ўзидан кўра юксакроқ бўлган мақсад учун ҳаётини беришга тайёр”.

Сўнгра у мендан: Жон, агар жамоат ҳам шундай бўлганида эди, унда нима бўлган бўлар эди?” – деб сўради.

Афсуски, мен унинг сўзларига қўшилишимдан бошқа чорам қолмади. Бироқ, ҳақиқат шундаки, бизда керакли бўлган ички куч бор. Биз юқоридан туғилганимизда, ичимизга илоҳий табиатнинг аниқ бир қисми кириб олади. Биз олаётган воизлик ва таълимот, яъни бизнинг таълимотимиз айнан шунақа муносабатни ўз ичига олиши керак ва шундай муносабатни ишлаб чиқариши керак. Лекин биз фақат истеъмолчиликка ўргатадиган тусдаги Хушхабарни тингласак, биз умуман бошқа нарсани – ўзимизнинг қутқариб бўлмас танамизни боққан бўламиз. Аксарият ҳолларда айнан шу сабабга кўра замонавий жамоат мана шунақа кўринишга эга. Кўпларимиз фақат далда берадиган, яхши истакларни ўйғотадиган воизликларни эшитишни хоҳлаймиз, лекин қийинчиликларни енгишни эса умуман истамаймиз. Биз жуда кўп нарсани қўлдан бой беряпмиз.

Менинг дўстим – жангчи, у замонавий жамоатнинг заифлигини топди. У билади, агар махсус хизмат бўлинмасининг битта аъзоси заиф бўлса, енгилувчан бўлса ёки кузатиш жойини тарк этса, унинг ялқовлиги ва лоқайдлиги сабабли жамоанинг барча аъзолари азият чекади ёки ҳалок бўлади. Масиҳ Танасининг барча аъзолари ҳам дўстимнинг ичида илдиз отган нарсани ўзининг онгига муҳрлаб қўйиши зарур.

Ўзгаришлар олиб кириш

Мазкур мавзунинг ижобий томони борми ўзи? Албатта! Худо билан доим ижобий томон бор!

Мен олдинги бобларда очилган ҳақиқатларни салбий томондан кўрган бўлишингизни ва кўнглингиз совиб, чалғиб қолган бўлишингизни тўғри тушунаман. Агар нуқул бошқа одамларнинг ҳаракатлари ҳаётингизга салбий таъсир қилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларга берилиб кетсангиз, унда чиндан ҳам умидсизликка тушиб қолишингиз мумкин. Бироқ мен бу ҳақиқатни нурга чиқаришимдан мақсад шуки, биз қандай қилиб биргаликда, бизнинг давримиздаги авлод олдин кўра олмаган, Унинг мисли йўқ буюклигининг ва кучининг тўлиқ меъёрини қабул қилиб, бойишимиз мумкинлигини кўра олайлик. Агар биз ниманидир ўзгартиришни ва ишонишни бошламасак ҳеч нарса содир бўлмайди. Демак, хулоса қуйидагича бўлади: сиз ўзгаришлар кирита оласиз. Агар ўзгаришлар сиздан ва мендан бошланмаса, унда улар қандай бошланади? Худо бизни ўзгаришларга чақирди!

Сиз бирор вақт тоза виждонга эга бўлган, бироқ ташқи кўринишидан итоатсиз бўлган киши, қўққисдан бошқа одамлар учун масъулият олган киши билан нима содир бўлганини кўрганмисиз? Унинг ҳаётида унинг аъло фазилатлари намоён бўлишни бошлайди. Масалан, ёш онани фараз қилайлик. У турмуш қуришидан аввал, у ўзини тантиқ, масъулиятсиз тутиб, ҳатто баъзан аҳмоқликлар қилиши ҳам мумкин. Унинг ҳатти-ҳаракатлари фақат ўзининг ҳаётига таъсир қилган, бошқа инсонларнинг ҳаётига таъсир қилмаган. Бироқ у вақт ўтиб, эркак кишини севиб қолади, у билан турмуш қуради ва улар фарзанд кўрадилар. Ўзини бошқара олмайдиган бу қиз кутилмаганда буткул ўзгариб қолади. У агар ўзини бетайин ва аҳмоқона тутишда давом этса, у нафақат ўзининг, балки ўзининг суюкли эрининг ва фарзандининг ҳаётини ҳам хавфга солади.

Жамоатда ҳам ҳар биримиз билан ҳудди шу нарса содир бўлиши шарт. Биз бир-биримизни жуда қаттиқ севишимиз лозим. Биз Худонинг Сўзига нисбатан итоатсизлигимиз жуда сезиларли даражада кўплаб одамларга таъсир қилади. Биз – Тананинг бир қисмимиз! Эҳтимол, шу сабабга кўра Повул Коринф жамоатига сирли Кечликни ўтказиш тўғрисида сўзлаётганда шундай буйруқ бергандир:

“Менга ҳамма нарса мумкин, лекин ҳамма нарса ҳам фойдали эмас. Менга ҳамма нарса мумкин, лекин ҳамма нарса ҳам барпо қилмайди. Ҳар бир киши ўзининг эмас, балки бошқанинг манфаатини изласин. (Коринфликларга 1-мактуб 10:23, 24).

Шунингдек Повул Филиппидаги жамоатга айтган:

“Ҳеч нарсани рақобат ва шухратпарастлик билан қилманглар, лекин онгингизда камтар бўлиб, сизлар бир-бирингизни ўзингиздан ўстун ҳисобланглар. Чунки Исо Масихда бўлган фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак” (Филлипиликларга 2:3,5).

Исо дунёга шундай кўз билан қараган, У Ўз юрагида ҳаётини биз учун қўрбон қилишга қарор қилди. У Ўзини қўтқариши мумкин эди. У тумонат фаришталарни чақириб, Ўзини жаллоднинг қўлидан қўқтариши мумкин эди, бироқ У бизни ўйлади. У Ўзидан кўра кўпроқ биз ҳақимизда ўйлади.

Яхши хабар бор: биз ҳар биримиз Худого итоат қилиб юрсак, барака топамиз. Биз Танадаги баъзи одамларнинг итоатсизлиги оқибатида ноқулай ва ҳатто мушкул даврлардан ўтишимиз мумкин, бироқ ахийри ҳаммаси яхши бўлади.

Илёс бошқа инсонларнинг ҳатти-ҳаракатлари оқибатида азият чеккан

кишининг яхши мисоли бўла олади. Аҳаб ва Йезебелнинг мунтазам гуноҳи оқибатида, шунингдек исроилликларнинг гуноҳга нисбатан бепарволиги сабабли ерда бир неча йил давомида ёмғир бўлмади. Илёс шоҳ Довуд ва шоҳ Сулаймон давридаги одамлардай яхши овқатланмаган. Бунинг ўрнига маълум бир вақт мобайнида у қарғалар келтирган нонни ва гўшти ейишига тўғри келган, – бу ёқимли тамадди эмас эди! У махсус парҳезда бўлиб, сабзавотларсиз, асалсиз, шарбатсиз ва тўкинчилик даврида бўладиган бошқа кўплаб тансиқ овқатларсиз кун кечирган. Илёснинг бошига бошқа одамларнинг ишлари оқибатида шундай синовлар ёғилди. Илёс битта миллатнинг, битта халқнинг, битта тананинг бир бўлаги эди. Унинг итоати натижасида ўзгаришлар келди ва ниҳоят ... ёмғир қўйди. Унинг итоати бутун халқни дуо қилди ва охир-оқибат унинг ўзига ҳам барака келтирди.

Тинчлик аҳди

Келинг Илёс давридан олдин содир бўлган яна бир воқеани кўриб чиқамиз, унда биз яна бошқа баъзи одамларнинг ҳаракатлари туфайли келган катта азобларни кўрамиз. Исроил саҳрода юрар эди...

“Исроил Шиттимда ўрнашди ва халқ Моабнинг қизлари билан зино қила бошлади. Улар Исроил халқини ўз худоларининг қурбонликларига чақирар эдилар, халқ эса уларнинг қурбонликларини ер ва уларнинг худоларига сажда қилар эди. Исроил Баал-Пеорга ёпишиб қолди ва Раббийнинг ғазаби Исроилга қарши алангаланди” (Сонлар 25:1-3).

Ёзилганки, фақат “баъзи” исроилликлар бузуқлик қилишган. Худо Ўз халқига бошқа худоларга сиғинмасликни, бошқа аёлларга берилмасликни, жинсий гуноҳларни содир этмасликни айтган. Лекин баъзиларнинг берасо қилмишлари бутун жамоатга (халққа) ҳукм ёғдирди ва биз яна баъзиларнинг эмас, балки кўпларнинг ҳукмдан азият чекканини кўряпмиз.

“Раббий Мусога деди: “Халқнинг барча бошлиқларини олиб, уларни Раббийнинг олдида қуёш қаршисида осгин ва Раббий ғазабининг алангаси Исроилдан қайтади” (Сонлар 25:4).

Биз яна кўряпмизки, асосий етакчиларнинг (баъзиларининг) қилмишлари оқибатида Раббийнинг қаҳр-ғазаби бутун Исроилга ёғилди.

Чунки улар битта халқ, битта миллат, битта тана эди.

Тажминан ўша пайт, Мусо бошлиқларни қатл қилиш тўғрисида фармон чиқарди, исроилликлардан бўлган Зимри исмли киши Мусонинг ва бутун халқнинг кўз ўнгида мадианлик аёлни ўз чодирига олиб келди. Бундай ҳаракат Худонинг Сўзига очиқсасига бўйсунмаслик эканини ҳамма билар эди. Бир зумда Элизарнинг ўғли ва Аҳароннинг набираси Финехас Зимрининг чодирига кириб, нафақат унинг ўзини балки у билан бирга келган Хазва исмли аёлга ҳам найзасини санчди. Сўнгра шундай деб ёзилган: “Шундай қилиб, Исроил ўғилларининг қирғини тўхтади. Қирғиндан ўлганлар йигирма тўрт минг нафар эди” (Сонлар 25:8, 9). Яна кўп киши ҳалок бўлди, кўп киши азият чеқди, кўп киши баъзи одамларнинг қилмишининг таъсирини сездилар. Негаки халқ Худонинг кўз ўнгида ягона эди.

Сўнгра Худо деди: “Рухоний Аҳароннинг ўғли бўлмиш Элеазарнинг ўғли Финехас Исроил ўғилларининг орасида Мени рашк қилиб, улардан Менинг қаҳримни қайтарди ва Мен Исроил ўғилларини ўз рашкимда қириб ташламадим” (Сонлар 25:11). Финехаснинг иштиёқи – Худонинг иштиёқини акс эттиради – ҳар бир киши бутун халқнинг фойдасини кўзлаши керак. Айнан Финехас вазиятни яхши томонга буриб юборди. Унинг бир ўзи гуноҳга қарши чиққани Худо учун етарли бўлди.

Повулнинг қалбида ҳам Коринфдаги жамоатга нисбатан Худонинг иштиёқи оташин эди. Айнан у жамоатда ҳақиқат бўлишининг тарафдори бўлиб, ўзгаришларни олиб келди. У Худонинг Сўзи бўлмиш – Рухнинг қиличини олиб, у билан жинсий гуноҳда яшаётган бир кишининг ҳаракатларига санчди. Эски Аҳдда Финехас жисмоний найза билан қирди, Янги Аҳд давридан бошлаб то шу кунга қадар бизлар руҳий “найза” билан курашга чиқамиз. Гарчи жамоатдаги имонлилар кимнидир ёки баъзиларни гуноҳда яшаётганини кўрмаганга ва эшитмаганга олиб юрса ҳам, кўзлари ва қулоқларини юмиб олган бўлса ҳам, биз дадиллик билан олдинга юришимиз ва ҳақиқатни эълон қилишимиз зарур.

Повул шу пайтда ўзи ҳақида энг кам ўйлаган. У менинг махсус хизматдаги дўстим каби ҳаракат қилган. У бошқаларнинг манфаатини ўзининг қулайликларидан ва шўхратидан устун қўйган. У шу мақсадни кўзлаб ҳаттоки, бутун Коринф жамоати томонидан рад этилиш хавфигача борган. Повул ҳаттоки, уларни қанчалик кўпроқ севса, улар эса уни шунчалик камроқ севадигандек туюлганда ҳам, улар учун жон куйдирган ва рашк қилган.

Финехас ўзи учун қайғурмаган, у одамлар уни тошбағирликда,

ҳамдардликни билмайдиган, бераҳм, кескин эътиқодчи ва бичими эскирган киши деб айблашлари мумкинлигини билган. Бошқалар жойидан қимирламаган бир пайтда, у ҳаракат қилишга жазм қилган ягона киши ҳисобланади. Одамлар нима дейиши, нима деб ўйлаши уни умуман қизиқтирмаган. Забур муаллифи шундай дейди: “Финеҳас эса туриб ҳукмни амалга оширди ва ўлат тўхтади” (Санолар 105:30).

Унинг Худога бўлган иштиёқи оташин эди, Худонинг қайғуси унинг қайғуси эди – яъни у Худонинг халқи ҳақида қайғурар эди. У жамоатни севар эди ва у ўзгаришлар келтирди!

Худо у ҳақда нима деганига қараймиз:

“Шунинг учун айтгин: “Мана, Мен унга Менинг тинчлик аҳдимни бераман. Бу унга ва ундан кейин келадиган унинг авлодига абадий руҳонийлик аҳди бўлади, чунки у ўз Худосига нисбатан рашкини кўрсатди ва Исроил ўғилларини қоплади” (Сонлар 25:12, 13).

Муқаддас Китобни кўп йиллар давомида ўрганганимда, мен ушбу сўзларга алоҳида эътибор қаратар эдим. Бу ҳақда нафақат Мусо ёзган, анча вақт ўтиб Санолар муаллифи Финеҳаснинг мукофотини таъкидлаб ўтган:

“Финеҳас эса туриб ҳукмни амалга оширди ва ўлат тўхтади. Бу унга авлодлардан авлодларга абадий ҳақлик деб ҳисобланди (Санолар 105:30, 31).

Худога маъқул бўлган ишни қилиш учун хавфга борган бу ёш инсоннинг буюк мукофотини кўриб қандай ларзага келганим эсимда. Бу шунчаки вақтинчалик мукофот эмас эди, бу аҳд билан муҳрланган абадий мукофот эди. Ёдингизда бўлсин, Худо ҳеч қачон Ўз аҳдини бузмайди. Бу мукофот ғоят буюк, у нафақат унинг ўзига, балки ундан сўнг яшаб ўтган унинг фарзандларига ва набираларига, авлодига ҳам, шунингдек бизга ҳам таъсир ўтказди. Финеҳас Худонинг назарида тўғри бўлган нарсалар учун курашишга тайёр бўлгани учун келгусидаги барча авлодлар мукофот олди.

Финеҳаснинг бу мисолини кўрганимда, Повул сингари йўл тутиб, натижада одамларнинг менга нисбатан бўлган севгисидан маҳрум бўлсам ҳам, мен доим, барибир ҳақиқатни гапиришни ўзим учун мақсад қилиб қўйдим. Мен нафақат ўзим учун, балки Лиза учун, ўғилларим учун ва уларнинг келгуси авлодлари учун ҳам буюк мукофотни кўряпман. Бу бузиб бўлмайдиган тинчлик аҳдидир, у авлоддан авлодга ўтиб борадиган баракадир.

Мен ўғилларимни Худога нақадар иштиёқ билан хизмат қилаётганини кўриб завқланиб кетаман. Улар улғаяётганида, мен Хушхабар иши учун хизмат сафарларида юриб йилнинг ярмисидан кўпроқ бўлган вақтни уйдан узоқда ўтказишимга тўғри келган. Шундай бўлса-да, ўзгаришларни келтирувчи кишининг ҳаётида Худо ваъда қилган тинчлик аҳди сақланиб қолганини ва у фарзандларимизга ўтиб келаётгани яққол кўрдим. Мен шу баракалар набираларимизга ҳам ўтишини кутиб қоламан.

Ҳақиқатга эътибор билан муносабатда бўлишимиз ортида яширилган баракани топа олдикми? Ҳа, бу тинчлик аҳди, агар бошқалар шундай йўл тутмаса ҳам, сиз ўзгаришлар учун овозингизни баланд кўтарсангиз, Худонинг йўлидан рашк билан эргашсангиз, у нафақат сизга, шунингдек сизнинг авлодингизга ҳам ваъда қилинган.

Гуноҳ бизни қамраб олаётганини ва имонлилар жамоати бўйлаб тарқалаётганини кўриб жим ўтиргандан кўра, севгида руҳнинг қиличини олиб ҳақиқат учун қад кўтариш қанчалик афзал эканини кўра оляпмизми?

Тўғри жавоб менга кўриниб турибди, бироқ танлаш ҳуқуқи сизда.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Сиз кутган яхши янгилик: ҳақиқат учун қатъий қад кўтариб, Худога ва Унинг халқига нисбатан бўлган севгингиз тўғрисида йўл тутиб, Худодан нафақат уларнинг, балки уларнинг авлодининг келажаги аниқ бўлган, абадий ваъдаларни ва аҳд баракаларини олган одамлар сафига кирасиз.

Сизнинг фаровонлигингиз учун кўпроқ фойда келтирадиган, бунданда кучлироқ таъсир ўтказишга қодир бўлган бошқа бирор бир нарсани тасаввур эта оласизми? Ҳеч қанақа дунёвий моддий мерос буқадар ваъдага эга эмас, пулларни бир ёки икки авлод ичида сарф қилиб қўйиш мумкин. Ҳеч қандай билимни ва доноликни келгусидаги кўплаб авлодларга ўтказишнинг имкони йўқ. Фақатгина Худонинг садоқатига асосланган мерос шундай узоқ таъсирга эга бўлиши мумкин.

Сиз ўз келажак авлодингизга қандай мерос қолдирмоқчисиз?

Ерда ўзингиз ҳақида қандай хотира қолдирмоқчисиз ва осмонда қандай номга эга бўлишни истасиз? Сизда ердаги қисқа умрингиз давомида севги ва ҳақиқат учун содиқ туриш истаги пайдо бўлганда ушбу истаклар бажо бўлишининг энг зўр калитини топасиз.

НИЯТ

Бироз вақт олдин менда смартфонимдан хабар йўллаш муаммоси чиқиб қолди. Мен бу муаммони ҳал этиш учун барча усулларни ишлатиб кўрдим: иловаларни ёпдим, телефонни ўчириб қайта қўшиб кўрдим, барча қилиниши мумкин бўлган ишларни қилиб кўрдим, шу жумладан кўпчилик қўллайдиган энг сўнгги ҳаракатни – “ишни мажбуран тўхтатиш”ни ҳам қўллаб кўрдим. Сўнггра мен янада мураккаб ҳаракатларни қилиб кўрдим, бироқ жонга тегадиган муаммо йўқ бўлмади.

Бу ҳолат биз смартфонларимизга қанчалик кучли боғлиқ эканимизни ва улар ҳаётимизда қанчалик муҳим рол ўйнашини тасдиқлади.

Кунлардан бир кун менинг кенжа ўғлим Ҳиндистонга борди. У ердаги анжуманда воизлик қилиб, чўпонлар-у етакчиларга китоблар тарқатди. Бир пайт унда баъзи қийинчиликлар юзага келиб қолди ва у менга хабар ёзишни бошлади, мен эса телефоним ишламагани сабабли бир неча соат давомида умуман жавоб бера олмадим. Мен хабар ёзишим учун ўн беш дақиқадан ортиқ вақт сарфладим, сўнггра телефон қўққисдан иловадан чиқиб кетиб, мен ёзган матн йўқолиб кетди, шу боис мен матнни янгидан ёзишимга тўғри келди. Тўрт соат ўтгандан сўнг мен ўғлимга қисқа матн ёзишга муваффақ бўлдим, гарчи мен унга кўпроқ ёзмоқчи эдим, бироқ телефон менинг сўровимни бажаришга қодир эмас эди. Мен қанчалик ранжиганимни айтишнинг ҳожати йўқ.

Ниҳоят мен телефонимни мутахассис-техникларга элиб бердим, улар унинг тузилишига яхшироқ тушунишади. Мен бу муаммони ҳал этиш учун бир неча кун давомида турлича уриниб кўрдим, лекин улар тўсқинликнинг сабабини аниқлаши учун ўн беш дақиқа ҳам ўтмади. Икки соатдан сўнг

мен яна смс-хабарларни бирор бир қийинчиликсиз ёзишни бошладим. Мен аллақандай хатога йўл қўйиб, операцион тизимни бўзиб қўйганлигим маълум бўлди.

Агар ечимни қидирмаганимда нима бўлар эди? Агар усталардан маслаҳат сўраб бормаганимда нима бўлар эди? Мен илгаригидек телефонимдан чекланган имкониятлар билан фойдаланган бўлар эдим ва афсуски, бунга кўп вақтимни сарфлаган бўлар эдим. Бу менга оилам, жамоам ва дўстларим билан мулоқот қилишимга ҳалал берган бўлар эди.

Келинг, олдинга яна бир қадам қўямиз. Фараз қилинг, менда ҳеч қачон хабар юбориш тажрибаси бўлмаган. Ўттиз йил муқаддам мен ҳатто смс-хабар нима эканини билмаганман ҳам, боз устига мен смартфонлар ҳақида эшитмаганман. Атиги юз йил муқаддам қитъалараро қўнғироқлар умуман мавжуд эмас эди, чунки у пайтда бунинг имкони бўлмаган. Ўшандай даврда Ҳиндистондаги ўғлимга тезлик билан хабар жўнатишим учун атиги тўрт соат уриниш етарли бўлганида, бу улкан шодиёна бўлган бўлар эди. Ҳар қандай алоқанинг йўғидан кўра бори афзал. Агар бугунги имкониятларни билмасам эди, мен йўлимда пайдо бўлган тўғаноқларни енгиб ўтиш йўлларини шуқадар жон-жаҳд билан қидирмас эдим. Бироқ смартфон менга кўп фойда келтиради, шу сабабдан мен қаттиқ ранжиган эдим.

Имкониятлар ҳақида воқифлик бўлмаса нимагадир эришишга истак ва интилиш ҳам бўлмайди. Ораминдан кўпчилик яқдил ҳарбий бўлинманинг кучи тўғрисида менинг махсус хизматдаги дўстимчалик билмайди. Унинг гуруҳида йўқотишларга сабаб бўладиган тўғаноқ юзага келса борми? У бундан нафақат жаҳли чиқарди, бундай вазиятда инсон ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

Эски Аҳднинг воқеасига қайтадиган бўлсак, Исроил қанчалик Аханга нисбатан жаҳлланганини тасаввур қила оласизми? Улар Йерихон этагидаги жангда буюк ғалабага эришдилар, лекин ғайдан сўнг улар ўттиз олтита дўстини дафн этишга ва ҳалок бўлганларнинг оиласини овутишга тўғри келди.

Повул Коринфдаги суюкли биродарлари руҳий криптонитнинг даҳшатли оқибатида заифликдан, тузалиб бўлмайдиган касалликлардан ва барвақт ўлимдан азият чекаётганликларини кўриб, қанчалик ранжиганини кўз олдингизга келтириб кўринг. Повул уларнинг имкониятлари ҳақида яхши билар эди, бироқ улар кўр эди. Улар шахсий манфаатларини бутун жамоат учун фойдали бўлган кучдан ўстунроқ қўйишди.

Сизнинг ҳаётингизда қандай? Сизнинг масиҳий жамоатингизда нималар рўй берапти? Ўйлайманки, сиз бу мактубни ўқишингизнинг сабаби, сиз ичингизнинг тубида – масиҳийликда анъанадан муҳимроқ нарсани борлигини

биласиз. Худо юрагингизга мана шундай ниятни жойлади. Сиз Унинг ҳузурида тўлақонли ҳаёт билан яшашни ва жамоатингизда жўшқин руҳий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлишни истайсиз. Сиз ҳақиқат келтирадиган вақтинчалик ноқулайликдан қочишни истамайсиз.

Сизнинг нурингиз порлади

Бу китобни ўрганиш икки карра фойда келтиради: биринчидан, жамоатингизнинг самарадорлиги сезиларли даражада ўсади, иккинчидан, Худога яқин бўлиб, Унга тўлишиб, кўпроқ ҳосилларнинг гувоҳи бўласиз. (Ҳозирча биз асосан жамоат бир оила экани тўғрисида гапиряпмиз, сўнгра сизнинг шахсий ҳаётингизга тўхталамиз.)

Жамоатимизга нисбатан бизда қандай мақсад бўлиши лозим? Ҳудди менинг смартфоним билан содир бўлган воқеадагидек, бизнинг имкониятларимиз тўлиқлигича намоён бўлишига тўғаноқ бўлган нарсаларни аниқлаб топишимиз керак, уларни тузатиш учун бизда кучли истак ва туртки бўлиши лозим.

Ишаъё шундай деб башорат қилган:

“Ўрнингдан тур Иерусалим ва порла, чунки сенинг нуринг келди ва Раббийнинг шўҳрати сенинг устингда кўтарилди. Зеро, мана, ер юзини қоронғилик ва халқларни зулмат қоплайди. Сенинг устингда эса Раббий порлайди ва Унинг шўҳрати сенинг устингда намоён бўлади” (Ишаъё 60:1, 2).

Мен айтмоқчиманки, биринчидан, Ишаъё Само ва Масихнинг минг йиллик ҳукмронлиги – Ваҳий китобида кўрсатилганидек, Исо ерда минг йил ҳукм суриши ҳақида айтмаган. Пайғамбар шунингдек, Петъор ва бошқа муаллифлар башорат қилган янги осмон ва ерни назарда тутмаган. Йўқ, у ерни зулмат қамраб оладиган давр ҳақида ёзган. Шу боис бу башорат, шубҳасиз, бугунги давр ҳақида айтилган, мен шундай деб ўйлайман.

Пайғамбарнинг сўзларига кўра, жўғрофиянинг айрим нуқталарида эмас, балки бутун ер бўйлаб чуқур зулмат тарқалади. Биз Яратувчимизнинг қалбидан тобора узоқлашяпмиз. Мен биргина атеистлар, агностиклар, афсунгарлик билан шуғулланадиган одамлар ҳақида эмас, балки масихийликни эътироф этадиган кўплаб одамлар ҳақида айтяпман. Бу давр тўғрисида Повул аниқ қилиб айтган: “Чунки шундай замон келадики, одамлар соғлом таълимотга дош бера олмайдилар, лекин улар ўз

хирсларига биноан қулоқларига ёқимли сўзларни гапирадиган устозларни ўзларига тўплайдилар” (Тимотийга 2-мактуб 4:3). Сўнгра у қайғу билан шундай дейди: “Улар қулоқларини ҳақиқатдан ўгириб, афсоналарга бурадилар” (4 оят).

Ишаъёнинг сўзларига қаранганда, шу даврда чинакам имонлилар нур сочади – улар бошқалардан ажралиб турадилар. Фараз қилинг: агар сиз хонага кириб чироқни ёқсангиз зулмат бир зумда тарқалиб кетади. Зулмат нурни кўтара олмайди, сиз бирор марта зулматнинг чарақлаши ҳақида эшитганмисиз? Йўқ, фақатгина нур чарақлайди – қорунғулик қанчалик қуюқ бўлмасин, нур зулматни тарқатиб юборади.

Исо бизни дунёнинг нури деб атади. Биз нур сочишимиз керак, зулматдан кучлироқ бўлишимиз керак, лекин бунини қандай амалга ошириш мумкин? Ишаъёнинг сўзларига кўра, биз шуқадар порлаймизки, имонсизлар Унинг шўхратини кўрадилар.

Ибронийча – кабод сўзи “шўхрат” маъносига эга бўлиб, улуғворлик, буюклик, бойлик, тўкинчилик, иззат, шоҳоналик ва вазни англатади. Булар нимани англатиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Муқаддас Китоб Худонинг шўхрати ҳақида гапирганида, Худонинг улуғворлигини, буюклигини, бойлигини, қодирлигини, тўкинчилигини, иззатини ва ҳукмронлигини назарда тутди. Бу таърифдаги яқиний сўз – “вазн” ёки “оғирлик” бўлиб, ушбу хусусиятлар танқисликда эмас, балки тўкинчиликда эканини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, бу Унинг шўхратининг вазни десак бўлади.

Повул, Худо қўйидаги билимни бизнинг юрагимизга жойлаштиргани ҳақида айтган: “...Худо бизнинг юракларимизда порлади, токи Исо Масих сиймосидаги Унинг шўхратини билиш учун бизларни ёритсин” (Коринфликларга 2-мактуб 4:6).

Сўнгра у шундай дейди:

“Куч-қудратнинг беҳад кўплиги эса бизники эмас, балки Худоники бўлиши учун, биз бу хазинани лой идишларда олиб юрибмиз” (Коринфликларга 2-мактуб 4:7).

“Куч-қудратнинг беҳад кўплиги” сўзларига эътибор беринг. Худонинг улуғворлиги, буюклиги, бойлиги, тўкинлиги, иззати ва шоҳоналиги бизнинг юракларимизда тўлиқлигича порлайди. Шу боис у ёзпти: “Куч-қудратнинг беҳад кўплиги эса бизники эмас, балки Худоники...”. Гап бизнинг топшириғимизга тўғаноқ бўлишга уринаётан ҳар қандай зулматни ёриб ўтадиган куч борасида кетяпти.

Махсус хизмат жангчилари топшириққа боришганда, жангчилар мағлубиятни режалаштиришмайди ва чиндан ҳам одатдагидек муваффақият билан қайтишади. Бизда махсус хизмат жангчиларида бўлгандан кўра ишончлироқ ваъда бор! Бу ваъда муваффақият келтириш учун анча муаззам куч билан мустаҳкамланган!

Худо шўхратининг қадри биздан узоқлашмаслиги учун китобнинг қолган қисми мобайнида мен уни “Унинг буюклиги” сўзлари билан алмаштираман (лекин юқоридаги сатрларда санаб ўтилган ифодаловчи бошқа сўзлар ҳам ёдингиздан кўтарилмасин).

Ишаъё Унинг буюклиги ўстимизга тушади эмас, балки ўстимиздан кўтарилади деган. Қаердан кўтарилади? Юрагимиздан. Ёдингизда бўлсин: “...биз бу хазинани лой идишларда олиб юрибмиз” (7 оят).

Сизга бир саволим бор: “Нима сабабдан Унинг улуғвор қудрати бизнинг жамиятмиз орқали намоён бўлмаяпти? Нима учун касал, заиф ва барвақт ўладиган одамлар шунчалик кўп? Биз руҳий криптонит билан мурсосага келганимиз сабабли эмасми?”

Жамоатнинг имкониятлари

Бугун жамоатнинг қандай ижобий имкониятлари бўлиши мумкин? Жамоатнинг туғилишини тасаввур қилинг. Эллигинчи кўни 120 нафар шогирдлар хонада яшириниб ўтирган эдилар. Улар биргаликда яқдил эдилар деб ёзилган. Бу бирлик нимадан иборат эди? Исо тирилганидан сўнг, камида беш юз киши болохонага бориб, Ота ваъда қилганни кўтишлари тўғрисида Ундан буйруқ олганди (Коринфликларга 1-мактуб 15:6 га ва Луқо 24:33-53 га қаранг). Нима сабабдан ўн кўн ўтиб фақат 120 нафар шогирд йиғилди? Нима учун ҳамма келиб кўтмади, қолган 380 киши билан нима бўлди? Улар ҳақида бошқа ҳеч нима тилга олинмаган. Повул Коринфликларга ёзган мактубидан биламизки, улар эрамининг 56 йилларида яшаганлар, улар ҳақида фақат шу ёзилган холос. Шўни аниқ биламизки, улар Ота ваъда қилганни Исонинг буйруғига биноан Иерусалимда кўтмаганлар (Ҳаворийлар 1:1-15 га қаранг).

Ушбу 380 нафар одам Унинг буйруғини мажбурий эмас, шўнчаки ихтиёрий таклиф деб тушўнган бўлишлари мумкинми? Бу буйруқни бажариш ниҳоятда оғир деб ўйлаган бўлишлари мумкинми? Эҳтимол, улар Раббийга ўзларига қўлай равишда хизмат қилишлари мумкин деб ўйлашган. Аминманки, ҳатто уларнинг баъзилари Унинг тирилиши ҳақида воизлик ҳам қилишган.

Бироқ Худонинг Руҳи, шўнингдек шўхрат Руҳи деб аталмиш Мўқаддас

Рух уларни тўлдирмади (Петъорнинг 1- мактуби 4:14 га қараг). Фақатгина бирликда йиғилиб турган 120 нафар одам Худо Рухининг буюклиги билан чўмдилар. Уларни нима бир бутун қилди? Ҳамма гап шундаки, уларнинг ҳар бири ўз фикрича йўл тутмади, ҳойнаҳой 380 кишининг ҳар бири ўз фикрида турган. Ўйлайманки, 120 нафар шогирдни Худонинг Сўзига қатъий бўйсунуш бирлаштириб турган ва улар буйруқни мажбурий деб қабул қилишган.

Худонинг (Унинг кучини ўз ичига оладиган) шуҳрати уларни тўлтирди ва ўша куннинг ўзида уч мингдан ортиқ киши юқоридан туғилди! Улар таклифномалар тарқатмаган, яҳудийлар журналида реклама чоп этишмаган, ижтимоий тармоқларда оммабоп услублар қўллашмаган ва ойнаижаҳонни эълонлар билан тўлдириб ташлашмаган. Боз устига, ҳаттоки йиғин ўтказиш вақтини ҳам режалаштирмаганлар. Шундай бўлса-да, Худонинг буюклиги бутун шаҳарга зоҳир бўлди.

Сал ўтиб туғма чўлоқ бўлган бир киши шифо топиб, ўрнидан сакраб турди ва маъбадга югуриб кирганидан сўнг яна (аёл ва болалардан ташқари) беш минг киши юқоридан туғилди. Айниқса, на Петъор, на Юҳанно оломонни тавбага чақирган бўлмаса ҳам, халқ Худога ўгирилиб, тавба қилгани ҳайратлантиради, чунки фарзийлар Петъор билан Юҳаннони оломон тавба қилишидан аввал ҳибсга олишга улгирган эди!

Бутун шаҳар содир бўлаётган воқеалардан ҳаяжонланиб кетди. Ҳамма одам эсаётган қудратли шамолнинг шовқинини эшитди. Шаҳар аҳли, шогирдлар Худонинг буюклиги ҳақида илгари ўзлари ҳеч ўрганмаган чет тилларда ва шеваларда ажиб гапларни сўзлаётганини эшитди. Ҳар бир киши Исонинг номи билан рўй бераётган қудратли мўъжизани кўрди.

Бир неча кун ўтиб, биргаликда ибодат қилишаётганда, улар йиғилган бино тебранди. Муқаддас Китоб бўрттириб гапирмайди. Агар бино тебранди деб ёзилган бўлса, демак бу чиндан ҳам шундай содир бўлган. Барча имонлилардан буюк куч, тўкинчилик ва шифо қуйилар эди.

“Уларнинг орасида муҳтож бўлганлар йўқ эди” (Ҳаворийлар 4:34).

Биз Петъорни кўчалар бўйлаб – битта кўча бўйлаб эмас, кўчалар бўйлаб юрганини кўряпмиз, ушбу кўчаларга олиб келинган барча касаллар унинг сояси билан туташганда “шифо топар эди” деб ёзилган (Ҳаворийлар 5:16). Худонинг буюклиги мана шунақа! Имонли киши касаллар ётган хоналарга кириб, ҳар бир касал кишини шифолай олган.

Ёзув бизга бир эркак ва унинг хотини Худонинг олдида ўзларини беадаб тутгани ҳақида хабар беради. Улар чўпонга хизмати тўғрисида ёлғон

гапирдилар ва ўша заҳотиёқ ҳаётдан кўз юмдилар. Уларнинг ўлими шаҳар аҳлига маълум бўлди ва барча одамларни “қўрқув босди”, бироқ одамлар ҳаворийларни ғоят қадрлардилар (Ҳаворийлар 5:1-13).

Бу нафақат Иерусалимда содир бўлди. Исонинг издошлари дадиллик билан гувоҳлик берар эдилар ва барча жойларда одамлар нажот ва шифо топар эди. Филип, жамоатда бевалар учун дастурхон ёзишга масъул бўлса-да, Самария шаҳарларининг бирига борди. Ёзилганки: “Зеро нопок руҳларга чалинган кўп кишилардан нопок руҳлар баланд овоз билан бақириб чиқар эди ва кўп шолу чўлоқлар шифоланар эдилар. Шунинг учун бу шаҳарда буюк қувонч бор эди” (Ҳаворийлар 8:7, 8). Шаҳарда илгари жодугарлик билан шўғулланган бир машҳур одам “... содир бўлаётган ажойиб мўъжизалар ва аломатларни кўриб, ҳайратланар эди” (13 оят). Бутун шаҳар содир бўлаётган воқеадан хабари бор эди ёки улар Исо Масихга имон келтирар эди.

Бошқа бир воқеада, Петъор саккиз йил мобайнида шол бўлиб ётган одамни бир зумда шифолагани ҳақида ёзилган. Муқаддас Китобда ёзилган: “Лудда ва Шаронда яшовчиларнинг ҳаммаси уни кўриб, Раббийга ўгирилдилар” (Ҳаворийлар 9:35). Ҳатто битта шаҳар эмас, нақт иккита шаҳар, боз устига “яшовчиларнинг ҳаммаси” нажот топди деб ёзилган.

Яффада Табита исмли аёл ўлиқдан тирилди ва бу ҳақидаги хабар бутун шаҳар бўйлаб тарқалди, ҳаворийлар яна битта шаҳарга таъсир ўтказдилар.

Ахийри Петъорни ҳибсга олдилар, лекин уни махсус соқчилар сақлаб турган қамоқхонага фаришта туннинг ярмида келиб, унга зоҳир бўлди.

Раҳбар (Ҳирод) ҳушидан кетиб ўлиб қолди ва у Худого шараф бермагани сабаб унинг танасини қуртлар еб битирди. Худонинг буюклиги бутун мамлакат бўйлаб бўлган зулматни сиқиб чиқарди. Нурга қарши бориб бўлмайди!

Мўъжизалар, буюк қудрат ва нажот топган одамлар ҳақидаги хабар барча мажусий шаҳарларга ва қишлоқларга тарқалиб кетди. Боз устига, ёзилганки: “... Асияда яшовчиларнинг барчаси: яҳудийлар ҳам, юнонлар ҳам Раббий Исонинг сўзини эшитдилар” (Ҳаворийлар 19:10). Гап шунчаки бир нечта қишлоқлар ва шаҳарлар тўғрисида кетмаяпти, гап бутун бир минтақа ҳақида кетяпти. Барчаси эшитди! Уларда Facebook, Instagram ва Twitter каби ижтимоий тармоқлар бўлмаган. Ўша замонда интернет, спутник алоқа, ойнаижаҳон ва радио бўлмаган. Одамлар бир жойдан бошқа жойга тезликда кўчиб ўтиш учун автоулов ва ҳаттоки велосипед ҳам бўлмаган. Шундай бўлса-да, ҳар бир киши ўзининг ўлкасида Раббий ҳақида сўз эшитган! Жамоат бирликда бўлганида, масиҳий жамоатларда Худонинг

Сўзи энг муҳим жойни эгаллаганда мана шундай ажиб ишлар содир бўлади.

Бу илк Жамоатда намоён бўлган илоҳий буюкликдир. Бироқ кейинги бобда Худо бизнинг авлодимиз учун янада шуҳратлироқ режа тайёрлаб қўйганини кўрамиз.

Раббимиз ва Подшоҳимиз Исо Масиҳ қайтиб келиши даврида ерда намоён бўладиган илоҳий буюклик ва қудрат илк Жамоат давридан кўра тенги йўқ ва беқиёс бўлади!

ХАРАКАТ ҚИЛИНГ

Янги Аҳднинг ғаройиб мўъжизаларига қараб, “Ҳа, уларга балли” деса бўлади, лекин менга ўхшаган одам ҳеч қачон бундай ишнинг ўддасидан чиқа олмайди” деб ўйлашингиз мумкин. Мана шунинг учун бу бобнинг мазмуни жуда муҳим – улар аллақандай махсус одам бўлишгани учун мўъжизалар ва аломатлар содир этмаганлар. Улар шунчаки ишонгани ва итоат этгани учун мўъжизалар содир бўлган ва Худонинг буюклиги уларнинг ичида ўсиб борган.

Агар Худонинг буюклиги шундай одамларнинг – яъни шўх, ўқимаган, ёш, тажрибасиз, ўзбошимча ва оддий меҳнат билан машғул бўлган одамларнинг ичида кўтарилган бўлса – унда бизнинг ишончимиз комил бўлсинки, дунёда бизларни самовий буюкликни кўтариб юришга қобилиятли деб баҳолайдиган ҳеч қандай андаза мавжуд эмас. Ҳамма гап бизлар Худонинг Сўзига қанчалик ишонишимизда ва эргашишимизда.

Сиз мана шундай ва бундан-да улкан мўъжизаларни кўра олишимизга ишонасизми? Агар сизнинг жамоатингизда мўъжизалар сезиларли даражада содир бўлаётган бўлса, сиз бундан нарига сакрашга тайёرمىсиз? Худо сизга бермоқчи бўлган ҳамма нарсани олишни истайсизми? Худога ибодатда бу саволларга жавоб беринг. Сўнгра, агар ўзингизни бундай ишларга қодир эмасман деб ҳисоблаган бўлсангиз ёки бу ҳаётда истефога чиқиб бўлдим деган бўлсангиз, тавба қилинг. Изтиробларингизни Худога топшинг ва Унга ўзингизни ҳавола этинг, токи У сиз орқали Ўзи истаган барча ишни қила олсин.

БИРЛИКНИНГ КУЧИ

Хочга михланишдан олдин Исо нафақат Ўзининг жамоаси учун, балки биз учун ҳам ибодат қилиш имконига эга эди. У Ўзининг илтимосини шундай сўзлар билан бошлайди: “Нафақат улар учун, балки уларнинг сўзлари бўйича Менга ишонадиганлар учун ҳам ибодат қиламан” (Юҳанно 17:20). Ушбу ибодатда бизлар ҳам борлигимиз шубҳасиз. Бизлар уларнинг мактубларини ўқиб ёки шогирдларнинг ёзган сўзларини бошқалардан эшитиш орқали Исога келдик.

Исо – Инсон Ўғли бўлгани учун ҳам, Унда Отанинг иродаси осмонда бўлгани каби ерда ҳам амалга ошишини сўраш ҳоқимияти бор. Унинг ибодатларини тингланг:

“Уларнинг ҳаммаси бир бўлсин. Отам! Худди Сен Менда ва Мен Сенда бўлганим каби, улар ҳам Бизларда бир бўлсинлар, токи дунё Сен Мени юборганинга ишонсин. Сен Менга берган шўҳратни Мен уларга бердим, токи Биз бир бўлганимиз каби улар ҳам бир бўлсинлар” (Юҳанно 17:21, 22).

Исо бизлар бир бутун бўлишимиз учун ва дунё Исо Масих – бутун инсониятнинг Нажоткори эканига ишониши учун ибодат қилган. Бизнинг бу мактубимиз дунёга нима беради? Албатта - Унинг шўҳратини етказилади. Бизнинг топшириғимиз учун бу катта аҳамиятга эга. У Ўзининг шўҳратини (Ўзинининг намоён бўлган буюклигини) бирликда бўлганлар учун сақлади. Асосий ғоя шундаки, Исо Отаси билан бир бўлгани каби бизлар ҳам бир бўлишимиз зарур.

У ва Ота қандай қилиб бир бўлишган? У такрорлаб шундай сўзларни айтган: “Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини излайман” (Юҳанно 5:30), “Чунки Мен осмондан Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини бажариш учун келдим (Юҳанно 6:38), “Китобнинг бошида Мен ҳақимда ёзилган: “Мана, Мен Сенинг иродангни бажариш учун келаяпман, ё, Худойим” (Ибронийларга 10:7). У Отаси билан бир эди, чунки Отасининг иродасини қидирав ва Отаси истагини қилар эди, гарчи бу ноқулай ёки орқазамон бўлса ҳам.

Биринчи шогирдлар ҳам шунақа бўлишган. Улар Худо Ўзининг буюклигини улар орқали бутун дунёга намоён қилган кунни бирликда эдилар. Улар Исонинг уч йиллик хизмати мобайнида Уни тинглашга келган ўн минглаб одамлар эмас, балки 120 нафар издош эди. Улар Исони тирилган танада кўриб, Унинг сўзларини бажо этиш мажбурий эмас деб ҳисоблаган 380 нафар одам эмас эди. Бу одамлар имонда бир эди.

Повул илтижо қилиб, ҳар биримиздан ёлворяпти: “...тинчлик бирлашувида Рўҳнинг бирлигини сақлашга интилинглар” (Эфесликларга 4:3). Сўнгра у Исо шахсан жамоатга берган инъомлар ҳақида – ҳаворийларга, пайғамбарларга, хушxabарчиларга, чўпонларга ва ўқитувчиларга гапиряпти. Уларнинг зиммасига Худо жамоатга берган мақсад сари интилишга йўл-йўриқ бериш юкланган:

“Шу тариқа, ҳаммамиз имоннинг ва Худонинг Ўғлини таниб-билишнинг бирлигига келиб, мукаммал инсонга, яъни Масиҳнинг тўла-тўқислигининг етуклиги меъёрига эришайлик” (Эфесликларга 4:13).

Бизнинг мақсадимиз ёки топшириғимиз илк Жамоатникидан умуман фарқ қилмайди – биз бирликда бўлишимиз керак ва шу йўсинда Худонинг буюклигининг (шўҳратининг) кўприги бўлишимиз шарт. Бошқа йўл йўқ! Бизнинг авлодимиз имонда ва таниб-билишда бирликка эришмоғи шарт. Чинакам бирликка элтадиган ягона йўл битта, Исо ва Унинг шогирдлари ҳам айнан шу йўлдан борганлар – бу Худонинг Сўзига итоат қилишдир.

Фараз қилинг, исроилликлар бирликда бўлганида, улар Иерихонни тўлиқ босиб олдилар. Сулаймон подшоҳ бўлган даврда Исроил миллат сифатида енгилмас, одамлар эса фаровон ҳаёт кечирар, бир неча авлод давомида муваффақиятли эди. Бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин, лекин уларнинг мазмуни маълум.

Бошқа томондан, тескари тарафга назар соламиз. Повул Коринфда руҳий криптонит борлиги ҳақида гапиришни бошлаганида у аввалида шундай сўзларни айтди:

“... биринчидан, сизлар жамоатда йиғилганингизда, орангизда бўлаётган бўлинишлар ҳақида эшитаяпман. Мен бунга қисман ишонаман” (Коринфликларга 1-мактуб 11:18).

Афтидан, улар бирликда бўлишмаган! Бир савол туғилади: бирликка эришиш учун нима тўсиқ бўлди? Улар криптонит билан ўйнашиб – Худонинг Сўзига итоатсизлик қилдилар.

Бу итоатсизлик, Ахан Худонинг Сўзига итоатсизлик қилганининг оқибатида Исроил бирликни йўқотиб, ғайга ҳужум қилган пайтда енгилишига олиб келган итоатсизлик билан бир хилдир.

Сўнгра Повул қутилмаганда бурилиш ясапти ва мантиққа зид бўлган фикрни айтпти: “Мен бунга қисман ишонаман. Сизларнинг орангизда бидъатлар ҳам бўлиши керак, шу орқали, орангизда асллари намоён бўлади” (Коринфликларга 1-мактуб 11:18, 19).

Ҳақ бўлганларни аниқлаб топиш нима учун муҳим? Ушбу саволнинг жавоби ўта муҳим, чунки у бирлик имонига эришиш учун ва бирликда вояга етиш учун замин яратади. Бу саволга жавоб топиш жуда муҳим. Исроил халқи Худога итоатли эканини, улар жангда ғолиб бўлишининг йўлида Аханнинг итоатсизлиги турганини аниқлаш муҳим бўлганидек ўта муҳим.

120 та имони комил бўлган шогирдларни, ўз йўли билан кетган 380 нафар одамдан ажратиш ҳам жуда муҳим. Коринф жамоати учун бу масала арзимас бўлмаган. Итоатли кўпчилик ва итоатсиз камчилик ўзини билдириб қўйиши зарур эди, акс ҳолда бирлик сари бўлган йўл ёпиқ бўлар эди ва бу Худонинг шўхратини Коринфда намоён бўлишига йўл бермай (буюклигини) ушлаб турган бўлар эди. Бундан ташқари, беайб томошабинларга доридармон келтиришга тўғри келган. Улар муқаддас кечликка ҳурмат кўрсатган бўлсалар ҳам баъзиларнинг беҳурмат муносабати туфайли барибир азият чекар эдилар (улар заиф, нимжон, касал эдилар ва барвақт ўлар эдилар).

Повул бирлик устувор аҳамиятга эга бўлган фазилат эканини яхши тушунган. У Иерусалимда, Самарияда, Антиохияда ва бошқа шаҳарларда содир бўлган ишлар Худонинг буюклиги билан бевосита боғлиқ бўлганини билган. Шу сабабдан, у Коринфдаги жамоатдан бирликда бўлишни беҳудага ўтиниб сўрамаган. У Эфесдаги, Филиппидаги ва Колосдаги имонлиларни, шунингдек бугун яшаётган биз барча имонлиларни бирликда бўлишимизга ундаган. Исонинг мисолидан биз кўряпмизки, Худонинг Сўзига итоат қилишдан бўлак бирликка элтадиган бошқа йўл йўқ.

Кучлироқ

Бугун вазият қандай? Бизнинг мақсадимиз илгаригидек – имон бирлигида бўлишми? Кунлардан бир куни ибодат қилган пайтимда мен бошимдан кечирганларимни таърифлаб беришимга ижозат беринг, бу нарса ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди. Мен буни жуда аниқ эшитган эдим: “Ўғлим, Ҳаворийлар китобидаги мўъжизалар, Мен Ўғлим қайтишидан аввал жамоатда ва жамоат орқали қиладиган ишларимнинг олдида болалар ўйинига ўхшаб қолади”.

Мен эсанкираб қолдим. Боз устига, мен қулоқларимга ишонмадим. Мен Худога: “Ота, бунга ишонишим учун менга Муқаддас Китобдан учта турлича тасдиқ керак” – деб жавоб бердим. Қизиғи шундаки, мен Ундан бу ҳақда сўраганимда ҳеч қандай ноқулайликни ҳис этмадим. Биз ҳамма нарсани синаб кўришимиз керак деб ёзилган (Фессалоникаликларга 1-мактуб 5:21 қаранг). “Ҳар қандай сўз икки ёки уч гувоҳнинг оғзидан қатъий бўлади” (Коринфликларга 2-мактуб 13:1).

У менга Ёзувдан кўрсатган оятларнинг бири манашу эди:

“Зеро Қўшинлар Худованди шундай дейди: «Яқинда, Мен яна бир марта осмон ва ерни, денгиз ва қуруқликни ларзага соламан. Мен барча халқларни ларзага соламан ва барча халқларнинг Истагани келади. Бу Уйни эса Мен шўҳрат билан тўлдираман», - дейди Қўшинлар Худованди. «Бу охириги маъбаднинг шўҳрати аввалгисидан кўра улўроқ бўлади», - дейди Қўшинлар Худованди. «Мен сизларга шу жойда тинчлик бераман», - дейди Қўшинлар Худованди” (Ҳагай 2:6, 7, 9).

Воқеанинг қисқа дебочаси: Исроил кўп йиллар давомида асирликда бўлган, аввалига Бобилда, сўнг форслар қўлида. Худо форс подшоҳи Кирнинг юрагига, ўзининг ватанига қайтиб, Набукаднезар ва унинг бобил қўшини вайрон қилган маъбадни тиклашни истаган яҳудийларни озод қилишни солди. Кўпчилик ўз ватанига қайтди ва рашк билан қурилиш ишларини бошлади, лекин шахсий манфаатлари туфайли ва маҳаллий аҳолининг қаршилиги сабабли аста-секин бу ишга бўлган қизиқишни йўқотди. Ҳагайнинг, Закариёнинг ва бошқа етакчиларнинг башорати, одамларда Худонинг уйини қуриш учун бирлашиш истагини ёндириш учун керак эди.

Шу йўсинда, муҳим савол туғилади: бу пайғамбар улар ахийри қуриб битирган маъбад ҳақида айтганми ёки бошқа маъбад ҳақида айтганми? Исо шундай деди: “Бу маъбадни барбод қилинглар, Мен эса уни уч

кунда қайта тиклайман” (Юҳанно 2:19).

Исо жисмоний маъбаднинг ўртасида туришига қарамай у ҳақда гапирмаган, балки Ўзининг танаси тўғрисида гапирган. Келинг, шуни таҳлил қиламиз.

Муқаддас Китоб изоҳчилари ва тарихшунослар маълум қилишадики, Исроилнинг етмиш йиллик асирлигидан сўнг, қайтадан қурилган маъбад Сулаймон қурган маъбаддан улўворликда ўзмаган, унинг ташқи кўриниши дабдабалироқ бўлмаган, унда Худонинг ҳузури кучлироқ намоён бўлмаган. Ҳатто, етти юз йил ўтиб, Ҳирод маъбадни қайта қурганидан сўнг ҳам, у барибир Сулаймон давридаги маъбаднинг ҳашаматидан ўзмаган. Подшоҳ Сулаймон бу жисмоний маъбадни муқаддаслаётганда, Худонинг шўхрати шўқадар буюк бўлганки, унинг устига қуюқ булут тушиб келган ва руҳонийлар хизматни давом эттира олмаган. Тарихдан шуни биламизки, тикланган маъбадда Худонинг шўхрати сезиларли равишда намоён бўлгани йўқ.

Фарзийлар Исонинг маъбад бузилиши ва уч кундан сўнг тикланиши тўғрисидаги сўзларини нотўғри тушундилар, чунки улар гап жисмоний маъбад ҳақида кетяпти деб ўйладилар. Борди-ю биз Ҳаггайнинг сўзларини чеклаб, у жисмоний маъбад ҳақида гапиряпти деб ҳисобласак, биз ҳам унинг маъносини нотўғри тушунган бўламиз.

Унда гап қанақа маъбад ва қайси давр ҳақида кетяпти? Повул шундай дейди:

“Сизлар Худонинг маъбади эканлигингизни ва Худонинг Рўҳи ичингизда яшаётганини наҳотки билмасангиз?” (Коринфликларга 1-мактуб 3:16). Бир пайтлар Сулаймоннинг маъбадини тўлдирган ўша Рўҳ энди барчамизнинг ичимизда яшамокда. Мен Ҳаггай анашу маъбад ҳақида айтаётганига ишонаман ва жамоат бу охирги маъбад саналади, унинг шўхрати (Худонинг ҳузурининг ва кучининг буюклиги) илгариги жисмоний маъбадниқидан йирикроқ бўлади. Повул ёзган: “Агар ўткинчиси шўхрат орқали келган бўлса, унда мангу қоладигани нақадар кўпроқ шўхратдир” (Коринфликларга 2-мактуб 3:11).

Эски Аҳдда намоён қилинган шўхратни (буюклик ва кучни) фарз қилиб кўринг: Худонинг ёрқин ҳузуридан Мусонинг юзи шўқадар чақнар эдики, у порлашни тўхтатиш учун юзини ёпишга тўғри келди. Чодир эндигина қурилганиданоқ Худонинг ҳузури унда шўқадар кучли зоҳир бўлдики, ҳеч ким унга яқинлаша олмасди. Сулаймоннинг маъбади қурилганидан ва муқаддасланганидан сўнг Худонинг ҳузури яна шўқадар кучли тушиб келдики, руҳонийлар хизматни давом эттира олмадилар. Унинг шўхратли

хузури шунчалик ҳайратомуз эдики – у чиндан ҳам ақлга сиғмайдиган даражада бўлган, бироқ Повулнинг сўзларига кўра: “Бу беҳад шўҳрат сабабли, у шўҳратли бўлган энди шўҳратли эмасдир” (Коринфликларга 2-мактуб 3:10).

Аммо бу ерда қайси вақт тўғрисида гапирилган, Ҳаггай бошидан охиригача жамоат ҳақида айтяптими? Бошқа сўзлар билан айтганда, Исонинг кўтарилиши вақтидан бошлаб то Унинг иккинчи келишигача бўлган давр ҳақида гапиряптими?

Ҳаггай ёзган Худонинг сўзларини яна бир бор ўқиб чиқинг:

“...Яқинда, Мен яна бир марта осмон ва ерни, денгиз ва қуруқликни ларзага соламан. Мен барча халқларни ларзага соламан ва барча халқларнинг Истагани келади. Бу Уйни эса Мен шўҳрат билан тўлдираман...” (Ҳаггай 2:6, 7).

У айтаётган шўҳрат халқларни ларзага солиш даврида келади. Ибронийларга ёзилган мактубнинг муаллифи шу сўзларни тасдиқлаяпти: “Ўша вақтда Унинг овози ерни ларзага солган эди, энди эса У шундай ваъда берди: “Мен яна бир марта фақат ерни эмас, балки осмонни ҳам ларзага соламан”. “Яна бир марта” – деган сўз эса ларзага солинмайдиганнинг қолиши учун ларзага солинадиган ўткинчи нарсанинг ўзгаришини билдиради (12:26, 27).

Ибронийларга мактуби эрамизнинг 68-йилида ёзилган. Олдинги бобда мен таърифлаган воқеалардан, яъни Иерусалим кўчаларида касалларни ётқизган, шаҳарлар ёппасига Раббийга ўгирилган, бутун бошли минтақалар Худонинг Сўзини эшитган даврлардан анча кеч ёзилган. Шу боис Ибронийларга ёзилган мактубдаги ваъда Ҳаворийлар китобидаги вақт даврига тааллуқли бўла олмайди, ҳойнаҳой, бу келажакка, бутун мавжудот ларзага келтирилиши даврига мансуб. Охирги авлод Раббий Исо Масиҳнинг келишини кўриши керак.

Бутун Ёзувда ўзига хос бир хислат бор: Худо энг зўрини охирига қолдиради. “Ишнинг охири бошланишидан яхшироқдир...” – деб ёзилган (Воиз 7:8). Исо ушбу хислатни Жалилия Кана шаҳридаги тўйда энг зўр шаробни охирига қолдириш орқали кўрсатяпти. Сўнгра У: “Ростини, сизларга ростини айтаман, Менга ишонган одам, Мен қилган ишларни қилади ва бу ишлардан кўра каттароғини ҳам қилади, чунки Мен Отамнинг олдига кетяпман” – деб айтди (Юҳанно 14:12). Нима учун “каттароғи” сўзи Исонинг осмонга кўтарилишидан сўнгги даврга мансуб? Чунки У доимо яхшироғини охирига қолдиради.

Жамоат билан ҳам худди шундай – унинг охири унинг бошланишидан яхшироқ бўлади. Ҳаворийлар китоби серҳашам бошланишни кўрсатган, шу боис Жамоатнинг ердаги охирги даври кичикроқ шўхратга эга бўлади деб тасаввур қилиш мумкинми? Повул бизга нечук рашк билан насиҳат берганини эсда сақланг:

“Токи имонингиз инсоннинг донолигига эмас, балки Худонинг куч-қудратига асосланган бўлсин” ва “Чунки Худонинг Шоҳлиги сўзда эмас, балки куч-қудратдадир” (Коринфликларга 1-мактуб 2:5 ва 4:20). Куч – Худо ерда намоён қилган Шоҳликнинг энг катта қисмидир.

Тикланиш

Ўша куни Муқаддас Рух менга Ёзувдан бошқа оятларни ҳам кўрсатди. Мен келтирган оятлардан аллақачон тушунарлики, бизнинг масиҳийлик мақсадимиз кенгайиши лозим, боз устига, Ҳаворийлар китобида ёзилган воқеалардан ўзиб кетиши шарт. Ҳаворий Петъор Муқаддас Рухга тўлиб айтган сўзларини эътиборга олиш зарур:

“...Худо аввалдан тайинлаган Исо Масиҳни олдингизга юборсин. Худо қадимдан бери Ўзининг барча муқаддас пайғамбарлари томонидан айтганларининг ҳаммасини тиклаши вақтигача осмон Масиҳни қабул қилиши керак эди” (Ҳаворийлар 3:20, 21).

Келинг ушбу сўзларга эътибор билан назар соламиз. Биринчидан, Исо нимадир содир бўлгунига қадар осмонда қолиши керак. Бошқа сўзлар билан айтганда, У Ота ваъда қилган нарсга амалга ошишидан аввал қайтиб кела олмайди. У нимани ваъда қилган, пайғамбарлар нима ҳақида айтган эди? Маъбаднинг тикланиши ҳақида. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг улуғворлиги, буюклики, бойлиги, тўкинчилиги, иззати ва салтанати ерда танқис бўлмайди, аксинча Унинг маъбадида ва Унинг маъбади орқали тўлиқ кучда намоён бўлади.

Бу нарсалар ҳозир содир бўляптими? Чиндан ҳам жамоат шуқадар кучли эканини ва бутун бошли шаҳарлар ва минтақалар нажот топаётганини кўряпмизми? Шифохоналар бўшаб қоляптими? Кўрларнинг кўзи очилаётганини, туғма шол одамлар юриб кетаётганини ва сакраб Худони улуғлаётганини кўряпмизми? Ибодатимизнинг қудратидан бинолар тебраниб кетяпдими?

Бизнинг хизматларимизда ва жамоатларимизда шуқадар тўкинчилик борлигини, дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг умидсиз одамларини қутқариш учун маблағ танқислиги йўқлигини кўряпмизми? Наҳотки жамоатдаги одамларнинг муҳтожликлари бўлмаса? Ҳаггай айнан шу сабабга кўра шундай сўзларни айтган бўлиши мумкинми?

«Сизларнинг орангизда бу Уйни олдинги шўхратида кўрганлардан ким қолган? Энди сизлар буни қандай аҳволда кўраяпсизлар? У сизларнинг кўз олдингизда ҳеч нарсадай бўлиб қолмадими?» (Ҳаггай 2:3).

Ҳаггай бу саволни уни тинглаётган замондошларига беряпти, Худо худди шундай саволни бугун бизга ҳам беряпти. Келинг, рўйирост тан оламиз: бизлар бугун бошимиздан ўтказаётган Худонинг ҳузури Ҳаворийлар китобидаги билан солиштирганда ҳеч нарса эмас! Агар биз буни тушунмасак, бизлар Унинг буюк куч қудратини Жамоатда иштиёқ билан тиклашга интилмаимиз. Аксинча, биз Жамоатимизнинг заиф бўлиб қолишига кўникиб қоламиз.

Бизни криптонит қираётгани учун бирликнинг танқислигига чидаб юраверамизми? Илтимос, сиздан ўтиниб сўрайман, гапимга қулоқ солинг – бизлар Худода бирликда бўлиш мақсадига интилишимиз зарур ва бу бирликка фақатгина Унинг Сўзига ишониш ва Унга итоат қилиш орқали эришиш мумкин.

Шундай қилиб, мўлжални тўғри олдик, энди келинг криптонитни аниқлаш мавзусига қайтамиз, чунки у биз имонлиларга якка ва умумий тартибда ривожланишимизга тўсқинлик қилади.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Биз ўзимизнинг барча имкониятларимиз ҳақида билмагунимизча, камни меъёр деб ўйлаган эканман деб аламзада бўлиб юра олмаймиз. Лекин энди, бу бобни ўқиб чиқиб, сиз ўзингизнинг имкониятларингиз ҳақида билиб олдингиз, шунинг учун қаршингизда танлов турибди: қачонлардир жамоат кўрган ажойиботлардан нари бўлган, чекланган, заиф ва нимжон ҳаёт билан яшашангиз мумкин ёки Исо Масихнинг чинакам буюклигини тўлиқ акс эттириш учун куч-қудратдаги ҳаётга интилиб яшашга ўзингизни бағишлашингиз мумкин.

Имонингиз комил бўлмагунича сиз бу имкониятлардан фойдалана

олмайсиз. Сиз ҳаракат қилмасангиз нисбий заифликда индамай яшайверасиз. Яъни, ҳаракат сари биринчи қадамни босиш учун ҳаётингизда Унинг мақсади борлигига ва Унинг Сўзига ишончингиз комил бўлиши керак.

Эфесликларга мактубида ёзилганки, Исо бизни Ўзининг сўзлари билан ювади ва тозалайди, токи бизлар ўзимизнинг сўзларимиздан У билан бирга ушбу эзгу ишда фойдалана олайлик. Масалан: “Исо мени Ўзининг куч-қудрат Рухи билан тўлтирди, токи мен бу дунёни ўзгартира олай”, “Худо менда Ўзининг буюклигини кўтараяпти, токи мен гуноҳкорларни қутқарай”, “Мен тенгдошларимга таъсир қилишим ва иш жойимни ўзгартиришим учун мойланганман” – деб ишонишимиз зарур. Ушбу ҳақиқатларни ҳар куни ҳаётингизда эълон қилишни бошланг ва сизнинг аминлигингиз қандай қилиб кун сайин ҳаракатчан бўлиб боришининг гувоҳи бўласиз.

「 2 - БЎЛИМ 」

КРИПТОНИТНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ

НИКОҲ АҲДИ

Эҳтимол, кейинги бобларда биз сизга ҳудди фойдасиз нарсалар билан шуғуллангандек бўлиб кўринишимиз мумкин, бироқ сизни ишонтириб айтаманки, биз бир нечта ҳақиқатларни жорий этганимиздан сўнг жамоатга таъсир кўрсатаётган руҳий криптонит ҳақидаги гапимизни давом эттирамиз.

Оддий никоҳми?

Бизнинг Худо билан муносабатларимизнинг яширин ва махсус табиатини бошқа мисолларга қараганда, ўйлашимча, яхшироқ кўрсатадиган қуйидаги воқеани кўз олдингизга келтириб кўринг.

Жастин исмли ёш йигит Анжелла билан бир йил давомида учрашиб юрадилар. Қиз йигитнинг кўзларида соҳибжамол ва ҳайратланарли табиатга эга. У ўша қизни ҳушини йўқотар даражада севиб қолган ва ҳаётининг қолган қисмини фақат у билан ўтказишига ишончи комил.

Жастин махсус кеча уюштиришни режалаштиради. Бир ажойиб кунда, у тиззасига туриб, кичик қутичани очиб, қизнинг қўлини ва юрагини сўраб унга жуда чиройли узукни тақиб қўяди.

Анжелла ўзида йўқ хурсанд. У қўллари билан юзини ёпади, унинг кўз ёшлари эса юзидан юм-юм оқишни бошлайди. Ҳисларини баъзур жиловлаб, у бир сўз дея олмай, бор кучи билан бошини ирғайди, кейин фикрларини бироз йиғиб олиб, у қувонч билан: “Ҳа, ҳа, ҳа, мен сизга турмушга чиқишга розиман!” — деб ҳайқиради.

Бир неча ойдан сўнг улар эртаклардагидек тўй ўтказадилар. Шундан сўнг, севги, кулгу, саргузаштларга ва келажак учун ўзаро режаларга тўла бўлган асал оии бошланади. Ҳаммаси улар орзу қилгандек ва ҳатто, ундан ҳам аълороқ даражада ўтади.

Вақт ўтиши билан, Жастин севгилиси Анжелла, у ўйлагандан ҳам яхшироқ эканини билиб, ўзида йўқ бахтиёрликни ҳис этади. У турли саргузаштларни, қувонишни ёқтиради ва ажойиб ҳазилкашлик одатига эга. У барча қириндошларга жуда зўр муносабатда бўлади ва ҳамма билан тил топишиб кетади. У ақлли, доно ва яна Жастиндан бир қадам олдинда юради. У ижодкор, қобилиятли, тасаввури кенг аёл. Жастин уларнинг ўйи, доим хотинининг қўли тегди дегунча, ўзгача кўринишга киришидан лол қолади. Хотини унга қараганда овқатни мазалироқ тайёрлайди, бундан ташқари у озода ва тартибли. Жастин уларнинг янги иттифоқидаги хотинининг иштирокидан боши осмонга етканини тил билан таърифлашга ожиз. Келажак уларга кўп нарсани ваъда қилаётгандек бўлиб кўринади.

Улар турмуш қурганидан бир неча ой ўтиб, айрим нарсалар одат тусига кириб қолган бир пайтда, Жастин бир куни кечга ишдан уйга қайтади. У Анжелла одатга кўра уни қучоқ очиб, бўсалар билан қарши олишини кутади. У уйга кириб, хотинини, аввал меҳмонхонадан, кейин ошхонадан излай бошлайди, сўнг ҳовлининг орқасига қарайди ва ниҳоят, уни ётоқхонадан топади.

Афтидан, у қаергадир кетаётганга ўхшайди. Хонада гўзал куй эшитилиб турибди, Жастин унинг хушбўй атирининг ҳидини сезади. Хотини кўчага чиқишга таппа-тайёрлигидан у ҳайрон қолади. Хотини у севган ресторанга олиб борганида киядиган чиройли кўйлагини кияди.

У хонага эри кириб келганини кўрмай турган бўлади. Шунда Жастин саросимага тушишни бошлайди: “Бўлиши мумкин эмас, наҳотки мен бугун бирор жойга боришимиз кераклигини унутган бўлсам? Гул дўконига кириб, унга гулдаста сотиб олиш керак эдимиз?”

У жимликни қувончли, лекин асабий салом билан бузади.

- Салом, азизам.

Хотини бироз эсанкираб, қувноқ тарзда жавоб беради:

- Салом, севгилим.

У ўзини йўқотган ҳолда хотинидан сўрашни бошлайди:

- Афтидан, мен ниманидир унутган кўринаман. Бугунги кеча учун бирорта режамиз бормиди?

Хотини шу заҳоти жавоб қайтаради:

- Йўқ, севгилим.

У ҳайрон бўлиб, тезгина вазиятни баҳолашни бошлайди ва “хотиним менга кутилмаган совға тайёрлаган” деб хулоса чиқаради. У уйда ўтказишимиз учун бирор махсус нарсани ўйлаб топган ёки шаҳарда кутилмаган совға тайёрлаб қўйган бўлса керак деб ўйлайди. Ҳозир Анжелла бошдан-оёқ кийиниб бўлган ва энди кеча учун якуний тайёргарликлар билан банд. Жастин хотинига хушомад қилади.

- Кўринишинг ажойиб!

- Раҳмат, азизим, - дейди хотини бирдан.

Жастин хотини нимани истаётганини ҳалигача тушунмай, унга савол беради:

- Мен ҳам чиройли кийимларимни кийишимни хоҳлайсанми?

Анжелла бироз ўзини йўқотиб қўяди ва жавоб беради:

- Хоҳласангиз, кийишингиз мумкин.

Жастин эса ҳали ҳам нималар бўлаётганини тушунишни истаётган эди.

- Мен ҳам сенга мос равишда кўринишим керак-ку, ахир. Сен бунақа безаниб олганингда, мен сенинг ёнингда ишчи кийимида туришим яхши эмас, – дейди у.

Ва ниҳоят, хотини ноқулай ҳолат юзага келганини тушуниб, унга дейди:

- Азизим, бугун мен бир учрашувга боришим керак.

- Тушуниб турибман, шунинг учун сенинг ёнингда чиройли кийимда туришни таклиф қиляпман.

Жастин яна ўйлашиб қолади.

Хотини унга вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилади ва дейди:

- Йўқ, азизим, бугун мен Тони билан учрашувга боряпман. Биз у билан овқатланамиз, кейин кино томоша қилгани борамиз ва “Феэрмонт” меҳмонхонасида қоламиз. Уйга эрталаб қайтаман.

- Тони ким?! – деб қичқириб юборади Жастин.

- У мактаб даврларимдаги дўстим, - ҳеч нарса бўлмагандек жавоб беради хотини.

- Нима?! Сен у билан ҳеч қаерга бормайсан!

- Нега энди?

- Негаки биз турмуш қурганмиз, биз бир-биримизга сўз берганмиз. Биз бошқалар билан учрашувга боришимиз нотўғри!

- Сиз жиддий айтяпсизми? – жавоб беради хотини. – Мен ҳалигача кўпчилик йигитлар билан яқин муносабатдаман. Наҳотки, биз сиз билан турмуш қурганимиз учун мени улар билан аълоқани ўзади деб ўйласангиз?

- Албатта, эр-хотин айнан шу тарзда яшашади! Улар турмуш ўртоғига ўзларини батамом бағишлашади, – аламли ва ғазабли овоз билан дейди Жастин.

- Қизишманг, азизим! – хотини вазиятни тушунтиришга ва уларнинг илк жиддий келишмовчилигида эрини тинчлантиришга урунади. – Сиз мен учун энг сеvimли кишисиз. Мен энг кўп вақтимни сиз билан ўтказаман. Мен сизни бошқа дўстларимдан кўра ортиқроқ севаман. Аммо мени энди улар билан учрашмай қўяди деб ўйламаслигингиз керак. Уларнинг айримлари билан мен бир неча йиллардан бери учрашаман, мен уларни ҳали ҳам севаман ва улар билан вақт ўтказишни истайман. Бунинг нимаси ёмон?

Ҳойнаҳой, уларнинг никоҳи нима билан тугаганини тушуниб тургандирсиз.

Қиёслаш

Бу ҳикоя бемаъ依ликдек тўйлишини биламан, бироқ Анжелла келтирган далилларнинг фойдасига бир савол билан сизга мурожаат этишга рухсат берсангиз: “Ахир, Жастин у учун энг сеvimли киши эмасми? Чиндан ҳам, у эрини бошқа дўстларидан кўра кўпроқ севади-ку? У ҳақиқатдан ҳам эрини кучли севади-ку? У энг кўп вақтини Жастин билан ўтказиши рост эмасми? Ахир, у ажойиб хотин-ку?”

Тасаввур этиб кўринг, Жастин ўйни тартибга келтиришни билмайдиган ва овқат тайёрлаш қўлидан келмайдиган бефаросат қизга ўйланиши мумкин эди. Ҳамжиҳат ҳаётни қуришга интилмайдиган ва ҳеч қандай қизиқиши йўқ қизга. Наҳотки у Анжелла ҳамма нарсада аъло даражада бўлишини истаяпти? Бор-йўғи – баъзида унга бошқа эркаклар билан вақт ўтказиб туриш учун рухсат берса бўлгани. У шундоқ ҳам тўқсон фоиз вақтини эри билан ўтказаяпти-ку, нега Жастиннинг жаҳли чиқди?

Албатта, кўпчилик учун ушбу саволлар аҳмоқона эшитади.

Афтидан, Анжеллага ҳеч ким оилавий ҳаёт асослари ҳақида ўргатмаган. Унга эр ва хотин ўртасидаги аҳд улар бир-бирларига ўзларини тўлиқ бағишлашини англатиши айтилмаган. Улар иккиси ҳам – у бошқа тушунча билан, Жастин эса умуман бошқа тушунча билан оила қурган. Анжелла, у ўйлаган нарса, унга фойда, завқ-шавқ ва ютук олиб келади деб ишонган. У турмушга чиққач, ўзининг гўзал ўйида яшайди ва шу билан бирга, бошқа эркаклар билан муносабатларнинг барча лаззатини татийди. Бироқ бундай муносабат илоҳий никоҳнинг аҳдини бузади.

Келинг, бу ҳақиқатни оддий тарзда тушунишга уриниб кўрамиз.

Қиз бола гўзал оқ кўйлак кийиб, Жамоатнинг ёки бошқа бирорта никоҳ маросими ўтказиладиган жойнинг йўлагидан юриб бораётганда, у бу билан муҳим нарсани намоёиш этади: у ер-юзидаги бошқа барча эркаклар ва улар билан яқин муносабатлари ила хайрлашаётган бўлади. У бошқа йигитлар билан эски муносабатларига нуқта қўяди, бу нарса энди у ҳозирдан бошлаб, умрининг охиригача ҳеч ким билан ишқий муносабатларга эга бўла олмаслигини кўрсатади. Уни залнинг тўрида кутиб турган эркак ҳам худди шу нарсани айтиб туради.

Сизга бир шахсий савол беришга изн берсангиз. Сиз Жастиннинг ўрнида бўлсангиз, қандай йўл тутган бўлар эдингиз? Сиз турмуш қурмоқчи бўлган киши унаштирувдан олдин, у оилада мана шундай тарзда яшамоқчилигини айтса, нима қилган бўлар эдингиз? Сиз барибир у билан оила қуриш ниятида қолар эдингизми?

Мен ундай деб ўйламайман. Сиз бор кучингиз билан: “Ҳеч қачон!” деб жавоб берган бўлар эдингиз.

Нега сиз шу қадар қатъий жавоб бердингиз? Ҳаммаси тушунарли – сиз ўзингизни бундай шартдаги оилавий ришталар билан боғлашни истамайсиз. Сизда бу нарсага нисбатан қаршилик кўтарилади, сиз умрингизнинг охиригача хиёнатчи эр ёки хотин билан яшаб ўтишни хоҳламайсиз.

Шундай экан, сиз ҳеч қачон бундай тартибдаги никоҳ аҳдини қабул қилмаган бўлар эдингиз ва оилада бундай ахлоққа йўл қўймаслик керак деб ҳисоблардингиз. Келинг, ҳаққоний бўламиз ва қўйидаги саволни берамиз: “Исо Масих ўзини худди Анжелладек тутадиган келинни олиб кетиш учун келишини кўз олдингизга келтириб кўра оласизми?” Бу ҳақда бир сония ўйлаб кўринг. Бизнинг У билан муносабатларимиз эр ва хотиннинг муносабатларига ўхшаб кетади. Повул шундай деган:

“Шунинг учун одам ўз ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва иккаласи бир тана бўлади. Бу буюк сирдир, мен эса буни Масихга ва жамоатга нисбатан айтаяпман. Шундай қилиб, ҳар бирингиз ўз хотинини ўзини севгандек севсин; хотин эса ўз эридан қўрқсин” (Эфесликларга 5:31-33).

Худо бошиданоқ бизнинг У билан муносабатларимизни қиёслаш мақсадида никоҳ аҳдини барпо этди. Янги Аҳдда Исо Масих Куёв сифатида, Жамоат эса – Масихнинг келини сифатида тасвирланган. Нега унда биз баъзида ўз Куёвимиз билан муносабатларимизда Анжелланинг хулқини оқлаймиз ва ҳатто, уни қўллаб-қувватлаймиз? Ҳаворий Ёқуб бу ҳақда имкон

қадар аниқ қилиб айтган. У ўзини “масиҳийман” деб атайдиган одамларга қарата қуйидаги оятларда, мана нима деб ёзган:

“Сўраяпсизлар-у, лекин олмаяпсизлар, чунки ҳирсларингизни қондириш учун ёмонликка сўраяпсизлар. Зинокорлар ва фоҳишалар! Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?! Шундай қилиб, ким дунё билан дўст бўлишни хоҳласа, у Худога душман бўлади. Наҳотки сизлар Ёзувда: “Бизнинг ичимизда яшаётган Рух рашк қадар севади”, – дейилгани бекор деб ўйласангиз? Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади. Эй, гуноҳкорлар, қўлларингизни тозаланглар! Эй, фикрида иккиланаётганлар, юракларингизни покланглар! Қайғуринглар, йиғланглар ва нола қилинглар! Қулгингиз йиғига, қувончингиз маъюсликка айлансин” (Ёқуб 4:3-5, 8, 9).

Бу жуда кескин сўзлар. Айниқса, одамлар аро муносабатлардаги садоқатсизлик одатий ҳол деб ҳисобланган даврда бу сўзлар истехзоли ва пичингли, ҳатто, жуда бўрттирилгандек эшитилади. Олдинлари менга бўрттириб гапириш одат бўлиб қолган эди. Мен ҳар қандай ҳулосани ҳаддан зиёд ошириб, масалага ортиқча қаттиққўллик билан ёндошиб, унга ўта чуқар маъно берардимки, охирида у ўз ҳаққонийлигини йўқотиб қўяр эди. Натижада, менинг яқинларим ва дўстларим мени жиддий қабул қилмай қўйгани, ҳаммасидан ҳам даҳшатлиси эди.

Ҳар биримиз у ёки бу вазиятда шундай хатога йўл қўйганимиз муқаррар. Ёш ота-оналар фарзандларига кўпинча: “Агар буни яна бир марта такрорласанг, сени жазолайман” – дейишади. Эҳтимол бола ота-онасига биринчи ва иккинчи марта қулоқ солади, лекин кейинроқ, ўша ишни яна такрорласа ҳам ҳеч қандай жазо олмаслигини тезда тушуниб олади. Шу боис, уларнинг сўзларини жиддий қабул қилмай қўяди. Бу нарсани биз мактаб, ташкилот, ҳукумат, матбуотларда ҳамда дўстлар ва оила аъзолари орасида кўп учратамиз. Бизни ҳимоя қиладиган огоҳлантиришларга ўта енгил муносабатда бўламиз.

Афсуски, Муқаддас Китобдаги огоҳлантиришларни эшитганимизда ҳам биз унга мана шундай тафаккур билан ёндошамиз. Худо айтган нарсани назарда тутишини ва назарда тутган нарсани айтишини унутмаслигимиз зарур. Ёзувдаги барча сўзлар Худо томонидан руҳлантирилганини ёдда сақлаш лозим (Тимотийга 2-мактуб 3:16). Шундай экан Ёқуб мактубини ўқиганимизда, у ердаги сўзларни бизга Худонинг Ўзи гапиради.

Агар бу сўзларни чиндан ҳам юрагимизга яқин қабул қилсак, бизни

соғлом титроқ қуршаб олади. Ҳам Худого, ҳам дунёга садоқатли бўлган масиҳий зинокор ҳисобланади. Бу гап бизга қаттиқ тегади. Эр-хотинлар бир-бирларига қарши кўпгина гуноҳларни содир этишлари мумкин: тухматчилик, ёлғончилик, ўғирлик, бақироқлик, қўполлик ва ҳоказо. Уларнинг ҳар бири муносабатларга путр еткизади ва бу ишлар эътибордан четда қолмайди, бироқ уларнинг ҳеч бири зино қадар разил иш эмас. Айнан мана шунинг учун Жастин хотинидан ранжиди ва жаҳли чиқди. У энг оғир хиёнатни бошидан кечирди, хотини эса ўзининг хиёнатига ёмон нарса деб қарамас эди.

Ҳаворий Повул давом этиб, биз руҳий зинокорга айланиб, ўзимизни Худонинг душмани қилиб қўйишимиз мумкинлиги ҳақида айтган. Бу ўта жиддий нарса ва фақат биз ўз ҳатти-ҳаракатларимиз учун жавобгармиз. Худо бизни Ўзининг душманига айлантиришни заррача ҳам истамайди, чунки У бизни кучли севади. Аммо биз қандайдир дунёвий нарсаларга ҳамда йўлларга севги ва меҳр қўйганимизда, биз ўзимизни Худонинг душмани бўлишга йўлиқтирамиз.

Бу сўзларга беписанд қараб бўладими? Янги Аҳддаги Ёқубнинг ушбу сўзлари худди ёзилмагандек, уларни эътибордан четда қолдириш мумкинми? Бу ҳақда фақат Ёқуб ёзмаган. Янги Аҳд муаллифлари ичида Худонинг инояти ҳақидаги энг катта ваҳийни олган Повул ҳам бу ҳақда айтган. Шунингдек, севги ҳаворийси Юҳанно ҳам бу ҳақда айтган, қолаверса, Петъор ва Яҳудо ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ энг муҳими, Исо Масиҳнинг Ўзи осмонга кўтарилгач, ушбу сўзлар билан Асиядаги жамоатларга мурожаат этган.

Кейинги бобларда руҳий зинокорлик қай тарзда бизни Худонинг душмани қилиб қўйишини батафсил кўриб чиқамиз. Биз муносабат ва ҳатти-ҳаракатлар – биз айтаётган чинакам криптонит нима эканини билиб оламиз.

Ҳаракат қилинг

Худо рашк қилади. Кўпчилигимиз бу ҳақда Ёзувдан биламиз, шундай бўлса-да, аксарият масиҳийлар етарли равишда Худонинг рашки тўғрисида фикр юритиб кўрмайдилар ёки У фақат Эски Аҳдда шундай бўлган деб ҳисоблайдилар. Бу умуман ундай эмас. Айнан Исо Масиҳнинг ўлими Унинг севгиси – энг садоқатли Куёвнинг севгиси эканини кўрсатди.

Хуллас, сиз Худо Ўз севгисида бизга нисбатан эътиборсиз эмас, балки бизни рашк қадар севишини ишташимиз ва биз ҳам Худодан Уни шундай

иштиёқ ва фидокорлик билан севишимиз учун иноятли қобилият беришини сўрашимиз лозим. Фақат шу тарзда яқинликнинг имкони бор.

Ўз юрагингизни текшириб кўринг. Сизнинг Исога бўлган севгингиз қай даражада қатъий? Муқаддас Рухдан ҳаётингизда яна қандай нарсаларга бўлган севги Худога қарши зинокорга айланишингиз учун сизга хавф солаётганини кўрсатишини сўранг. Борди-ю, У сизга бирор нарсани очса, керакли ўзгаришларни амалга оширинг. Худо билан яқин муносабатларингизни янгиланг, улар ҳақида ўйлаб кўринг, Унга нисбатан худди никоҳ аҳдингизни янгилаганга ўхшаб, Унга ўзингизни қайта бағишланг.

ХУДОГА НИСБАТАН ЗИНО

Ҳаворий Ёқубнинг: “Зинокорлар ва фоҳишалар! Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?!” – деган сўзлари нақадар кескин тарзда айтилган. Биз бу сўзларни жамоатлардаги инжил мактубларида, анжуманларда ва ўз суҳбатларимизда камдан-кам эшитамиз. Шунга қарамай, уларни эътибордан четда қолдириб бўладими? Бу мавзу Муқаддас Китобда кўп тилга олинган бўлишига қарамай, у Ёзувда ажралиб турибди, деб айта олмаимиз.

Агар Ёқубнинг сўзларини ўрганиб чиқадиган бўлсак ва ундаги огоҳлантиришга бор юрагимиз билан ёндошсак, ўзимиздан ҳар қандай саросима ва қўрқувни олиб ташлай оламиз. Оятнинг тўлиқ ёзилиши қуйидагича:

“Зинокорлар ва фоҳишалар! Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?! Шундай қилиб, ким дунё билан дўст бўлишни хоҳласа, у Худога душман бўлади” (Ёқуб 4:4).

Биринчидан, Худонинг Ўзи бизни Ўзининг душманига айлантирмайди. Балки бизнинг ўзимиз Унинг душманига айланамиз. Нима бўлган тақдирда ҳам, оддий қилиб айтганда, бунинг орасида фарқ бўлса ҳам, вазият ёмон тус олади.

Биз ҳаммамиз бир томоннинг ҳатти-ҳаракати натижасида юзага келган келишмовчиликларнинг гувоҳи бўлганмиз. Бошқача қилиб айтганда, муносабатлардаги битта иштирокчи, ўзи истамаса ҳам урушга

аралашиб қоладиган бошқа томонга нисбатан уруш эълон қилади. Жумладан, 1941-йили японлар Перл-Харборга ҳужум қилишди ва шу аснода, Қўшма Штатларни ўзига душман қилиб қўйди. Америка улар билан келишмовчиликка боришни умуман истамаган эди, бироқ Япония ўзининг ифвогарлик ҳаракатлари билан ўзидан кучлироқ бўлган давлатнинг қаҳридан азият чекди.

Ёқуб ҳам айнан шу ҳақда айтмоқда. Худо одамларга, яъни Ўзининг фарзандларига қарши боришни умуман истамайди, аммо биз тинимсиз равишда дунё билан дўстликни қидираверсак, Худо низолашиш йўлидан қайтмайди. Ушбу матнда “душман” сўзининг маъноси учун юнонча “echtra” ва “echtros” сўзларидан фойдаланилган. Бу сўзлар маъно жиҳатидан бир хил, уларнинг ўртасидаги ягона фарқи шундаки, биринчиси – от, иккинчиси эса – сифат.

Сиз бошқа тилларга ўгирган таржимонлар ўта кескин сўзларни танлаган деб ўйлайсизми? “Душман” сўзи асл нусхада юмшоқроқ эшиталади деб ҳисоблайсизми? Йўқ, асло. Бир юнонча луғатда бу сўзлардан аниқловчи сифатида фойдаланилган: душман, душманлик ва адоват. Бошқасида “бирор кимса билан душманликда яшаш” дейилган, учинчисида эса: “бирор кимса билан душманлик ҳолати” деган изоҳ келтирилган. Айтганларимизга ойдинлик киритиш учун келтирган учта ишончли луғатлардан келиб чиқиб, ушбу оятдаги “душман” сўзи учун бошқа сўзни ишлатиш умуман асоссиз деган фикрни билдираман. Барча ёзилганларнинг жиддийлигини англаш ўта муҳим.

Бу ерда огоҳлантиришнинг жиддийлигига ишора қиладиган яна бир нарсаси бор. Ёқуб ўз сўзларини иккинчи марта такрорлаб, шу тарзда, унинг муҳимлигига урғу бермоқда. Такрорлаш қадимий ибронийларнинг ҳаммага маълум адабий алоқа шакли билан боғлиқ. Янги Аҳднинг ушбу матнлари юнон тилидан олинган бўлишига қарамай, уларни иброний ҳаворийлар ёзган.

Инглиз тилида сўз ёки жумланинг муҳимлигига урғу бериш учун икки хил йўл бор. Биз уларни қалин, ёзма, пастига чизиқ тортиб ва катта ҳарфлар билан ёзамиз ёки кучайтириш учун ўндов белгисини қўямиз. Бу усулларнинг бари муҳим деб ҳисобланган сўзга ёки гапга эътиборни жалб этиш учун ишлатилади. Бироқ иброний муаллифлар алоҳида эътибор қаратиш учун сўз ва иборани икки маротаба ёзишган ва ҳеч нарсани бўрттирмаслик учун сўзларни синчиклаб танлашган.

Шу аснода, Ёқубнинг огоҳлантириши нафақат шунчаки жиддий ва кучли сўзлар ҳисобланади, қолаверса, бу ерда уларнинг муҳимлиги ҳам ўқтирилган. Бошқача қилиб айтганда, уларга юзаки қараб бўлмайди.

Фоҳишалар

Ёқуб “зинокорлар” сўзи остида нимани назарда тутмоқда? Авваламбор, у ҳамма одамларга эмас, балки ҳамма имонлиларга мурожаат этмоқда. Биз буни биламиз, чунки у бутун мактуби давомида: “Менинг азиз биродар ва опа-сингилларим” – деб қайта-қайта такрорлаган. Иккинчидан, имонсиз киши учун Худога нисбатан зинокор бўлишнинг имкони йўқ, негаки имонсиз киши Худо билан аҳд муносабатларига эга эмас.

Бунга сиз қуйидагича қаранг: мен Лиза Биверга уйланганман, шу боис, мен Жейн Смитга қарши зинони амалга ошира олмайман, чунки менинг у билан эр-хотинлик аҳдим йўқ.

Исо Масихни ўзининг Раббийси ва Нажоткори деб қабул қилган кишиларгина Худого қарши зинони амалга ошириши мумкин. Худого бегона ва Ундан узоқ бўлган кишилар эса У билан аҳд муносабатларига эга эмас.

Юнон тилида “зинокорлар” – аёл жинсига мансуб *moichos* сўзи билан ёзилган, бироқ инглиз тилида – эркак жинсига мансуб сўз ёзилган.

Тўғрироғи бу сўз “фоҳишалар” деб таржима қилинади. Қирол Ёқубнинг биринчи ва Қирол Ёқубнинг янги таржималарида бу фарқни “зинокорлар ва фоҳишалар” сўзлари билан кўрсатишга уринганлар. Бир қарашда, “Янги тирик таржима” ва бошқа кенг қўлланиладиган таржималарнинг таржимонлари бу сўзнинг аёл жинсига мансублигини қабул қилиши қийин бўлгандек туюлади. Балки улар ўқувчилар, Ёқуб фақат аёлларга мурожаат этибди деб ўйлашни истамагандир. Аммо бу мактубнинг кейинги сатрлари, Ёқуб барча имонлиларга қарата гапирганини ойдинлаштиради. Муқаддас Китоб изоҳловчилари Ёқуб бу сўзларни фақат аёлларга нисбатан ёзмаган деган фикрга келганлар. Унда нега таржимада “фоҳишалар” деган сўзни кўрмаслигимиз, биргина менга эмас, қолаверса, Муқаддас Китоб изоҳловчиларига ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Аёл жинсига мансуб “фоҳишалар” сўзи Ёзувнинг умумий матнига мос келиши бу ерда янада кўпроқ сир борлигини англатади. Худо ўз халқига мурожаат этар экан, кўпинча эр-хотин муносабатларидаги тимсолдан фойдаланади, яъни У эр, биз эса – Унинг хотини эканимизни кўрсатади.

Эски Аҳддаги пайғамбарлар кўпинча шундай қилганлар. Ишаъё шундай деб ёзган: “Зеро сенинг Яратувчинг – сенинг эрингдир. Унинг исми – Қўшинлар Худовандидир...” (Ишаъё 54:5). Кейинроқ Исроил ўзининг бутпарастлиги билан Раббийга бўлган садоқатини бузгач, пайғамбарлар унинг зинокорлиги ҳақида ёзган. Эзекил шундай дейди: “Мен сени зинокорларнинг ҳукми билан ҳукм қиламан...” (Эзекил 16:38). Худо

Йермиях орқали деган: “Эй, Исроил хонадони, ҳақиқатан ҳам, хотин эрига хиёнат қилганидек, сизлар ҳам Менга хиёнат қилдингизлар», – дейди Раббий” (Йермиях 3:20).

Хосея пайғамбарнинг бутун хизмати хотиннинг эрига нисбатан хиёнатини тасвирлаган. У Худодан фоҳишага уйланиш буйруғини олади. У ўз ҳаётидан мисол тариқасида фойдаланиб айтган воизлигида, Хосея Раббийнинг тимсоли, унинг хотини Гомер эса, Худо халқининг рамзидир. Бу нарса Исроилнинг бутпарастлиги, хотин ўз эрига қарши бир киши билан эмас, балки кўпчилик билан хиёнат қилишига ўхшабини аниқ кўрсатиш учун муҳим эди. Исроил фоҳишалик қилди.

Яҳё чўмдирувчи никоҳ аҳдининг тимсолини давом эттириб, дейди: “Келинга эга бўлган – куёвдир, куёвнинг ёнида туриб унга қулоқ солаётган эса куёвнинг жўрасидир, у куёвнинг овозини эшитиб, қувонч билан қувонади” (Юҳанно 3:29). Исо Масих бу ерда ҳам – Куёв, Худонинг халқи эса – келин деб тасвирланган.

Исо Масих ҳам Худонинг халқини “ёвуз ва зинокор авлод” деб атаб, яна шу нарсани таъкидлади (Матто 12:39; 16:4 га қаранг). У бу ерда ҳам “зинокорлар” сўзи учун эркак жинсига мансуб эмас, балки аёл жинсига мансуб сўздан фойдаланди.

Ҳаворий Повул давом этиб, ҳеч муболағасиз бизни – келин, Исо Масихни эса – Куёв деб атамоқда (Эфесликларга 5:31, 32 га қаранг). Шундай қилиб, Худонинг халқи Эски Аҳдда ҳам, Янги Аҳдда ҳам Худо билан муносабатларида келиннинг рамзи эканини Ёзувда кўп маротаба кўрдик. Шу боис, Ёқуб “фоҳишалар” сўзининг аёл жинсига мансуб шаклидан фойдалангани, Муқаддас Китобдаги ўзгармас тимсолни давом эттиради.

Бутпарастлик – бу зинокорлик

Эски Аҳдда Яҳудо ёки Исроилнинг Худога қарши зинокорлик қилгани айтилганида, бу ҳар сафар бутпарастлик билан боғлиқ бўлган. Бошқача қилиб айтганда, одамлар Худога нисбатан садоқатли эмас эдилар. Биз бутпарастлик ҳақида тасаввур қилганимизда, мажусий худоларга қурилган санамлар, қурбонгоҳлар, маъбадлар ҳақида ўйлаймиз. Аммо Исо Масих одамларни зинокорлар деб атаганда, у бошқа худоларнинг кўринарли тасвирига сиғинишни назарда тутмаган. Гап шундаки, одамлар Ундан, Унинг Масих эканини, қандайдир аломат билан исботлашини сўрашган.

Ёқуб Худонинг халқини зинокорлар деб атаган жойга диққат билан қарайдиган бўлсак, бу умуман санам, қурбонгоҳ ва маъбадлар билан боғлиқ

эмаслигини кўрамиз. Қизиғи шундаки, Ёқуб ҳам Повул Коринф жамоатига мурожаатида кўрсатган нарсалар ҳақида айтмоқда: бир биродар бошқа биродар ва опа-сингилларни камситиши (Ёқуб 2:1-13), бошқалар ҳақида тўхмат ва салбий сўзларни гапириш (Ёқуб 3:1-12), ҳасад, рашк ва худбин истаклар (Ёқуб 3:13-18), нафс ва шахсий ҳирсларнинг ортидан бориш (Ёқуб 4:1-3) ва ҳоказо. Бу ҳаракатларнинг бари бутпарастликка ишора қилади.

Наҳотки Ёзув бир зумда ўз изчиллигини йўқотган бўлса? Наҳотки Худонинг халқи бу сафар бутпарастлик эмас, балки бошқа нарсалар тўғрисида зинокорликда айбланаётган бўлса? Жавоб оддий: “Йўқ, ундай эмас”. Ёзувдаги ҳар бир сўз ўзаро боғлиқ ва кетма-кет ёзилган.

Бугунги кундаги жамоат Исо Масих, Повул, Ёқуб ва Янги Аҳддаги бошқа муаллифларнинг огоҳлантиришларини менсимаётганга ўхшаб кўриняпти. Оддий қилиб айтганда, биз бутпарастликни шунчаки мужусий маъбадлардаги ва қурбонгоҳдаги санамларга сиғиниш деб қўя қоляпмиз. Ҳақиқат шундаки, ҳозирги кундаги масиҳийликда ҳам бутпарастликнинг барча кўринишлари мавжуд. Боз устига, биз мужусий маъбадлар, санамлар ва қурбонгоҳлар қуриладиган давлатлардан ҳам кўпроқ бутпарастлик бор.

Менинг вазифам, сизларга бутпарастлик нафақат бугунги кундаги маданиятимизда ҳукм сураётган нарса, қолаверса бу қачонлардир Яҳудо ва Исроил ривожланишига халақит берган криптонит эканини кўрсатишдир. Ушбу криптонит ҳақида Повул Коринф жамоатларига ва Ёқуб ҳамда Янги Аҳднинг бошқа муаллифлари ёзганлар. Ҳозирги кунда бу криптонит алоҳида кишиларга ва жамоатларга гуллаб-яшнаш учун ҳамда йўқолган ва ҳалок бўлаётган дунёга Худонинг шуҳратини кўрсатиш учун тўсиқ бўлиб турибди.

Дунёвий истаклар

Бутпарастлик мавзусини давом эттиришдан аввал, Ёқубнинг узил-кесил айтган сўзларини ўрганиб чиқамиз. У бизнинг нуқул ўз ҳирсларимизни қондиришни ишташимиз ва бундай хоҳишлар “дунёдан” келиши ҳақида куйиниб ўқитмоқда. У бутун Янги Аҳд бўйлаб ўрнатилган ҳақиқатни таъкидламоқда. Бошқача қилиб айтганда, дунё фақат шахсий истаклари билан яшайди. Ҳаворий Юҳанно шундай дейди:

“Чунки дунёда бор бўлган ҳамма нарса — тананинг ҳирси, кўзнинг ҳирси ва турмуш тарзидан мағрурланиш Отадан эмас, балки шу дунёдандир” (Юҳаннонинг 1-мактуби 2:16).

Юҳанно ушбу биргина оятда ҳамма нарса ҳақида айтиб ўтган, у дунёдаги барча нарсага таъриф берган. Бутлар кўп, бироқ уларнинг бари ушбу оятда келтирилган тоифалардан бирига мансуб. Дунё билан зино қилиш учун, жисмимиздаги бешта сезги аъзоларимизга қаноат келтирадиган нарсаларга нисбатан ёки ўзига бино қўйиш ва Худодан мустақил бўлишга нисбатан иштиёқмандликни билдиради. Бошқа сўзлар билан айтганда, бу мағрурлик.

The Message таржимасида бу оят шундай янграйди: “Ҳамма нарсани ўзимизча исташ, ҳамма нарсани ўзимиз учун исташ ва аҳамиятлироқ бўлиб кўринишни исташ”. Манашу нарса дунёни ҳаракатлантириб турган кучдир. Буни қуйидаги ибора билан таърифлашимиз мумкин: “Мен учун нима яхши эканини биламан ва шу нарсани истайман”.

Киноя шундаки, Худо ҳам бизга айнан яхши нарсани беришни истайди ва бунга жуда ташна. Ҳар бир киши бу ҳақиқатни яхшилаб билиб олиши лозим. Ушбу ҳақиқатни англаш ақл-бовар қилмас даража муҳим, чунки дунё бизни бор кучи билан Худодан итарадиган ва йўлдан оздирувчи маъшүқага ўхшайди. Дунё бизни ўзига маҳлиё қилади ва у таклиф этаётган нарсалар Худо бизга бермоқчи бўлганларидан анча яхшироқ деб ўйлашга мажбур этади. Мана, нима учун Ёқуб бизга кучли жонқуярлик билан ёзмоқда:

“Севиқли биродарларим, алданманглар! Ҳар бир эзгу эҳсон, ҳар бир муқаммал ҳадя юқоридан, нурлар Отасидан тушади. Унда ўзгариш йўқ, ўзгарувчан соя ҳам йўқдир” (Ёқуб 1:16-17).

Ёқуб бизга дунёвий васвасаларга учмаслик, алданмаслик ва уларга берилмаслик ҳақида айтган. Унинг мактуби равшан: “Худодан ташқарида сизлар учун ҳеч қандай яхши нарса йўқ”. Агар сиз ушбу ҳақиқатни юрагингизда сақласангиз, бу сизга васвасаларга қарши туришда ёрдам беради. Улар қанчалик яхши кўринмасин, сизга бир дунё бахт ва шавқ ваъда қилмасин, биз яшаётган жамиятда улар қанчалик қувноқ, ёқимли ва маъқул ҳисобланмасин, қанчалик ўзига тартадиган ва машҳур бўлмасин, қанча бойлик ваъда қилмасин, бунинг аҳамияти йўқ. Агар улар Худонинг Сўзига зид бўлса, сиз учун улар ҳеч қандай яхшилик олиб келмайди. Охир-оқибат улар сизни ўзингиз умуман истамаган жойга олиб боради ва сиз ўлим йўлидан кетаётганингизни билмай қоласиз. “Инсонга тўғри туюладиган йўл бор, аммо унинг охири ўлим томон йўлдир” (Ҳикматлар 14:12).

Ҳар бир кишининг дунё билан зинога тартадиган йўллари, жойлари бор. Улар кўп, бироқ уларнинг ҳаммасида умумий бир нарса бор: улар одамга тўғри – яхши, фойдали, манфаатли, маъқул, доно бўлиб туюлади.

Худо бизни бу нарсадан сақлаб қолишни хоҳлаётганига чин қалбимдан ишонаман:

“Шундай қилиб, ўғилларим, менга қулоқ солинглар ва менинг оғзимдаги сўзларга диққат қилинглар. Сенинг юрагинг дунёнинг йўлига оғмасин, дунёнинг йўлига чалғима, чунки дунё кўпларни яралаб қулатган ва кўплаб кучлилар дунё томонидан ўлдирилган. Дунёнинг ўйи – дўзахга, ўлимнинг қаърига олиб тушувчи йўлдир” Ҳикматлар 7:24-27; мен “у” ва “унинг” сўзларини “дунё” сўзи билан алмаштирдим).

Сулаймон бизни жинсий бузуқликдан огоҳлантириш ниятида ушбу оятларни ёзган, аммо янада чуқурроқ башорат мактублари ҳам мавжуд: дунёнинг васвасага соладиган йўлларида эҳтиёт бўлинглар, уларнинг тузоқлари мустаҳкам ва кўзни қамаштирадигандир. Нега Исроил ва Яҳудо билан бир қаторда яна кўплаб халқлар осонликча ўлим водийсига тушиб қолишди? Ўша кучлар энди мавжۇ эмас деб, шу қадар гўл бўлишимиз мумкинми? Кейинги бобнинг бошида улар қанчалик ҳақиқат ва кучли васвасага солишга қодирлигини кўрамиз.

Ҳаракат қилинг

Ҳеч ким зино қилишни режалаштирган ҳолда ўйланмайди. Келин ва куёвнинг қасамёди кўпинча журъатсизлик билан айтилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, улар унаштириш маросимида берган ваъдасини бор кучи билан сақлашга ҳаракат қиладилар. Нега бугун бунча кўп оилалар бўзилиб кетмоқда? Айримлари эса, айнан зино сабабли барбод бўляпти. Бу саволга жавоб бериш осон эмас, аммо бунинг асосий сабабларидан бири, улар ўзларининг иттифоқини бузаётган кучларга қарши ҳушёрликни сақлай олмаётганларидир.

Сизнинг Худо билан муносабатларингиз – бу том маънодаги сизнинг ҳаётингиз. Худодан ташқарида ҳаёт йўқ. Шундай бўлишига қарамай, дунё сизни у билан зино қилиш учун ундашга ҳаракат қилади. Ҳушёрликни сақлашнинг энг яхши йўли – бор юрагимиз билан Худонинг ортидан боришдир.

Сиз ўзингизни Худога тўлиқ топширганингизга амин бўлиш учун нима қилишингиз мумкин?

Сизнинг кун тартибингиз нималардан иборат? Ҳаётингизнинг ҳар

бир кунда Худо учун, Сўзни ўқиш, ибодат ва рўза учун вақт ажратишга тиришасизми? Ўз жамоатингизда, иш жойингизда ёки уй гуруҳингизда Худога хизмат қилиш имкониятини излайсизми? Ўз меҳнатингиз билан Худони улўғлайсизми?

Ҳаётингиздаги қайси соҳада дунё билан зино қилишга қарши мустаҳкамланишни истайсиз? Ҳаракат қилиш учун режа тузинг, уларни ёзиб чиқинг ва ҳаракат қилишни бошланг.

БУТПАРАСТЛИК ОРТИДА НИМА ТУРАДИ?

Биз бутпараастликнинг сири нимада эканини билиб олишимиз зарур. Бунинг тизлиги ва осонлиги билан амалга ошириб бўлмайди, бироқ унинг кучи нимадалигини фойда қилганда, биз кўп соҳаларда ғалабага эришамиз. Энг катта фойда шундаки, биз ҳаётимизда унинг борлигини кўриш учун ҳамма керакли бўлган нарсаларни билиб оламиз. Шу тарзда руҳий криптонитнинг устидан назоратни қўлимизга оламиз. Келинг, ҳаммасини унинг илдизини ўрганиш билан бошлаймиз.

Ушбу китобнинг бошида Муқаддас Китобдан келтирилган оятни эслаб кўринг, — ...уларнинг юракларига абадиятни жойлаштирди” (Воиз 3:11). Сайёрамиздаги ҳар битта киши мана шундай туғма сифат билан дунёга келади. Повул бу сўзларни тасдиқламоқда: “зеро Қонунга эга бўлмаган мажусийлар (имонсизлар) табиатан қонунли иш қилганларида, улар Қонунга эга бўлмай, ўз-ўзларига қонундирлар: улар ўз юракларида Қонун иши ёзилганини кўрсатмоқдалар, уларнинг виждони ҳамда бир- бирини гоҳ айбловчи, гоҳ оқловчи фикрлари бунга гувоҳдир” (Римликларга 2:14, 15).

Ҳақиқат шундай жаранглайди: ҳар бир инсон ич-ичидан Худонинг йўлларини билади, негаки туғилган пайтимиз бу бизнинг виждонимизга ёзилади. Биз Лиза билан бунинг тўртта ўғлимизнинг тарбиясида кўрдик. Улар ёш бола чоғи акасига мушт туширганида, овқатни ерга ташлаганида ёки бизга қулоқ солмаганида, биз ҳали бунинг уларга айтмаган бўлсак ҳам, улар ўзларини айбдор ҳис этар эдилар.

Худо ҳақидаги билимлар нафақат ҳар бир кишининг юрагига жойланган, қолаверса бутун борлиқ бунинг акс эттириб турибди:

“Чунки Худо ҳақида нимани билиш мумкин бўлса, уларга аёндир, негаки Худо уларга бунни очиб берган. Зеро дунёнинг яратилишидан бошлаб Унинг кўринмас хусусиятлари, абадий қудрати ҳамда илоҳийлиги Унинг ижодлари орқали очиқ кўринмоқда ва англономқда. Шунинг учун уларга узр йўқ” (Римликларга 1:19, 20).

Ёзма ҳарфлар билан ёзилган сўзлар устида фикр юритиб кўринг: “очиқ берган” ва “очиқ кўринмоқда” ибораларидан келиб чиқиб, “уларга узр йўқ” деган сўзларни ўқиймиз. Ҳақиқат шундаки, инсон Худони билмаслиги учун баҳона йўқ. Худо ҳар битта самимий ва чин юракдан ҳақиқатни билишни истайдиган кишига Ўзини очди.

Сиз ўзингизга бирор марта шундай савол бериб кўрганмисиз: “Африканинг узоқ қишлоқларидаги ҳеч қачон Худо ҳақида эшитмаган одамларнинг ҳоли нима кечади? Улар қай тарзда нажот топа олиши мумкин? Худо уларни ҳукм қила олмайди, ахир?”

Кўпинча норозиликни ифодаладиган бундай саволлар, ўзлари аллақачон билган нарсани атайин билмайман дейишдан ёки ҳақиқатни билишни истамасликдан юзага келади. Улар юракларининг туб-тубида Худо борлигини яхши билдилар, лекин бу ҳақиқатни қабул қилмайдилар. Улар ҳақиқатни излаган киши, уни топишини англаб етишни истамайдилар. Агар рўй-ростини айтадиган бўлсак, бундай саволларни берадиган одамлар, аслида улар Худони рад этаётганини тан олишлари лозим. Саночи, борлиқ Худо ҳақида тинимсиз эълон қилиб турганини таъкидламоқда:

“Самолар Худонинг шўхратини эълон қилади ва гўмбаз Унинг қўлларининг ишини хабар қилади. Кун кунга гап етказди ва тун тунга билим очади. Уларнинг овозлари эшитилмаган тил ва шева йўқдир. Уларнинг товушлари бутун ер бўйлаб, уларнинг сўзлари эса дунёнинг ҳудудларигача бормоқда...” (Сано 18:2-5).

Худонинг бепоён шўхрати ҳақидаги билим бутун дунё бўйлаб – ҳар лаҳзада, соатнинг ҳар дақиқасида, бир кунда йигирма тўрт соат давомида, бир йилда 365 кун мобайнида тўхтовсиз эълон қилинмоқда. Сиз шундан кейин ҳам Африканинг қандайдир узоқ жойларида Худо ҳақида беҳабар бирорта “нодон” одам бор деб ўйлайсизми? Инсон ўзини атайин қарқилиб кўрсатиши ва Худо борлигини билмайдигандек яшаши мумкин, ammo бу ҳақиқат инсон туғилгандаёқ унинг юрагига нафақат жойланади,

қолаверса, кун сайин, тун сайин бу ҳақиқат уни ўзига чорлаб туради. Инсон ўз далилларини келтиришни бас қилмаса, ўзини ишонтиришдан тўхтамаса ва ўз виждонининг овозига қулоқ солмаса, аксинча ўзини аҳмоқликка солиб юрса, унда эртага ҳақиқатдан ҳам бор бўлган тирик Худодан қочиб қутала олмайди.

Хавfli бурилиш

Инсон тирик Худони излашга қарор қилганида, ёки виждонини тинчлантириш учун илоҳ ва илоҳларга сиғиниб, ўз истакларини қондирганида хавfli бурилиш содир бўлади. Сиз балки ҳозир: “Мен замонавий дунёда яшамоқдаман, бизнинг маданиятмизда илоҳларга сиғинишмайди. Бизда санамлар, бутлар, мажусий маъбадлар ва бошқалар йўқ” – дейишингиз мумкин. Илтимос, шошилманг, мен сизга барча мажусий маданиятларда бўлганидек, ҳозирги кунда ҳам турли хилдаги илоҳлар мавжудлигини кўрсатаман.

Бу илоҳлар қаердан келади? Барча илоҳлар ва бутлар инсон қўллари билан яратилганини унутмаслигимиз зарур. Инсон Худо билан тўғри муносабатларда бўлиш эҳтиёжини қондириш билан бирга, У ҳақидаги туғма билимларини ҳам қондиришга мажбур. Худога нисбатан муқобил турдаги илоҳ пайдо бўлганида, уни яратган кишининг ўзи, ушбу илоҳга қандай маъқул бўлишни ўйлаб топади, токи илоҳ уни яратган киши ўз истакларини қондириши учун изн берсин. Буларнинг бари инсонда туғма равишда сиғиниш истаги борлиги учун содир бўлади. Повулнинг ёзганларини ўқиб кўринг:

“Чунки улар Худони таниб - билиб, Уни Худо каби улуғламадилар ва миннатдор бўлмадилар, лекин ўз хаёлларида беҳудаликка берилдилар ва уларнинг бефаҳм юраги қоронғилашди: ўзларини доно ҳисоблаб, ақлдан оздилар, чиримас Худонинг шўхратини чирийдиган инсоннинг ва қушларнинг, тўртоёқлиларнинг ва судралувчиларнинг тасвирига алмаштирдилар” (Римликларга 1:21-23).

Бу ерда диққат марказда тимсолларни (бутларни) яратишнинг ўзи эмас, балки унданда чуқурроқ муаммо – инсон Худога сажда қилмаслиги натижасида келиб чиқадиган муаммо турибди. Манашу жойда “ҳаққоний” сажда нима эканига таъриф беришимиз муҳим. Агар сажда жамоатдаги улуғлов гуруҳининг “дилкаш қўшиқлари” деб ўйласак, биз муҳим нарсани кўздан қочирамыз. Ҳақиқий сажданинг маъноси – бу мусиқа ва қўшиқлардан анча миҳимроқ бўлган итоаткорлик ҳисобланади.

Бир қатор китобларнинг муаллифи сифатида, кўпчиликка таниш бўлмаган мавзу ҳақида гап очсам, биринчи навбатда унга таъриф бериб ўтишим кераклини биламан. Мен бу ҳақда ёки луғатдан таъриф келтиришим ёки сўзнинг маъносини аниқ очиб беришим зарур. Ҳар бир муаллиф шундай қилади, Худо ҳам бундан мустасно эмас.

“Сажда” сўзини Муқаддас Ёзувда биринчи маротаба Ибтидо китобида (22:5) учратамиз. Иброҳим ўз хизматкорларига мурожаат этиб, у Исҳоқ билан тоққа нима учун кетаётгани ҳақида айтди. Иброҳим: “Мен ўғлим билан бирга у ерга бориб сажда қиламиз”, – деди. У бироз юргандан сўнг, нима қилмоқчи бўлди? Худога дилкаш қўшиқлар айтмоқчи бўлдимми ёки мусиқачи ва қўшиқчиларни йиғиб, жамоатда сажда хизматини ўтказмоқчи бўлдимми? Асло йўқ. Унга бундан уч кун олдин ўғлини қурбонликка келтириши айтилган эди, шунинг учун у тоғда Худога нисбатан итоаткорлик ҳаракатини амалга ошириш учун борди. Инглиз тилидаги “Янги тирик таржима”да Римликларга Мақтубида (1:21 оятида) “сажда” сўзи ишлатилган, лекин Муқаддас Китобнинг бошқа таржималарида “шарафлаш” ва “ҳурмат қилиш” сўзларидан ҳам фойдаланилган. Бу сўзларнинг ҳаммаси яқин маънога эга. Биз бирор кишига нисбатан итоатсизлик кўрсатсак, шу тарзда унинг обрўсини тўккан ва уни беҳурмат қилган бўламиз. Биз Худога қуруқ сўзларни айтишимиз, мақташимиз ва оғзимиз билан уни улуғлашимиз, Унга атаб қўшиқлар ботишимиз ва шунга ўшхаш нарсаларни қилишимиз мумкин, аммо У истаган нарсаларни бажармасак, биз Уни таҳқирлаган бўламиз, бу эса сажданинг (ҳурматнинг) антоними ёки тескариси ҳисобланади.

Худо бир куни Ўз халқига деди: “Сизларнинг байрамларингиздан Мен нафратланаман... Мендан қўшиқларингнинг шовқинини узоқлаштир, зеро Мен небелларингнинг овозига қулоқ солмайман. Одил ҳукм сув каби ва ҳақлик кучли оқим каби оқсин!” (Амос 5:21, 23, 24). Ҳақликда яшаш – биз ўзимиз билганимизча атайдиган ҳудожўй ҳаёт эмас, балки Унга қулоқ солишдир.

Эски Аҳдда Худо Мусога Унга маъқул бўладиган қурбонлик ҳақида ўғит берган. Худонинг халқи Унга сажда қилиш учун турли хил қурбонликларни олиб келган: қўзи (Чиқиш 29:39-41 га қаранг), бузоқ (Чиқиш 29:10-14 га қаранг), дон (Чиқиш 29:41 га қаранг) ва ҳоказо. Шунингдек улар чодир ва маъбадда сажда тариқасида хушбўй ўтлар ёқиши ҳам мумкин эди (Левит 2:2 га қаранг). Шундай бўлишига қарамай Худо бир куни шундай деди:

“Чунки буларнинг ҳаммасини Менинг қўлим яратди, шунинг учун буларнинг ҳаммаси пайдо бўлди, – дейди Раббий, – Лекин

мана, Мен кимга назар ташлайман: камтарин ва руҳи эзилган ҳамда Менинг Сўзим олдида титрайдиган одамга. Бўқани бўғизлаётган – худди одамни ўлдираётганнинг ўзидир. Қўзини қурбонликка келтираётган – худди итни бўғаётганнинг ўзидир. Бағишлов келтираётган – худди чўчка қонини келтираётганнинг ўзидир. Хушбўй тутатқини тутатаётган – худди бутга ибодат қилаётганнинг ўзидир. Улар ўз йўлларини танлайди ва уларнинг жонлари ўз разолатларида завқланади (Ишаъё 66:2, 3).

Матн Худонинг марҳаматларини оладиган, Унинг сўзига бўйсунадиган кишиларни тасвирлаш билан бошланади. Бу ерда итоаткорликни энг муҳим деб қадрлайдиган кишиларга таъриф берилган. Улар Худонинг назарида бўлган кишилардир.

Шундан сўнг Худо Унга ўз билганича сажда қиладиган (итоат этадиган) кишиларга мурожаат этмоқда. Худо уларнинг саждасини нафақат қабул қилмайди, қолаверса, буни инсонни қурбонликка келтириш (совуққонлик билан одам ўлдириш), итни, чўчка қонини қурбонликка келтириш ва бутга ибодат қилиш билан қиёсламоқда. Ушбу нарсалардан Худо жирканади. Борди-ю бирор киши ҳақиқатдан ҳам шундай разил қурбонликларни келтирса ёки қотиллик қилса, ўша одам Исроил жамиятидан қувилад ва ўлим жозосига тортилар эди. Бу сўзлар билан ҳамма нарса айтилмоқда! Шундай экан, афтидан, уларнинг саждаси Чиқиш ва Левит китобларидаги барча қоидаларга мос келса-да, у умуман саждага ўхшамайди.

Муқаддас Китобнинг The Message таржимасида: “Сизнинг сажда ҳаракатларингиз – гуноҳли ҳаракатлар”, – дейилган.

Бу ерда Худо аҳдининг халқи, яъни Унинг ваъдаларига эга бўлган кишилар ҳақида гап кетаётганини унутманг. Нега уларга нисбатан бу қадар кескин сўзлар айтилган? Чунки улар Худога итоат этишнинг ўрнига, ўз билганича Унга сажда қилдилар. Бу бизга ҳам тегишли: биз Худога куйлашимиз, йиғинларга келишимиз, ҳатто Янги Аҳддаги қоидалар бўйича Унга бўлган садоқатимизни эътироф этишимиз мумкин. Аммо буларнинг бари итоаткорликка асосланмаган бўлса, бизнинг саждамиз умуман саждани билдирмайди. Ахир, ёзилган-ку: “Болалардек итоаткор” бўлинглар (Петъорнинг 1-мактуби 1:14 га қаранг).

Повул яна бир чуқур масалани эслатиб ўтмоқда – Худодан миннатдор бўлмаслик, яъни ношукурлик ҳақида. Биз ҳаётимиз қандайдир махсус тарзда кечиши керак, биз у ёки бу моддий марҳаматларга лойиқмиз деб ўйласак ҳамда қандайдир мансабни кутсак, фақат ўзимизга диққат

қаратсак, бу бизнинг ношукрлигимиздан дарак беради. “Охир-оқибат, биз жон-жаҳдимиз билан ишладик, режалаштирдик, мақсадлар қўйдик, бирор нарсага эришиш ва қўлга киритишни орзу қилиб қўйдик, ахир, шу боис, биз ўз меҳнатимиздан ғурурланамиз” – дейишимиз мумкин.

Муносиб ахлоқ

Натижада, ичимиздаги бундай муносабат Худога эмас, балки қандайдир бутларга раҳмат айтиш, уларни ҳурмат қилиш ва уларга қулоқ солиш истагини келтириб чиқаради. Шу тарзда, инсонда, жамоатда ёки давлатда бутпарастлик юзага келади.

“Шунинг учун ҳам Худо уларнинг юрак ҳирсларида ўзларининг таналарини ҳаром қилишлари учун уларни нопокликка топширди. Улар Худонинг ҳақиқатини ёлғонга алмаштирдилар ва Яратувчининг ўрнига ижодга хизмат қилиб сажда қилдилар, Худо эса абадулабад муборакдир, омин!” (Римликларга 1:24, 25).

Ёдингизда бўлсин, буларнинг илдизи – Худога нисбатан итоат ва шукронанинг етишмаслигидир. Энди биз ўз гуноҳкор табиатимизга сажда қиламиз (унинг изидан борамиз). Биз қачонлардир ажойиб қилиб яратилган, бироқ ҳозир бўлганган ва лаънат остидаги қолган нарсаларга бўйсунамиз. Бизнинг ахлоқ компасимиз Худога зид томонга кетмоқда, ҳақиқат эса ёлғонга алмаштирилган. Энди биздаги барча донолик – аслида аҳмоқликдир. Дунё тўғри деб ҳисоблайдиган нарсалар, аслида нотўғри. Бу нарса тўхтовсиз давом этмоқда, ҳақиқий эзгулик эса ёвүзлик деб, ёвүзлик эса эзгулик деб аталмоқда. Давомида айтилган:

“Шу сабабдан, Худо уларни уятли ҳирсларга топширди...” (Римликларга 1:26).

Ушбу сўзлардан сўнг Повул кейинги оятларда Худонинг қаршисидаги йигирма иккита ифлосликни санаб ўтган (инглиз тилидаги “Янги тирик таржимада 137 та сўз келтирилган). Уларнинг орасида қотиллик, жанжалкашлик, нафрат, очкўзлик, ота-онага итоатсизлик ва бесоқолбозликлар кабилар айтилган. Қизиғи шундаки, Повул ўзининг 137 та сўзининг эллик тўққизтасини (бу қарийб қирқ уч фоизни ташкил этади) бесоқолбозларга қарата айтган. Қолган ифлосликлар ҳақида

эса икки оғиздан айтиб ўтган ва уларга изоҳ ҳам бермаган. Нега? Худо бесоқолбозларга алоҳида эътибор қаратадими ва бизга ҳам бундайларга бошқалардан кўра энг ёмон гуноҳкордек қарашга рухсат берадими? Албатта, йўқ! Аслида, жамиятнинг бесоқолбозликка мойиллиги – уларнинг қанчалик бутпарастлик асирлигига тушганининг яққол тарздаги кўрсаткичларидан биридир. Келинг Повулнинг сўзларига қайтамиз:

“Шу сабабдан, Худо уларни уятли ҳирсларга топширди: уларнинг аёллари табиий жинсий муносабатни ғайритабиий жинсий муносабатга алмаштирдилар. Шунингдек, эркаklar ҳам аёл билан табиий жинсий муносабатни қолдириб, бир-бирларига нисбатан ўз ҳирсларида ёниб, эркаklar билан эркаklar шармандагарчилик қилдилар ва ўзларининг адашганларига яраша ўзларида жазо олдилар” (Римликларга 1:26, 27).

Худони тан олишдан, Унга шукур айтишдан ва хизмат қилишдан тўхтаган жамият, шахвоний бузуқликларни, айниқса, бесоқолбозликни аввал тан олади, кейин уни қўллаб-қувватлайди ва ниҳоят, уни рағбатлантиришни бошлайди. Повул бундай ахлоқни уятли ва ғайритабиий деб атамоқда.

Одамлар ҳақиқатни ёлғонга алмаштирадилар. Ушбу ёлғон охир-оқибат жинсий соҳадаги ахлоқсизликларга олиб келади.

2017-йилнинг январида National Geographic журнали ўзининг ҳар ой босиб чиқариладиган маҳсулотини “Жинсларнинг инқилоби” деган мавзуга бағишлади. Фоний одамлар томонидан ўйлаб топилган турли жинсий ва ирсий йўналишлар борлигини кўрсатиш учун муҳаррирлар бир қатор одамларни йиғишди. Улар жинсий ва ирсий фарқларни таърифлаш учун қуйидаги сўзлардан фойдаланганлар: агендер, квир, андрогин, трансгендер, цисгендер, гендерквир, интерсекс, гетеросексуал, бигендер, небинар интерсекс, ўфилтранс, қизтранс ва бошқалар. Бу сўзлар қанчалик замонавий эшитилмасин, ушбу атамаларнинг бари аҳмоқлик ва ёлғон тоифасига киради.

Бу атамаларни ўйлаб топган одамларни ақлли, замонавий ва илмми мутахассис кишилар деб ҳисоблашади. Жамиятимиз мана шундай тафаккур йўли билан қаерга ҳам борарди? Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Қўшма Штатлар ҳукумати ирсни идентификациялаш ва бесоқолбозликка боғлиқ масала учун икки юз миллиард доллардан ортиқроқ маблағ сарфлади. Ушбу маблағни яна қандай имкониятлар учун фойдаланиш мумкинлигини кўз олдингизга келтириб кўринг. Бу пулларни давлат мактабларининг бино ва хоналарини янгилашга, милиция бўлимларини мустаҳкамлаш,

аэропортларни ва бошқа жамоат жойларини таъмирлаш, энг муҳими, уйсиз одамларга, ёлғиз оналарга ва қобилияти чекланган кишиларга ёрдам бериш учун ишлатса бўлар эди. Бироқ шунча катта миқдордаги пуллар, Худонинг инсонни яратиш режасига зид бўлган жинсий устунликни аниқлаш учун сарф қилиб юборилди. Муқаддас Китобнинг бошида шундай сўзлар ёзилган: “Худо инсонни яратди... уларни эркак ва аёл қилиб яратди” (Ибтидо 1:27).

Инсон зотини Худо белгилади ва У инсон учун нима яхшилигини билади, чукни У бизни севади.

Бу маблағни аҳмоқларча беҳуда совуриш бўлса-да, одамлар буларнинг барини доноликка йўймоқдалар. Ҳаммасидан ҳам ёмони, бу ҳаракатлар нотўғри ахлоққа олиб келмоқда ва одамларни қулликда ушлаб турмоқда, лекин улар бошида бу нарсга учун яратилмаган эди.

Бизнинг жамиятимиз “инсон ҳуқуқлари” деган ёлғонга сотилди. Жуда камчиликни ташкил этадиган кишилар, “инсон ҳуқуқларини” ўзларининг ирқий ва ирсий белгиларига кўра ҳуқуқлари бузилаётгани билан боғлашига йўл қўйилди. Биз ҳақиқатдан ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишимиз зарур, аммо бу ерда масала умуман бошқа нарсда, негаки бундай одамлар, аслида бошида қандай яратилганига зид равишда яшамоқчи.

Повулнинг башоратидан келиб чиқиб, ушбу беъмани ахлоқ Худога сажда қилмаганлик (Унга итоат этмаганлик) ва Унга миннатдорчилик билдирмаганликдан юзага келади. Нима учун бошқарувчилар ушбу ёлғон тушунчаларни ва ниятларни фoш қилмайдилар ва булар ҳақида гапирмайдилар? Биз ҳақиқатдан ҳам қўрқяпмиз ва ёлғон ҳамда бўҳтонни қабул қияпмиз. Биз бутпарастликка ғарқ бўлдик, у бизнинг дунёмизни қуршаб олган.

Жамият буни ривожланиш деб аташи мумкин, аммо бу аслида фаҳмсизлик томон қадам қўйишдир. Повулнинг кўп асрлар олдин ёзилган сўзларида, жинсий ва ирсий бузуқликнинг илдизи бутпарастлик эканини кўраимиз. Давомида у буларнинг оқибатларини санаб ўтган:

“Улар ўз идрокларида Худога эга бўлишга ҳаракат қилмаганлари учун, Худо уларни бузуқ онгга, ярамас ишлар қилишга топширди. Улар ҳар қандай ноҳақлик, зино, бетавфиқлик, тамагирлик ва ёвузликка тўлган бўлиб, ҳасадгўйлик, қотиллик, низо, алдов, бадфеъллик ва тўхматга тўладирлар. Улар ғийбатчи, Худодан нафратланувчи, дилозор, мақтанчоқ, мағрур, ёмонлик ихтиросиси, ота-онага

итоатсиз, фаҳмсиз, аҳд бузувчи, меҳрсиз, мурасасиз ва раҳм-шафқатсиздирлар” (Римликларга 1:28-31).

Жамиятимизда бундай ахлоқни топиш учун, уни узоқ излаш, тажрибалар ўтказиш ва ижтимоий текширувлар олиб боришнинг умуман ҳожати йўқ. У ҳар кўни ёрқин ранглар билан порлаб турибди ва одамларнинг ҳаётини барбод қилмоқда, оилаларни ва халқларни ҳалок этмоқда. Бу бузуқ ахлоқ ва унга нисбатан илиқ муносабат жамиятнинг чириши, муносабатларнинг ўзилиши ва ҳар қандай турдаги урушлар эвазига яшамоқда.

Агар буларнинг бари ўнчалик ҳам фожеали кўринмаётган бўлса, Повул кейинги ҳулосани келтирмоқда:

“Улар Худонинг ҳақ ҳукмини, яъни бундай ишларни қилувчилар ўлимга лойиқ эканликларини биладилар-у, буларни нафақат қиладилар, балки бу ишларни қилувчиларни ҳам маъқуллайдилар” (Римликларга 1:32).

Ҳукумат, ОАВ, ойнаижаҳон ва киночилар, ижтимоий ишчилар, бошқарувчилар, таъсир ўтказишга қодир одамлар ва бор жамият Яратувчининг биз ҳақимиздаги режасига зид бўлган ахлоқ нима эканини яхши биладилар, шундай бўлса-да, ўз виждонининг овозига ва бор мавжудотнинг ҳайқирғига эътиборсизлик қиладилар. Ўз виждонининг овозини ўчириш учун, улар бошқаларни ҳам шундай ишларга ўндайдилар. Улар шундай қилса, юрагидаги ҳақиқат жим бўлади деб ўмид қиладилар.

Юқорида айтиб ўтилган барча сифатлар бутпарастлик муаммосининг илдизи – бу Худога сажда қилмаслик (ҳурмат ва итоаткорлик кўрсатмаслик) ва Унга лойиқ шарафни беришни истамасликдан келиб чиқишини намойиш этмоқда. Биз нафақат оғзимиздан чиқадиган сўзлар билан, қолаверса, Худонинг чорловига жавобан бўлган ҳатти-ҳаракатларимиз билан ҳам Унга нисбатан ҳурматимизни кўрсатамиз. Бу барчага тегишли, бироқ келинг, энди Худо билан муносабатларга эга бўлган кишининг ҳаётида бу қандай содир бўлишига эътиборимизни қаратамиз.

Ҳаракат қилинг

Бизнинг Худога сажда қилишимиз, Унга қулоқ солиш, Уни ҳурмат қилиш ва Ундан миннатдор бўлишни танлаганимизни билдиради. Ҳаққоний сажданинг бирор бир қисмини унутиб қўйсак, биз бутпарастликка элтадиган янглишишга тушиб қоламиз. Ушбу ҳақиқат ҳар бир инсон учун қандай муҳим бўлса, бутун маданиятимиз учун ҳам шундай муҳим аҳамиятни касб этади.

Биз Ёзувдаги илк аниқ сажда ҳаракатини, Иброҳим Худога итоат этганида ва ўғли Исҳоқни қурбонликка келтириш учун тоққа йўл олганида кўрамиз.

Худо сизга нима қилишни буюрди? Эҳтимол, сиз Муқаддас Китобни ўқиганингизда Муқаддас Рух сизга гапиргандир ёки У сизнинг юрагингизга фақат сиз уддалай оладиган нарсани бажаришни жойлагандир.

Бу боб сиздаги Худонинг топшириқларига бўлган тафаккурингизни қанчалик даражада ўзгартирди? Ундан олган вазифангизни бугун бажариш учун қандай қадамларни қўйишингиз зарурлигини Худодан сизга кўрсатишини сўранг ва Худо ушбу мақсад учун сизни танлагани ҳамда сиз ўз итоатингиз билан Унга сажда қилганингизда У сиз билан бирга туриши учун шукрона айтишни унутманг.

ИМОНЛИЛАРНИНГ БУТПАРАСТЛИГИ

Дунёвий кишиларнинг бутпарастлиги ҳеч қандай яхшиликка олиб келмайди, аммо бу нарса тирик Худо билан аҳд тузган кишиларнинг орасида содир бўлганида гангиб қоласиз.

Ёқуб бу турдаги бутпарастликни зинокорлик деб атамоқда. Зинокорлик деб, чунки биз Худо билан аҳдга эгамиз ва биз ўзимизни бутпарастликнинг ҳукмига топширганимизда, худди эр ва хотинлар турмуш ўртоғига хиёнат қилганидек, биз ҳам Куёвимиз бўлмиш Раббимиз Исо Масихга хиёнат қилган бўламиз.

Шоҳ Шоул ва Амолеқликлар

Келинг, Эски Аҳддан бошлаймиз ва Янги Аҳдга ўтамиз. Исроилликлар Худо билан аҳдга эга эдилар ва бу уларга отаси Иброҳимдан мерос бўлиб ўтган эди. Худо Шомуил пайғамбар орқали шоҳ Шоулга буйруқ берди: "...Энди Раббийнинг овозини эшит" (Шомуилнинг 1-китоби 15:1). Худонинг иродасида ҳеч қандай хатолик йўқ эди. Яратувчи уни аниқ ва равшан тарзда ифодалади. Шоҳга амолеқликларни бутунлай қириб ташлаш буюрилган эди. Ҳар бир эркак, ҳар бир аёл, ҳар бир бола ва ҳар бир ҳайвон қирилиши зарур эди. Исроилликлар Мисрдан чиққан ва улар жуда заиф бўлган пайт Амолеқ уларга нисбатан кўрсатган қаршилиги учун Худо шу аснода қасд олиши кўзда тутилган эди. Шоҳ Шоул бир лаҳзада қўшинини йиғди ва Амолеққа қарши ҳужумга отланди. Лекин давомида ёзилган:

“Шоул Хавилаҳдан Миср олдида бўлган Шурнинг атрофидаги жойларгача Амолеқ халқини тор-мор қилди. У Амолеқ подшоҳи Агагни тириклайин қўлга олди, бутун халқни эса қилич билан қириб ташлади. Бироқ Шоул ва унинг одамлари Агагни ҳамда унинг энг яхши қўй ва молларини, бузоқ ва қўзиларини, жамики, яхши нарсаларини аяб, уларни йўқ қилиб ташлашни исташмади. Фақат арзимас, нуқсонли нарсаларини йўқ қилишди” (Шомуилнинг 1-китоби 15:7-9).

Кўпларга, Шоул Раббийга итоат этгандек кўриниши мумкин, бироқ ушбу сўзлардан сўнг қуйидагилар ёзилган: “Шунда Шомуилга Раббийнинг шундай сўзи келди: “Шоулни подшоҳ қилиб тайинлаганимдан ачинаман, чунки у Мендан юз ўгирди ва Менинг сўзимни бажо келтирмади” (Шомуилнинг 1-китоби 15:10-11). Шоул Худони лойиқ тарзда улўламади ва Унга итоат этмади. Шоул Худога садоқат кўрсатмади.

Мен ўсмир ўғли учун жуда хавотирда бўлган бир отани биламан. У ҳар доим ҳам итоат қилмайдиган, баъзида қулоқ солади-ю, баъзида ўз йўлидан борадиган ва билганини қиладиган ўғли билан қийналиб кетган эди. Ўғли кўпинча дўстлари билан вақт ўтказгани кетиб қолар ва отаси у билан жиддий гаплашганида, ўғли жаҳлланар ва қўполлик билан дер эди: “Дада, мени койишни бас қилинг! Мен сиз айтган нарсаларнинг тўқсон фоизини бажардим. Нега бунча тергайверасиз? Нега тўқсон фоиз айтганларингизга бўйсунганимга қарамайсиз-у, айтганларингизни ўн фоизини бажармаганимга қарайсиз?” Отаси ўғлидан ранжир эди.

Мен бу кишига дедим: “Худо ҳам бизни тергайди”. Мен унга амолеқлар билан бўлган воқеани эслатдим. Ўшанда Шоул камида юз мингта эркак, аёл ва болаларни ўлдирган эди. У ўзига олиб қолган қўй, эчки ва йирик қорамолдан кўра кўпроқ ҳайвонларни қиличдан ўтказган эди. Шу боис, Шоул Худо берган топшириқнинг тўқсон фоизидан ҳам кўпроғини бажарди деб бемалол айтиш мумкин. Шундай бўлишига қарамай, Худо Шоул Унга қулоқ солмаганини айтди ва унинг ишини “итоатсизлик” деб атади (23-оят).

Муқаддас Китобдаги ушбу воқеа ўша отага, ўғлининг ахлоқини беҳудага ёмон деб ҳисобламаганини тушунишга ёрдам берди.

Боз устига мен – Шоул Худо айтган топшириқни тўқсон тўққиз фоизини бажарганига аминман. Нега Худо Шоулнинг бажарган барча ишларига қарамади-ю, бир фоизгина бажармаган ишига эътибор берди? Аксариат кишиларнинг кўзида бу ажратувчиликдек кўриниши мумкин, бироқ Худонинг кўзларида қисман итоат, ҳатто қарийб тўлиқ итоат ҳам, итоат

ҳисобланмайди, аксинча бу итоатсизлик ҳисобланади. Бу нарса инсон Худога лойиқ тарзда ҳурмат ва мақтов билдирмаётганини билдиради.

Шомуил янглишиш ҳолатига тушиб, унга қўйилган айбни тан олмаётган Шоулга жиддий тарзда гапирди. Шомуил Шоулга қурбонлик учун тайёрлаб қўйилган ҳайвонларни кўрсатиб гапирди. Шунда Шоул ўз айбини одамларга юклашга ўтди. Шомуил эса уни койиди:

“Бўйсунмаслик – сеҳр-жоду сингари гуноҳ, ўжарлик эса – бутпарастликдир. Сен Раббийнинг сўзини рад этганинг учун У ҳам сени рад этди, токи сен подшоҳ бўлмагин” (Шомуилнинг 1-китоби 15:23).

Бу оятдаги иккинчи қисмига – “ўжарлик эса – бутпарастликдир” деган сўзларга эътибор беринг. Ўжарлик “итариш” ёки “қаршилиқ кўрсатиш” деган маънони билдиради. Шоул ҳақиқатни ва тўлиқ итоатни итарди.

Чиндан ҳам инсон ҳақиқатни, Худонинг иродасини, Худо унга нима деб айтаётганини билиб туриб, Уни итарса ва Унга бўйсунмаса, бу бутпарастликдир. Нега инсон шундай қилади? Чунки у ўз иродаси, режалари, истаклари ва эҳтиёжларини Худоникидан устун қўяди. Бут – бу биз Худодан устун қўядиган барча нарсалардир.

Шоул: “Мен Худога бўйсундим”, – деб ишонган ва буни айтган. Аммо у Худога охиригача қулоқ солмагани ва одамларнинг истагини (тўғрироғи шахсий истагини) Худоникидан устун қўйгани, унинг бутпарастлигини билдиради. Бутпарастлик уни кўр қилиб қўйди ва Раббийни менсимасликка мажбур қилди.

Римликларга Мактуб бўйича бу бор инсониятга қандай тегишли бўлса, Шоулга ҳам худди шундай тегишли. Шоул бутпарастлигининг илдизи санам, бут, қурбонгоҳ ёки мажусийлар маъбади эмас эди. Гап Худони у керакли тарзда улуғламаганида эди. У Худо айтган ваҳийга нисбатан итоатсизлик қилди. Бундай ҳатти-ҳаракат инсонни аста-секин ҳақиқатни ёлғонга алмаштиришига олиб келади, шунинг учун Шоул адашиб қолди. Ёлғон уни “аҳмоқона” ҳаракатни қилишга ва “унинг бўрчига кирмайдиган ишни” амалга оширишга мажбур этди. Шоул бутпарастлигининг оқибатида унинг ҳаётига кўплаб нопокликлар кириб келди. У ҳасадгўй, қаттиққўл, ақлсиз, жаҳлдор, Худонинг қулларидан нафратланадиган, қотил бўлиб қолди. У ҳатто, Худога мурожаат этишнинг ўрнига, руҳлардан маслаҳат сўрашни бошлади. Шоулнинг табиатидаги бу барча салбий сифатларнинг томири бутпарастлик эди.

Худо билан муносабатга эга бўлган, лекин Худонинг Ёзувда айтган сўзларидан шахсий истакларини устун қўядиган кишилар, ўзларининг итоатсизлигини пайқамайдилар. Бутпарастлик уларни кўр қилиб қўяди ва Шоул билан бўлганидек, у ҳақиқатни хиралаштиради. Биз ҳақиқатни ёлғонга алмаштирамиз ва Худо барибир биз томонда деб ишонамиз. Бизга У юрагимизни тушунаётгандек, ҳатти-ҳаракатларимизни оқлаётгандек, ҳаёт тарзимизни маъқуллаётгандек бўлиб кўринади. Бироқ аслида, биз Худого қаршилиқ қиламиз ва ўзимизни Унинг душманига айлантирамиз.

Қаноатлилик

Бутпарастликнинг кейинги жиҳатини иккита муҳим сўзлар билан ифодаламоқчиман. Биринчиси – “қаноат” (қониққанлик). Мэриам-Уэбстер луғатида келтирилган таъриф бўйича – “ўз мулки, мансаби ёки вазиятидан қониққанлик ҳисси ёки ҳолати”. Кўпинча қаноат топганлик маъносида ишлатиладиган юнонча сўз – “arkeo” бўлиб, у “мамнун, қониққан бўлиш, жиловлаш, кучли бўлиш ва бирор кишига ёрдам беришга қодир бўлиш” (WSNTDICT) деган маъноларни билдиради.

Агар бизда қаноат ҳисси бўлмаса, яхши хизмат қила олмаймиз. Ушбу фазилатнинг етишмаслиги туфайли, биз вазиятларга “бу менга қандай фойда келтира олади” деган тафаккур билан қараймиз. Ташқаридан сўзларимиз ва ишларимиз беғараздек ва ҳатто, саҳийликдек кўриниши мумкин, бироқ улар қаноат билан амалга ошмаса, булар шахсий фойдани кўзлаш ниятида ёна бошлайди.

Повул жамоатга: “Мен бунга муҳтож бўлганим учун гапирмаяпман, чунки менда бори билан қаноатланишга ўрганиб қолдим” (Филиппиликларга 4:11) деган. Повулнинг чиндан ҳам муҳтожликлари бор эди, у алақачон хизмат қилаётган кишиларига, шахсий фойдасини эмас, лекин уларнинг фойдасини кўзлаб, улардан қурбонлик қилишларини сўради. У Мактубларини ёзганида ёлғон аралаштириб ёки бўрттириб гапирмаган, шунинг учун унинг асл нияти нима эканини биламиз, - у бунга умуман “сиёсий тўғри” бўлишга риоя қилиб ёзмаган. Унинг мақсади битта сабабга кўра шу қадар тоза ва беғараз эди – унинг ҳақиқатдан ҳам эҳтиёжлари кўп бўлса ҳам, у чиндан ҳам тўлиқ қаноатни ҳис этган.

Шу сабабли, биз имонлиларга айтилган: “Художўйлик эса қаноат билан бирга буюк даромаддир. Шунинг учун озиқ-овқат ва кийим-кечакка эга бўлсак, шу билан қаноатланайлик” (Тимотийнинг 1-мактуби 6:6, 8). “Буюк даромад” қаноат билан боғлиқ, аммо биз ҳар доим ҳам даромадни ҳис

этавермаймиз. Қаноат бизга йўлимиздан оғмаслик учун ва ибодатимизнинг жавобини кўрмаганимизда ҳам енгилмаслик учун ёрдам беради.

Раббийга ибодат қилиб, Ундан қаноатнинг маъносини сўрадим ва юрагимда: “Бу Менинг иродам билан тўла қаноат қилиш” деган сўзни эшитдим. Раббимиз Исо Масиҳнинг ҳаёти қаноатнинг ҳақиқий тўлиқ суратини тасвирлайди. Биз Унинг доим шундай деганини эштамиз: “Менинг озукам – Мени Юборганнинг иродасини бажариш ва Унинг ишини амалга оширишдир” (Юҳанно 4:34). У Ўзини Худонинг иродасига бағишлангани ва қаноати, Масиҳ ҳақидаги бир санода жуда яхши акс эттирилган: “Ё, Худойим, Мен Сенинг иродангни бажаришни истайман, Сенинг қонунинг юрагимдадир” (Сано 39:9). У Худонинг иродасидан ташқари ҳеч қандай истак ва иштиёқни ҳис этмаган. Унинг иштиёқи фақат Отасининг иродасини бажаришда бўлган.

Қаноатни ўзига бино қўйиш билан алмаштирманг, негаки уларнинг маъноси умуман бир-биридан йироқ. Ёзилганки, Исо: “...Худога кучли фарёд ҳамда кўз ёшлари билан ибодату илтижолар қилди” (Ибронийларга 5:7). У бир куни маъбаддаги савдогарларнинг хонтахталарини ағдариб юборди, бошқа куни эса, Ўз азобларидан олдин ҳаворийлар билан бирга кечлик қабул қилишни жуда истади. У кишанланган, бемор ва ташландиқ одамларни кўрганида мамнун бўлмаган. У барча азоб чекаётганларнинг номидан жангчи бўлган. Бироқ Унинг шахсий эҳтиёжлари ва хоҳишлари ҳақида гап кетганида, У қаноатни ҳис этар эди. У Ўз илтижолари билан Отага келар ва Отаси Унга ғамхўрлик қилишига ишонар эди.

Ундаги қаноатдан мана шундай сўзлар дунёга келар эди: “Мени тирик Отам юборган ва Мен Отам билан яшаяпман”. Бу Унга дунёга боғлиқ бўлмаган шу қадар кучли хавфсизлик ва турғунлик берар эдики, у ҳатто шундай дер эди: “Мен қаердан келганимни ва қаерга бораётганимни биламан” (Юҳанно 6:57 ва 8:14 га қаранг). Ундаги манашу билим тўфайли, Уни чалғитиб ёки йўлидан оздириб бўлмас эди ва У Худонинг комил Қули эди!

Очкўзлик

Бутпарастликни таърифлайдиган иккинчи муҳим сўз – “очлик” (очкўзлик) бўлиб, бу қаноатнинг бутунлай тескарисини ҳисобланади. Сиз бу сўзни кундалик гап-сўзларда камдан-кам эшитасиз, шу боис, унинг маъносини ва Ёзувдаги ўрнини тушуниш учун унга таъриф бериб ўтиш жоиз.

Келинг, инглиз тилидаги маъносидан бошлаймиз. Уэбстернинг луғатида бу сўз: “бошқалар яхши деб ҳисоблаган нарсани қўлга киритиш ва унга

эга бўлишни кучли хоҳлаш” – деб таърифланади. Юнон тилига мурожаат этадиган бўлсак, сўзнинг тасвирий ифодасини кўрамиз. Унга қарашдан аввал, Повул очкўзлик сўзини Колосаликларга Мактубида қандай маънода келтирганини ўрганиб чиқамиз:

“Шундай қилиб, агар сизлар Масих билан бирга тирилган бўлсангизлар, унда юқоридаги нарсаларни, яъни Масих Худонинг ўнг томонида ўтирган жойдаги нарсаларни изланглар. Ер юзидаги нарсалар эмас, балки юқоридаги нарсалар ҳақида фикр юритинглар. Чунки сизлар ўлгансизлар, ҳаётингиз эса Масих билан бирга Худода яширинган. Сизларнинг ҳаётингиз бўлган Масих зоҳир бўлганида, ўшанда сизлар ҳам У билан бирга шўҳратда зоҳир бўласизлар” (Колосаликларга 3:1-4).

Повул бизга қаноатланган ҳолатда яшашнинг калитини бермоқда. Биз Исо Масих орқали Қудратли Худо билан аҳдда эканимизни тушуниб етсак, биз ҳеч нарсага муҳтож эмаслигимизни англаймиз, – умуман ҳеч нарсага. Исо Масих “бизга Шоҳлик берилганини” айтган. Агар биз энг аввало Унинг Шоҳлигини излайдиган бўлсак, биринчи навбатда уни излайдиган бўлсак, иккинчи ва учинчи навбатда эмас, шунда барча керакли бўлган нарсалар бизга қўшиб берилади.

Душман биринчи ўринда, Исога қарши айнан манашу соҳада ҳужум қилишни ўйлаб қўйди. Шайтон чўлдаги васваса вақти, Масихни таъминотни Отасидан эмас, балки бошқа жойдан излашга мажбур қилишга уринди. Чўлдаги шароит ўта азобли эди. Исо қирқ кунлик рўзадан сўнг овқат ейишни қумсади. Душман Уни қаноатланган ҳолатидан чиқариб, очлик ҳолатига тушуришга умид қилди, бироқ Исо бундан бош тортди. Шундан кейин, дарҳол осмондан фаришталар келиб, самовий овқат билан уни кучга келтирдилар! Душман Исога нисбатан ўйлаб қўйган режасини амалга ошира олмади, аммо бу у бизга қарши айнан шу йўлдан фойдаланмайди дегани эмас. У бизни норозиликни ҳис этишга мажбурлашни ўйлаб қўйибди, токи биз таъминотни Осмон шоҳлигидан эмас, бошқа жойдан излайлик.

Повул буни ўз нафсини қондириш учун Худодан фойдаланадиганларга эмас, балки Уни излайдиган кишиларга қарата айтган. Худога маъқул бўлишга ва Унинг юрагидаги инсон бўлишга чанқоқ кишилар – ўз фикрларини ерлик ташвишларга эмас, балки юқоридаги мақсадларга йўналтирадилар. Биз мана шундай ҳолатда Исога ўхшаш бўламиз. Бизнинг истагимиз – бизни юборганнинг иродасини амалга ошириш

бўлади. Шундан кейин ғайритабиий натижаларни кўрамиз – биз Исодек енгилмайдиган, йўлдан озмайдиган кишиларга ва Осмон шоҳлигининг чинакам қулларига айланамиз!

Повул давом этиб: “Шунинг учун ерга хос аъзоларингизни, яъни фоҳишабозлик, нопоклик, ёвуз ҳирсу нафслар ва бутпарастлик бўлган тамагирликни ўлдиришлар. Мана шулар учун Худонинг ғазаби бўйсунмаслик ўғилларининг бошига келмоқда” (Колосаликларга 3:5, 6).

Қаранг, Повул: “Нафс бу бутпарастлик” эканини айтмоқда! Мана, ҳаққоний бутпарастлик нима эканини тушунишнинг иккинчи калити. Буни ҳайкал қўядиган, қўрбонгоҳ ва мажусий маъбадларни қурадиган давлатларда осонликча пайқаш мумкин, аммо “ривожланган давлатлар”да буни фарқлаш ва англаш зарур бўлади. Повул биз қаноатдан очкўзликка ўтганимизда, Худо билан яқин муносабатларимизни бутпарастлик ва зинокорликка алмаштирган бўламиз деб айтяпти.

Келинг, ушбу оятдаги “очкўзлик” маъносини билдирувчи, юнончадаги *pleonexia* сўзига қараймиз. Бу сўзга ишончли манбалардан уч хил таъриф келтиришга рухсат беринг:

1. “Ҳаддан ташқари кўпроғига эга бўлиш истаги” (Pillar луғати).
2. “Керагидан ортиқ тарзда эга бўлишни хоҳлаш” (BDAG луғати).
3. “Ўзини бутга айлантиришга мойиллик ва руҳнинг қамраб олиши” (CSE луғати).

Келинг, охириги таърифга диққат қаратамиз: “Ўзини бутга айлантиришга мойиллик ва руҳнинг қамраб олиши”. Борди-ю биз Шоҳлик ҳақида фикр юритмасак ва энг аввало, уни изламасак, биз дунёвий ҳаёт кечириш андазалари бўйича яшашни бошлаймиз. Бизга уларсиз яшаб бўлмайдигандек туюладиган эҳтиёжларни жон-жаҳтимиз билан қондиришни бошлаймиз. Биз лаззат, ҳокимият, обрў, ҳирс ва инсон ўзини бутга айлантирганда туғиладиган яна бошқа нарсаларни излашга ўтамыз. Биз ҳаётдан норози бўлсак, очкўзликнинг ҳокимиятига тушиб қоламиз. Биз жон сақлашга уринамиз, негаки Худо берадиган тинчлик ва роҳат бизга камлик қилади. Биз Унинг режасига ва У ҳаётимизда белгиланган жараёнга қаршилиқ қилишни бошлаймиз.

Шубҳасиз, қаноатлилик ва очкўзилик – қарама-қарши бўлган кучлардир. Қаноатлилик бизни бутпарастликдан узоқлаштиради ва Худонинг юрагига яқинлаштиради, очкўзлик эса аксинча, бизни Худодан олиб кетади ва бутпарастлик қўрбонгоҳига бошлайди. Бу бир-бирига зид маъноларга эга бўлган турли сўзлардир – давом этиб, уларнинг фарқини кўриб чиқамиз. Ибронийларга мактубининг муаллифи қуйидаги сўзларини

нега бунчалик қатъийлик билан айтганини сезиш қийин эмас:

“Турмуш тарзингиз пулпарастли бўлмасин. Ўзингизда бори билан қаноатланинглар, чунки Худонинг Ўзи: “Мен сени тарк этмайман ва ташлаб кетмайман”, – деган. Шунинг учун биз жасорат билан айта оламиз: “Раббий менинг ёрдамчимдир, мен қўрқмайман. Инсон менга нима қила олади?” (Ибронийларга 13:5, 6).

Биз кейинги бобда, Худого маъқул бўлган қаноатлилик ҳар қандай мушкул ёки мудҳиш вазиятларда ҳам бизга дадиллик беришини билиб оламиз. У имонлиларни қўлга тушуриш учун қўйиб чиқилган дунёвий тузоқлардан асрайди. Қаноатлилик ўзида бизнинг тушунчамиздан юқори бўлган буюк даромад ва тинчликка эга.

Очкўзлик – аксинча, ҳаддан зиёд истаклар ва иштиёқлардан озикланувчи хавотирлар макони ҳисобланади. Бундай ҳолатда инсонни ёлғон ва ҳалокат четлаб ўтмайди.

Ҳаракат қилинг

Биз Худонинг Сўзидаги ҳақиқатни аниқ ва равшан тушуниб етишимиз зарур. Бу биз учун ёзилган, шу боис, биз ҳеч нарса билан ўзимизни оқлай олмаймиз. Ҳеч биримиз Худонинг қаршисида туриб: “Раббий, мен буларни билмаган эдим!” – деб айта олмайди. У ҳеч бир халқ ўзини оқлай олмаслиги учун уларга борлиқ орқали Ўзини очганидек, биз ҳам узрга эга бўлмаслигимиз учун У Ёзув орқали Ўз иродасини очди.

Бу қанчалик оғир эшитилмасин, қисман итоат ҳам – бутпарастлик ҳисобланади. Биз бу нарсани билганимиз учун шукр қилишимиз лозим. Чүнки бизни қандай синовлар кутиб турганини билсак, биз ҳар сафар уларни енгиб ўта оламиз. Бу Худонинг шавқати ва эзгулигидир!

Биз қисман итоат этган, ўжарлик ва очкўзлик қилган нарсаларда, осонликча кўр бўлиб қолишимиз мумкин. Шунинг учун Муқаддас Рухдан ҳаётингиздаги ёмон таъсир остида қолган соҳаларни кўрсатишини сўранг. У сизга кўрсатган нарсалар учун тавба қилинг ва Ундан сизни поклашини сўранг. Ва ниҳоят, сиз бор юрагингиз билан Унинг ортидан боришингиз учун Ундан сизни янгилашини ва куч билан тўлдиришини сўранг.

ЕНГИЛЛАШТИРИЛГАН БОСИМ

Мен ўтган бобда бутпарастликнинг иккита турли жиҳатини кўрсатдим – булар ўжарлик ва очкўзликдир. Энди келинг, уларни бирлаштирамиз ва улар биргаликда қандай ҳаракат қилишини кўриб чиқамиз, чунки бу иккиси бир-бирисиз яшай олмайди. Шунда биз имонлини қандай нарса криптонитнинг қаршисида ожиз қилиб қўйишини билиб оламиз.

Қийин манзара

Шоҳ Шоулни тасаввур этиб кўринг. У Худонинг иродасида бўлишдан қаноатланмади. Ўзининг ўжарлиги туфайли очкўзликка мойил бўлиб қолди. Бизга маълум бўлган биринчи хатони у амолёқлар билан эмас, ундан сал олдинроқ, фаластинликлар билан бўлган жангда содир этди. Душман лашкари Исроилга қарши уч мингта жанг аравадан ташкил топган сон-саноқсиз жангчиларни тўплади. Бу ўша замоннинг танклари ва денгиздаги қумдек кўп пиёдаларидан иборат қўшин дегани! Улар Михмасга ўрнашдилар ва ҳужумга ўтишга тайёр турар эдилар.

Шоулнинг ҳарбий кучлари рақибникдан анча кам эди. Унинг қўшини тажрибасиз янги аскарлардан иборат эди.

Ёзилганки:

“Исроилликлар эса халқнинг сиқувга олингани сабабли ўзларини хавф остида қолганликларини кўриб, ғорларда, дараларда, қоялар орасида, ҳандақларда, чуқурларда

яшириндилар. Яҳудийларнинг айримлари Йордан дарёсидан ўтиб, Гад ва Гилъад ерларига кетдилар. Шоул ҳали Гилгалда эди. У билан бирга бўлган бутун халқ қўрқувда қолган эди” (Шомуилнинг 1-китоби 13:6, 7).

Шоул қандай сиқув остида қолганини кўз олдингизга келтира оласизми? Сиз етакчи, раҳбар ва шоҳсиз, сизнинг тандирдан чиққан янги аскарларингиз эса ўзларидан анча тажрибали, кучли ва қудратда тенг келмайдиган душман билан жанг қилиши лозим. Шоул учун энг даҳшатли мудҳиш ҳодиса эса – унинг қўшинидаги ҳарбийлар ўзбошимчалик билан жанг майдонини ташлаб кетишни бошлаши эди. Бироқ тез орада ёрдам келиши – энг катта пайғамбар бўлмиш Шомуил белгиланган кунда келиб, Раббийга қурбонлик келтириши кутилаётган эди. Бу Шоулни етакчи сифатида қатъийлигини мустаҳкамлаш ва олдиндаги жанг учун унга довжуракликни ато этиш учун қилиниши керак эди. Бироқ кутилмаганда муаммо туғилиб қолди:

“Шоул Шомуил тайинлаган муҳлат бўйича уни етти кун кутиб турди. Аммо Шомуил Гилгалга келавермади, халқ эса Шоулнинг ёнидан қоча бошлади. Шунда Шоул: “Тамоман ёндириш қурбонлиги билан тинчлик қурбонликларини менга олиб келинглар”, — деб буюрди ва тамоман ёндириш қурбонлиги келтирди” (Шомуилнинг 1-китоби 13:8, 9).

Шоул Худодан қурбонлик келтириш учун ҳуқуқга эга эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Фақат руҳонийлар бағишлов қурбонлигини келтира олиши мумкин эди (Шомуил ҳам пайғамбар, ҳам руҳоний эди). Аммо адолатпарварлик юзасидан айтиш жоизки, Шоул ўз жангчилари билан, фавқулотда ҳолатда қоидаларни бузиш мумкин деб ўйлаган бўлиши мумкин, ахир, ноилож вазиятлар, ноилож чораларни талаб этади.

Аммо Шомуил қатъият билан туриб олди, у бу масалага нисбатан ўзил-кесил фикр билдирди:

“Шоул тамоман ёндириш қурбонлигини келтириб бўлган эдики, Шомуил келиб қолди. Шоул эса унга салом бериш учун пешвоз чиқди. Бироқ Шомуил унга: — Нима қилиб қўйдинг? — деди. Шоул жавобан деди: — Халқим менинг ёнимдан қочиб кетаётганини кўрдим. Сиз эса белгиланган вақтда келмадингиз. Бунинг устига, филистинликлар Михмашда тўпландилар. Шунда

мен: “Филистинликлар Гилгалга, устимга бостириб келади, мен эса ҳанузгача Раббидан сўраб илтижо қилмадим”, — деб ўйладим. Шунинг учун, тамоман ёндириш қурбонлигини келтиришга мажбур бўлдим. Шомуил эса Шоулга: — Нодонларча иш тутибсан, сенинг Раббий Худойингнинг сенга берган буйруғини бажо этмадинг. Бўлмаса, Раббий Исроил устидан сенинг шоҳлигингни абадий мустаҳкамлаган бўлар эди. Энди эса сенинг шоҳлигинг узоққа бормайди. Раббий Ўз кўнглига мос эркакни топади ва Раббий унга Ўз халқининг сардори бўлишни буюради. Чунки сен Раббийнинг сенга берган буйруғини бажо этмадинг, — деди” (Шомуилнинг 1-китоби 13:10-14).

Пайғамбарлар мана шундай йўл тутадилар — бизни Раббийнинг амрларига қайтариб, ҳеч қандай шубҳа-гумонга ўрин қолдирмайдилар. Одамлар оғир пайтларда Худо биздан нима иштини осонликча унутиб қўйишлари мумкин. Шоулнинг ҳаракатларида кўринган ишончсизлик ва норозилик, исроилликларга қийин вазиятларда Худого итоат этиш ёки итоат этмасликни танлаш ҳуқуқи бор дегандек туюлди. Бу нотўғри! Худого ҳар доим ва ҳар қандай вақтда қулоқ солишимиз зарур.

Шоулнинг ишончсизлиги шунчаки ундаги қаноатлилик етишмаслигини кўрсатди. У атрофдаги ҳамма унинг ҳокимиятига бўйсунганини истади, лекин вазиятлар умуман бунинг тескарисини айтиб турар эди. Шоул уни эзиб турган босимдан нафратланар ва уни енгиллаштиришни хоҳлар эди. Ундаги норозилик уни у истаган нарсадан маҳрум қилар эди.

Биз ҳаммамиз оддий ҳақиқатни англаб етишимиз зарур: Худого хизмат қилиш жараёнида биз қийинчилик, васваса ва синовларга дуч келамиз. Исо бизга буни кафолатлаган: “Дунёда азоб чекасизлар” (Юҳанно 16:33 га қаранг). Қийинчиликлар имонимизнинг кучини аниқлайди. Биз имонимиз тебранаётганини сезсак, имон даражамиз пасайишни бошласа, демак, Худого ёлвориш, Унинг Сўзини излаш ва Унинг Рўҳини кутиш вақти келди. Шундай қилсак, биз синовлардан олдингидан кўра кучлироқ имон билан чиқамиз.

Имонимиз — бу қимматбаҳо мулк бўлиб, у ердаги ҳар қандай молдан ҳам қимматлироқ. Ўйлаб кўринг: сизга бирор киши муваффақияти кафолатланган бизнес-режа ва бунинг учун маблағ таклиф этса, нима қилган бўлар эдингиз?

Сиз: “Бу жуда қийин ва бу кўп меҳнатни талаб этади!” — деб нолирмидингиз ёки бу имкониятни маҳкам ўшлаб олиб, муваффақияти кафолатланган режани амалга оширишни кўзлаб, ҳаракат қилишни

бошлармидингиз? Шубҳасиз, ҳар биримиз меҳнат қилишни ва улкан фойдани кутишни бошлар эдик.

Ҳар сафар сиз дуч келадиган вазиятлар ва ҳаётингизда учрайдиган катта кўнгилсизликлар билан ҳам шу нарса содир бўлади. Ишонинг, Худо бу нарсаларни ҳаётингизга келишига йўл қўяди. У бунинг сизни хафа қилиш учун эмас, балки сиз имоннинг катта мукофотига эга бўлишингиз учун шундай қилади.

Яна битта қийин манзара

Шоулнинг тескарисини акс эттирадиган – Довудни олайлик. У янада гангитиб қўядиган вазиятга тушиб қолди.

У ҳамма воз кечган охириги олти юзта дўсти билан қолди. Ўша кун у учун унчалик ҳам кўнгилдагидек ўтмади, аммо олдинда уни янада оғирроқ синовлар кутиб турган эди. Улар Секелакка, ўз уйларига қайтганида, улар йўқлигида амолқлар келиб, уларнинг ҳамма бойлигини – хотинларини, болаларини ва мол-мулкни олиб кетган, қолган нарсаларини эса ёндириб ташлаганининг устидан чиқдилар. Уларнинг ҳеч вақоси қолмаган эди!

Довуднинг юрагида нималар кечганини кўз олдингизга келтириб кўра оласизми? У Исроилнинг чўлида ўн икки йилдан ортиқроқ вақт яшириниб юрди. Шунча вақт у оиласини, ёшлигидаги дўстларини кўришга ва улар билан бирга Худонинг хизматига боришга, уларнинг ютуқларини кўришга ёки биргаликда миллий байрамларни нишонлашга имкони бўлмади. У доим яшириниб юриши зарур эди, баъзида эса уни таъқиб қилаётган ва қўлга туширмоқчи бўлган Исроилнинг махсус ўргатилган аскарларидан қочишига тўғри келар эди.

Таъқиблар шу қадар хафвли бўлиб қолгани учун у ўз одамлари ва уларнинг оилалари билан икки йил ўзга юрт ҳудудида яшашига тўғри келди. Бу аҳвол қанча вақт давом этиши мумкин? Унинг Худога қилган хизматларининг мукофоти қани? Довудда бир неча марта вазиятни ўз қўлига олиш ва Худо унга бўйсунитишни айтган Исроил етакчисини ўлдириш учун имкон бўлди. Борди-ю у шундай қилганида, унинг барча кўргуликлари тугаган ва босим тўхтаган бўлар эди. Аммо у содиқ, қатъиятли ва ўн тўрт йил давомида ҳаётида эга бўлган нарсалардан қаноатни ҳис этар эди.

Энди тўхтаб, ўйлаб кўринг. Сиз бирор марта синовлар пайти уч ҳафта ўтиб, таслим бўлишни истаганмисиз? Уч ойдан кейинчи ёки уч йилдан кейинчи?

Доимий кулфатда яшаш учун уч йил – жуда узоқ муддат, бироқ Довуднинг бошига тушган фожеаларнинг олдида бу ҳеч нарса эмас.

Шоул бир ҳафтадан кейин таслим бўлди. У Худого бўйсунмасдан, ўз одамларининг кўзида ҳурмат ва юқори мартабага эга бўлишга урунишни танлади. Шоул унга келган босимни енгиллаштирадиган ва уни юқорига кўтарадиган йўлни танлади. У Худодан келадиган тараққиётни кутмади.

Довуднинг воқеасига қайтамыз. У ўз одамлари билан Секелакка қайтди ва ҳаётидаги энг қимматли ва юрагига азиз бўлган ҳамма нарсасидан маҳрум бўлганини кўрди. Бу эркаклар қайғули хабарни билиб олгач, ҳолдан тойиб қолгунича куйинишди. Довуд, менинг ҳолимга вой деб ўйлаши мумкин эди, аммо ҳаммаси шу билан тугамади. Олдинда уни янада оғирроқ синовлар кутиб турган эди. Унинг бор-йўғи охириги олти юзта дўсти бўлмиш бу эркакалар, унга нисбатан шу қадар ғазабланишдики, уни ўлдиришга жазм қилдилар!

“Довуд чуқур эзилди, чунки халқ уни тошбўрон қилмоқчи эди, зеро бутун халқнинг қалби қайғурар, ҳар бир одам ўз ўғиллари ва қизлари учун кюяр эди” (Шомуилнинг 1-китоби 30:6).

Мана шундай воқеа бўлганида, Шоулнинг одамлари урушдан қочиб кетган эдилар. Шунда Шоул ўзини ёлғиз ҳис этиб, бор кучи билан ҳурмат, эътибор ва мақтовни хоҳлади. У Худонинг буйруғига зид бўлган нарсаларни излади.

Довуднинг одамлари эса қочишни эмас, балки уни ўзини ўлдиришни истадилар! Довуд Шоулга қараганда анча мушкул вазиятда қолди. Шоулнинг норозилиги Шомуилни кутиб, Худого умид қилишнинг ўрнига, осон йўлни излашга ундади. Довуд эса бошқача йўл тутди:

“Лекин Довуд ўз Худоси Раббий билан қувватланди. Шу тариқа, Довуд Охимелекнинг ўғли руҳоний Абиатарга: “Менга эфодни олиб кел”, — деди. Абиатар Довудга эфодни олиб келди. Довуд Раббийдан: —Бу босқинчиларнинг орқасидан қувиб бораёми? Қувсам, етиб оламанми? — деб сўради. Унга шундай жавоб келди: —Орқаларидан қувгин, уларга етиб олиб, асирларни халос қиласан” (Шомуилнинг 1-китоби 30:7, 8).

Довуд қийинчиликлардан бош тортишга уринмади, шахсий режасини ўйлаб топмади, ўзига ишонмади. У ичида: “Бўлди, етар! Шунча пайт Худого содиқ бўлиб хизмат қилиб юриб, нима топдим? Мен унга энг яхши йилларимни бағшида қилдим. У эса мени зўравоннинг қўлига топшириб қўйди. Худо мени шу дўзахга солди!” — демади.

Довуд бирор марта ҳам Худони айбламади. У кошонада яшашга ўч эмас эди. Синовлар даврида, Худо унга ваъда қилган тахтни эгаллаш учун Шоулни ўлдириш ва ундан қасд олиш имконига эга бўлди. Аммо – у Худони кутди, Шоул эса кутмади. Довуд ўзини сақлади, ҳаётидан қаноат топди ва ҳамма нарса ҳақида аввал Худодан сўрашни афзал кўрди.

Худодан ҳар доим ёрдам ва мадад келади, лекин ундан аввал Унинг Сўзига бўйсунмаслик учун қулай фурсат туғилади. Бу Масих чўлда ўтган васвасага ўхшайди. Фаришталар келиб, Исога хизмат қилишларидан аввал, шайтон унга азоблардан қочиб қолиш имконини берди. Қарийб ҳар доим шундай бўлади. Агар биз қаноатли бўлсак, таъминот ва тараққиётга эришиш учун шахсий йўлларимизни излашга тушмаймиз.

Амолеқларга қайтамыз

Келинг, Шоулнинг ҳаётини ўрганишда давом этамыз ва амолеқлар билан рўй берган воқеага эътибор қаратамыз. Албатта, бу унинг фаластинлар билан тўқнашувидан сўнг содир бўлди.

Шоулнинг амолеқларнинг воқеасидаги итоатсизлиги нима билан боғлиқ? Нега у шоҳнинг ҳаётини сақлаб қолди ва Худонинг аниқ-равшан бўйруғига қарамай, яхши ҳайвонларни ўзига олиб қолди? Бу Шоулнинг Худо иродасидан норозилиги ва ишончсизликка олиб келган ҳасадли хулқидан бошқа, ҳеч нарса эмас.

Биринчидан, нега у шоҳни омон қолдирди? Бутун халқни ўстидан ғалаба қозониш – бу катта ютуқ, лекин ўша даврларда, шоҳ жангда ғалабага эришса, кўпинча қўлга олинган шоҳни саройга олиб келган. Мағлуб бўлган халқнинг шоҳи ютган шоҳнинг қасрида тирик ўлжа каби бўлган. Шоҳ унга ҳар қараганда, бир бошли халқни тор-мор қилганини эслаб турган. Саройдаги барча раҳнамолар ва хизматкорлар, ўз етакчисининг қудратига яна бир бор ишончи комил бўлган. Буларнинг бари инсон ўз худбинлиги ва манманлигини мустаҳкамлаш учун қилинар эди. Шубҳасиз, агар раҳбар ўзига ишончсиз инсон бўлса, бундай нарсалардан фойда бўлган.

Иккинчидан, Шоул нега қўй, эчки, чорва, яхши боқилган бузоқ ва қўзиларни олиб қолди? Сабаби шундаки – у ўз аскар ҳамда одамларининг кўзида ҳурмат ва эътиборга чанқоқ эди. Агар у амолеқлардан тортиб олган энг яхши ҳайвонларни уларга берса, кейин улар ўзларининг буюк сардори ҳақида эслаб юрадилар. Яқин келажакда улар уни эслаб, унинг бир бошли халқни забт этган кучи, санъати ва донолигини мақтаб юрадилар. Шунда улар Худо у томондалигини кўрадилар ва унинг обрўси кўтарилади.

Шоул ўзининг очкўзлиги учун, у кимдир эканини доим исботлаб юришга мажбур эди. У ҳатто, ўша ғалабадан сўнг ўзига ҳайкал қўрдирди. Пайғамбар келиб, уни итоатсизликда айблаганда, у жавобан деди: “...энди халқимнинг оқсоқоллари олдида, Исроил олдида мени ҳурмат-иззат қилинг ва мен билан бирга қайтиб боринг” – деди (Шомуилнинг 1-китоби 15:30). У Худого қулоқ солмасликдан қўрқмади. Унинг кўзларида, мамлакатдаги энг ҳурматли пайғамбар, Шомуилнинг йўқлиги, айниқса, Шомуил келиб, уни фош қилгани Шоулнинг обрўсига путур еткизар эди. Унга ўз етакчиларининг таҳсини ва унга бўлган ишончи керак эди. У ҳокимиятни истар эди, аммо аслида, бу ҳокимият унга Худо томонидан берилган эди. У ҳамма нарсадан ҳам кўра ҳурмат, эътибор, шўҳрат ва обрўга ўч эди. Бу очкўзлик уни ўжарликка ва Худонинг сўзига нисбатан итоатсизликка олиб келди.

Бошқача қилиб айтганда, Шоул Худонинг иродасидан қаноат топмади.

Манба

Энди бут биз учун ўз очкўз истакларимизнинг манбаига айланишини аниқ кўрмоқдамиз. Бу нарса ҳаётимизнинг ҳар битта соҳасида содир бўлиши мумкин. Бут Худого тегишли бўлган ўринни эгаллаб олади ва биз учун бахт, қулайлик, тинчлик, таъминот, ҳокимият, ҳурмат ва бошқа нарсаларнинг манбаига айланади. Худо: “Ўзингизга бут ясаманглар...” – деб айтган (Левит 26:1 га қаранг). Биз ўзимиз бутларни яратамиз ва ҳар доим ҳам улар тош ва қимматбаҳо металдан ясалган бўлавермайди. Уларнинг кучи бизнинг юрагимизни кўзлайди.

Ҳаётимизда нимани Худодан устун қўйсак, ўша нарса бутга айланиши мумкин! Бу биз Худодан кўра кўпроқ севадиган, истайдиган, ишонадиган ва вақт ажратадиган нарсадир. Раббий менинг хотиним Лизага, бутпарастлик – бу биз қаердан куч олиб, нимага куч берадиган нарса эканини очиб берган. Имонлилар ўз юракларида норозиликка йўл қўйганларида ва Худого итоатдан ташқарида – бирор одам, бирор нарса ёки ишдан қониқиш излаганларида бутпарастликка йўлиқадилар.

Бутпарастлик – фақат ҳайкал, тумор, мажусий қўрбонгоҳ ва маъбадлар эмаслигини аниқ тушуниб етдингиз деб умид қилиб қоламан. Биз кўпинча бу гуноҳни юқорида санаб ўтилган нарсаларга йўйиб қўйишимиз учун, аксарият кишилар Ёзувдаги жиддий огоҳлантиришларни унутиб қўйдилар. Кейинги бобларда бутпарастликнинг асл башарасини очишда давом этамиз ва унинг йигирма биринчи асрда бутун дунё маданиятидаги емирувчилик кучини билиб оламиз.

Ҳаракат қилинг

Бутпарастликнинг мазмуни шундаки, сиз Худодан ташқаридаги жойдан куч излайсиз ёки нимагадир ва кимгадир кучингизни сарфлайсиз. Бут биз учун манбага айланади. Энди ҳамма ўзининг Худога бўлган ишончини кўрсатиш учун ва Худо иш берувчимизнинг ўрнига таъминлашга қодирлигини кўрсатиш учун иш жойидан кетиши керак дегани эмас. Аммо иш берувчи орқали бизни Худо таъминлаётганини тан олиш жоиз.

Оила орқали бизга Худо севги ҳадя этаётганини кўрамиз ва биз ҳам унга жавобан ўз яқинларимизни севамиз, бироқ севги манбаи сифатида биз Худони тан оламиз ва Уни ҳурмат қиламиз. Энг муҳими, биз Худони ҳаётимизнинг мазмуни деб тан оламиз ва шу боис, бизни Худодан олиб кетадиган ҳар қандай таклифни рад этамиз.

Бутпарастлик фақат бутларга сажда қилишни билдирмаслигини тушундингиз деб ишонаман. Худодан сизнинг шахрингиз ва жамиятингизга қандай ва қаерда бутпарастлик ўз таъсирини ўтказаётганини кўрсатишини сўранг ва ўша соҳалар учун шафоат қилишни бошланг. Худо манашу жойларга Ўз ҳақиқатининг нури билан кириб келишини ва Ўзини Раббий сифатида намоён қилишини сўраб ибодат қилинг.

КРИПТОНИТ

Келинг, ўтган бобларнинг энг муҳим фикрларини ёдга оламиз.

Бутпарастликнинг мазмуни – бу ҳайкаллар, санамлар, мажусий қурбонгоҳ ва маъбадлар эмас. Улар янада чуқурроқ масалаларнинг маҳсулидир. Бутпарастлик – инсон Худонинг очиқ-ойдин иродасини кўра-била туриб, Унинг иродасига зид бўлган шахсий истак ва ниятларини ундан устун қўйишидир.

Худого нисбатан бўлганган назар – бу очкўзликнинг маҳсули. Ўзини бутпарастликка топширган инсоннинг оқибати қуйидагича юз беради: у танавий ифлос истаклари ортидан бориб, шармандаликлар қилиши учун Худо уни ўз гуноҳкор табиатига қўйиб беради. Лаззатланиш ва дунёвий завқ-шавққа интилган кишининг охири ҳаёт эмас, ўлим билан тугайди.

Худди шу нарса имонли кишининг ҳаётида ҳам содир бўлиши мумкин. Масиҳий шахсий истакларини қондириш мақсадида, Худонинг кўриниб турган иродасини менсимай, ўзини бутпарастлик ҳокимиятига топширади. Шу боис, бутпарастлик – Худонинг иродасини билиб туриб, унга итоат этмаслик ҳисобланади. Имонли гуноҳга йиқилса-ю, лекин бунинг учун тавба қилса – бу бошқа масала. Агар имонли гуноҳга берилса, бутпарастликни амалга оширган бўлади. Бундай аёл ёки эркак ўз хоҳишларини Худонинг иродасидан устун қўяди ва ўзига бут яратади.

Бутпарастлик – бу руҳий криптонит.

Орқага қайтиб, юқорида келтирилган бир неча мисоллар юзасидан фикр юритадиган бўлсак, уларнинг ҳар бирида васвасалар бўлган деб хулоса чиқарамиз. Ахан Йерихонда қўлга туширган ҳамма нарсани Раббийга бағишлаш кераклиги ҳақида аниқ буйруққа эга эди. Бироқ уни

фош қилганларида, у шундай деди: ... кўрганимда, мен уларни жуда ҳам хоҳладим ва олдим...” (Йешуа Нун ўғли 7:21).

Ахан учун ўзининг истаги Худонинг талабидан муҳимроқ эди. Унга Худодан кўрқиш етишмади ва у атайин Худога қулоқ солмади. Унинг билиб туриб қилган гуноҳи бутпарастликдан бошқа нарса эмас, аниқроғи бу руҳий криптонит. Шу нарса орқали у нафақат ўзига, қолаверса, бутун жамоанинг бошига ҳукми ёғдирди. Исроил заиф бўлиб қолди ва бошқа халқларни енга олмади.

Коринфдаги жамоат ҳам Худонинг кўрсатмаларини менсимамай, кўпинча ўзининг танавий хоҳишларини қондирар эди. Боз ўстига, Повул шундай деб ёзган: “Сизлар ҳали ҳам тана изми бўйича юрган одамларсизлар...” (Коринфликларга 1-мактуб 3:3). Улар ҳасадгўй эдилар, уларнинг орасида якдиллик йўқ эди, улар бир-бирлари билан жанжаллашар эдилар, кечликка эса Раббийни излаш учун йиғилмас эдилар. Улар ўзининг танавий иштаҳасини қондириш учун келар эди, шу тарзда улар Худонинг бўйруғини атайин бузишди. Мана нима учун Повул шундай сўзларни ёзган: “Шунинг учун биродарлар, овқатланишга йиғилганларингизда, бир-бирингизни кутиб туринглар. Агар кимдир оч бўлса, ўз уйида есин, токи сизларнинг йиғилишларингиз маҳкум бўлишингизга сабаб бўлмасин. Қолган нарсаларни эса, мен олдингизга келганимда тартибга соламан” (Коринфликларга 1-мактуб 11:33, 34). Уларнинг очкўзлиги (бутпарастлиги) тўфайли кўплар заиф, бемор бўлиб, вақтидан олдин ўлганлар ҳам бор эди. Улар Самонинг элчилари сифатида ҳаёт кечирмаётган эдилар.

Ёқуб ҳам айрим одамларга қарата худди шу сўзларни айтган. Улар бир-бирларига ҳасад қилар, худбин шўхратпарастлиги бўйича ҳаракатланар, жанжаллашар ва ўзаро келишмас эдилар. Ёқуб уларга қарата шундай деган: “...ҳасад қиляпсизлар, аммо эриша олмапсизлар” (Ёқуб 4:2). Имонлилар худбин истакларини қондириш йўлида ўша битта гуноҳни такрорлаганининг гувоҳи бўламиз. Ёзув уларни “фоҳишалар” деб атаган, чунки улар ўзларига бут яратганлар. Бу улар ҳайкал ясаган, туморлар тақиб юрган, мажусий маъбад ва қурбонгоҳлар қурганини билдирмайди. Бу ҳақда тўғридан-тўғри айтилмаган бўлса ҳам, ҳойнаҳой, уларнинг ўртасида яшашига йўл қўйиб берган руҳий криптонит уларни Худо билан нотабиий ҳаётда яшашдан ушлаб турган.

Бутпарастлик – бу шунчаки гуноҳ эмас, шунингдек атайин ёки билиб туриб амалга оширилган гуноҳ ҳисобланади. Бу аслида Худонинг айтганларидан қатъий назар, ўзимиз муҳим деб ўйлаган нарсага интилиш ва шу нарсани қилишни билдиради.

Мана, боғда ҳам ҳаммаси шундан бошланди. Одам ва Ҳаво уларга яхши, фойдали, даромадли, ёқимли ва уларга донолик берадиган нарсага эга бўлишни истадилар. Улар аниқ-равшан тарзда гапирган Худого итоат этмадилар.

Биз шундай нарсани танласак, шу заҳоти ҳаётимизга ёлғон кириб келади. Биз аввалгидек Худого содиқмиз деб чин қалбимиздан ишонамиз, аслида эса ҳаммаси аксинча бўлади. Худо Ўз элчиларни – ҳаворий, пайғамбар, чўпон ёки бизни етарли даражада севадиган дўстимизни бизга ҳақиқатни айтиш учун юборишга мажбур бўлади. Аммо шунча нарсадан кейин ҳам, ёлғон ичимизда мустаҳкам илдиз отишни бошлайди. Уни синдириш мумкин бўлса-да, буни амалга ошириш осон иш эмас. Римликларга Мақтубнинг биринчи бобида, шундай йўл тутадиган кишилар “ҳақиқатни ёлғон билан эзадиган” кишилар деб айтилган (18-оятга қаранг). Шу тарзда Худо ва Унинг йўллари тўғрисидаги ҳақиқат ёпиб қўйилади, шунинг учун уни қабул қилиш ва тушуниш қийинлашиб қолади. Кейинчалик бу одамлар билан қуйидагилар содир бўлади, улар “Худони таниб - билиб, Уни Худо каби улуғламдилар ва миннатдор бўлмадилар, лекин ўз хаёлларида беҳудаликка берилдилар ва уларнинг бефаҳм юраги қоронғилашди: ўзларини доно ҳисоблаб, ақлдан оздилар” (Римликларга 1:21, 22). Бундайлар ҳақиқатни бузадилар ва натижада Худо ҳақида янги сохта таълимот юзага келади. Бу таълимот гуноҳ қилишга рухсат беради ва ҳаёт йўлларини чаппа-тескари тарзда тақдим этади.

Бутпарастликка тушиб қоладиган имонлининг, дунёвий инсондан умуман фарқи йўқ. Ёқубнинг сўзларига қулоқ тутиб кўринг: “Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас, балки бажарувчилари бўлинглар” (Ёқуб 1:22).

Биз Худонинг Сўзини аниқ эшитиб туриб, лекин уни бажармасак, биз билан нимадир содир бўлади: юрагимизни “ёлғон” деб аталадиган ёпинғич қоплайди. Энди биз Худодан узоқлашиб кетган бўлсак-да, Худо, Исо Масиҳ ва Шоҳлиқнинг кўзида ҳақмиз деб чин қалбимиздан ишонамиз. “Алдаш” сўзи “ёлғон ва текширилмаган нарсани бошқа кишига ҳақиқат деб, уни бунга мажбурлан ишонтириш”ни билдиради (Мэриам-Уэбстернинг инглиз тилининг изоҳли луғати таърифи бўйича). Бу нарса сизда ҳам мендагидек соғлом қўрқувни ўйғотади деган умиддаман. Билиб туриб итоат этмасликка нисбатан юзаки қараб бўлмайди.

Агар Янги Аҳддаги ушбу огоҳлантиришларга, ҳаммаси Худонинг инояти, кечирими ва севгиси билан қопланган деб, эътибор бермаслик мумкин десак, ўзимизни алдаган бўламиз. Ёдингизгизда бўлсин, Янги Аҳдда Ўзини иноят, кечирим ва севгида очган Худо, доимий итоатсизликнинг хавфини ҳам очди.

Биз ўзимизга ёққан оятларнигина танлаб, бизга ёқмайдиганларига эса эътибор бермай яшай олмаймиз ёки уларни ташлаб юбора олмаймиз. Бундай тафаккур ўз-ўзидан ёлғон тафаккур ҳисобланади. Биз Худонинг Сўзидаги барча маслаҳат ва доноликни қабул қилишимиз зарур. Афсуски, бугунги кундаги жамоатларда ҳақиқатни менсимаслик касаллиги тарқалган. Бу нарсанинг сабаби Худо бизга ҳақиқатни очмаётганида эмас, балки жамоатда доимо бутпарастлик борлигидадир.

Ёқуб давом этиб дейди:

“Чунки ким Сўзни тинглаб, уни бажармаса, у ўзининг асл юзини кўзгуда кўраётган одамга ўхшайди. У ўзига бир қараб, кетди ва дарҳол ўзининг қандай эканлигини унутди” (Ёқуб 1:23-24).

Худонинг Сўзини эшитиб, уни бажармайдиган кишилар, Масихда ким эканларини унутиб қўядилар. Улар Худонинг Сўзи воизлик қилинаётган жойда – жамоатда, уй гуруҳида ёки анжуманларда ўзларини махсус тарзда тутадилар, бироқ ушбу йиғинлардан кетганида, дунёвий одамлардан ҳеч қандай фарқи бўлмайди. Худонинг Сўзи – бу кўзгу, шунинг учун унинг қаршисида турганда, одам ўзини мувофиқ тарзда тутати. Шу аснода охиروқибат, бундай одамлар дунёвийлардек ҳаёт кечиришнинг ёмон жойи йўқлигини тушунтириш учун нотўғри таълимот ўйлаб топадилар. Биз: “Масихийлар, кечирилганидан бўлак, дунёвийлардан бошқа ҳеч нарсаси билан фарқ қилмайдилар” ёки “Худо бизда гуноҳкор табиат борлигини билади ва биз бу дунёда ҳеч қачон комил муқаддас ҳаётда яшай олмаймиз, мана нима учун У бизни Ўз инояти билан ёпади”- деймиз.

Ёзувда Янги Аҳднинг айрим мактубларида ушбу таълимотни исботлаш учун оятлар ҳам топишимиз мумкин, бироқ унақада аксарият одамларни манашу сохта таълимотга ишонишга мажбурлаш керак бўлади.

Биз қуйидаги нарсаларда бир қарорга келишимиз зарур:

- Биз гуноҳнинг тўрида яшашни истаймизми?
- Криптонитнинг кучи бизни Худонинг нотабиий элчилари бўлишдан маҳрум қилишини хоҳлаймизми?
- Наҳотки ёлғон таълимотни қўйиб юбормаслик учунгина, яратилган даражамиздан анча пастда яшашнинг тарафдоримиз?
- Ростдан ҳам бу дунёда бошқалардек яшаб, кейин шунчаки самога ўтишни истаймизми?
- Ёки бир неча боблар илгари ўқиган охириги маъбаднинг

(Жамоатнинг) шарафи ҳақидаги ваҳийни бажо келтирган ҳолда, Шоҳликнинг тарқалишини кўришни хоҳлаймизми?

Криптонитнинг таъсирида қолганимизда, биз ўзимиздаги ҳаётий ғайритабиий куч, иштиёқ, олов ва дунёни ўзгартириб юборадиган қобилиятимизни йўқотамиз. Биз шу аснода, ҳақиқатга йўл бермаймиз. Биз уни ушлаб турамиз ва ўзимиздаги Исони дунёдан яширамиз. Мана, нима учун Повул коринфликларга шундай сўзлар билан юзланмоқда:

“Ҳушёр ва ҳаққоний ҳаёт учун уйғонинглар ва гуноҳ қилманглар. Сизларнинг уялишингиз учун айтаяпман: сизлардан баъзиларингиз Худони билмайсизлар”
(Коринфликларга 1-мактуби 15:34).

У бу жамоатдагиларда Исодек яшаш қобилияти борлиги, аммо улар ҳали ҳам бутпарастликка кўнгил қўйгани ҳақида айтган. Улар олдингидек, ўзларининг муҳим ишлари йўлида Худонинг Сўзидаги аниқ айтилган ҳақиқатни менсимаслик мумкин деб ўйлайдилар. Улар Худонинг Сўзи билан ўйнашиб, ҳаётида ҳақиқатни ёпиб қўйдилар, натижада улар кучи йўқлигинидан оқсоқланиб юрадилар ва жамият ўзгариши учун ҳеч қандай таъсирга эга эмаслар.

Ушбу офат кўп соҳаларда яшайди, лекин энг ёмони манашу бутпарастларнинг ёнидаги кишилар Худо ҳақида билмай ва Исони кўрмай ўтиб кетмоқдалар. Бу оят Муқаддас Китобнинг сўзма-сўз таржимасида мана шундай деб ёзилган: “Ҳақлик учун уйғонинглар ва гуноҳ қилманглар. Сизларнинг уялишингиз учун айтаяпман: сизлардан баъзиларингиз Худони билмайсизлар”. Бошқача қилиб айтганда, Повул жамоатга шундай демоқда: “Коринфдаги умидини йўқотган одамлар, фақат сизларда Исони кўра олишлари мумкин. Агар улар Унинг тирилиш кучини ва Унинг табиатини сизларда кўрмасалар, бошқа ҳеч қаерда кўра олмайдилар. Нима учун сиз ҳақиқатни ёпмоқдасизлар? Сиздаги бутпарастлик нафақат сизга ва жамоатга, қолаверса, атрофингиздаги нажот топмаган одамларга ҳам таъсир қилмоқда”.

Биз Худога боғлиқ бўлсак, ҳаёт билан тинчликда яшаймиз.

Сиз атрофдаги умидсиз одамлар, биз билан қизиқмайди, борди-ю қизиқса ҳам, уларни биздаги арзимаган нарсаларгина ўзига тортади деб ўйлаган эдингизми? Балки уларга биздаги ҳазилкашлик ёқар ёки ақлли фикрларимиз, одобли байрамларимиз, кўнгилочар вақт ўтказишимиз ва мусиқамиз ёқар? Улар биринчи навбатда бизнинг ичимиздаги ва ўртамиздаги қудратли Шоҳни кўряптиларми? Дастлабки Жамоатни

тасаввур этиб кўринг: уларни доим “худолар” деб атаганлар, шунинг учун улар ерга йиқилиб: “Йўқ, биз худолар эмасмиз! Биз Қудлатли Худонинг фарзандларимиз” – деб бақирishiга тўғри келган.

Рим қўшинидаги юзбоши Петъорнинг оёқларига йиқилганида, Петъор унга: “...ўрнингдан тур, мен ҳам инсонман”, – деб тушунтирди (Ҳаворийлар 10:26).

Повул Листра аҳолисига: “Нима қияпсизлар? Биз худолар эмасмиз!” – деб бақирди (Ҳаворийлар 14:14, 15 англиз тилидаги MSG таржимаси).

Мелитда яшовчилар: “...ўз фикрларини ўзгартириб: “Повулни – худо”, – дедилар (Ҳаворийлар 28:6).

Фессалоникада кечги хабарларда: “Дунёни остин-устин қилаётган бу одамлар бу ерга ҳам келдилар!” – деб айтишди (Ҳаворийлар 17:6).

Иерусалим аҳолиси бир-бирларига: “...халқ уларни жуда ҳурмат қилади”, – дейишди (Ҳаворийлар 5:13).

Бизнинг ғарбий жамиятимизда бунга ўхшаш хабарлар эшитилмаганидек, ўша замондаги Коринфда ҳам бундай хабарлар бўлмаган. Бу криптонитга бўйин экканимиздан эмасми? Биз хабарни етказа олмайдиган бузуқ қўл гўшагидан фойдаланишга рози бўлдик. Аслида у фойдаланишга яроқсиз эканини билиб, ундан бошқа фойдаланмасак яхшироқ бўлар эди.

Мен ҳозирги ҳолатимизга таслим бўлишнинг тарафдори эмасман. Худодан бизга берилган ҳаётчанлик, қувват, куч, соғлиқ ва умидсиз дунёга тирик Нажоткор ва Шоҳни кўрсатиш қобилятини йўқотишни истамайман. Кўплар баъзур кун кечиришдан тўйиб кетган, улар яхшироқ ҳаётни истайдилар.

Худодан бу китобни ёзиш топшириғини бажариш учун айнан ҳозир илоҳий вақт келганини ҳис этияпман. Агар сиз бугунги дунёдаги ифлосликда, ахлатда ва чиқиндилар ичида яшашдан қониқмаётган бўлсангиз, менинг бу мактубим сиз учун. Сиз юқори ҳаётда, тирилиш кучидаги ҳаётда яшашни истасангиз, бу айнан сиз учун.

Сизнинг Отангиз сиз учун бошқа ҳаётни тайёрлаб қўйибди. У сиз юксак ҳаётда яшашингизни шунчаки хоҳлабгина қолмай, балки бунга кучли иштиёқманд! Худо сиз Унинг илоҳий табиатини ва ўзингиз тасаввур эта олмайдиган Унинг кучини ҳис этишингизни истайди.

Худо ҳеч нарсани ушлаб турмайди. Бизни фақат ўзимизнинг бутпарастлигимиз ушлаб туришини мумкин холос.

III

Давом этиб, ҳозирги жамоатдаги кўпчиликни кўр қилиб қўйган ёлғоннинг мазмунини чуқурроқ кўриб чиқамиз. Биз самонинг талабларига мос келмайдиган нарсаларни оддий масиҳийлик сифатида қабул қилиб юрганимизни англаб етамиз.

Бизни буюк даъват, вазифа ва топшириқ кутмоқда.

Беҳуш ётишдан ва итоатсизлик ҳолатидан ўзимизга келиб, улўғворлик, шараф, савлат ва куч бўлган – Исо Масиҳга бурканиш вақти келди.

Ҳаракат қилинг

Бутпарастлик Худонинг сўзларига нисбатан юрагимизни ёпганимизда юзага келади. Ҳар қандай бутпарастликнинг илдизи мана шунда. Айнан шунинг учун Худо Исроилга, кийимини эмас, юрагини поклашини айтган. У муаммонинг томирини ўзгартирмайдиган юзаки тавбани хоҳламаган. Уларнинг ҳиссиб бўлиб қолган юраклари Худонинг овозини эшитиш ва унга эргашишдан тўхтаган эди.

Қонуннинг такрорланиши 8-бобда нега Худо Исроилни интизомга ўргатганининг сабабини кўрамиз: У халқни инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқадиган ҳар битта сўз билан тирик бўлишини тушунишини истаган. Худонинг сўзи бўйича яшаш, Унинг овозини ҳаётимизнинг манбаига айлантириш – бизни бутпарастликдан асрайди ва Худо биз учун тайёрлаб қўйган ҳаётдаги кучда яшашнинг гаровидир.

Худонинг овози ҳаётингизда қандай аҳамиятга эга? Охирги марта қачон қарор қабул қилиш учун Унинг маслаҳатини изладингиз? Ибодат қилганингизда фақат сиз гапирасизми ёки Худо билан ўртангизда мулоқот борми? Ҳозирнинг ўзида Худо билан суҳбатлашиш учун вақт ажратинг ва Уни суҳбатга чақиринг. Осоишда жойда ўтириб, Унинг овозига қулоқ солинг. У билан мулоқот қилинг, якунида, У сизга нималар деганини ёзиб қўйинг.

Г

УНОҲ

Гуноҳ. Биз бу ҳақда гапиришга ҳаддимиз сиғадими? Бу бизга ўта зиддиятли мавзуга ўхшаб туюладими? Нега биз ўз душманимизни юзига қарашни истамаймиз ва унга бас келишнинг имкониятларини изламаймиз? Одамлар суҳбатларда ва воизликларда “гуноҳ” сўзини тилга олишдан қочишади ёки қонунчилик айблови, таълимоти ва воизликларига олиб келадиган дардли ҳисдан қўрқиб, у ҳақда умуман гап очмайдилар. Келинг, унга Ёзув орқали қараймиз.

“...сизларнинг қонунбузарликларингиз сизлар билан Худойингиз орасида бўлиниш олиб келди” (Ишаъё 59:2).

Ибронийчада “гуноҳлар” сўзи – авон дейилади. Бу Эски Аҳддаги гуноҳ сўзини билдирувчи энг муҳим сўзлардан бири. WSWTDICT луғатида “гуноҳ ёвузликни билдиради, чунки у билиб туриб бузиш ва бузуқлик қилиш нияти ҳақидаги ғояни олға суради” дейилган. Атайин қилинган гуноҳ ёки биз тилга олган – руҳий криптонит – бизни Худодан ажратади. У бизни художўй ҳаётда яшаш учун муҳим бўлган илоҳий сифатлардан узоқлаштиради. Биз ҳеч ҳам пушаймон бўлмасдан гуноҳга берилсак, бутпарастликка йўлиқамиз ва фоҳишага айланамиз. Натижада биз ўзимизни Худонинг душмани қилиб қўямиз.

Янги Аҳдда “гуноҳ” тушунчаси учун hamartia сўзидан фойдаланилган (hamartano феъли билан битта ўзакка эга). Янги Аҳдда гуноҳга нисбатан энг кўп мана шу иккита сўз ишлатилади. WSNTDICT луғатида, ҳар битта hamartia содир этувчи “ҳақиқий якунни ва ҳаётнинг умумий кўлами бўлмиш, Худони

қўлдан бой беради” дейилган.

Китобни биров четга олиб қўйиб, бу ҳақда ўйлаб кўринг! Гуноҳ қилганимизда йўлимиздан оғамиз, биз соғлом онг билан ҳеч қачон бундай қилмаган бўлар эдик. Биз ҳаётнинг Манбасидан ўзимизни олиб қочамиз – қувонч, тинчлик, донолик, қаноат, мамнуният, таъминот ва кўплаб бошқа нарсаларни йўқотамиз... Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин.

Аксарият ўқитувчилар гуноҳни “нишонга теккиза олмаслик” деб тушунтирадилар. Бу аниқ таъриф ҳисобланса-да, “гуноҳ” сўзининг мен юқорида келтирган асосий маъноси устида фикр юритинг. Сизнинг назарингизда “мақсадга теккиза олмаслик” тушунчаси чиндан ҳам гуноҳнинг жиддий табиатини очиб берадими?

Янги Аҳдда гуноҳнинг бошқа таърифлари ҳам келтирилган, жумладан, қонунбузарлик, айб иш қилиб қўйиш, нотўғри ахлоқ ва интизомнинг бузилиши. Бу сўзларнинг ҳар бирини ўрганиб чиқиш ниятим бўлмаса ҳам, гуноҳнинг муҳим жиҳатлари ва инсонларни ҳаққоний манбадан чалғитадиган кучи ҳақидаги фикрларимни айтиб ўтаман.

Гуноҳ бизнинг ҳаётчанлигимиз, севгимиз, кучимиз, соғлиғимиз, иштиёқимиз ва мақсадларимизга ҳужум қилади. Хатога йўл қўйманг, гуноҳ хавфли ва зарарли. У ёқимли бўлиши мумкин, лекин фақат вақтинчалик. Аслида, гуноҳнинг иштироки – узоқ муддатли салбийликка олиб келадиган қисқа муддатли ижобийликдир, чунки гуноҳ бизни узоққа чўзиладиган ўлим оқибатлари билан чақади. Бизнинг танамиз гуноҳга мойил, бироқ Худонинг табиатига эга бўлган, Масихдаги янги ижод сифатида, биз ичимизда гуноҳ қилишни хоҳламаймиз ва унинг тортишига қарши туришга қодирмиз.

Худо Қобилга деди: “...гуноҳ эшик ёнида ётибди ва сени ўзига жалб қилади, лекин сен унинг устидан ҳукмронлик қил!” (Ибтидо 4:7). Эътибор беринг, гуноҳ инсоннинг ҳаётига эшик орқали кириб келар экан. Бу эшик “ҳирс” деб аталади. Ёқуб айтган: “Ҳирс эса ҳомиладор бўлиб гуноҳни туғади, қилинган гуноҳ эса ўлимни туғади” (Ёқуб 1:15). Бизнинг ҳирсларга нисбатан танлаган қароримизга кўра, бу эшик очиқ ёки ёпиқ туради. Гуноҳ бизни назорат қилишни истайди. Унинг ҳам ўз истаклари бор – унинг истаги бизни қўл қилиб олиш. Исо шундай деб огоҳлантирган: “Ростини, сизларга ростини айтаман, гуноҳ қиладиган ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир” (Юҳанно 8:34).

Повул ҳам Исонинг сўзини биз имонлиларга етказмоқда: “Билмайсизларми, сизлар бўйсунуш учун ўзларингизни кимга қўл қилиб топширсангизлар, кимга итоат қилсангизлар, ўшанинг қули бўласизлар. Сизлар ё ўлим келтирувчи гуноҳга, ёки ҳақлик келтирувчи итоаткорликка қўл бўласизлар” (Римликларга 6:16). Агар бу етарли бўлмаса, Петёр

иккинчи марта такрорий гуноҳ ҳақида айтган: "...одам нимадан енгилса, ўшанинг қули бўлади" (2-Петъор 2:19). Қулликда ҳеч қандай яхши нарса йўқ ва гуноҳ – бешафқат хўжайин. У бизда гуноҳ қилиш учун яна кўпроқ истак уйғотади ва келажакимизга зарар келтиради.

Гуноҳ бизни қул қилиш ниятида эканини бирдан маълум қилмайди. У бизни алдайди, юрагимизни совутиб, бизни назорат қилади (Ибронийларга 3:13), Муқаддас Рухнинг бошқарувини эшитишга, қабул қилишга ва ҳис этишга халақит беради. Гуноҳ бизни йўлдан оздиради, бизга зиён етказадиган бутпарастликка ундайди. Худо Сулаймонга шахсан икки марта кўрингани, ёдингиздами? Тасаввур этиб кўринг! Шунга қарамай, бу шоҳ ҳаётининг охирида сохта худоларга сажда қилишни бошлади. Сиз: "Худони кўрган киши, қандай қилиб сохта худоларга сиғиниши мумкин?" – деб айтишингиз мумкин. Ёлғон тўфайли. Агар Худони кўрган Сулаймон билан бундай нарса содир бўлган бўлса, Худони кўрмаган кишилар балан ҳам бу содир бўлиши турган гап эмасми?

Гуноҳ – ҳазил эмас. У кучли ва инсоннинг юрагини тезда ўзгартиришга қодир. Энг қўрқинчлиси, аслида ундай бўлмаса ҳам, биз тўғри иш қиляпмиз деган ёлғонга берилиб, юрагимиз ҳеч нарсани ҳис қилмай қолишидир. Биз ўз хато фикрларимизга нисбатан кўр бўлиб қоламиз. Биз иноят остидамиз ва гуноҳ қилсак ҳам барибир охирида ҳаммаси яхши бўлади деган ёлғонга ҳеч қачон ишонманг. Гуноҳга бундай ёндошиш – олов билан ўйнашни билдиради. Сизга бунга тушунтиришга рухсат беринг.

Билиб туриб қилинган гуноҳ уни доимий тарзда такрорлашга олиб келади. Ушбу жараён қуйидагича содир бўлади. Биз биринчи марта гуноҳ қиламиз ва виждонимиз бизни айблайди. У овоз билан эмас, аниқроғи биз ўзимизни ноқулай ҳис этамиз. Бизнинг юрагимиз ишоралар тилида: "Сен мақсадга теккиза олмадинг, ҳаёт йўлидан тойдинг, энди тавба қил ва кечирим сўраб ибодат қилиш орқали йўлингни тўғирлашинг зарур!" – деб қичқиради. Борди-ю манашу босқичда самимий тавба билан ўз гуноҳимиздан воз кечсак, юрагимиз покланади ва Муқаддас Рухнинг овозини ҳис қилишда давом этамиз. Ёзувда шундай дейилган: "Ўз гуноҳларини яширадиган одам муваффақият қозонмайди, аммо уларни эътироф этиб, тарк этадиган шафқатга эришади" (Ҳикматлар 28:13).

Аммо виждонимизнинг овозига қулоқ солмасак, юрагимизни ёпинғич қоплайди (биз бу ҳақда ўтган бобда гапирган эдик). Шунда биз кейинги сафар Худога итоатсизлик қилганимизда, олдингидек ноқулайликни ҳис этмаймиз. Ичимиз эса "тикан" дек қадалиб, безор қиладиган паст овоз қолади, холос. Биз қарийб кар бўлиб қоламиз, чунки виждонимиз аста-

секин ҳис этиш қобилиятини йўқотиб боради. Шунга қарамай, биз ҳали ҳам кечирим сўрашимиз ва қилган гуноҳимизга нисбатан юрагимиз ва онгимизнинг муносабатини чиндан ҳам ўзгартирган бўлсак, тикланишни қабул қила олишимиз мумкин.

Агар виждонимизнинг паст овоздаги айбловини менсимасак, унда юрагимизни яна битта ёпинғич қоплайди ва ҳис этиш қобилиятимиз янада сусайиб қолади. Навбатдаги гал Худонинг Сўзига бўйсунмаганимизда, виждонимиз бир санчиб қўяди, холос. У қарийб ҳис қилмай қўяди, шу боис Худони эшитиш биз учун мушкул бўлиб қолади. Биз шунда ҳам кечирим сўрашимиз ва гуноҳга нисбатан муносабатимизни ўзгартирган бўлсак, тикланишни қабул қилишимиз мумкин-у, бироқ энди ўз хатоимизни англаш жуда қийин бўлади.

Агар яна бир марта манашу секин айбловни эътиборга олмасак, юрагимизга навбатдаги ёпинғич келиб тушади. Воқеа ривожланган сари, охир-оқибат виждонимиз бутпарастликка нисбатан кўр бўлиб боради ва уни пайқамай қолади. Биз олдинги ҳисларни унутиб қўямиз ва Муқаддас Рўҳни сезиш қобилиятини йўқотамиз. Энди ҳеч қандай айблов ҳиссисиз доимий равишда гуноҳ қилиб юришимиз мумкин. Шу тарзда биз доимий такрорланадиган гуноҳ ҳолатига тушиб қоламиз. Ушбу босқичда ҳам кечиримга эга бўла олишимиз ва тикланишимиз мумкин, аммо бундай қилиш учун бизда зиғирча хоҳиш қолади холос, чунки биз гуноҳдаги гуноҳни кўрмай қўямиз.

Кейинги қадам, Худо бизга ёрдам бериш учун пайғамбар, чўпон ёки дўстимизни юбориши бўлади. Агар биз ушбу элчига қулоқ солмасак, Худо бизга Унинг гаплари етиб бориши учун яна битта қадам қўяди – бизнинг диққатимизни тортиш учун ҳаётимизга қийин вазиятлар, синовлар, ҳатто кулфатлар келишни бошлайди. Довуд: “Мен азоб тортганимдан олдин адашар эдим, энди эса сўзингга риоя қиялман” – деган (Сано 118:67).

Келинг, Худо бизга очган нарсаларга итоат этиб, таълим олиш ҳаммасидан ҳам яхшироқ эканини тан олайлик ва гуноҳдан узоқроқда юрайлик. Агар аксинча бўлса, Худо Ўзининг чексиз севгиси билан бизни ўргатиш ва ҳаёт йўлига қайтариш учун азоблар ва синовлардан фойдаланади. Бу оят Муқаддас Китобнинг замонавий таржимасида қуйидагича ёзилган: “Сен мени жазолагунингча, мен адашиб юрган эдим, бироқ энди Сенинг сўзингни сақлаялман”.

Повулнинг коринфликларга йўналтирган сўзларига яна бир марта қарайдиган бўлсак, Худо бизни орқага қайтариш учун уриниши худди шу тарзда таърифланганини кўрамиз. У Коринф жамоатига юзланиб:

“Биз бу дунё билан бирга маҳкум бўлмаслигимиз учун ҳозирги вақтда ҳукм қилиниб, Раббий томонидан жазоланмоқдамиз” – деб айтган (Коринфликларга 1-мактуб 11:32). Худо ҳаётимизда Ўзи йўл қўядиган синов, азоб ва қулфатлар, бизни ўлим йўлидан ҳаёт йўлига ўтишимиз учун эътиборимизни тортишига умид қилади.

Ўгай онаси билан аълоқага эга бўлган кишига ҳам Повул худди шу сўзларни айтган: “Бундай ишни қилган одамни унинг танасини барбод қилиш учун (уни ўз оила аъзоларига бўлган шахвоний муносабатга мажбур этаётган танавий ҳирсини ўлдириш учун) шайтонга топшириш керак, токи Раббий Исонинг кунда унинг руҳи нажот топсин” (Коринфликларга 1-мактуб 5:5 инглизча АМРС дан таржима). Жамоатнинг отаси “бу инсонни шайтонга топшириш керак” деган. У бу буйруқ билан нафақат Коринф жамоатини тез тарқаладиган гуноҳнинг оқибатидаги ахлоқий бузилишдан сақлаган, қолаверса гуноҳда яшаётган инсонни ҳам ўйлаган.

Худо жуда самимий ва Ўз фарзандларини кучли севади. Айнан шунинг учун У бизнинг гуноҳ қўллигига қанчалик чуқур кириб борганимизга қараб, турли хил йўллар билан бизга тушунтиришга уринади. Аслида, Худо учун – бугунги кундаги қўлайлигимиз эмас, балки бутун ҳаётимиз аҳамиятга эга.

Ибронийлар Мактубда, бизга гуноҳнинг ҳаракатини кўрсатадиган сўзлар битилган:

“...ҳар бир оғирликни ҳамда бизларни осон қўшаб олаётган гуноҳни афдариб ташлайлик ва тайинланган мусобақада сабр-тоқат билан югурайлик” (Ибронийларга 12:1).

“Бизни осон қўшаб олаётган” иборасига эътибор беринг. Мени бир гуноҳ ўз тўрига осон қўшаб олиши, сизни эса умуман бошқа гуноҳ ўз тўрига осон қўшаб олиши мумкин. Шахсан мени ичкилик, ҳасад, гиёҳвандлик, ғийбат ёки бошқа гуноҳлар эмас, балки беҳаё тасвирларга берилиш қўшаб олган эди. Бу ҳаётимдаги энг кучли жангга сабаб бўлди ва ниҳоят, 1985-йил мен манашу шафқатсиз хўжайиндан қўтўлдим. Биз кўпроқ қанақа васвасаларга мойил эканимизни яхши билиб олишимиз ва унинг йўлини тўсиш учун қўлдан келган ҳамма нарсани қилишимиз керак. Исо айтган:

“Агар қўлинг сени васвасага солса, уни кесиб ташла. Икки қўлинг билан жаҳаннамга, ўчмас оловга борганингдан кўра, майиб бўлиб ҳаётга кирганинг афзалроқдир. Агар оёғинг сени васвасага солса, уни чопиб ташла... Агар кўзинг сени васвасага солса, уни ўйиб олгин...” (Марк 9:43, 45, 47).

Исо асл маънода қўл, оёқни чопиш ёки кўзни ўйиб олиш ҳақида айтмаган. У бизни ўз тўрига осон қўраб оладиган гуноҳ учун барча имкониятларни тўсиб қўйишимиз кераклигини тушунтирган.

Менинг бир пайтлар ичкиликбозликдан қийналган дўстларим анчагина эди, мен улардан бирини мана шундай боғлиқликдан чиқишига ёрдам бериш бахтига муяссар бўлганман. Энди у майга лабини теккизишдан ҳам бош тортади ва яна васвасага тушмаслик учун атрофидагиларни эҳтиёткорлик билан кузатади. Дўстим бу гуноҳ доираси уни осонликча ўзига бўйсундира олишини яхши билади. У Масиҳнинг сўзларига риоя қилиб, донолик билан иш кўради ва қўлликка тушишнинг ҳар қандай йўлини шартта кесиб ташлайди.

Бошқа томондан, мен Масиҳга имонга келгунимча олийгоҳда ичиб турар эдим ва ҳатто, ака-укаларим ҳамда дўстларим билан маст бўлиб қолгунча ичган пайтларим ҳам бўлган. Бир куни мавлуд байрамига аталган таътил кунларининг бирида дўстларим билан майхонага бордик ва у ерда дўстларим кўп ичиб олишди. Маст ўртоқларимни ўй-ўйига олиб бориб қўйиб, уйимга қайтганимда, онам мени кутиб ўтирганларини кўрдим. Мен онамга кеча қандай ўтганини айтиб бердим ва умуман табиий равишда: “Онажон, мен ичишни умуман ёқтирмайман” – деган сўзлар оғзимдан чиқиб кетди.

Шунда онам жилмайиб: “Сен ҳақиқий Биверсан”, – дедилар.

Ўша онда, мен ҳеч қачон отамни маст ҳолда кўрмаганимни англаб етдим. Бизнинг оиламизда ҳеч ким ароқ ичмас эди, шунинг учун Биверлар учун ичкилик осон қўраб оладиган гуноҳ бўлмаган, лекин бизда бошқа гуноҳлар бўлган. Қанақа гуноҳ бўлишидан қатъий назар, у ҳаётимизга кира олмаслиги учун барча йўллари беркитиш зарур.

Ибронийлар Мактубининг муаллифи яна шу нарсани қўшимча қилмоқда:

“Сизларга ўғил сифатида тақдим этилган бу тасаллини унутдингизлар: “Ўғлим, Раббийнинг интизомига менсимаслик қилма, У сени фош қилганида тушкунликка тушма. Чунки Раббий севадиган одамани интизомга солади ва ҳар бир қабул қилган ўғлини савалайди” (Ибронийларга 12:5, 6).

Биз гуноҳга берилганимизда Раббий бизни жазолайди. Келинг, бу жараён қандай амалга ошишини қисқача такрорлаб ўтамыз. Биринчи қадам – Унинг Сўзи билан юрагимизни фош қилиш орқали бизни тўғри йўлга

солиш. Борди-ю биз қулоқ солмасак ва виждонимизни ёпинғич қоплашига имкон бериб қўйсак, дўстимиз, чўпон ёки пайғамбар орқали фош бўламиз. Агарда шунда ҳам бўйсунмасак, Худо ҳаётимизга қийинчилик, синов ва кулфатлар келишига йўл қўяди.

Ўйлаб кўринг: нега бундан олдинги оятда у қийин бўлса ҳам “Раббийнинг интизомига менсимаслик қилма” деб ёзган? Давомида нима дейилганини ўқиймиз:

“...Худо бизларни манфаатимиз учун интизомга солади, токи биз Унинг муқаддаслигидан баҳраманд бўлайлик. Ҳар бир интизомга солиниш ҳозир қувонч эмас, балки қайғу бўлиб туюлади. Бироқ кейин, шу тариқа тарбияланганларга ҳақликнинг оромбахш ҳосилини келтиради” (Ибронийларга 12:10, 11).

Эътибор беринг, жазо оғриқ олиб келади! Худо Ўз фарзандларига нисбатан “жазо учун хивич” қўллашни яширишнинг ҳожати йўқ. Шундай экан, Худога маъқул бўлмаган истакларимиз ортидан боришга қарор қилиш қанчалик аҳмоқлик эканини ўйлаб кўринг. Бу ҳақда фикрлаб кўринг: бир лаҳзалик лаззатнинг хурсанчилигидан кўра, гуноҳдан ўзимизни тийиб, жазоланмай юрганимиздан қувониб яшаганимиз афзал-ку?

Худонинг Рухи Ҳаворий Повул орқали Коринф жамоатига ва ҳатто, ўз отасининг хотини билан очикчасига зино қилиб юрган кишига ҳам юзланди. Биз Худо муқаддаслигининг иштирокчиларига айланишимиз учун У бизни ҳаёт йўлига қайтариш умидида шундай қилишда давом этмоқда. Бу ерда иккинчи йўл йўқ. Биз ёки Худонинг Сўзига итоатли бўлиб, тўлақонли ҳаётдан роҳатланамиз ёки бизга охирида ақл бовар қилмас азоб ва қийинчиликларни келтирадиган атайин гуноҳ қилиб (руҳий криптонит), бутпарастлик томон боришни танлаймиз.

Ҳаракат қилинг

Гуноҳ ўз табиатига кўра ёлғончи. У “мен қанчалик ёқимлиман” деб алдайди. У бизга “ўз гуноҳимизни назорат қиляпмиз” деган ёлғонни беради, аслида биз гуноҳдан воз кечмасак, у бизни назорат қилади. Аммо аксарият ҳолларда, гуноҳ бизга берилган ҳақиқий шўҳратли ҳаётдан чалғитиш ва Масих билан тирик муносабатларга эга бўлишга ҳалақит бериш билан алдайди.

Лекин Худо бизнинг ҳаётимиз орқали нималар қила олишини – У билан

қандай куч, нотабийй натижа, эркинлик ва яқинликда яшай олишимизни яхши билсак, гуноҳ қанчалик ёлғончи эканини англаб етамиз.

Худодан ҳаётингиздаги У томонидан режалаштирилган қайси соҳаларни ҳис этмай қўйганингизни, қайси соҳаларда гуноҳ ва Худога қарши нарсалар сизни ўзига тортаётганини кўрсатишини сўранг. У сизга ҳаётингизнинг ушбу соҳаларида янги режаларни ато этсин. У кўрсатган нарсаларни ёзиб қўйинг.

「3-БЎЛИМ」

КРИПТОНИТНИНГ ХАРАКАТЛАРИ

ГУНОҲНИНГ КУЧИ (1-ҚИСМ)

Эски Аҳдда Қобил қўйидагича огоҳлантириш олди: “...гуноҳ эшик ёнида ётибди ва сени ўзига жалб қилади, лекин сен унинг устидан ҳукмронлик қил!” (Ибтидо 4:7). Ҳар бир кишининг ҳаётида шундай содир бўлади. Гуноҳ ҳаётимизга киришни, бизни қўл қилишни ва ўзини кўрсатиш учун бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилишни истайди. Гуноҳ — ёлғончи, вавасага солувчи ва кучли душман.

Биз унинг устидан қандай ҳукмронлик қила олишимиз мумкин? Бу Худонинг иродасига, Сўзига ва Унинг йўлларига итоат этиш орқали амалга ошади. Худо Қобилга 7-оятнинг бошида айтганларига яна бир марта эътибор беринг: “Агар яхшилиқ қилсанг, бошингни кўтариб юрмайсанми? Агар яхшилиқ қилмасанг, гуноҳ эшик ёнида ётибди...”. Самимий итоаткорлик гуноҳ қилиш истагига нисбатан эшикларни ёпади.

Ҳаворий Повулнинг имонлиларга айтган сўзларини эсланг (У Худонинг инояти ҳақида теран ваҳий олган киши экани ёдингизда бўлсин):

“Билмайсизларми, сизлар бўйсунуш учун ўзларингизни кимга қўл қилиб топширсангизлар, кимга итоат қилсангизлар, ўшанинг қўли бўласизлар. Сизлар ё ўлим келтирувчи гуноҳга, ёки ҳақлик келтирувчи итоаткорликка қўл бўласизлар” (Римликларга 6:16).

Повул Худо Қобилга айтганларига ўхшаш сўзларни айтган. Аммо уларнинг орасида битта катта фарқ бор. Эски Аҳдда одамларнинг руҳи ўлик эди. Инсоннинг ичида ҳаётчан куч оқиб турмас эди. Янги Аҳдда ва ҳозир Исо Масиҳга ишонадиган инсоннинг руҳи тирик; у Худо билан бирлашган

ва Унинг илоҳий табиатига эга. Шу боис биздаги қайси табиатимизга бўйсунитни ўзимиз танлаймиз: ички инсонимиз бўлмиш, руҳимизгами ёки ташқи инсонимиз бўлмиш, танамизгами.

Худонинг инояти ҳам фаолият юритади, у сизни нафақат қутқаради ва кечиради, қолаверса ҳақиқатга итоат этишимиз учун бизни мустаҳкамлайди. Муқаддас Китоб бизни шундай деб огоҳлантирмоқда: “...иноятни маҳкам тутайлик, токи шу иноят билан эҳтиром ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қилайлик” (Ибронийларга 12:28). Иноят бизга Худога қулоқ солишимиз учун куч беради.

Петъор шундай деган: “Худони ва Раббимиз Исони таниб-билишингиз учун сизларга иноят ва тинчлик кўпайсин. Унинг илоҳий куч-қудратидан Уни таниб-билишимиз орқали бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинди”. (Петъорнинг 2-мактуби 1:2, 3). Янги Аҳддаги бошқа кўп оятларидагидек, бу иккита оятда ҳам иноят бизга куч бағишлаши, бизни руҳлантириши ва бақувват қилиши ёзилган. Бизга Унинг инояти билан тўлишган янги табиат берилган. У Қобилга ва Эски Аҳддаги бирорта кишига берилмаган эди.

Нега бунча кўп имонлилар гуноҳ ўстидан ҳукмронликни қўлдан чиқармоқдалар? Биз кучга эга эканимизни унутмаслигимиз зарур, бироқ ундан фойдаланмасак, бу кучнинг бизга ҳеч қандай фойдаси бўлмайди. Худо ҳар биримизга танлаш қобилиятини ато этган ва Унинг истагини бажаришимиз учун бизни мажбурламайди. Шунинг учун масиҳий Худога бўйсунмаса, унинг ҳаётида гуноҳ ҳокимлик қилишни бошлайди. Нега улар бунга йўл қўймоқда? Гуноҳ инсонни, унинг истаги Худога итоат этишдан кўра кўпроқ фойда олиб келишига ишонтирсагина, бу нарса амалга ошади. Айнан шу сабабга кўра Повул ёзган: “...гуноҳнинг кучи – Қонундир” (Коринфликларга 1-мактуб 15:56).

Қонун гуноҳга инсоннинг ўстидан ҳокимият беришини эшитиш – ўта оғир ва кутилмаган сўзлардир. Эҳтимол, сиз бирдан: “Мен Мусонинг қонуни остида эмасман-ку!” – деб ўйлашингиз мумкин. Лекин Ёзувдаги “қонун” сўзи ҳар доим ҳам Мусонинг қонунини билдирмайди. Ёқуб яқинимизга нисбатан севги тўғрисида гапириб, “шоҳона қонун” ҳақида айтган (Ёқуб 2:8). Имонлиларнинг юрагида ёзилган “Худонинг қонуни” бор (Римликларга 8:7 ва Ибронийларга 8:10 га қаранг). Бир-биримизнинг оғирлигимизни кўтариб юрганимизда бажо келадиган “Масиҳнинг қонуни” бор (Галатияликларга 6:2). Биз ҳукм қилинадиган “озодлик қонуни” бор (Ёқуб 2:12). Бундан ташқари бошқа “қонунлар” ҳам бор. Коринфликларга 1-мактубда Повул юқорида санаб ўтилган қонунлар ёки Мусонинг қонуни ҳақида айтмаган.

Повул имонлининг ҳаёти устидан гуноҳга ҳокимлик берадиган қайси қонун ҳақида айтган? Аввал буни мисол билан кўрсатишга рухсат беринг. Повул тилга олган қонун остида бўлган кишининг онгига, одатда қуйидаги фикрлар келади: “Бу кинода уятли сўзлар ва жинсий саҳналар борлиги учун менга уни кўриш мумкин эмас”, “Мен ўнлик беришим керак”, “Менинг қаршимда беадаблик билан кийиниб олган анави аёлга қарашим мумкин эмас”.

Ушбу фикрлар қайси қонунни ифодалайди? Шундай ўйлайдиган одамлар Худонинг Сўзини қувонч ва юпанч деб эмас, балки ўзи учун чекланиш деб қабул қиладилар. Худонинг Сўзи уни боғлайди ва барча завқ-шавқдан маҳрум қилади. Бундай тафаккур саночининг қуйидаги сўзларига мутлақо зид: “Ё, Худойим, Мен Сенинг иродангни бажаришни истайман, Сенинг қонунинг юрагимдадир” (Сано 39:9). “Қонун остидаги” киши Худонинг иродасини бажаришга иштиёқманд эмас (Юҳанно 7:17 га қаранг).

Моҳиятан, бу фикр қуйидаги иборани келтириб чиқаради: “Мен истардим-у, аммо Худонинг Сўзида бошқача ёзилган”. Эски Аҳдда бунинг яққол мисоли бор.

Ўзбошимча пайғамбар

Балаам деган пайғамбар бўлган. У Худонинг овозини эшитган ва Раббийнинг йўлларини билган. Моабликлар ва мидианликлар устидан ҳукмронлик қиладиган Балак исмли шоҳ бор эди. Бу шоҳнинг еридаги барча одамлар, Исроил халқи уларга қарши келаётганини эшитиб, даҳшатдан титрашни бошладилар. Исроил ҳозиргина энг қудратли давлат саналган Мисрни талон-тарож қилиб, Қизил денгизни кечиб ўтган эди. Мисрнинг ҳарбий кучлари, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёти аянчли аҳволда қолган ва бундан ташқари, ҳар битта оила сирли равишда тўнгичидан ажралган эди.

Исроил Мисрдан чиққач, аморийлар қаршилигига дуч келди ва уларни ҳам тор-мор қилиб ташлади. Энди Исроил моабликларнинг далаларида қўшинини жойлаштирди. Халқ, оқсоқоллар ва лашкарбошилар Миср халқи ва аморийларнинг бошига тушганидек, Исроил уларни ҳам яксон қилади деб ўйлаб, даҳшатга тушдилар.

Шоҳ Балакка битта дуо орқали ҳамма нарсани ўзгартира оладиган Балаам исмли машҳур ва кучли пайғамбар ҳақида айтиб бердилар. Балаам бирор кишини лаънатласа, унинг лаънати албатта, инсонни урар эди. Шоҳ Балак ўз оқсоқолларини энг зўр совғалар билан Балаамнинг ёнига юборди ва унга деди: “Шундай қилиб, келиб, менга бу халқни лаънатлагин, зеро

улар мендан кучлироқдирлар. Балки, ўшанда уни қириб ташлашга ва уни ердан қувиб чиқаришга қодир бўларман...” (Сонлар 22:6).

Балаам элчиларга шундай деб жавоб берди:

«Бу кеча шу ерда тунанглар. Раббий менга нима деса мен сизларга шуни айтаман». Шунда Моаб ҳокимлари Балаамникида қолишди” (Сонлар 22:8).

“Раббий” сўзига эътибор беринг. У бегона худолардан маслаҳат сўрамаган, негаки у ягона ҳаққоний бўлган Худонинг пайғамбари бўлган. У ўз Худосини “Йахвеҳ” деб атаган. Бу сўз Худонинг Исми бўлиб, Эски Аҳдда ҳеч қачон бошқа худоларга нисбатан ишлатилмаган.

Биз Исо Масиҳни ва Ота Худони қанчалик кўп ўз Раббимиз деб атаймиз? Шу билан бирга биз Қудратли Худони, Яратувчини ва биз учун Ўзини қурбон қилган Зотни назарда тутамиз? Балаам ҳам Худого шу тарзда мурожаат қилди.

Келинг, ўша кеча Худо Балаамга нима деганини диққат билан ўқиймиз. Қизиғи шундаки, Раббий Балаам Унга мурожаат этишини кутиб ўтирмади:

“Худо Балаамнинг олдига келиб: — Сенинг уйингдаги бу одамлар қанақа одамлар? — деди” (Сонлар 22:9).

Аслида, Раббий Балаамга деди: “Бу одамларнинг Менга қандай алоқаси бор? Улар мен билан аҳдга эга эмас! Наҳотки чиндан ҳам сен Менинг аҳдлашган халқимни лаънатлагани бориш ҳақида сўрамоқчисан? Бу учун ибодат қилишнинг нима кераги бор? Ахир, жавоб сенга маълум-ку?”

Биз баъзи бир нарсалар тўғрисида ибодат қилишимиз керак эмас! Биз Худонинг ёзма аҳдида очилганлари орқали, Худонинг иродаси қандайлигини биламиз. Биз бошқа масиҳийлар билан мулоқотда бўлиш керак ёки керакмаслигини сўраб, ибодат қилишимиз шарт эмас. Худо аллақачон: “Баъзиларда бўлган одат каби йиғинларимизни қолдирмайлик” — деб айтган. (Ибронийларга 10:25).

Бизга хизмат қилаётган хизматкорларга моддий ёрдам сифатида қурбонлик бериш кераклигини сўраб, ибодат қилишнинг ҳожати йўқ, чунки Муқаддас Китобда ёзилган: “Худди шундай, Раббий ҳам Хушхабарни воизлик қилувчиларга бу меҳнатдан кун кечиришларини буюрган” (Коринфликларга 1-мактуб 9:14).

Бесоқолбозлик билан шуғулланиш ва бундай ишларни қиладиган кишиларни қўллаб-қувватлаш мумкин ёки мумкинмаслигини сўрашнинг зарурати йўқ. Худо яққол қилиб айтиб қўйибди:

“Ноҳақлар Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олмасликларини билмайсизларми? Алданманглар: на бўзуқлар, на бутпарастлар, на зинокорлар, на эркак-фоҳишлар, на баччабозлар, на ўғрилар, на тамагирлар, на ичкиликбозлар, на ғийбатчилар, на талончилар Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олмайдилар” (Коринфликларга 1-мактуб 6:9, 10).

Худодан солиқ тўламасликнинг йўллари ҳақида сўраш шарт эмас, негаки бу ўғирликка киради. Никоҳгача биров билан жинсий ҳаётда яшаш ҳам – гуноҳ ҳисобланади. Ёки бировнинг хотини билан жинсий алоқа қилиш – бу зино ҳисобланади. Бу рўйхатни узундан-узоқ давом эттириш мумкин. Янги Аҳдда аллақачон бизга Худонинг иродасини аниқ-тиниқ кўрсатадиган кўпгина бўйруқлар берилган.

Бошқача қилиб айтганда, Худо давом этиб дейди: “Яхши, Балаам сен ҳеч нарсани англамаганинг, тўғрироғи, англашни истамаганинг учун Мен сенга Ўз иродамини аниқ ва равшан тарзда тушунтираман...” “Худо Балаамга деди: — Улар билан бирга бормагин, бу халқни лаънатламагин, зеро у дуо қилингандир” (Сонлар 22:12).

Изоҳ келтириш шарт эмас.

Энди, Балаам ушбу илоҳий бўйруққа нима деб жавоб берганига қараймиз:

“Балаам тонгда туриб, Балакнинг ҳокимларига деди: “Сизлар ўз ерингизга боринглар, зеро Раббий менга сизлар билан боришга рухсат беришни рад қилди” (Сонлар 22:13).

Кўпчилик Балаамни олқишлашга тушган бўлар эди. Биз унинг итоаткорлигини мақтаб, унга: “Худони қанчалик севадиган биродар!” – дейишимиз мумкин эди. Бироқ унинг сўзларида, бизни бошқача ўйлашга ундайдиган бир ишора бор. “Раббий менга сизлар билан боришга рухсат беришни рад қилди” – деган сўзларга эътибор беринг. У: “Раббий менинг хоҳишимни қўллаб-қувватлади, чунки мен сизлар билан боришни истамайман” – демади. У “Раббий рад қилди” деди.

Шундай манзарани тасаввур этиб кўринг: мактаб ўқувчиларидан иборат бир гуруҳ дўстлар биргаликда шахобчаларни айланиб, кейин кино кўришга боришга қарор қилдилар. Эми ҳам улар билан бориш учун ота-онасидан рухсат суради. Улар қизига: Эми, бугун биз кечлик пайти оилавий йиғиламиз ва сен ҳам биз билан бўлишингни истаймиз” – дедилар.

Эмининг дўстлари уни олиб кетиш учун унинг ўйи олдида келишди. У

эшикни очганида, улар: “Боришга тайёрмисан?” – деб сўрайдилар.

Эми афтини бужмайтириб: “Мен бора олмайман” – деб жавоб беради. Бошқача қилиб айтганда, у: “Дўстлар, мен сизлар билан боришни жуда истардим-у, аммо мен оилавий кечлик учун ўйда қолишим керак” – дейди. Ота-онасининг хоҳиши у истаган нарсани амалга оширишга йўл қўймай, уни чеклайди. Ота-онасининг сўзлари – у учун қонун. Балаам ҳам айнан шундай деб айтган.

Фойда келтирадиган келишув

Моабнинг оқсоқоллари шоҳнинг олдига қайтиб келиб, унга Балаамнинг жавобини етказдилар. Бироқ шоҳ бундан норози бўлди ва уларнинг жавобини қабул қилмади. У янада донгдор ҳокимларни кўпроқ саҳий таклифлар билан, Балаамдан ишни амалга оширишини сўраб, унинг олдига юборди. Мана, шоҳнинг айтган сўзлари: “Мен сенга улкан иззат-икром кўрсатаман ва сен менга нимаики айтсанг ҳаммасини бажараман. Келгин ва менга бу халқни лаънатлагин» (Сонлар 22:17).

Борди-ю қўшнингиз сизга: “Менда бор бўлган ҳамма нарсани сенга бераман”, деса ҳам бу камлик қилиши мумкин. Лекин бир бошли мамлакатнинг шоҳи сизга ниманидир таклиф қилса, бундан кўпроғи бўлмайди.

Мен юқори синфларда ўқиган пайтим, Филип Уилсон исмли жуда оммабоп ҳажвий актёр бўлар эди. Унинг: “Шайтон мени шу нарсани қилишга мажбурлади” – деган машҳур ибораси бор эди.

Бу сўзлар кулгули эшитилар ва уни кўпчилик айтиб юрар эди, бироқ у адашган. Шайтон имонлини бирор нарса қилишга мажбурлай олмайди. Ёзувда аниқ қилиб: “Лекин ҳар бир киши ўзининг ҳирсига қизиқиб, алданиб васвасага тушади” – деб ёзилган (Ёқуб 1:14). Бу ерда “алданиб” сўзи – энг муҳим сўз ҳисобланади. Шайтон имонлига бошқа ҳеч нарса қила олмайди. Инсон ҳам фақат ўз истаклари билан алданиши мумкин. Борди-ю менинг олдимга кокаинни қўйсангиз, мен: “Бўни менинг олдимдан йўқотинглар” – деб жавоб бераман. Мени бу билан алдаб бўлмайди, негаки менда ҳеч қандай гиёҳванд моддаларни қабул қилиш хоҳиши йўқ.

Аммо шайтон айёр, у ухламайди. У ўз жинларини нафақат сизнинг, қолаверса, сизнинг ота-онангиз ва ота-боболарингизнинг ҳаётини ҳам ўрганиш учун юборади. У сизнинг авлодингиздаги заиф томонларни ва мойилликларни билади.

У Балаамнинг ҳаётини ўрганган ва пайғамбарда мол-дунё орттириш,

нуфуз ва мансабга ўчлик борлигини билган. Айнан шунинг учун ўша бетавфиқ шоҳ бўлмиш Балакка пайғамбарга янада сахийроқ таклифларни бериши тўғрисидаги фикрни, айнан шайтон миясига сингдирганига ишончим комил. Лекин ҳали шошманг, чунки Балаам катта иззат-икромдан ҳам осонгина воз кечди:

“Балаам Балакнинг хизматкорларига жавоб бериб деди: — Агар Балак менга ўйи тўла кумуш ва олтин берса ҳам, Раббий менинг Худойимнинг буйруғини босиб ўта олмайман ҳамда ўз истагим билан бирор кичик ёки катта иш қила олмайман” (Сонлар 22:18).

Биз пайғамбар анчагина сахий таклифлардан воз кечиб, Худонинг Сўзини бузишдан бош тортиб, мардоналик кўрсатганини яна олқишлаймиз. Аммо пайғамбар айтган гапларида эркин эмаслигини кузатамиз. У: “Мен бундай ишни қилмайман” — дейишнинг ўрнига: “Мен бундай қила олмайман” — деди. Ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолди. У ҳали ҳам у учун қонунга айланган Худонинг Сўзи билан чекланган эди. Кейинги сўзларда бунинг тасдиғини кўрамыз:

“Шундай бўлса ҳам, сизлар ҳам бу тун шу ерда қолинглар. Раббий менга яна нима дейишини мен билайин” (Сонлар 22:19).

Нима? Янада сахийроқ таклиф Худони Ўз фикрини ўзгартиришга мажбурлай оладими? Наҳотки Худо, шоҳ Балаамга кейинги сафар ундан ҳам кўпроқ иззат ва бойлик таклиф қилишини билиб, биринчи марта “йўқ” деган бўлса? Қанчалик аҳмоқона фикр! Худо Балаамга кўпроқ фойда келтирадиган келишувни кутиб туришини умуман таклиф қилмаган! Шу боис Балаамга биринчи марта ибодат қилиш ман этилган бўлса, боз ўстига иккинчи марта ибодат қилиш ман этилган эди! Ахир, биринчи марта элчилар келганида, Худо унга аниқ равшан қилиб: “Улар билан борма” — деди.

Балаам ўша кеча барибир ибодат қилмоқчи бўлди. Худо унга нима деганини ўқинг:

“...Агар бу одамлар сени чақиритишга келган бўлсалар, туриб, улар билан бирга боргин. Бироқ Мен сенга нимани айтсам, ўшани қилгин”, — деди” (Сонлар 22:20).

Шошманг! Худо бу сафар: “Улар билан бор” — дедими? Биз тўғри

Ўқидикми ўзи? Нималар бўляпти? Ажабо, вазият тубдан ўзгариб кетди! Балаам Моабнинг оқсоқоллари ва ҳокимлари билан бирга бориш учун Раббийдан рухсат олди. У Худо айтганини аниқ тарзда бажарди. У эшагини эгарлаб, моаблик ҳокимлар билан йўлга тушди. У илоҳий бўйруққа итоат этди. Аммо кейин нима содир бўлганига қаранг:

“У кетгани учун Раббийнинг ғазаби алангаланди...” (Сонлар 22:22).

Нима бўлди ўзи? Наҳотки Худо Ўзи айтган сўзларни унутиб қўйган бўлса? Балаам унга ўтган кеча Худо буюрганидек қилди, лекин Худо ундан ғазабланди. Бун қандай тушунириш мумкин? Ёзувда бу саволга ойдинлик киритадиган мантикий жавоб бор. Унинг мазмуни гуноҳнинг кучи – қонун деган ҳақиқатга олиб боради. Кейинги боб бизга сабабини очиб беради.

Ҳаракат қилинг

Кўпчилик имонлилар ушбу умид ҳақидаги мактубни эшитишлари зарур: сиз гуноҳнинг кучидан тўлиқ халос бўлишингиз мумкин.

Ҳа, худди шундай. Масиҳийлар гуноҳдан юқорига кўтарилиши мумкин. Исо Масиҳ бизга фақат самога боришга чипта совға қилиш учун ўлимга боргани йўқ. У Ўз ўлими билан бизни гуноҳ ва ўлимнинг кучидан озод қилди. Гуноҳ бизнинг устимиздан ҳукмронлик қила олмайди, балки сиз унинг устидан ҳукмрон бўласиз.

Бу инсон кучи етмайдиган нарсаларни амалга ошириш учун Худонинг илоҳий кучи билан инъом этилган – Унинг инояти орқали имконли. Иноятга эга бўлиш учун бизда имкон бор – биз манашу кучга эгамиз, агар ундан фойдаланишни билмасак, унинг имтиёзларини қўлдан бой берамиз. Аксарият ҳолларда имонлилар иноятдан фойдалана олмайдилар, негаки улар иноятга эга эканини англамайдилар.

Ёзувдан гуноҳнинг устидан ҳокимиятга эга эканимизни кўрсатадиган оятларни ўрганиб, бугун гуноҳга қарши мустаҳкамланг. Ушбу ҳақиқат сизга очилмагунча бу ҳақда мулоҳаза юритинг. Бу борада Худо билан ҳамфикр бўлинг, гуноҳ сизнинг устингиздан ҳукмронлик қилишига рухсат берган соҳалар учун тавба қилинг ва Худо сизни бугун озод қилгани учун миннатдорчилик билдиринг. Ўтмишдаги муваффақиятсизликлар учун ўзингизни кечиринг ва Худодан У сизнинг келажагингизни кўрсатишини сўранг. У сизга кўрсатган нарсаларни ёзиб қўйинг.

ГУНОҲНИНГ КУЧИ (2-ҚИСМ)

Келинг, ўтган бобда бошлаган, Балаам пайғамбар ҳақидаги воқеага қайтамыз.

Биринчи марта Моаб ва мадианликларнинг элчилари билан бирга бормаслик ҳақида Худодан буйруқ олган Балаам, унинг олдига янада эътиборлироқ одамлардан иборат бўлган иккинчи гурӯҳ элчилар келганида, у яна Раббийга мурожаат қилди. У Худодан умуман бошқача жавоб олишга умидвор эди.

Сизда ҳам бирор марта шундай воқеа рўй берганми? Сиз ич-ичингиздан Худо нима дейишини била туриб, Ундан бошқача жавоб олиш умидида, барибир Унга ибодат қилган пайтларингиз бўлганми? Сиз балки ўз ҳирсий истакларингизни қуйидаги фикрлар билан ёпмоқчи бўлгандирсиз: “Мен бориб, ибодат қиламан”, “Бу нарса учун ибодат қилиб кўришимга руҳсат беринглар”.

Сизларни билмадим-у, лекин мен бундай гуноҳни содир қилганман ва манашу бобда бу мавзуга мисол тариқасида ўз ҳаётимдаги бир нечта аянчли воқеалар билан бўлишаман.

Балаам ушбу қудратли шоҳнинг совғалари ва у кўрсатадиган эътиборини қўлга киритишни кучли истади, бироқ Худо амрларининг “тақиқларини” босиб ўта олмади. У атайин итоатсизлик туфайли Худо марҳаматларидан қуруқ қолишига ақли етган. Баъзида бу нарсани билиш, янада каттароқ ёлғонларга эшик очиш учун етарли асос ҳисобланади.

Хуллас, Худо Балаамга: “Тур ва улар билан бирга бор” – деганида, унинг ҳайратини кўз олдингизга келтириб кўринг. Ҳойнаҳой у: “Ғаройиб! Яхшиямки,

мен бу ҳақда яна бир марта ибодат қилибман” – деб ўйлагандир.

Шундай қилиб, Балаам эртаси кўни тонгда туриб, Худо унга кеча айтганлари бўйича ҳаракат қилди. Таажжубки, давомида шундай сўзларни ўқиймиз: “У кетгани учун Раббийнинг ғазаби алангаланди” (Сонлар 22:22).

Нима, Худо Ўзи айтган нарсани унутиб қўйдими? Албатта, бу жавоби маълум бўлган савол, чунки бу ундай эмас! Худо нега ғазабланди? Балаам Худонинг гапига кирди ва У айтгани бўйича борди. Худо эса бунга ғазабланди. Нималар бўляпти ўзи? Бу ерда биз кўпчилик билмайдиган ва тушунмайдиган ҳақиқатни кўрамиз, мен ҳам уни англаб етгунимча, кўп йиллик синовлардан ўтдим:

Биз бирор нарсани истасак (шу нарсага интиқ бўлсак) ва Худо бу борада (Муқаддас Китоб ёки ибодат орқали) Ўз иродасини бизга очган бўлса ҳам, лекин уни исташда давом этсак, кўп ҳолларда бу бизга яхшилик олиб келмаслигини билса-да, Худо бизга уни беради ва биз охир-оқибат ўша нарса учун маҳкум бўламиз.

Бу сўзлар сизни лол қолдириши мумкин, аммо бу ҳақиқат. Сизга бу борада Муқаддас Китобдан бир нечта мисол келтираман.

Жавоби қондирилган илтимос

Исроил халқи уларда шоҳ бўлишини истаган. Оқсоқоллар Шомуил пайғамбарнинг олдига келиб, ўз истагини очдилар. Улар шундай дедилар: “Энди ўстимиздан подшоҳ қўйинг, токи бошқа халқларда бўлганидай, у бизларга судьялик қилсин” (Шомуилнинг 1-китоби 8:5).

Шомуил пайғамбар Раббийга уларнинг илтимосини етказди ва Худо у орқали оқсоқолларни, шоҳ уларга яхшилик олиб келмайди деб огоҳлантирди. Уларнинг ўғилларини ҳарбий қўшин учун олиб қўйишини айтди. Шоҳ уларнинг ўғилларини ўз далаларига ишлов бериш, ҳосил йиғиш, қурол-аслаҳа яшаш ва ҳоказо ишлар учун олиб қўяди.

Шунингдек, шоҳ уларнинг қизларини ҳам олиб қўяди ва уларни таом тайёрлашга, кир ювишга, хушбўй атир яшашга ва бошқа турли хил ишларни қилишга мажбурлайди. Қолаверса, шоҳ энг яхши ерларни, ўзумзорларни, зайтун буталарини, чорва, қўй-қўзиларни тортиб олади ва уларни ўзининг ҳокимларига беради. Шундан сўнг Худо халққа, улар охир-оқибат ўзлари сўраган шохдан уларни озод қилишини сўраб, Худого ёлворишини, бироқ Худо ўшанда уларга ёрдам бермаслигини айтди.

Давомида шундай деб ёзилган: “Бироқ халқ Шомуилнинг гапига эътибор беришни хоҳламасдан: — Йўқ, ўстимиздан подшоҳ бўлсин ва биз

ҳамма халқлар сингари бўламиз...” – деди (Шомуилнинг 1-китоби 8:19-20).

Хуллас, Шомуил халқнинг истагини Раббийга етказди. Худо эса Ўз иродасига қарши бориб: “...Уларнинг гапига қулоқ сол ва уларга подшоҳ қўйгин” – деди (Шомуилнинг 1-китоби 8:22). Худо халққа яхшилик олиб келмаслигини билса ҳам, унинг хоҳишини амалга оширди. Уларни Худо огоҳлантиргандек, ўша санаб ўтилган нарсаларни амалга оширадиган подшоҳга эришдилар.

Мана, яна битта мисол. Исроил Мисрдан чиққанида, Худо уларни манна деб аталган самовий овқат билан озиқлантирди. Бу осмондан тушадиган нон бўлиб, Ёзувда у бошқачароқ қилиб, “фаришталарнинг овқати” деб аталган (Сано 77:25). Манна шу қадар тўйимли эдики, Йелиаҳ пайғамбар ундан икки бўлак еб, қирқ кун давомида ўз кучи билан тўхтовсиз югура олди. Менинг ҳаётимда ҳам мана шундай озуқа зарур бўлган вақтлар тез-тез бўлиб туради!

Аммо исроилликлар бундай нондан чарчадилар ва гўшт ейишни истадилар. Шу боис улар бу ҳақда сўрадилар. Саночи қуйидагича ёзган: “Улар сўрадилар ва Худо уларга беданаларни юборди...” (Сано 104:40). Худо уларнинг илтимосини ҳайратли равишда қондирди. Муқаддас Ёзувда шундай дейилган:

“У осмонда шарқ шамолини қўзғатди, Ўз кучи билан жанубий шамолни келтирди. Уларнинг устиларига гўштни чангдек ва қанотли қушларни денгиз қумидек ёғдирди. Қушларни уларнинг қароргоҳларининг ўртасига, уларнинг чодирларининг атрофига туширди” (Сано 77:26-28).

Худо нафақат улар сўраган нарсани берди, қолаверса бунини мўъжизавий равишда амалга оширди! Ўзининг қудратли кучи билан уларнинг қароргоҳига юз минглаб қушларни келтирди. Исроилликлар уларни овлаб юргани йўқ, уларга ит, қурол, қафас ёки қуш тутиш учун бошқа асбоблар шарт эмас эди. Беданалар шунчаки улар яшайдиган жойга учиб келдилар. Одамлар уларни ҳаводан тутиб олиши ёки ердан териб олишлари керак эди. Агар бугун ҳам шундай воқеа содир бўлганда, бу ҳақдаги хабар барча ижтимоий тармоқларда ёйилиб кетган ва барча журналларнинг биринчи саҳифасида ёзиб чиқарилган бўлар эди. Худо ақл бовар қилмас мўъжиза яратди, лекин саночи нима деб ёзганига эътибор беринг:

“Улар еб тўйдилар, Худо уларга истаганларини берди. Аммо ҳали уларнинг нафслари қонмаган эди, ҳали озиқ уларнинг

оғизларида эди, Худонинг ғазаби уларга келди, уларнинг семизларини ҳалок қилди ва Исроилнинг йигитларини қулатди” (Сано 77:29-31).

Ёлғон бутлар ёки жинлар эмас, балки Худо уларга ўзлари истаган нарсани берди ва У буни ҳайратли равишда амалга оширди, бироқ улар ҳали буни еб турганида, уларга ҳукм келди.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз лозим, Худо инсонни яратганида, биз Худонинг истакларига зид бўлган нарсаларни танлашимизни ва танловимиз бизни ҳалокатга йўлиқтиришини билса ҳам, бизга эркин танлов ҳуқуқини берди.

Мисол учун, дарбадар ўғил ёдингиздами? У отасининг меросидаги ўзининг улушини сўради. Ота ўғли пулларни ақл билан тўғри ишлатиш учун малакага эга эмаслигини билар эди. Шунга қарамай, ўғли буни кучли истагани учун, отаси таслим бўлди ва унга ўз меросини берди. Натижада, ўғлининг кун кечиришга бир чақаси ҳам қолмай, чўчқаларнинг емишига зор бўлди.

Ёзувдан бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин, лекин сиз ҳақиқатни англаб етдингиз деб ўйлайман. Биз Худонинг иродасига зид бўлган нарсани кучли истаганимизда, нобоп ва вайроналик ҳолатига тушиб қоламиз.

Ақлли эшак

Энди келинг, Балаамнинг воқеасига қайтамыз.

У Моаб шоҳи билан учрашишга йўл олди. У билан бирга шоҳнинг ёрдамчилари ҳам бораётган эди, Худо эса унинг қароридан ғазабланди. Тўсатдан Балаамнинг қаршисида фаришта пайдо бўлди. Ёдингизда бўлсин, фаришталар – камон ва найза ушлаб турган семиз болакай кўринишида эмас, балки мислсиз қудратга эга улкан махлуқотлар саналади. Менинг ўйлашимча, унинг бўйи икки ярим метрдан уч метргача бўлган.

Фаришда қиличини қинидан чиқариб, Балаамнинг йўлини тўсди ва Худо мўъжизавий равишда эшакнинг кўзини очди. У қуролини тайёрлаб турган улкан махлуқни кўрган заҳоти, Ундан қочаман деб, йўлдан далага сапчиб кетди. Балаамнинг жаҳли чиқиб, ҳайвонни урди ва йўлга қайтариб келди.

Фаришта яна икки томонида девор бўлган йўлга туриб олди. Эшак уни кўриб, яна ўзини четга олишга уринди ва Балаамнинг оёғини деворга сиқиб қўйди. Фаришта бурилиб бўлмайдиган, қисқа йўлакда туриб олди. Бироқ бу сафар эшак қиличини кўтариб турган фариштани кўрганида, Балаамнинг оёғини остига ётиб олди. Энди пайғамбарнинг чинакамига жаҳли чиқди, у ғазабдан ёнди ва ҳайвонни савалай кетди.

Шунда Худо эшакнинг оғзини очди ва у Балаамга: “Мен сенга нима қилдимки, мана, сен мени учинчи маротаба ураяпсан?” – деди (Сонлар 22:28).

Балаам эшакни уришда давом этди, ниҳоят Балаам фариштани кўриши учун Худо унинг кўзларини очди. Пайғамбар шу заҳоти ерга йиқилди.

Яқин кунларгача мен, бу фаришта Худонинг қаршисида хизмат қилган фаришталарнинг бири бўлса керак деб ўйлаган эдим. Бироқ Муқаддас Китобнинг таржимонлари (шу жумладан, мен ҳам) Раббийнинг Ўзи фаришта қиёфасида келган деб ҳисоблагани, очик кўриниб турибди. Мен буни сизнинг ихтиёрингизга қўйиб бераман ва менда сизни у ёки бу фикрга ишонтириш мақсадим йўқ.

Фаришта Балаамга деди: “Нима сабабдан сен эшагингни мана, уч марта урдинг? Мана, мен сенга қаршилиқ қилиш учун чиқдим, чунки сенинг йўлинг менинг қаршимда нотўғридир. Эшак мени кўриб, мана уч марта мендан бурилиб кетди. Агар у бурилмаганида эди, мен сени ўлдирган, уни эса тирик қолдирган бўлар эдим” (Сонлар 22:32, 33).

Бу эшак Балаамнинг ҳаётини сақлаб қолди! У Раббидан қочиб қолмаганда эди, Балаам ҳалок бўлган бўлар эди. Балаам моаблик ва мадианлик ҳокимларга: “Дўстлар, мен орқага қайтишимга тўғри келади. Шохингизга айтиб қўйинг, пулларини ўзига олиб қўйсин” – деган гапларни айтишини тахмин қилиш мумкин эди. Бироқ у бошқача гапирди. Балаам Раббийнинг қаршисида иқрор бўлишни бошлади:

“...Мен гуноҳ қилдим. Зеро сен менга қарши йўлда турганингни билмаган эдим. Шундай қилиб, бу сенинг нигоҳларингда ёқимсиз бўлса, унда мен ортга қайтаман” (Сонлар 22:34).

Балаам ўз гуноҳини тан олди, бироқ шу билан бирга: “бу сенинг нигоҳларингда ёқимсиз бўлса” – деб қўшиб қўйди.

Балаам, сен эсингни емаганмисан? Неча марта битта хатони такрорлаш мумкин? Раббийнинг Ўзи унинг йўлини тўсди, лекин у барибир ўзи хоҳлаган нарсани қўлга киритмоқчи. У шоҳ таклиф қилган пул ва эътиборга шу қадар ўч эдики, вазиятга Худонинг аралашувини ва Унинг жазосини кўришга ожиз бўлиб қолди. Унинг бутпарастлиги Худонинг юрагини кўриш учун кўзларини кўр қилди.

Биз ҳам Худога итоат этишдан кўра, ўз истакларимизни устун қўйганимизда ва Худонинг бўйруқлари бизни чеклаб қўйганини ҳис этганимизда, худди шу нарса содир бўлади. Ёлғон орқали гуноҳнинг кучи ортиб боради. Худога қарши бўлган нарса олдин яққол кўриниб турган бўлса, энди у хиралашиб қолади. Итоаткор кишига бу яхши сезилади, бироқ одам бутпарастликка йўлиққанида, ўз нафсини қондириш йўлида ҳатто, Худонинг таҳсинига эришишга ҳам уринади.

Менинг камчиликларим

Мен эндигина ўттиздан ошганимда, бир машҳур нашриёт билан келишув тузишимиз Худонинг иродасига зид эканини, Лиза иккаламизга Худо аниқ очиб берди. Мен биринчи гал масъул муҳаррирнинг таклифини рад қилдим, лекин Балаам Балакнинг ҳокимлари билан учрашувда қилганидек эмас, албатта.

Муҳаррир қарийб ҳар куни менга қўнғироқ қилишда давом этди. У менинг мактубим Масих Танаси учун муҳим аҳамиятга эга эканини айтди. У яна ҳеч ким танимайдиган ёзувчилар унинг нашриётида китоб чоп этиб, кейин машҳур бўлиб кетганини ҳам айтди. Мен унинг хушомадини ичак-чавоғи билан ютиб юбордим. Бу пайтгача менинг иккита китобим ўз ҳисобимдан чоп этилган ва жуда кам ўқувчиларга етиб борган эди. Мен бир бошли миллатни қамраб олишни ва бунинг учун манашу муҳаррирнинг нуфузидан фойдаланишни истадим. Бироқ Худо менга Ўзи топширган мактуб тарқалишини истаган бўлса ҳам, ҳали У белгилаган вақт келмаган эди – бунинг учун мактуб ҳам, нашриёт ҳам тўғри келмас эди. Бундан ташқари, менинг ниятларим ҳам нотўғри эди: мен машҳур бўлишни истаган эдим, яъни мен турмуш тарзидан мағрурланишдан келадиган обрў ва мансабни излай бошладим.

Мен ўз китобимни донғи кетган нашриётда чоп этишни жуда истадим, шунинг учун Раббийнинг аниқ бўйруғини, хотинимнинг маслаҳатини ва ҳамма нарса ўйлагандек кетмаётганини кўрсатиб турган аломатларга эътиборсизлик қилдим. Ичимдаги Муқаддас Рухнинг огоҳлантиришлари кўринишидаги бошқарувни йўқотиб қўйдим, унинг ўрнига қалбимни кўпроқ истак туғдирадиган ёлғон эгаллади.

Нашриёт бошқа штатда жойлашган эди. Биз Лиза билан, менинг вақтим тиғизлиги учун Лиза у ерга учиб боради ва ташкилотимиз номидан битим тузади деган қарорга келдик. Ўша тонгда ўғилларимиздан бири қайт қилиб, уйимиз зинасидаги гиламни иккинчи қаватгача бўлган масофада бўлғаб

ташлади. Биз уни жон-жаҳдимиз билан тозалар эканмиз, рафиқам ноилож менга: “Жон, биз шу нарсани қилишимизни Худо истамаётганини наҳотки кўрмаётган бўлсанг?” – деди.

Мен мардона тарзда жавоб бериб: “Йўқ, аслида душман бизни саросимага солишни ва тўхтатишни хоҳлаяпти” – дедим. Агар ҳамма кулфатларимиз шу билан тугаганда эди, мен балки ҳақ бўлар эдим. Ишларимиз чаппа-тескари бўлишни бошлади, мен эса ҳеч нарсани сезмас эдим. Мен ўз гуноҳимнинг кучи билан алданган эдим.

Ўша куни Лиза у ерга учиб борди ва битимни имзолади. Бир неча ойлар давомида ҳаётимда бошдан-оёқ тартибсизлик ҳукм сурар эди. Мен тинчликни йўқотдим, унинг ўрнини мусибатлар ва азоблар эгаллади. Уч ойнинг ичида мен йўлиқмаган касаллик қолмади – турли хил юқумли касалликлар, шамоллаш ва бошқа тана хасталиклари. Нашриёт билан ишларимиз юришмади, биз бирор нарсада ҳам келиша олмадик ва оқибатда бизнинг хизматимиз минглаб долларларни йўқотди.

Шундай бўлса ҳам менинг Балаамдан битта фарқим бор эди: мен ниҳоят, юрагимдаги ёниб турган истак кўзимни кўр қилиб қўйганини ва Худонинг иродасидан олиб кетганини тушундим. Менга Худонинг ҳукми (жазоси) ёғилди. Повулнинг қуйидаги сўзларини эсланг: “Шу сабабдан, сизларнинг кўпларингиз заиф ва касалсизлар, ҳатто ўлганлар ҳам оз эмас. Агар биз ўз-ўзимизни ҳукм қилганимизда эди, маҳкум бўлмас эдик. Биз бу дунё билан бирга маҳкум бўлмаслигимиз учун ҳозирги вақтда ҳукм қилиниб, Раббий томонидан жазоланмоқдамиз” (Коринфликларга 1-мактуб 11:30-32). Мен ўзим ясаган бутни кўра олишим учун кераксиз синовлардан ўтишимга тўғри келди. Мен ўз ўжарлигим учун тавба қилдим ва ҳаммаси қарийб шу заҳоти ўз йўлига тушиб кетди. Шундан кейин муҳаррир биз билан иш борасидаги ҳамкорликни бекор этишни истаётганини маълум қилди.

Тахминан бир йил ўтиб, бошқа машҳур нашриёт ташкилоти менинг – хафагарчиликдан озод бўлиш деган мактубимни чоп этишни таклиф қилди. Худо менга гапириб: “Олдинги муҳаррир сенинг ғоянг эди – бунисини эса Мен беряпман” – деди. Бошимдан кечирган ўша жазолар шарофати билан менинг ниятларим ҳам ўзгарган эди. Энди одамлар чиндан ҳам озодликка эришишлари учун мен бор кучим билан Худога итоат этишни истар эдим. Бу мактубни Худо тарқатишни истаган эди ва бугунги кунда “Шайтоннинг хўраги” номи остидаги китобимнинг икки миллиондан ортиқ нусхаси харид қилинди.

Айтмоқчиманки, мен ўшанда ўзимга сабоқ олдим ва бу аҳмоқликни бошқа такрорламадим. Аммо қирқ ёшларга кирганимда, Худонинг аниқ кўриниб турган иродасини, рафиқамнинг уқтирган маслаҳатларини ва

хизматимиздаги одамларнинг фикрларини яна бир бор назарга илмадим. Бу сафар ёлғон янада кучлироқ эди ва жазо сифатидаги синов, қулфат ва азоблар янада оғирроқ эди, улар қарийб ўн саккиз ойга чўзилди. Охири мен яна ўзимга бут ясаганимни англаб етдим ва тавба қилдим, бироқ катта нарх тўлашимга тўғри келди.

Мен тўлиқ аминманки: агар Балаам Худого юрагини очганида эди, кейинчалик кўпроқ нарсани қўлга киритган бўлар эди. Бироқ у ўз бутпарастлигидан бош тортмади ва оқибатда Худонинг ҳукми билан ўлиб кетди (Йешуа Нун ўғли 13:22).

Азизлар, сизлар ҳам менга ўхшаб, оғир йўл босиб сабоқ олишингизни истамайман. Ушбу оташин мактуб сизни мен бошимдан кечирган кераксиз азоб ва қийинчиликлардан асраб қолади деган умиддаман.

Ҳаракат қилинг

Агар биз ўз истакларимизни Худого бўйсундирмасак, улар бизни Худодан узоққа олиб кетади ва ҳойнаҳой, Унинг Ўзи бизни уларнинг қуршовига топширади. Ёзувда кўп оятларда Худо Ўз иродасини аниқ ва равшан тарзда айтиб қўйганини кўрамыз. Бироқ Унинг халқи Худонинг иродасига зид бўлган нарсани хоҳлаганида, улар синовларга дучор бўлишини билса ҳам, У уларнинг истагини амалга оширган.

Худо бугун ҳам бизнинг ҳаётимизда худди манашу йўлни қўллайди. Бизнинг истакларимиз Унинг иродасига тўғри келмаса-да, уларни қондиради, аммо биз кутган марҳаматларни қўлга кирита олмаймыз. Бу бизни оғриқли ва ёқимсиз жазони ўташга олиб боради.

Биз бундай нарсага йўлиқишга умуман мажбур эмасмиз. Аксинча, биз учун яхши нарсаларни амалга оширишга қодир бўлган Худого таянишимиз мумкин. У кўп ҳолларда бизнинг барча эҳтиёжларимизни қондиради, У буни фақат тўғри йўл билан қилади. Агар биз Унинг ортидан борсак, Худо бизни марҳаматли сўқмоққа олиб келади, исталган якун эса У истаган вақтда содир бўлади. Раббийга бугун ўз йўлларингизни топширинг. Сизни Ўзи истагандек йўналтириши учун Уни таклиф қилинг. Сиз Унинг ортидан янада тўғрироқ тарзда боришингиз учун яна қандай қадамларни қўйишингиз кераклигини Ундан сўранг. Уларни ёзиб қўйинг, сўнг бажаринг.

АДАШАЁТГАНЛАР

Кўзлаган нуқтамиздан узоқлашмаслик учун келинг, бутпарастликнинг моҳиятини қисқача такрорлаб ўтамиз. Бутпарастлик – бу хоҳ имонли бўлсин, хоҳ имонсиз бўлсин, инсон Худонинг бўйруқларига зид равишда, ўз истак ва иштиёқлари йўлида Унинг аниқ кўриниб турган талабларидан бош тортишидир. Шу боис Повул ёзган:

“Шуни билинглarki, ҳеч бир зинокор ёки нопок, ёки бутпараст бўлган тамагир Худонинг ва Масихнинг Шоҳлигида меросга эга бўлмайди. Сизларни ҳеч ким пуч сўзлар билан алдамасин, чунки булар учун бўйсунмаслик ўғилларига Худонинг ғазаби келади; шунинг учун, уларга шерик бўлманглар” (Эфесликларга 5:5-7).

Имонсизга Худонинг қаҳри ёғилади, шу билан бирга бутпарастликка (очкўзликка) берилган имонлини ҳам Ўзига қайтариш учун Худо жазолайди. Аммо имонли киши ўжарлик қилса ва Балаамга ўхшаб, Худога бўйсунмаса, бунинг оқибатлари ўлимга ҳам олиб келиши мумкин бўлган шафқатсиз тарзда кечади. Повул имонлиларни қуйидагича огоҳлантирмоқда: “Агар тана изми бўйича яшасангизлар, ўласизлар...” (Римликларга 8:13). Ҳаворий Ёқуб ҳам бизни шундай деб огоҳлантирган: “Ҳирс эса ҳомиладор бўлиб гуноҳни туғади, қилинган гуноҳ эса ўлимни туғади. Севикли биродарларим, алданманглар!” (Ёқуб 1:15, 15).

Бутпарастлик аста-секин таъсир қиладиган заҳарга ўхшайди – бу руҳий криптонит. У билан ўйнашмаслик зарур. Бутпарастликнинг тўри

юпқа ва чидамли, биз Балаамнинг мисолини ўрганиш мобайнида, унинг кучининг фақат шуъласини кўрдик холос, лекин энди келинг, яна бир қадам олға борамиз. Худонинг Исроил раҳбарларига қарата айтган огоҳлантиришларини диққат билан ўқиб чиқинг:

“Шунда менга Раббийнинг сўзи келди: «Инсон ўғли, ушбу одамлар ўз бутларига юракларидан ўрин бердилар ва ўз юзлари қаршисига ўзларининг бетавфиқликлари васвасасини қўйдилар. Мен уларга жавоб бера оламанми?» (Эзекил 14:2, 3).

Бутпарастлик фақат санамлар, мажусий қўрбонгоҳ ва маъбадлар билан чекланиб қолмаслигини яна бир бор гувоҳи бўлдик. Худо “Улар ўз бутларига юракларидан ўрин бердилар” деб ўзил-кесил айтган. Марказий жамият жойларида ёки маъбадларда ўрнатилган ёғоч ҳайкаллар ҳақида гап кетмаётгани аниқ кўриниб турибди. Йўқ – бу одамларнинг юракларига ўрнатилган бутлардир. Улар ўзларида Худонинг иродасига зид бўлган истакларни яшириб юради. Худо давом этиб дейди:

“Шунинг учун улар билан гаплашиб дегин: «Раббий Худо шундай дейди: Агар Исроил хонадонидан бирор киши ўз бутларига ўз юрагидан ўрин берса ва ўз юзи қаршисига ўзининг бетавфиқлиги васвасасини қўйиб пайғамбарнинг олдида келса, унда, Мен Раббий, унинг кўплаб бутлари туфайли унга жавоб бера оламанми?» (Эзекил 14:4)

Инсон бутпарастлик билан боғланган ҳолда (қарама-қарши истакларга мойил ҳолда) чўпоннинг олдида маслаҳат, ўғит ёки Муқаддас Китобдаги ҳар қандай турдаги таълимни олиш учун келганида, у жавоб олиши мумкин, бироқ бу жавоб Худонинг иродасига мос келмайди. Бу Балаам олган жавобга ўхшаган жавоб бўлади. Мана, “Муқаддас Китобнинг янги америкача таржимаси”да бу оят қуйидагича жаранглайди: “Мен, Раббийман, унинг оломон бутларининг олдида унга жавоб бериш учун келаман”.

Бир инсонни бутпарастлик учун фош қилишдан бош тортган ва унга ҳаммаси яхши деган хизматчи раҳбарга айтилган огоҳлантиришни эшитиб кўринг (пайғамбар ва руҳонийлар Эски Аҳддаги хизматларнинг раҳбарлари бўлишган; давомида бугунги кундаги хизматнинг раҳбарларини ифодалайдиган сўзлардан фойдаланаман):

Агар пайғамбар уни аврашларига йўл қўйса (шу билан маслаҳат сўраётган инсоннинг гуноҳига шерик бўлса) ва сўзларни гўёки бу

пайғамбарга Мен, Раббий ўргатиб қўйганимдек, сўзласа, унда пайғамбар ҳам ўз жавобида алданиши учун чора кўраман. (Эзекил 14:9 АМРС нинг инглиз тилидан таржимаси).

Баъзи ибодатларимда бугунги кундаги хизматкорларнинг, айниқса Ғарбдаги хизматкорларнинг тарқатаётган таълимоти ҳақида кўп ўйлаб, йиғлаган ва кучли сиқилган пайтларим бўлган. Мен Худога фарёд қилиб, бугунги кунда айтилаётган ва ёзилаётган саёз хушхабар мактублари ортида нима турганини кўрсатишини сўраб, ибодат қилганман. Бу саволга жавобан Худонинг Рўҳи мени Эзекил китобининг ўн учинчи ва ўн тўртинчи бобларига етаклади. Бу боблар бутпарастликнинг, яъни доимий гуноҳни фош қилишга эътиборсизлик қилишнинг ва емирилиб бораётган таълимотнинг ортида нима яширинганини очиб беради. Борди-ю хизматкор ўз издошларини ёки ўз шўхратини йўқотишдан қўрқиб, Хушхабарни тўлиқ воизлик қилмаса, бу юзига ниқоб тортилган очкўзликнинг ўзидир. Айнан шу сабабли сохта таълимот гуллаб-яшнаган пайтларда Йермияҳ шундай деб ҳайқирган:

«Зеро уларнинг кичигидан каттасигача ҳар бири манфаатпарастликка берилган ва пайғамбардан руҳонийгача – ҳаммалари сохта ҳаракат қилмоқдалар» (Йермияҳ 6:13).

Бугунги кун жамоатларидаги кўзга яққол ташланиб турган руҳий заифликни – криптонитнинг чуқур таъсирини кўздан кечиришни бошладим. Мен ўзларини имонлиман деб атайдиганларнинг кўпчилигида норозиликни сезганман. Улар ўз юрагининг ҳолати тўфайли, уларга етишмайдиган нарсаларни қўлга киритиш истагига йўлиққан (кўп ҳолларда бу табиий эҳтиёжлар эмас, балки кўпроқ ва яхшироғига эга бўлишга иштиёқмандлик).

Адашган раҳбарлар ҳам ўзларининг очкўз истакларига мўбтало бўлганлари ҳолда, Ёзувни ҳақиқатни излаётганларнинг гуноҳкорона ҳаёт тарзини пайқамаётгандек воизлик қиладилар. Шу билан бирга улар нопок ахлоқни фош қиладиган оятларни гапиришдан қочадилар. Бундай бутпарастлик, хизматкор ёки имонлининг бутларини кучайтиради ҳамда шахсий истак ва ҳирсларига тўғридан-тўғри қаратилган маслаҳат ва мактубларни эшитишга йўл очиб беради.

Янги Аҳдда Повул Йермияҳ ва Эзекилга ўхшаб, келажак ҳақида башорат қилган:

“Чунки шундай замон келадики, одамлар соғлом таълимотга дош бера олмайдилар, лекин улар ўз ҳирсларига биноан

қулоқларига ёқимли сўзларни гапирадиган устозларни ўзларига тўплайдилар” (Тимотийга 2-мактуб 4:3).

Ушбу даврга марҳабо! Шахсий истакларини изловчиларга керак бўлган ягона нарсаси – бу очкўз бўлган “хизматчилар”ни топиш.

Бошқа томондан Худого ишонадиган, Ундан қўрқадиган раҳбар Ёзувдаги бирорта маслаҳатдан ҳам четга чиқмайди. Худонинг Сўзини алоҳида қисмларини эмас, балки уни бутунлигича қабул қилиш ва бажариш лозим. Бундай хизматчи ҳақиқатни гапиришдан ва тузатишдан, шунингдек руҳлантиришдан қўрқмайди.

Повул таъриф бераётган хизматчилар ўз обрўси, ташқи кўриниши, ўсиш ва лойиҳалари ҳақида қайғуради. Уларни исталган натижа ёки мукофотлар билангина ишонтириш мумкин, шунинг учун улар одамлар қабул қилишидан ёки қабул қилмаслигидан қатъий назар, Худонинг Сўзини садоқат билан эълон қилишнинг ўрнига, ўз тингловчиларининг истакларига монанд равишда гапирадилар ва таълим берадилар.

Фақат битта хизматчи ҳақиқатни эълон қилди

Исроил шоҳи Аҳабнинг қизи билан қариндош бўлиб олган Яҳудиянинг шоҳи Йеҳосафат, унинг иттифоқдошига айланди. Йеҳосафат учун бу иттифоқ фойдали эмас эди, негаки у Худодан қўрқадиган киши бўлиб, Аҳаб эса – бутпараст эди. Бир неча вақт ўтиб, Йеҳосафат Исроил шоҳиникига бориш учун Самарияга қараб отланди.

Аҳаб ўз меҳмонидан Яҳудияни Исроил билан бирга жангга йиғиб Сурияга қарши боришга чақирди. Йеҳосафат эса: “Албатта, розиман! Биз сен билан ака-укалармиз, менинг қўшиним сенинг ихтиёрингда, уларни қўл остингга олавер. Биз албатта, бу жангда сени қўллаб-қувватлаймиз” – деб жавоб берди. Аммо у яна бир нарсани кўшиб қўйди: “Лекин биринчи навбатда, Раббийнинг фикрини сўраймиз” – деди (2-Йилнома 18 га қаранг).

Шундай қилиб, Аҳаб Исроилнинг энг нуфузли хизматчи ва раҳбарларидан тўрт юзтасини йиғди. Улар Баал, Ашерах, Шемоша ва бошқа сохта худоларга эмас, балки Раббий Худого хизмат қилар эдилар (улар Йахвеҳ номидан башорат қилар эдилар).

Хизматчилар бир овоздан: “...Боргин, Худони уни шоҳнинг қўлига топширади” – дедилар (2-Йилнома 18:5). Бу раҳбарлар уларни тингловчиларга, айниқса муҳим инсонларга, фақат ижобий руҳлантирувчи мактубларни айтишга ўргатилган эдилар. Улар ҳам Йахвеҳнинг

хизматчилари бўлишига қарамай, улар очкўзликка мубтало бўлган эдилар – улар бутпараст эдилар.

Улар Исроилнинг энг ҳурматли хизматчилари бўлишига ва уларнинг гапи ҳамма учун қонун эканига қарамай, Йеҳосафатга бу маслаҳат ёқмади. Худонинг қўрқуви унга фарқлаш қобилиятини сақлаб қолишга ёрдам берар эди. У: “...Бу ерда Раббийнинг яна бошқа пайғамбари бормикан? Ундан ҳам сўрар эдик, – деди” (6-оят). У келганларнинг ҳаммаси Йахвеҳнинг пайғамбарлари эканини билса ҳам, нимадандир кўнгли тўлмади.

Аҳаб: “...Яна бир киши бор, у орқали Раббийдан сўраш мумкин. Лекин мен ундан нафратланаман, чунки у мен ҳақимда яхшилиқни башорат қилмайди, доимо ёмонликни башорат қилади. У Имланинг ўғли Микаҳ, – деди (7-оят). Бутпараст кишига ёки хушомад эшитишга ўрганиб қолган имонлилар жамоатига, Хушхабарнинг ҳаққоний хизматчиси салбий ва безор қиладиган бўлиб кўриниши турган гап.

Микаҳ пайғамбар бошқалардан ажралиб турар эди, чунки у Аҳабдан ҳеч нарса олишни истамас ва кутмас эди. У инсондан кўра, кўпроқ Худодан қўрқар ва муваффақиятга эришишдан кўра, кўпроқ Худого ёқишни истар эди. Микаҳ унинг бўлоғи Йахвеҳ эканини билган, шунинг учун криптонитнинг таъсирида қолган шоҳга эмас, балки Худого маъқул бўлишни афзал кўрган. Бу унга покликни сақлашга ва бошқа хизматчиларни бошини еган ёлғондан узоқроқда юришга ёрдам берар эди.

Шунда Аҳаб Микаҳни олиб келишни буюрди. Улар Худодан бўлган ҳаққоний пайғамбарни кутиб турар экан, хизматчилар икки шоҳга башорат қилишда давом этдилар. Улардан бири – “Хенаанаҳнинг ўғли Сидқияҳ ўзига темир шох ясаб: «Раббий шундай дейди: сурияликлар қирилиб кетгунича уларни шулар билан сузасан», – деди” (10-оят).

Кейин ҳамма хизматчилар шу заҳоти унга қўшилиб, шоҳга: “Гилъаддаги Рамофга боргин, муваффақият қозонасан ва Раббий уни подшоҳнинг қўлига топширади», – деб худди шундай башорат қилар эдилар” (11-оят). Шубҳасиз, бошқаларнинг ортидан такрорлаш ва ҳаммадан ажралиб турмаслик осонроқ, тўғрими? Бошқалар бизнинг гапимизга қўшилиб, айтганларимизни тасдиқлаб турса, биз янада руҳланиб кетамиз ва ўзимизни бежавотир ҳис қиламиз! Ҳа, улар Аҳабнинг юрагидаги истакнинг ўзгинасини тасдиқлар ва ўлжани қўлга киритиш истагига – бутпарастликка қарата гапирар эдилар!

Барча хизматчилар бир овоздан икки шоҳни маслаҳатларга кўмиб ташлаган бир пайтда, элчи Микаҳни топди. “Микаҳни қақриб келгани борган хабарчи унга: – Мана, пайғамбарлар яқдиллик билан подшоҳга

яхшилиқни башорат қилмоқдалар, сенинг сўзинг ҳам уларнинг бировининг сўзи каби бўлсин, сен ҳам яхшилиқни гапиргин, – деди” (2-Йилнома 18:12).

Ҳаммага таниш бўлган айрим жамоатлар мени таклиф қилишганда ҳам худди шу сўзларни айтар эдилар. “Жон, одамларни руҳлантир. Ижобий мавзуда воизлик қил. Уларни қур ва юпат. Сен воизликни юқори нотада тугатишинг учун, биз хизматнинг охирида тетик руҳдаги қўшиқ куйлаймиз. Одамларнинг юраклари енгил бўлиб кетишини хоҳлаймиз”. Худди оддий хизматкор Шоҳнинг мактубини бузиб қўядигандек! Борди-ю биз мактубни ўзгартирсак, биз Худонинг пайғамбарлари сингари гапиришимиз керак бўлган элчилигимизни йўқотган бўламиз. Бунинг ўрнига, одамларга улар истаган нарсани гапириш учун Янги Аҳднинг ҳар хил жойларидан Унинг ижобий сўзлари ёзилган оятларни териб айтадиган, оддий инсонларга айланиб қоламиз.

Микаҳ қатъий тарзда жавоб берди, чунки у хушомадга берилмас эди: “Раббий тирикдир, менинг Худойим нима деса, мен ўшани айтаман, – деди” (13-оят).

Эй, Ота, бизнинг кунларимизда ҳам худди мана шундай йўл тутишга қодир бўлган раҳбарларни юборгин!

Микаҳ Аҳабнинг қаршисига келиб турганида, унга ҳам бошқалар аллақачон жавобини айтган саволни беришди. Микаҳ киноя билан: “Боринглар, муваффақият қозонасизлар ва улар сизларнинг қўлларингизга топширилади” – деди (14-оят).

Аҳаб Микаҳ унинг устидан кулаётгани учун аччиғи чиқди. Шунда Микаҳ уларни қизиқтираётган вазиятга нисбатан Худонинг Сўзини эълон қилди: “Мен Исроилнинг барча ўғилларини чўпони йўқ қўйлар каби тоғлар бўйлаб тарқалиб кетганини кўрдим ва Раббий: “Уларнинг бошлиқлари йўқ, ҳар бири ўз ўйига тинчлик билан қайтсин”, – деди” (16-оят).

Аҳаб Йеҳосафатга бурилиб: “У мен ҳақимда яхшилиқни эмас, ёмонликни башорат қилади, деб айтмаганмидим?” – деди (17-оят).

Шунда Микаҳ Аҳабни нималар кутиб турганини гапиришда давом этди.

“Микаҳ яна деди: – Шундай қилиб, Раббийнинг сўзларини тингланглар. Мен Раббийнинг Ўз тахтида ўтирганини кўрдим ва барча само қўшинлари Унинг ўнг ҳамда чап қўли томонда турар эдилар. Раббий: «Ким Исроил подшоҳи Аҳабни аврай олади, токи у Гилъаддаги Рамофга бориб, қуласин?» – деди. Бири бундай деди, бошқаси ундай деди. Шунда бир руҳ чиқди-да, Раббийнинг юзи қаршисида туриб: «Мен уни аврай оламан», – деди. Раббий унга: «Қандай қилиб?» – деди. У: «Мен чиқиб, унинг барча пайғамбарларининг оғзида алдамчи руҳ бўламан», – деди. Шунда У: «Сен

уни аврай оласан ва амалга оширасан. Бориб, шундай қил», – деди. Шунинг учун мана, Раббий алдамчи руҳ сенинг ушбу пайғамбарларингнинг оғзига киришига рухсат берди, лекин Раббий сен ҳақингда ёмонликни айтди” (18-20-оятлар).

Худо Аҳабнинг юрагида бутпарастлик (очкўзлик) борлигини кўриб, шунга яраша жавоб берди. Бу ерда Эзекил ёзган ҳақиқатни мисол тариқасида кўришимиз мумкин. Худо ўтган бобда Балаамнинг ва ушбу бобда Аҳабнинг юрагини бутпарастликда фош этди, қолаверса буни башорат қилганларни ҳам фош этди.

Аҳаб ўзи истаган хабарни эшитди, бироқ ҳимоя ва озодлик олиб келишга қодир бўлган Худонинг ҳаққоний сўзини қабул қилмади. Аҳаб жанг қилишга борди. Уни сурияликлар танимаслиги учун кийимини алмаштириб, ўз ҳаётини сақлаб қолган бўлса-да, аммо уни тасодифий найза шикастлади ва у қуёш ботмасидан олдин ўлди. Инсондан яшириниш мумкин, бироқ Худодан – ҳеч қачон яшириниб бўлмайди!

Бугун нималар содир бўлмоқда? Биз Худо ваъда берган ҳимоя, таъминот ва ғалабага эга бўлишни хоҳлаймизми? Ёки бизни алдашини хоҳлаймизми? Биз йўлиққан ёлғон туфайли жиддий мусибатлар ёғилиб турган бир пайтда, “ҳаммаси тинч” деган гапларни эшитишни истаймизми? Биз бу ҳақда Ёзув орқали мулоҳаза юрита оламизми? Худо Сўзидаги маслаҳатга бўйсуниб орқали келадиган мангу ҳимоя яхшироқми ёки бурчақда муқаррар жазо ва ҳукм кутиб турган бир пайтда, қисқа муддатли юзаки марҳаматларми?

Ҳаракат қилинг

Ўзини масиҳийман деб атайдиган кўпчилик кишилар фақат ёқимли сўзларни эшитишни хоҳлайдилар. Инсоннинг қаршисидаги очкўзлик ва қўрқув туфайли аксарият хизматкорлар ўз издошларига фақат руҳлантирувчи нарсаларни воизлик қилишга уринадилар. Бундай ҳолда барча ширин сўзлар ажойиб тарзда янграйди, бироқ бу ҳам етмагандек, у раҳбарларни ва уларнинг издошларини унчалик ҳам ёқимли бўлмаган жой томон бошлайди.

Ҳақиқат бошида оғриқли туюлса-да, биз уни эшитишимиз зарур. Ҳақиқатни эшитиш қанчалик оғир бўлмасин, у ёлғонда яшаганимизда келадиган синовларнинг оғриғидан анча енгилроқ.

Сиз ҳақиқатни излайдиган инсон бўлиб яшашингиз мумкин.

Худодан сизга тегишли ҳақиқатларни очишини сўранг, ҳаётингиздаги билимсизлик туфайли ёлғонда қурилган соҳаларни кўрсатишини сўраб ибодат қилинг. Келаси ҳафта давомида мулоҳаза юритиш учун Худо айтган ҳақиқатларни ёзиб қўйинг. Оммабоп ва сиполикка кирмаса ҳам, ҳақиқатни гапира олишингиз учун Худодан дадиллик сўранг. Келишмовчиликларни излаш керак эмас, аммо Микаҳ пайғамбарга ўхшаб: “Менинг Худойим нима деса, мен ўшани айтаман” — дея олишимиз зарур.

СОХТА ИСО МАСИХ

“Яна қандай сохта Исо Масих бўлиши мумкин” – деб ўйлаб қолганингиз муқаррар. Ушбу боб имонлиларни бутпарастликка жалб қиладиган ингичка муҳим таркибий қисмни ўз ичига олган. Бу жиҳат, нега бүгунги кундаги имонлилар алоҳида ва бир бошли жамоат доирасида осонгина уларнинг кучини ўғирлайдиган руҳий криптонитнинг ўлжасига айланаётганини очишга ёрдам беради.

Сизни Ўз ҳузурига олиб келди

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, Исроилнинг Мисрдан чиқиши бизнинг нажот топишимизнинг, яъни дунёдан чиқишимизнинг тимсоли ҳисобланади. Мусо исроилликларни ёниб турган бута ёнида Худо билан учрашган жойга, Синай тоғига олиб борди. Мусо унинг халқи ҳам мана шундай учрашувни бошдан кечиришларини истаган эди. Нега у халқни аввал ваъда берган Зот билан таништирамай туриб, бирдан ваъда қилинган ерга олиб боришни истамади? Улар Синайга етиб келган заҳоти:

“Мусо тоққа – Худонинг ҳузурига чиқди. Раббий тоғдан уни чорлаб шундай деди: “Ёқуб хонадонига айтгин, Исроил ўғилларига шундай деб хабар бергин: «Мен мисрликларни нима қилганимни ва гўёки бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб юрганидай Мен сизларни Ўз ҳузуримга олиб келганимни кўрдингизлар” (Чиқиш 19:3, 4).

Унинг: “Мен сизларни Ўз ҳузуримга олиб келдим” – деган сўзларига эътибор беринг. Бу ибора бизни дунёдан қутқариш каби илоҳий мақсадни ўз ичига олган. Худо сизни Ўз ҳузурига олиб келди. У сиз билан яшашни истайди, У сиз билан мулоқот қуришни ва сиз билан Ота-боладек муносабатда бўлишни хоҳлайди.

Бир неча юз йил давом этган қулликдан сўнг Худо Ўз халқи билан учрашганда қанчалик қувонганини тасаввур этиб кўра оласизми? Ёдимда, Лиза ҳар сафар тўрт ўғлимиздан бирига ҳомиладор бўлган пайти, мен уларнинг туғилишини сабрсизлик билан кутар эдим. Мен уларнинг қўлларидан ушлашни, уларнинг улғайишини кузатишни, овозини эшитишни, шахсиятидаги хусусиятларни тушунишни ва улар билан ота-ўғил муносабатларини қуришни истар эдим. Бошқача қилиб айтганда мен уларни кўришга чанқоқ эдим.

Худонинг ҳам муносабати шундай бўлган, бироқ У тўққиз ойдан кўпроқ вақт мобайнида кутган!

Одамлар учрашувга ўзгача равишда тайёргарлик кўришлари зарур эди. Раббий Мусога деди: “Халқнинг олдига боргин, уни бугун ва эртага поклагин. Улар кийимларини ювсинлар. Шундай қилиб, эртадан кейинги кунга тайёр бўлсинлар, чунки учинчи кўни Раббий халқнинг кўзи олдида Синай тоғига тушади” (Чиқиш 19:10, 11).

Худованд Ўз халқига деди: “Мен сизларни кўришга чанқоқман, аммо учрашувимиз илиқ тарзда кечиши учун, сизлар ўз кийимларингиздан Мисрнинг ифлосликларини ювишингиз зарур. Мен сизларнинг Отангизман, бироқ шу билан бирга, Мен муқаддас Худоман ва сизлар билан юзаки муносабатларни қабул қилмайман”.

Худбин одамлар билан қалин жиддий муносабатлар қуришнинг имкони йўқ. Худо бизга Ўзини бутунлигича топширди, шундай экан биз дунёдаги одамлар сингари бошқалар билан муносабатлардан шахсий худбин истакларини қондириш ва одамлардан фойдаланиш учун яшашимизга йўл қўя олмайди.

Улар Синайда икки кун турганларидан сўнг учинчи кун Раббий Ўзини намоён қилиш учун пастга тушди. У келганида одамлар қўрқувдан титраб, орқага чекиндилар. Халқ Мусога: “Бизга ўзинг гапиргин, биз эшитайлик. Лекин Худо бизга гапирмасин, токи ўлиб кетмайлик” – деди (Чиқиш 20:19).

Мусо даҳшатга тушди. Улар қандай қилиб уларни қулликдан қутқарган Зотдан қочиб кетдилар? Улар қанақасига Яратувчининг овозини эшитишдан бош тортдилар? Худонинг нақадар хафсаласи пир бўлганини кўз олдингизга келтириб кўра оласизми? У бу кунни қанчалик кутган эди. У Мусони

билганидек, уларни ҳам билиб олишга чанқоқ эди. Бироқ улар Худонинг ҳузурини рад этишди.

Агар ўғилларимдан бири менга: “Дада, сиз мен билан шахсан гаплашишингизни истамайман. Ака-укаларимдан бирортаси сизнинг сўзларингизни менга етказиб турсин” – деса, ўзимни қандай ҳис этишимни тасаввур ҳам эта олмайман. Бу нақадар даҳшатли!

Рухонийликни низомлаш

Одамлар Худо билан шахсан гаплашишни истамагани учун, У рухонийликни ўрнатишни белгилади. Рухоний – одамлар номидан Худога гапирадиган киши ҳисобланади. Ибронийларда аллақачон Худога одамларнинг сўзини етказадиган Мусо бор эди. Бироқ Худо халқ билан муносабатларини доимий равишда давом эттиришни таъминлайдиган рухонийликни ўрнатиши зарур эди.

Шундан сўнг Худо: Бор, пастга туш! Ўзинг билан бирга Аҳаронни олиб кел” – деди (Чиқиш 19:24). Аҳарон Худонинг илк рухонийси бўлди, лекин бошида Худо бунга режалаштирмаган эди. Аввалига, Худо одамларнинг ҳаммаси рухоний бўлишини истаган эди. Улар Синайга келганларида Худо уларга деди: “Сизлар эса рухонийлар шоҳлиги ва муқаддас халқ бўласизлар». Исроил ўғилларига сен етказадиган сўзлар шулардир” (Чиқиш 19:6). У Исроилдаги ҳар бир киши Худо билан мулоқот қуришга қодир бўлишини хоҳлаган эди.

Худо Мусога Аҳаронни ўзи билан тоққа олиб чиқишини буюрди. Аммо Аҳарон ўша учрашувга борган ёки бормаганлиги ҳақида ҳеч нарсга ёзилмаган. Қандайдир сабабга кўра у халқ билан қолди, Мусо эса бир ўзи тоққа кўтарилди ва ўша ерда қирқ кеча-ю қирқ кундузга қолиб кетди. Нега Аҳарон у билан бирга бормади? Эҳтимол, унга Худонинг ҳузурида бўлишдан кўра, халқ билан қолиш қулайроқ туюлгандир? Балки у Худо билан яккама-якка қолишдан қўрққандир? Биз бунинг жавобини билмаймиз, бироқ Аҳарон – ақлга сиғмайдиган иш қилганини биламиз.

Қалбаки Йахвеҳ

“Халқ Мусонинг тоғдан узоқ вақтдан буён тушмаётганини кўргач, Аҳароннинг ёнига йиғилиб...” (Чиқиш 32:1).

Нима содир бўлди? Биринчидан, халқ ўз истагини амалга ошириш

мақсадида эди. Иккинчидан, Аҳаронда одамларни ўзига тортадиган раҳбарлик инъоми бор эди. Бу муҳим масала, негаки одамлар у Худога итоаткорми ёки йўқлигидан қатъий назар, кучли бошлиққа интиладилар. Бир дунё одамлар раҳбарнинг ортидан бораётган бўлса, бу ҳали ўша раҳбар ҳақиқатдан ҳам Худони билади дегани эмас. Одамлар Аҳаронга нима деганини эшитиб кўринг:

“Тургин, бизларга олдимиздан борадиган худо ясаб бергин.
Зеро бизни Мисрдан олиб чиққан бу одамга, Мусога нима
бўлганини билмаймиз, – дейишди (Чиқиш 32:1).

Эътиборимизни тортадиган биринчи нарса шундаки, одамлар: “Худо билан нима бўлганини билмаймиз” – демади. Бу муҳим савол, тез орада биз бу борада мулоҳаза юритамиз.

Иккинчидан, уларнинг “бизга худо ясаб бер” деган сўзларига эътибор беринг. Иброний тилида “худо” сўзи – *elohiym* дейилади. Бу сўз Эски Аҳдда 2600 мартадан ортиқроқ жойда ёзилган. Улардан 2250 мартадан зиёди Қудратли Худога нисбатан айтилган. Жумладан, бу сўз Ибтидо китобида ўттиз икки мартаба учрайди. Муқаддас Китобдаги энг биринчи оят қуйидагича жаранглайди: “Бошида *elohiym* осмон ва ерни яратди”.

Қонунни такрорланиши китобида ҳам яна бир мисолни кўрамыз (13:4): Раббий (Йахвеҳ) Худойингиз (*elohiym*)нинг ортидан боринглар, Ундан қўрқинглар, Унинг амрларига амал қилинглар, Унинг овозига қулоқ солинглар, Унга хизмат қилинглар ва Унга ёпишиб олинглар”. Кўряписизми, Ёзув Раббийнинг номини – Йахвеҳ деб атаган, давомида эса У ҳақда *elohiym* дейилган. У мутлақ ҳокимиятга эга ва бош манба ҳисобланади.

Шунга қарамай, Эски Аҳдда 250 мартадан сал ортиқроқ жойда *elohiym* сўзи Дагон (Шомуилнинг 1-китоби 5:7) ёки Баал (3-Шоҳликлар 18:21) каби сохта Худоларни таърифлашда ҳам ишлатилган. Шундай экан бу сўзни қайси маънода ишлатилаётганига қараб, ўқишимиз лозим.

Аҳарон одамларнинг илтимосини қондириб, уларга тилло зираklarини олиб келишини буюрди. У тақинчоқларни эритиб, ундан фожиали олтин бузоқни ясади. Бузоқ тайёр бўлганида, одамлар: “Эй, Исроил! Мана сени Миср еридан олиб чиққан худойинг!” – дедилар (Чиқиш 32:4). Эслатиб ўтаман, яҳудийчада *elohiym* сўзи “худо” маъносида қўлланилади. Лекин биз уларнинг – “Мана сени Миср еридан олиб чиққан худойинг” деган сўзларидан келиб чиқиб, ким ҳақда гап кетаётганини биламыз. Халқ уларни Ким олиб чиққанини билар эди, улар аҳмоқ эмас эдилар. Бизнинг тахминимиз кейинги оятда тасдиқланган:

“Аҳарон буни кўргач, олтин буқанинг олдида қурбонгоҳ қурди.
Кейин: “Эртага Раббийга бағишланган байрам бўлади”, – деб
эълон қилди” (Чиқиш 32:5).

“Раббий” сўзи ушбу оятнинг асл нусхасида Йахвеҳ деб ифодаланган. CWSB изоҳида қуйидагиларни ўқиймиз: “Бу сўз фақат Исроил Худосига тегишли исм бўлиб, айниқса, У Ўзини Мусога очган исмга тегишли (Чиқиш 6:2, 3). Анъана бўйича Худонинг муқаддаслиги ҳурмати ҳаққи Унинг исми айтилмас эди. То Уйғониш давригача Эски Аҳднинг яҳудийча матнида бу сўз унли ҳарфларсиз YHWH тарзида ёзилган”.

Юқоридаги парчадан мустасно равишда, бу сўз Муқаддас Китобда бошқа ҳеч қаерда сохта худога нисбатан ишлатилмаган. Бундай деб ёзилгани хато ҳисобланмайди. Аҳарон ва халқ бу бузоққа қараб, қандай қилиб уни Йахвеҳ деб атагани ақлга сиғмайди. Улар бу бузоқни Баал, Дагон, Ашераҳ, Ра, Нефтида ёки мисрлик худоларнинг бошқа исмлари билан атамадилар. Улар: “Мана, сени Мисрдан олиб чиққан Ра” – демадилар.

Уларнинг: “Биз Мусога нима бўлганини билмаймиз” – деб айтганини эсланг. Улар: “Биз Худога нима бўлганини билмаймиз” – демадилар. Улар Йахвеҳнинг борлигини ва ҳаётидаги Унинг иштирокини инкор этмас эдилар. Улар ҳали ҳам Йахвеҳ уларни қутқаргани, халос қилгани, шифолагани ва таъминлаганини тан олар эдилар. Шунчаки улар истаган нарсаларни берадиган Йахвеҳнинг тимсолини ўзларига қулай тарзда ўзгартирдилар.

Мана, бунинг бүгунги кундаги мисоли: биз Лиза билан кўп жойларга борамиз, “Messenger International” ташкилоти жуда яхши жамоага эга. Шунинг учун қуйидаги сатрлар фақат фаразий муҳокама, негаки бизнинг жамоамиз аъзолари ҳеч қачон бундай қилмайдилар. Мен ва Лиза раҳбар сифатида ишдаги ва мулоқот маданиятидаги ўз қоидаларимизни доимий равишда таъкидлаб ўтамиз, чунки улар биз учун ўта муҳим. Мана, улардан бир нечаси: ишчиларимиз саккиз соат ишласалар-да, биз улардан тўққиз соатлик иш унумдорлигини талаб қиламиз. Ҳаммага ишлаш осон бўлиши ва ҳамма сифатли меҳнат қилиши учун, ишлаш муҳити енгил бўлишини хоҳлаймиз. Улардан одамларни севишни, ҳамкорми ёки раҳбарми, бизга мурожаат этаётган ҳар бир кишига яхши хизмат қилишини сўраймиз. Кундалик ва ҳафталик вазифаларни бажаришини айтамыз, рўйхатни давом эттириш мумкин. Бизнинг ўринбосаримиз Тим бўлиб (исми ўйлаб топилган), у бизнинг ишдаги ва мулоқот маданиятидаги талабларимиз бажарилишига масъул шахсдир.

Тасаввур қилинг, биз Лиза билан узоққа кетдик, бундан ташқари ижрочи раҳбаримиз ҳам жойида эмас. Кейинги даражали бошқарувчимиз Жордан исмли молиявий бош раҳбар бўлади (унинг ҳам исми ўйлаб топилган). Тим кетганидан сўнг Жордан жамоага шундай деб таклиф киритади: “Ўртоқлар, Жон ва Лиза жамоамиз хуррамликда вақт ўтказишини истайди. Келинглار, муסיқачини таклиф қиламиз, ёниб-ўчадиган чироқлар, тутун остида рақс уюштирамиз ва кейинги бир неча кун давомида байрам кечалари ўтказамиз”.

Байрам давомида жамоа улардан сўралган нарсани аниқ тарзда бажараётганини “этироф этадилар”. Улар тўхтовсиз равишда: “Биз Жон ва Лизанинг истагини амалга оширяпмиз – улар биз хурсанд бўлишимизни хоҳлайди” – деб такрорлайдилар. Кейин жамоанинг бир аъзоси: “Дўстлар, Жон қўнғироқ қияпти. Мен унга бизнинг базмимиз ҳақида айтдим, у эса хурсанд бўлди” – дейди. Албатта, бу ёлғон, агар мен чиндан ҳам қўнғироқ қилиб, нималар содир бўлаётганини билганимда, жамоамдан қаттиқ ранжиган бўлар эдим.

Энди тасаввур қилинг, ўринбосаримиз Тим биздан олдинроқ қайтиб келади. У ҳам бунга кўриб жуда хафа бўлади. У муסיқани, ёниб-ўчадиган чироқни ҳамда тутун машинасини ўчиради ва уларга дакки беради: “Жон ва Лизага бу нарса ёқмайди. Сиз уларни нотўғри тушунгансизлар!” – дейди. Сўнг бизнинг қоидаларимизга зид бўлган маданиятга йўл қўйган бўлим раҳбарларини ишдан олиб ташлайди.

Энди келинг, “Йахвеҳ” худосини ўзига қулай тарзда ясаб олган исроилликларнинг ҳатти-ҳаракатларига қайтамиз:

“Эртаси куни халқ дарвақт туриб, тамоман ёндириш қурбонликлари билан тинчлик қурбонликлари келтирди. Кейин ўтириб еб-ичишди ва қўнгилхушлик қилишди” (Чиқиш 32:6).

Бу Йахвеҳга аталган байрам куни эди. Бошқарувчилар ва қолган халқ Унга қурбонлик келтирдилар, сўнг уларни оқизиб юбордилар. Улар ўз ишлари билан “Йахвеҳ”га маъқулмиз деб ўзларини ишонтирдилар. Улар Худо уларнинг еб-тўймас хасислиги, айш-ишрат ва тўлқинли ўйин-кулгусига қарши бўлмайди деб ўйладилар (улар жинсий гуноҳларга ҳам йўл қўйган деб ҳисоблайман). Худо (Йахвеҳ) бундай ахлоқни қабул қилади деб қарор қилишган, бироқ бу Унга умуман маъқул эмас эди.

Энди улар бутпарастликнинг энг алдоқчи шаклига қадам қўйдилар. Улар Йахвеҳнинг – Унга умуман қарама-қарши бўлган нусхасини яратдилар. Бу қалбаки нусха улар ўзлари истаганидек яшаши ва хоҳлаган ишини қилиши учун руҳсат беради. Моҳиятан улар Худога сажда қилишни (Унга қулоқ

солишни) инкор этадиган бошқа мажусий халқлардан ҳеч ҳам фарқ қилмай қолди. Повул улар ҳақда “Ўз хаёлларида беҳудаликка берилдилар” деган (Римликларга 1:21 га қаранг). Ягона фарқ, мажусий халқлар ўз ҳудоларини Дагон, Баал, Хапи, Аммит, Сопду ва бошқа исмлар билан атаганлар, Исроил эса ўз Худосини Йахвеҳ деб атаган.

Шундан сўнг Худо ўзининг ўринбосари бўлмиш Мусога деди: “Ҳозироқ тушгин! Зеро сен Миср еридан олиб чиққан сенинг халқинг бузилди. Улар Мен амр этган йўлдан дарров оғдилар. Ўзларига қўйма буқа ясаб, унга сажда қилдилар, унга қурбонликлар келтириб: “Эй, Исроил! Мана бу – сени Миср еридан олиб чиққан худойинг!” – дедилар” (Чиқиш 32:7, 8).

Мусо қайтиб келди, у ҳисобот талаб қилиши шарт эди. Биринчидан, ўзининг ўрнига қўйиб кетган Аҳарондан, сўнг раҳбарлардан, охирида бутун халқдан. Шундай деб ёзилган: Мусо халқнинг жиловсиз эканини кўрди, чунки Аҳарон халқни жиловсиз қилиб, душманлари олдида масхара бўлишларига йўл қўйган эди. Мусо қароргоҳнинг кириш томонида туриб: “Ким Раббий томонда бўлса, менинг ёнимга келсин!” – деди. Шунда Левининг барча ўғиллари унинг ёнига тўпландилар” (Чиқиш 32:25, 26). Улар ҳам бизга ўхшаб, Раббийнинг олдига фақат Унинг исмини чақириш ва Унга қўшиқ кўйлаш учунгина келмаган эди. Биз Унинг иродаси ва буйруқларига мос равишда яшашга қарор қилиб, У томонда бўлишни танлаймиз.

Хуллас, қаршимизда бир нечта муҳим саволлар турибди.

Биз ўзимиз учун миямизга келган ҳамма нарсани қилишга рухсат берадиган “қандайдир Исо Масих”ни яратмадикмикин?

У бизни дунёдан қутқариш учун Ўз қонини тўккани, бизни қутқаргани ва озод қилганини тан оламизми?

Биз Унга ва У ҳақида, бизга самога йўл очганини кўйлаб туриб, аслида “бизнинг Исо Масихимиз” Отанинг ўнг қўлида ўтирган Исо Масих эмаслиги мумкинми?

Биз ўзимизга Исо Масихга ўхшаган бошқа шахсни ясаб олмадикми?

Мисрдан чиққан исроилликларга ўхшаб, жамоатдаги ёлғонда яшаётган одамларнинг сони қанча?

Яна битта қўшимча савол: Мусога ўхшаб, Худонинг тоғидан тушгач, юрагида адашганларни олов ва севги билан фош қиладиган ўша раҳбарлар кимлар?

Агар шундай раҳбарлар бўлмаса биздаги ёлғон янада кучайиб боради, холос. Криптонит ўлғунимизча бизнинг заифлигимиздан фойдаланишда давом этади.

Ҳаракат қилинг

Бугунги кунда сиз Исо Масиҳга ишонишингизни осонгина айта оласиз. Шунга қарамай, одамларнинг аксарият қисми масиҳийликка қарши кайфиятда, негаки улар биз ва дунёнинг ўртамизда қарийб ҳеч қандай фарқни кўрмапти. Масиҳийлар Исо Масиҳнинг исмини чақирадилар, Худони ҳурмат қиламиз деб айтадилар, бироқ Исо Масиҳ маъқулламайдиган гуноҳли ҳаётда яшайдилар. Мусо Исроилни ҳисобот беришга чақириб, айтганидек: “Ким Раббий томонда бўлса, менинг ёнимга келсин!” Чинакам масиҳийлар туриб, ўз биродар ва опа-сингилларини ҳақиқатга чақириши учун вақт келди.

Исо Масиҳнинг ортидан бориш катта нарх тўлашни назарда тутати. Бизнинг ҳаётимиз ўзимизга тегишли эмас. Бизнинг иродамиз ёки Худога бўйсунди, ёки У бизнинг Худоимиз эмас. У бизнинг барча эҳтиёжларимизни қондиришига ишонамиз. Масиҳийликка даъват қуйидагича жаранглайди – ҳа, келинлар, нажотни қабул қилинлар, аммо сиз ўзингиз учун ўлиб, янги ижодга айланишингиз зарур.

Масиҳийликнинг ҳақиқий даъвати тўғрисида фикр юритинг. Бу мавзуга тегишли бўлган фикрларни ёзиб қўйинг – сиз олдин билган нарсалар ва ҳозир билиб олган янги нарсалар ўртасида қандай фарқни кўраётганингизни ифодаланг. Кейин ўз оилангиздан ёки жамоатингиздан бирор кишини топиб, ушбу фикрлар билан бўлишинг. Унга бу ҳақиқатларни етказинг.

БОШЛАНИШ НУҚТАСИ

Мусо Худонинг тоғидан қайтгунга қадар Исроил, уларни айнан Йаҳвеҳ қутқаргани ва Мисрдан олиб чиққанини тан олсалар-да, бутпарастликка боши билан ғарқ бўлган эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бутпарастлик Худо бизга аниқ кўрсатган ҳақиқатларга итоат этмасликни назарда тутди. Агар биз Исо Масиҳни ўзимизнинг Нажоткоримиз ва Раббимиз деб тан олсак, аммо Унинг ҳокимиятига атайин бўйсунмасак, бу бутпарастликнинг энг ёлғон шаклига айланади.

Келинг, бизнинг “Messenger International” ташкилотимиз жамоасини фараз қилиб олган мисолга қайтамыз. Бизнинг иш бошқарувчимиз Тим ишхонага қайтган ва у ердаги чегарадан чиққан ўйин-кулгуни кўрган заҳоти, молиявий раҳбаримиз Жордандан жаҳли чиқади. Аммо Жордан Тимга оддийгина қилиб: “Биз Жон ва Лиза айтган нарсанинг ўзгинасини қилдик, ахир! Биз хушчақчақ муҳит яратдик!” – дейиши мумкин.

Шунда Тим нима деб жавоб беради? “Ҳа, Жон ва Лиза байрамона муҳит бўлишини истайди, аммо улар бизга берган бошқа топшириқларчи – саккиз соатлик иш кунда тўққиз соатлик маҳсулдорлик, бизга мурожаат этадиган ҳар бир кишига очик кўнгил билан муносабатда бўлиш, кундалик вазифаларни бажариш ва ҳоказолар тўғрисида нима дейсизлар? Сиз у берган топшириқларнинг фақат битта жиҳатига диққат қаратиб, қолган барча ўғитларини четда қолдирдингизлар”.

Биз ҳам бүгун жамоатда шунга ўхшаш ишни қилмаяпмизми? Менинг назаримда, биз Янги Аҳддан бизга ёққан талабларни танлаб оляпмиз. Биз нажот имон орқали иноят билан берилади, биз уни ўз кучимиз билан

ишлаб топа олмаймиз, Худо уни бизга Ўз шафқати бўйича беришини воизлик қиламиз. Биз бир-биримизни севишимиз, ҳаётдан завқланиб яшаш кераклиги, бир-биримизга хизмат қилишимиз, мақтов ва сажда қўшиқларини куйлашимиз, замонавийлигимиз, ажойиб раҳбарларимиз борлиги ва соғлом жамоатни қураётганимизга алоҳида урғу берамиз. Биз буларни жуда катта иштиёқ ва рашк билан айтамиз. Юқорида санаб ўтилганлар яхши услуб ва улар Янги Аҳдда бор.

Бироқ биз камтарлик, муқаддаслик, жинсий покликка риоя қилишга ва порнография каби гуноҳлардан ўзини тийишнинг аҳамиятига эътибор бераяпмизми?

Ўз яқинларимиз ҳамда дўстларимизни бесоқолбозлик, зино, ароқхўрлик, қўпол ҳазиллар, қуруқ гаплар, кечиримсизлик, алам, ғийбатдан қайтараяпмизми ва Янги Аҳдда айтилган бошқа кўплаб муҳим амрлар, ўғитлар ва огоҳлантиришларни уларга эслатаяпмизми?

Биз Исо Масиҳнинг сўзлари жамиятимиздаги қоидалар ва бузуқликларга қарши бўлса ҳам, фақат Унинг сўзларига диққат қилишни тўғри деб биламизми?

Бизнинг маданиятимиздаги фосиқ йўлларни фош қилмайдиган Исо Масиҳни ўзимиз яратишимиз мумкинми?

У нафратланадиган нарсаларни айтишдан қочишимиз ва уларга урғу бермасдан, Унинг фақат жамиятимизга ёқадиган сўзларинигина гапириб яшасак бўладими?

Биз ҳаётга олиб борадиган йўлни кенгайтира оламизми?

Инсон бор-йўғи бир нечта сеҳрли сўзларни қайтарса, у нажот топишига ишона оламизми?

Наҳотки биз қалбаки Исо Масиҳни яратиб олган ва Ёзувда очилган Худога ўхшамайдиган худони ўйлаб топган бўлсак? Нега энди қийин саволлардан, шу қаторда Янги Аҳдда қўйилган саволлардан ўзимизни олиб қочамиз? Повул бирортамиз ҳам буни эътибордан четда қолдирмаслигимиз кераклигини айтган:

“Шунинг учун бугун сизларга гувоҳлик бераяпманки, мен ҳеч кимнинг ҳалокатида айбдор эмасман, чунки Худонинг бор режасини сизларга яширмай эълон қилдим” (Ҳаворийлар 20:26, 27).

Повул Хушхабардаги нуқул ёқимли сўзларнигина гапирмаган, балки Худо бизга очишни истаган барча ҳақиқатларни очишга уринган. У

бизнинг молиявий раҳбаримиз сингари мен билан Лизанинг гапимизни фақат ёқимли томонини етказадиган киши эмас. Мана, бу оятнинг яна бир таржимаси: “Худонинг бор иродасини сизларга эълон қилишдан чекинмадим”. Бошқа таржимада эса ёзилган: “Мен сизларга Худонинг бор ниятини, режасини ва маслаҳатини етказишда ҳеч нарсадан қўрқмадим ва уялмадим” (инглизчадаги “Amplified Classic” дан таржимаси).

Борди-ю биз Янги Аҳддаги ноқулай таълимотдан қочадиган бўлсак, Повулга ўхшаб: “Ҳеч кимнинг ҳалокатида айбдор эмасман” – деб айта олмаймиз. Агар Янги Аҳддаги бош мавзуларни эълон қилишдан қўрқсак, бунинг оқибати аниқ шунга олиб келадими? Бор ҳақиқатни етказиш бизнинг қўлимизда, аммо биз бундай қилишдан қочамиз. Наҳотки одамлар келгуси йиғинга ёки ўй гуруҳига келмай қўйишидан қўрқсак? Биз масиҳийлик маданиятида анча йиллардан бери Ёзувдаги кўпгина қийин саволлардан қочиб келаётганимиз учун, бугун ўз эътиборсизлигимизнинг ҳосилларини ўрмоқдамиз. Афсуски, аксарият кишилар қонунсизлик йўлидан бормоқдалар. Буни кўрсатиш учун сон-саноқсиз мисоллар келтиришимиз мумкин. Мен биз нуфузли хизматкор, кенг кўламдаги муаллиф ва анжуманларда нотиқлик қиладиган машҳур аёл хизматчини эслайман. 2016-йил у ўз никоҳи ниҳоясига етганини маълум қилди (буни қандай тушунсангиз тушунинг). У ўз эри билан ажралди ва бугун бу китобни ёзаётган вақтим, у бир аёл билан яшаб юрибди, яқинда эса улар унаштирилгани ҳақида хабар беришди.

У ўзининг саҳифасига обуна бўлган кишилар учун доимий равишда улар қандай ҳаёт кечираётгани ҳақида тинимсиз ёзиб туради. У ўзининг бир хабарида ўша аёл билан қайноқ тарзда ўпишаётган расмини қўйди ва тагига, бу муносабатлар, ҳар лаҳзаси “муқаддас” бўлган ҳаёт йўли олиб келганини ёзиб қўйди. Ёзув “муқаддаслик”ни бошқача таърифлайди. Менинг юрагим у учун йиғлайди. Бу “Хушхабар хизматчиси” ўзини Худонинг қаршисида ҳақ деб ўйлайди ва одамларга ёрдам беришни, уларга хизмат қилишни ҳамда уларни севишни истайди, бироқ у астойдил адашяпти.

Унинг издошлари томонидан сон-саноқсиз қўллаб-қувватлаш ва рағбатга тўла изоҳлар мени ундан ҳам кўпроқ ташвишга солади. У мактубларини Худонинг номидан ёзади, унинг саҳифасига обуна бўлганлар эса уни маъқуллайдилар. Бугун унинг машҳурлиги ошса-ошяптики, лекин пасайгани йўқ. Буни кузатиш нақадар аччиқ, аламли, оғир ва даҳшатли.

Америка жамоатларидан биридаги жуда машҳур бошқарувчи ҳақидаги яна бир фожиали мисолни келтираман. У яқинда интернетдаги саҳифасининг ҳамма обуначиларига ва жамоатларга биз ҳеч қандай шубҳа-гумонсиз

бесоқолбозлар жуфтлигини қабул қилишимиз керак – улар Масихнинг ҳаққоний издошлари деб эълон қилди. У безоқолбозлар билан узоқ вақт давомида мулоқотда бўлгач, шундай қарорга келганини ва уларнинг ўзаро муносабатлари эркак ва аёлнинг муносабатларидан ҳеч ҳам фарқ қилмаслигини айтди. Бундай ҳулосага фақат, Янги Аҳддаги айрим оятларга атайин оёқ қўйиш ва Муқаддас Китобнинг бутун мазмунини инобатга олмаслик орқали келиш мумкин холос. Аҳарон ва олтин бўзоқ воқеасидек кўпчилик одамлар раҳбарнинг гапига кириб ҳақиқатдан юз буришди.

Бу фожиали ёлғон. Ғарбий хизматнинг фалсафасида сохта Масих пайдо бўлди, шу боис гуноҳкорлар ҳақиқий Наҳоткорни топиши кундан-кунга қийинлашмоқда. Биз: “Ҳақиқий Масих шундайми? Худонинг иродаси шуми? Наҳотки чинакам севги фақат эзгулик, сабр-тоқат ва одамларга ёрдам бериш билан белгиланса?” – деб савол бериб кўришимиз зарур. Бу сифатларнинг бари жамиятимизда тўғри, яхши ва оммабоп ҳисобланади. Шунга қарамай, биз Ёзувдаги севгига берилган таърифни менсимаслигимиз мумкинми: “Худони севиш – Унинг амрларига риоя қилиш демакдир. Унинг амрлари эса оғир эмас” (Юҳаннонинг 1-мактуби 5:3). Наҳотки биз севгига ўз таърифимизни бериш учун Янги Аҳдни қисман воизлик қилишга рози бўлдик?

Тавбага эҳтиёж

Хушxabарни бундай бузиб воизлик қилиш тавбанинг йўқлиги натижасида юзага келмадимикин? Наҳотки китоблар муаллифи бўлган бу аёл, бу чўпон ва бошқа кўпгина хизматкорлар Исо Масихнинг ортидан бориш учун гуноҳдан ўзини тийиш кераклиги ҳақида ҳеч қачон эшитмаган бўлсалар? Ёки уларнинг ўстозлари барчамиз учун ўрганиш бўлиб қолган: “Исо Масих, ҳаётимга кел ва мени масиҳийга айлантир” – деган оддий ибодат билан чекланадиларми?

Повулнинг гапларига қўлоқ солинг:

“Мен фойдали бўлган ҳеч бир нарсани ўзимда тутиб турмасдан, сизларга эълон қилар ва халойиқ олдида ҳамда уйларда таълим берар эдим. Мен Худонинг олдида тавба қилиш ва Раббимиз Исо Масихга имон келтириш ҳақида яҳудийларга ҳамда юнонларга гувоҳлик берар эдим” (Ҳаворийларга 20:20, 21).

Фақат битта мактуб! Гуноҳларга тавба қилиш – бу биринчи қадам! Тавба қилиш – Худонинг фарзанди бўлиш учун мажбурий шарт, бу бизнинг

хоҳишимизга боғлиқ эмас. Шундай бўлса-да, одатда одамларга нажот ҳақида тушунтирганимизда ва уларга буни таклиф қилганимизда, биз кўпинча тавба қилиш кераклигини тилга олмаймиз.

Бир неча йил аввал Муқаддас Рух менга: “Марк Хушхабарининг биринчи бобини ўқиб чиқ” – деганини эшитдим. Мен биринчи бобни бир нафасда ўқиб чиқдим ва у ерда олдин тушунганларимдан бошқа ҳеч қандай янги нарса менга очилмади. Муқаддас Рух: “Яна бир марта ўқи” – деди. Мен яна бир марта ўқидим ва барибир янги нарсага кўзим тушмади. У учинчи, тўртинчи ва бешинчи марта ҳам шундай деб буюрди. Мен бобни беш марта ўқиб чиқдим-у, лекин ҳеч нарсани кўрмадим. Бу нарса тахминан етти марта такрорланди. Ниҳоят мен секин ўқишни бошладим ва бу сафар бобнинг биринчи гапи варақдан отилиб чиққандек бўлди:

“Худонинг Ўғли Исо Масих хушхабарининг бошланиши” (Марк 1:1).

Кейинги сўзлар менга калит бўлиб хизмат қилди: “Мана, Мен Сенинг юзинг олдидан Сенинг йўлингни тайёрлайдиган Ўз фариштамни юборяпман” (Марк 1:2). Бу оятда айтилган фаришта Яхё чўмдирувчи эди. У “тавбага чўмдириш” хизматини олиб борган эди. Чўмдирилиш қисман эмас, тўлиқ чўмиш деган маънони билдиради. Яхёнинг тўлиқ тавба қилиши ҳақидаги Мактуби – Хушхабарнинг бош нуқтаси (йўлга тушиш нуқтаси) ҳисобланади. Ҳеч ким чинакам тавбасиз Исо Масих билан самимий муносабатларга эриша олмайди.

Шунда Муқаддас Рух менга деди: “Ҳар бир Хушхабарнинг бошида Яхёнинг хизмати тўғрисида ёзилган. Яхёнинг воқеаси Эски Аҳднинг бирорта ҳам китобида йўқ, негаки бу мактуб Янги Аҳд Хушхабарининг муҳим қисми ҳисобланади”.

Сўнг Муқаддас Рух мени Исо Масихнинг сўзларига диққатимни тортди:

“Зеро барча пайғамбарлар ва Қонун Яхё кунларигача пайғамбарчилик қилганлар” (Матто 11:13).

Мен жойимдан сакраб туриб: “Ҳа, худди шундай!” – деб ҳайқириб юбордим. Исо Масих: “Барча пайғамбарлар ва Қонун Менгача (Исо Масихгача) пайғамбарчилик қилганлар” – деб айтмаган. Йўқ, негаки Яхё чўмдирувчининг тўлиқ тавба ҳақидаги мактуби – Янги Аҳд Хушхабарининг бошланиш нуқтасидир. Сиз ўз гуноҳларингизга тўлиқ тавба қилгандан сўнггина, Исо Масих билан муносабатга эга бўла оласиз.

Тавба – бу биринчи эшик!

Жастин ва Анжелла ҳақидаги воқеа ҳамда қизнинг никоҳ тўғрисидаги ғалати тушунчалари ёдингиздами? У собиқ хушторлари билан хайрлашмади. У Жастинни кучли севар эди, эри у учун энг яқин инсон бўлиб, вақтининг кўп қисмини фақат у билан ўтказишни режалаштирган эди. Шундай бўлса-да Жастин билан никоҳ қуриш, бошқа эркаклар билан ҳар қандан (жоний, ҳиссий ва жинсий) муносабатларга чек қўйиш эканлигини унга ҳеч ким айтмаган эди. Бу қарор у учун бошланиш нуқтаси ёки Жастин билан аҳдлашув муносабатларининг боши бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Эри у Тони билан учрашувга кетаётганини эшитиб, жаҳли чиққанидан у лол қолди. Эри нимадан хафа бўлди? У: “Наҳотки у рашк қилаётган бўлса?” – деб анқайиб қолди. Ҳа, у рашк қилди ва бунга унинг ҳаққи бор. Худо бизни рашк қилади, бошқача бўлиши мумкин эмас. Биз У билан аҳдлашдик, энди қандай қилиб орамизга жазманимизни қўшамиз?

Наҳотки Яҳёнинг: “Гуноҳларингиз учун тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлашди!” (Матто 3:2) – деган Ёзувдаги биринчи сўзлар тасодифан ёзилган бўлса?

Ахир, бу ҳақда фақат Яҳё гапирганми? Янги Аҳда худди шу сўзларни такрорлайдиган бошқа овозлар йўқ деб ўйлайсизми? Йўқ, бундай эмас! Исо Масиҳнинг қуйидаги сўзларини ўқиб кўринг:

“Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлашди!” (Матто 4:17).

Бизнинг Раббимиз ва Шоҳимиз Худо билан узоқ давом этадиган муносабатлар қуриш учун тавбанинг аҳамияти катта эканини билган. У одамларнинг Худога тегишли бўлиши учун, айнан шу жиҳатдан фойдалангани жуда ҳайратли.

Кейинроқ Исо кўплаб мўъжизалар яратган шаҳарлардаги одамлар ўз гуноҳларига тавба қилмагани ва Худога юзланмагани учун уларга тана қилди (Матто 11:20 га қаранг).

Инсон қилиши керак бўлган ягона нарса – бу “Худо билан ярашиши” бўлганда эди, Исо бошқа нарсаларга эътиборимизни қаратмаган бўлар эди. Анжелла Жастинга ўзини тўлиқ бағишлаши учун собиқ севгилиларини унутиши керак бўлганидек, биз ҳам Исога ўзимизни тўлиқ топширишимиз учун гуноҳларимизга тавба қилишимиз зарур.

Биз бу ҳақиқатга қайта ва қайта дуч келамиз, чунки бу Исо Масиҳ мактубининг қоқ юраги ҳисобланади. У: “Мен ҳақ кишиларни эмас, балки гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман” (Луқо 5:32) – деб айтган. Тавбага деган сўзга эътибор беринг. Бу мажбурий шарт. Бошқа жойда

эса Исо бир гуруҳ одамларга қарата: “Сизларга айтаманки, йўқ! Лекин тавба қилмасангизлар, сизларнинг ҳаммангиз ҳам худди шундай ҳалок бўласизлар” (Луқо 13:3) – деган.

Худога тавбасиз яқинлашишнинг имкони йўқ экани – бу ҳақиқат.

Келинг, Масиҳнинг шогирдлари Хушхабарни қандай эълон қилгани ва ўзларига илк бора топширилган хушхабарчилик хизматида қандай воизлик қилганига қараймиз: “Шогирдлар бориб, одамларга тавба қилишни воизлик қилдилар” (Марк 6:12).

Одамларга сўзига эътибор беринг. Тавбасиз нажот йўқ экан, бу ҳақда одамларга айтиш жоиз! Ҳатто, дўзахда ёнаётган бой ҳам гуноҳлар учун тавба қилиш муҳимлигини билган:

“У эса деди: –Йўқ, Иброҳим ота, агар ўликлардан бири уларнинг олдига борса, ўшанда тавба қиладилар” (Луқо 16:30).

Масиҳ тирилганидан сўнг нима содир бўлди? Наҳотки Унинг мактуби ўзгариб қолган бўлса? Луқо шогирдларга Масиҳнинг намоён бўлганини сўзлаб берган. Раббий уларнинг юраги тошбағр эканини тана қилиб, кейин ҳақиқатни тушунтирди. Масиҳ Унинг келишигача яшаган пайғамбарларнинг сўзларини такрорлади:

“Шунингдек, Йерусалимдан бошлаб барча халқларда Унинг номи ҳақи тавба қилиш ва гуноҳлар кечирилиши воизлик қилиниши керак” (Луқо 24:47).

Пайғамбарлар фақат тавба қилиш орқали Нажоткордан кечиримга эга бўлиш мумкинлигини айтиб кетишган ва ҳаворий Петъор ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаган. Унинг Эллигинчи кунда катта иштиёқ билан Худони изловчиларга қандай нажот топиш мумкинлигини қайси сўзлар билан бошлаганини ўқинг:

“Петъор эса уларга деди: – Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номига чўмдирилинглар ва Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар” (Ҳаворийлар 2:38).

Биз тавбасиз Худо билан ярашиш имконсиз эканини яна бир бора гувоҳи бўляпмиз. Повулчи? Наҳотки у ўз мактубини мажусийлар учун ўзгартирган бўлса? Асло йўқ:

“...Мен самовий ваҳийга итоатсизлик қилмадим. Лекин аввал Дамашқ ва Йерусалим аҳолисига, кейин бутун Яҳудия юртига ва мажусийларга воизлик қилиб юрдим, токи улар тавба қилиб ва Худога ўгирилиб, тавбага лойиқ ишларни қилсинлар” (Ҳаворийлар 26:19, 20).

“Улар тавба қилсинлар” деган жумлага эътибор беринг. У “тавба қила олиши учун” ёки “тавба қилса яхши бўлар эди” демаган. Ундай эмас! Повул: “Улар тавба қилсинлар” – деб таъкидлаган.

Повул ҳар бир киши, яҳудий учун ҳам ва мажусий учун ҳам ушбу нажот талабини Худонинг Ўзи ўрнатганини тушунтирмоқда.

“Мана, Худо билимсизлик даврларини четга қўйиб, энди ҳамма ерда ҳамма инсонларга тавба қилишларини буюрмоқда” (Ҳаворийлар 17:30).

Исо Масиҳ таълимотининг негизига қарасангиз, у ердаги биринчи бўлим нимадан бошланишини фаҳмлаб оласиз деб ўйлайман:

“Шунинг учун Масиҳ таълимотининг бошланғичларини қолдириб, баркамолликка интилайлик. Шундай қилиб, яна ўлик ишлардан тавба қилиш чўмдирилишлар, қўлларни қўйиш, ўликлар тирилиши ва абадий ҳукм ва Худога имон келтириш ҳақидаги таълимотнинг асосини солиб ўтирмайлик” (Ибронийларга 6:1, 2).

Бундай буйруқ Янги Аҳддаги фақат мана шу оятлар билан чекланиб қолмаган, лекин мен гуноҳлардан тавба қилиш муҳимлигини кўрсатиш учун етарлича оятлар келтириб ўтдим. Худога итоатсизлик учун тавба қилмай, Раббимиз Исо Масиҳга имон келтиришнинг ҳеч имкони йўқ.

Шундай экан, борди-ю биз порнографиядан воз кечмас эканмиз, ўзимизни масиҳий деб ҳисобламасак ҳам бўлади.

Биз никоҳдан ташқарида бўлган жинсий муносабатларга чек қўймагунимизча, имонлиман дея олмаймиз.

Масиҳий бўлсак бесоқолбозлик муносабатларини қолдиришимиз зарур.

Ўзимизни имонли деб билсак, солиқ тўлашдан бош тортмаслигимиз лозим.

Агар ҳаётимизда жинсий бузуқликка йўл қўядиган бўлсак, биз ўзимизни Масиҳнинг шогирдиман деб аташга ҳаққимиз йўқ.

Юрагимизда кечиримсизлик бор экан, ўзимизни масиҳий деб ҳисоблай

олмаймиз. Бу рўйхатни бемалол давом эттириш мумкин.

Янги Аҳднинг талабларини танлаб бажариш учун оёқ тираб олсак, демак, биз ўзимизга “Масиҳнинг нусхаси”ни яратган бўламиз. Биз юрагимизда адашяпмиз, имонимиз эса шунчаки хаёл. Ёзув бизни огоҳлантириб, шундай дейди:

“Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас, балки бажарувчилари бўлинглар” (Ёқуб 1:22).

Худони излайдиган одамлар ҳақиқатни қаердан эшитадилар, агар биз уларга айтмасак? Бошқарувчилар сифатида биз қандай қилиб, одамлар қандайдир тарзда ўзлари бу ҳақда билиб олади деб ўйлашимиз мумкин? Агар биз уларга фақат: “Сен Худодан узоқдамисан? У сени уйга қайтишингни кутмоқда. Бунинг учун мен билан бирга ибодат қил” – деган даъват билан мурожаат этишимизнинг ўзи, наҳотки бу уларга нисбатан чинакам севги деб ҳисобланса?”

Борди-ю биз шундай деб ўйласак, унда Анжелланинг ота-онасидан ва никоҳ ҳамда оила ҳақида таълим бераётган бошқа барча одамлардан умуман фарқимиз қолмайди. Улар қизига – у Жастинга турмушга чиқишни истаса, бошқа эркаклардан умидини ўзи зарурлигини айтишни унутдилар. Наҳотки улар қизи охир-оқибат бунинг ўзи тушуниб етади деб ўйлаган бўлсалар? Энди Анжела таажжубда ва довдираб қолган. Уни севган ва уларнинг никоҳ аҳдига чиндан ҳам содиқ бўлган Жастин эса ғазабда.

Бизнинг тингловчиларимиз ким бўлишидан қатъий назар, биз одамларга айтишимиз зарур бўлган фақат битта Хушхабар мавжуд: биринчидан, ўзимизга маълум бўлган барча гуноҳларимиз учун тавба қилишимиз зарур, сўнг Худога юзланишимиз керак. Тавбасиз ҳаққоний имон келмайди.

Бугунги кундаги хушхабарни воизлик қилишда имонлилар Худога чанқоқ бўлган одамларга биринчи навбатда ишониш ва ибодат қилиш кераклигини айтадилар, сўнг – бир неча ҳафта, ой, ҳатто йил ўтгач, гуноҳлари тўғрисида гапиришни бошлайдилар. Лекин ўша одамлар аллақачон нажот топганига аминлиги учун, вақт ўтгач, уларда тавба қилиш истаги туғилмаслиги эҳтимоли бор.

Анжелла Жастинга турмушга чиқишга қарор қилмасдан аввал бу ҳақиқатни билмагани учун афсусланди. Агар биз ҳам одамларга нажот топиш учун нималар кераклигини очиқ-ойдин айтмасак, жамоатда хавфли ҳолатдаги одамларни вояга етказамиз.

Ҳаракат қилинг

Янги Аҳд равшан мактубни етказмоқда: гуноҳларга тавба қилишсиз нажот йўқ. Дунё билан муносабатлардан воз кечмай туриб, Масихнинг келини бўлиш имконсиз. Янги ҳаёт бошлаш йўлида эски ҳаёт учун ўлиш зарур.

Борди-ю сиз бир мунча вақтга жамоатчилик билан алоқанинг мутахассиси бўлиб қолсангиз, ўз мулоҳазаларингизни биллурдек тиниқ тарзда етказишингиз муҳимлигини англаб етасиз. Агар шундай қилмасангиз, тингловчилар сизни тушунмаслиги ва хабарингиз ўз мақсадига эришмаслиги мумкин. Худо бuni билади. Айнан шу боис у бизга тавба қилишимиз кераклигини ҳаддан зиёд аниқ равишда кўрсатди!

Ҳозирга қадар бу китобни ўқиш жараёнида, эҳтимол сиз бир неча марта тавба қилгандирсиз, бироқ бу боб сизга тавбанинг муҳимлигини яна қай тарзда очиб беради? Энди, сиз бу ҳақда эшитгач, ҳаётингизда нималар ўзгарди? Сизнинг дунё билан, яқинларингиз ва имонсизлар билан ўзаро муносабатингиз қандай түс олди? Худодан тавба қанчалик муҳимлигини тушунган ҳолда, ҳаётингизда қандай аниқ ҳаракатлар қилишни бошлашни кўрсатишини сўранг. Ҳар доимгидек У айтган нарсаларни ва ҳаракат қилиш учун режани ёзиб қўйинг.

ТАВБА

Ўтган бобда Ёзувдан: “Гуноҳларингизга тавба қилинглар ва Худога юзланинглар” – деган ҳақиқатни бир неча марта ўқидик. Абадий ҳаётга эришиш учун тавба қилишни танлаш бизнинг қўлимизда эмас, балки бу бажарилиши керак бўлган шарт ҳисобланадиган бўлса, келинг, бунини батафсилроқ ўрганиб чиқамиз. Биз бу ҳақиқатни очиб борган сари, бу масиҳийлар Худо билан яқин муносабатларга эга бўлишида энг муҳим аҳамият касб этишининг (кейинги бобда) гувоҳи бўламиз.

Биринчидан, Янги Аҳддаги тавба Эски Аҳддаги тавбадан фарқ қилишини унутмаслик лозим. Эски Аҳдда Худонинг халқи тавба қилганида абгор кийим кийиб, ўзига кул сепган. Улар баланд фарёд кўтариб, ерга йиқирилишган ва тавбани кўрсатиш учун кўп кўз-ёшлар тўккан. Бу тавбанинг, итоаткорликка ва Худога қайтишнинг ташқи томони эди. Бироқ Янги Аҳдда ташқи кўринишга эмас, балки юракка урғу берилганини кўрамиз.

Янги Аҳддаги тавбанинг мазмуни

Янги Аҳддаги от шаклидаги “тавба” (metanoia) ва феъл шаклидаги “тавба қилиш” (metanoeo), ўзаро мос равишда йигирма тўрт ва ўттиз тўрт марта учрайди. Бу сўзнинг энг кенг тарқалган ва оммабоп таърифи – “онгнинг ўзгариши” деб айтилади. Аммо фақат манашу икки сўзда тўхтаб қолсак, биз ҳақиқий таърифнинг мазмунини йўқотамиз.

Муқаддас Китобнинг “Baker Encyclopedia of the Bible” энциклопедиясида тавба – бу “онгнинг нафақат шахсий режа, ният ва эътиқодида, балки

шахсни тўлиқлигича (ёзма ҳарфлар билан ёзилган сўзлар мен томонимдан қўшилган) гуноҳкор ҳаёт тарзидан Худога нисбатан тўғридан-тўғри ўзгариши” деб айтилган.

Менга шахсни тўлиқлигича деган ибора ёқади. Мен онгимни ўзгартиришим мумкин, бироқ охиригача ишонмаган ҳолда қолиб кетишим мумкин. Олимлар бу сўзлар билан, фақатгина онгинг ёки ақлнинг ўзгариши камлик қилишини кўрсатмоқда. “The Lexham Theological Wordbook” луғати янада чуқурроқ таърифлайди ва тавба – инсон онг ва иродасини гуноҳдан узоқлаштириб, Худога йўналтирадиган жараён” деб тасдиқлайди.

Албатта, тавба қилишда онг иштирок этади, аммо фақат битта онг камлик қилади, тавба бизнинг ирода ва ҳиссиётимизни ҳам ўз ичига олади. У биз ички инсонимизга тўлиқликда англайдиган жойгача, яъни юрагимизнинг тубигача кириб боради. Исо Масих шундай деган:

“Чунки юракдан чиқадиган ёвуз фикрлар, қотиллик, зино, фоҳишабозлик, ўғирлик, сохта гувоҳлик, кўфрлик – мана булар одамни ҳаром қилади. Ювилмаган қўллар билан ейиш одамни ҳаром қилмайди” (Матто 15:19, 20).

Ҳатти-ҳаракатларимиз хоҳ тасодифий бўлсин, хоҳ одатий бўлсин, улар ички инсонимиздан чиқади. Агар чинакам тавба учун фақат ақлнинг ўзи етарли бўлганда эди, Исо бизнинг ҳаракатларимиз онгимиздан чиқади деб айтган бўлар эди. Ёзувда: “Чунки унинг кўнглидаги фикрлари қандай бўлса, ўзи ҳам шундайдир...” – дейилган (Ҳикматлар 23:7). Биздаги ҳаётни ички қабул қилиш қобилиятимиз бизнинг ҳатти-ҳаракатларимизни, муносабатимизни ва шу тарзда, умуман бизнинг қандайлигимизни белгилайди.

Эҳтимол сиз: “Менинг қандайлигимни менинг ҳаракатларим аниқлашини истамайман” дейишингиз мумкин. Қўшиламан, бу нарсани билиш бизга ёқмайди, бироқ биз Исонинг: “Уларни ҳосилларидан билиб оласизлар” (Матто 7:16) – деган сўзларини инкор эта олмаймиз. Ҳақиқат шундаки бизнинг қандайлигимизни ниятларимиз эмас, ҳаракатларимиз ва қилган ишларимиз белгилайди.

Атиги шу нарсани билишнинг ўзи бизга Хушxabарнинг кучини кўрсатиб турибди. Чунки бу ҳақиқат бизнинг ичимиздаги фикрларни ўзгартиришга қодир бўлгани учун, у ҳаракатларимизни ҳам ўзгартиради. Хушxabарнинг чинакам таъсири янги тафаккур ёки муносабат, ҳиссиётда эмас, балки ҳақиқий янгиланган юриш-туриш билан бошқарилган эътиқод ва идрокнинг чуқур ўзгаришида намоён бўлади.

Тавба биз ҳақиқат томон уйғонганимизда ва бизнинг ҳаёт фалсафамиз ёки ҳаракатларимиз Яратувчининг табиатига зид эканини теран англаганимизда содир бўлади. Буни юракдан тушуниш нафақат дунё қарашимизни, қолаверса истак ва ҳаракатларимизни ҳам ўзгаришига олиб келади. Биз Худо маъқулламайдиган нарсани ишташимиз ва севишимизни билсак, ич-ичимиздан ўзгаришга, бундай ишлардан воз кечишга қарор қиламиз ва ҳатто, улардан нафратланишни бошлаймиз. Тавба – ҳаққоний тарзда ўзини кўниктириш, ўзини кўниктириш эса Худонинг инъом сифатида берилган иноятига эшик очади. Унинг инояти бизга художўй ҳаётда яшаш учун қобилият ва куч беради.

Имонсиз

Имонли киши ҳам, имонсиз киши ҳам тавба қилиши мумкин, лекин улар бир-биридан сал бошқачароқ тарзда тавба қиладилар. Келинг аввал имонсиз кишининг тавбасига қараймиз.

Биз ўтган бобда, Янги Аҳддан Яҳё Чўмдирувчи, Исо Масих ва Унинг шогирдлари: “Тавба қилинлар ва Худога юзланинлар” – деб такрорлагани ҳақида мисоллар келтирдик. Ушбу икки топшириқ ўзаро боғлиқ ва уларнинг бири бошқасидан ҳоли равишда бўлиб кела олмайди. Бошқача қилиб айтганда, бири бошқасисиз амалга ошмайди, чунки улар битта танганинг икки томонига ўхшайди. Муқаддас Китобдаги тавба барча маънода Худога юзланишни назарда тутати. Худога юрагини чинакам очаётган одам шундай деб эълон қилади:

“Мен ўзимга нима яхши эканини, ўзим танлаганман, бироқ энди адашганимни англаб етдим. Бундан кейин Худо мен учун яхши деган нарсани чин қалбим, онгим ва ҳаракатларим билан қабул қиламан ва бунга ишонаман”.

Бундай киши юрагида (яъни онги, ҳисси ва иродаси билан) Худонинг иродасини бажаришга қарор қилади. Унинг ажралмас марҳамати, бундан кейин Худонинг овозини эшитиш бўлиб хизмат қилади. Исонинг сўзларини яна эслатиб ўтаман: Ким Унинг иродасини бажармоқчи бўлса, бу таълимот ҳақида ...билиб олади” (Юҳанно 7:17). Имонсиз киши тавба қилганида ўзбошимча ҳаётдан тўлиқ Худога бўйсунушга қараб бурилади, шу аснода унинг юраги Худонинг овозини эшитиш учун очилади.

Имонсиз киши чинакамига тавба қилганида, у бутпарастликдан воз

кечади ва бутунлай Худого итоат этишни ҳамда Уни эшитишни танлайди. Моҳиятан, бундай киши дейди: “Мен энди Худонинг Сўзига зид бўлган фикр, эътиқод, хулоса ва далилларни қабул қилмайман”. Повул дадиллик билан айтган:

“Чунки жангимиздаги қуроллар тана измига оид эмас, балки истехкомларни барбод қилиш учун Худо томонидан қудратлидир. Булар билан Худони таниб - билишга қарши кўтариладиган ҳар қандай хаёл ва кеккайишни йиқитамиз ҳамда ҳар қандай фикрни Масихга бўйсунитиш учун асир қиламиз” (Коринфликларга 1-мактуб 10:4, 5).

Худонинг қурол-аслаҳаси – бу Унинг Сўзи, донолиги ва маслаҳати. Танавий қурол-аслаҳа эса – бу фалсафа, маданият, анъана, қонун-қоидалар ва жамиятда қубул қилинган ҳамда Худонинг Сўзига зид бўлган ҳаёт тарзи. Сиз: “Дунёда танавий қурол ҳам борми?” – деб сўрашингиз мумкин. Ҳа, бу масиҳий Худого қарши бориши учун дўзахнинг дунёвий тизими орқали доимий сиқувидир.

Юқорида келтирилган матндаги “барбод қилиш” ва “йиқитамиз” сўзларига эътибор беринг. Бу сўзлар Муқаддас Китобда кўпинча одамлар бутпарастликдан қайтганлигига нисбатан ишлатилган. Исроил ўзлари қурган бутларни барбод қилган, йиқитган, йўқ қилган ва синдирган. (Улар нима қилганини эслаб қолинг; бутпарастликнинг негизи – бу ҳаммага аён бўлган гуноҳнинг одатий кўринишидир. Улар айнан шу нарсани барбод қилишган, шунчаки ҳайкални эмас.)

Повул ҳам манашу қоида ҳақида гапирмоқда. Биз Масихдан узоқлашган аёл ва эркаклардаги танавий фикрларга қарата Худонинг Сўзини ишлатамиз. Бунинг натижасида тингловчилар тавба қиладилар ва барча қотмаларни, Худого қарши бўлган ниятларни ва Худонинг ҳокимиятига нисбатан итоатсизликни синдирадилар. Аслида айнан манашу гуноҳлардан тавба қилиб, Худого юзланиш ва озодлик олишни англатади.

Фалсафалар аро фарқ

Шу аснода бугунги кундаги, айниқса Ғарбдаги хизматнинг энг катта фалсафий жиҳатига етиб келдик. Раҳбарларнинг кўпчилиги ўз мактубларида, гуноҳкорларни қўлга киритиш учун Хушхабардаги фош қилмайдиган томонларга урғу бериш лозим деб ўйлашга ўтдилар. Бошқача

қилиб айтганда доим ижобийликда қолиш ва тавбани талаб қиладиган гуноҳларни тилга олмаслик керак. Биз бундай ёндошув билан, англаб ёки англамасдан, ўз молининг нуқул устун томонларини айтиб, шу билан бир қаторда унинг камчиликларини яширадиган сотувчига айланиб қоламиз. Афсуски, гуноҳкорларни Худога олиб келишда бундай тафаккур қарийб одатий услубга айланиб қолди.

Хизматдаги ушбу янглиш фалсафа иккита афзалликка эга. Биринчидан, биз одамларни “калтаклаш” имконидан ўзимизни маҳрум қиламиз. Ҳеч қандай ачиниш ҳиссига эга бўлмаган қонунпарастлик, айрим одамларнинг ўзини ҳақ қилиб кўрсатиш, ҳаракатларни назорат қилиш ва обрўлиларнинг таҳсинига эга бўлиш истаги туфайли кўпроқ қонунга амал қилишга диққат қаратади. Қонунпарастлик ҳиссизлиги туфайли одамларнинг қалбини яралайди. Негаки Исо Масиҳнинг номи билан воизлик қиладиган кишилар ва муассасалар уларни “калтаклагани” учун, улар Худони қаердан излашни билмай қоладилар. Қонунпарастлик, одамлар Худо билан ҳаққоний муносабатлардан узоқлашганининг бирламчи сабаби экани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Исо қонунпарастлик “хизмати”нинг оқибатларини санаб ўтган: “...сизлар одамларга Осмон Шоҳлигини бекитиб қўйяпсизлар. Ўзларингиз ҳам унга кирмаяпсизлар ва кирмоқчи бўлганларга ҳам йўл қўймаяпсизлар” (Матто 23:13).

Шу боис биздаги қонунпарастликдан қутулиш истагини тушунса бўлади, лекин бошқа чегарадан ҳам чиқиш керак эмас. Наҳотки биз қўрқув туфайли Янги Аҳднинг ҳақиқий маънодаги хизматидан қочамиз ва бошқа чегарадан чиқиб, яна одамларга зиён келтирамиз? Наҳотки гуноҳни фош қилишдан бош тортамиз ва қонунпарастликнинг ҳар қандай кўринишидан нарироқ юриш учун одамларни тавбага чақиришни тақиқлаймиз? Биз туғиш пайтида бўлганидек сув билан бирга болани ҳам чиқариб ташламаяпмизми?

Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ лозим, чунки бугунги кунда меъёрга айланиб қолган ҳудожўйлик Ёзувга қарши боряпти. Муқаддас Китоб тавба зарурлигини айтиб турган бир пайтда, қандай қилиб одамларга нажотни тавбасиз таклиф қилишимиз мумкин? Биз чекланган Хушхабар билан жамоатга олиб келаётган ўша одамлар, чиндан ҳам нажот топаяпдиларми?

Тавбани олиб ташлашнинг иккинчи “афзаллиги”, шу аснода одамларнинг имонга келиши ва катта хизмат, жамоат ёки уй гуруҳини қуриш осонроқ. Биз Аҳароннинг хатоси ортидан халқнинг кўп қисми борганини унутиб қўймадикми? Наҳотки одамларнинг сони бизнинг Худонинг юраги билан бўлган алоқамизни белгилайди? Жамоат аъзолари эмас, балки ҳақиқат – аниқловчи омил ҳисобланади.

Наҳотки биз Масиҳнинг тўлаган нархини унутиб қўйган бўлсак? Наҳотки

Унинг гуноҳни ташлаш (ўзингдан воз кеч) ва ўз хочини олиш (Худого тўлиқ бўйсуннишга тайёрлик) ҳақида кўп марта айтган ўғитларига менсимаслик билдирамыз?

Борди-ю биз доимий такрорланаётган гуноҳга қарши гапирмасак, Масиҳни қабул қилган киши Худонинг Сўзи билан эмас, балки жамиятимизнинг одатлари бўйича яшашда давом этади. Жамиятимизда ёқтирган кишинг билан никоҳ қурмай туриб ҳам, бирга яшаш ва ётиш, бесоқолбозлик муносабатларига эга бўлиш ва бу никоҳни билдирмаса ҳам шундайлар билан никоҳ қуриш, ароқ ичиш, банг ва бошқа гиёҳванд моддаларни қабул қилиш, пасткаш ва бузуқ кулгули кўрсатувларни, видеороликларни, фильмларни кўриш ва бошқалар оддий ҳол ҳисобланади. Шу билан бирга бундай машғулотларнинг бари тўғридан-тўғри Янги Аҳднинг амрларига зиддир.

Самонинг андазалари

Наҳотки Янги Аҳдда ҳам амрлар бор? Ҳа, бор, бизни ҳудожўй тафаккур ва ҳатти-ҳаракатларга чорлайдиган амрларнинг сони беш юздан ортиқроқ. Худонинг инояти ҳақида энг катта ваҳийни олган киши бўлмиш, ҳаворий Повул шундай деб ёзган: “Хатна ҳеч нарса эмас, хатнасизлик ҳам ҳеч нарса эмас, балки ҳамма нарса – Худонинг амрларига риоя қилишдадир” (Коринфликларга 1-мактуб 7:19).

Жумладан, оиладан ташқаридаги жинсий алоқалар шунчаки тақиқланган эмас, балки улар ҳукмга гирифтор қилинган. Қуйидаги оятлар қуруқ гап эмас:

“Шуни билингларки, ҳеч бир зинокор ёки нопок, ёки бутпараст бўлган тамагир Худонинг ва Масиҳнинг Шоҳлигида меросга эга бўлмайди. Сизларни ҳеч ким пуч сўзлар билан алдамасин, чунки булар учун бўйсунмаслик ўғилларига Худонинг ғазаби келади” (Эфесликларга 5:5, 6).

Бошқа жойда ёзилган:

“Никоҳ ҳаммангизда қадрли бўлсин, жинсий муносабатингиз нопок бўлмасин. Зинокорлару фоҳишаларни эса Худо ҳукм қилади” (Ибронийларга 13:4).

Бу сўзлар нафақат оиладан ташқаридаги жинсий алоқаларга, шунингдек порнография ва бошқа жинсий бузуқликларга ҳам тааллуқли. Агар биз одамларга бу ҳақда гапирмасак, Худони излайдиган кишилар буларни

қаердан билсин? Борди-ю ҳақиқатни одамлардан яшириб турган бўлсак, имонга олиб келмоқчи бўлган одамларни чиндан ҳам севишимизга ишончимиз комилми?

Худо зино, бесоқолбозлик, ўғрилик, ичкиликбозлик (шу жумладан, гиёҳванд моддаларнинг ҳар қандай кўринишини истеъмол қилиш) ва бошқа шунга ўхшаш ишларни тўғри деб ҳисобловчилар Худонинг Шоҳлигини мерос қилмаслигини айтган.

“Ноҳақлар Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олмасликларини билмайсизларми? Алданманглар: на бузуқлар, на бутпарастлар, на зинокорлар, на эркак-фоҳишлар, на баччабозлар, на ўғрилар, на тамагирлар, на ичкиликбозлар, на ғийбатчилар, на талончилар Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олмайдилар” (Коринфликларга 1-мактуб 6:9, 10).

Қонунпарастлар ҳаққоний севги ва меҳрибонликка эга бўлмагани сабаб, кўп зиён келтирдилар. Улар Янги Аҳддаги сўзларни олиб, унга ўзлари истаган ахлоққа мос бўлишга мажбурлайдиган шахсий фикрларини ва қоидаларини қўшдилар. Биз бунга қарши курашиб чегарадан чиқиб кетмадикми ва энди Масиҳнинг Ўзи айтган ва Унинг ҳаворийлари томонидан ёзилган амрларни эълон қилишни батамом тўхтатиб қўймадикми?

Бир мунча вақт илгари мен Коринфликларга биринчи мактубдаги мана шу матн бўйича бир машҳур жамоатда воизлик қилдим. Воизлигим бир неча қисмлардан иборат эди. Биринчи қисмдан сўнг, жамоатнинг чўпони кейинги қисмда бесоқолбозлик ҳақида бошқа гапирмаслигимни сўради. Тақдирнинг тақозоси билан айнан ўша пайт, китобларим қўйилган стол ёнига йигирма йилдан бери аёл киши билан жинсий алоқада яшайдиган аёл милициячи кўз ёшлари билан келиб: “Менга бүгун воизликда айтилган – “Яхшилик ёки Худо” деган китоб керак эди. Жон бугун мен ҳақимда гапирди” – деб айтди.

Агар биз хизматимизда ўз фалсафамизда туриб олсак, одамлар самонинг андазаларини қаердан билиб оладилар? Яхё Чўмдирувчининг мактубини эсланг. Унинг таълимоти ўша замондаги кўпайиб кетган гуноҳларни фош қилар эди. Ўзига бойлик йиққан одамларга, бойлигини муҳтожларга тарқатиб беришни айтган, ўғриларга, бошқа ўғирлик қилмасликни айтган, заифларни ранжитадиганларга, энди бошқаларни хафа қилмасликни айтган, ишчиларга эса у ўз ишидан қониқиши кераклигини айтган (Луқо 3:10-14 га қаранг). Одамлар уни тинглаш учун шароити ўта оғир бўлган чўлга борганлар, чунки улар ҳақиқатга оч бўлган. Унинг гапларини эшитиб,

одамлар юракларини очар ва ўз гуноҳларини эътироф этар эдилар. Улар ҳам ўзи танлаган ҳаёт йўлининг оқибатлари жиддий эканини англамаган ўша аёл милиция ходимига ўхшаб ҳаракат қилганлар.

Яҳё Чўмдирувчи ўз укасининг хотини билан жинсий яқинликка эга бўлиб, Худонинг Сўзини бузаётган Яҳудия шоҳи Ҳиродни ҳамманинг олдида фош қилган. Кейинроқ Яҳё ҳақиқатни айтгани учун боши билан ҳақ тўлади. У нуфузли ҳукмдорларга ёқишга уринмади, лекин у ҳурмат қозонди. Агар Яҳё Ҳироднинг гуноҳини ҳаммага эшиттириб айтмаганида, у кўпроқ яшаган бўлар эди. Аммо сиз узоққа чўзиладиган натижа ҳақида ўйланг: бир қанча вақт ўтиб, Масих катта йиғинда Яҳёга нисбатан ҳурмат билдирди (Матто 11:7-15). Унинг Ҳукм кундаги мукофотини тасаввур қилиш мумкин. Яҳё гуноҳкорлар нажот топиши учун самовий андазаларнинг содиқ тарафдори эди.

Повул ҳам мана шундай нарсалар ҳақида ёзганида ва воизлик қилганида, ундан намуна олган. Унинг мактуби гуноҳкорларга биллурдек тиниқ кўриниб турар эди, у одамларни: “...токи улар тавба қилиб ва Худога ўгирилиб, тавбага лойиқ ишларни қилсинлар” (Ҳаворийлар 26:20) – деб чақирган. У Тимотийга: “Сўзни воизлик қилувчи, одамларга улар нимада нотўғри ҳаёт кечириётганини кўрсатиши лозим” (инглизча АМРС нинг таржимаси) – деб буюрган. У бошқа хизматчига шундай деган: “Буларни бор ҳоқимият билан гапиргин, насиҳат қилгин ва фош қилгин” (Титусга 2:15).

Повул мурасага жой қолдирмаган. Бир гал унда давлатнинг жуда бой ва обрўли раҳбари Феликс ва унинг хотини Друсиллага Хушхабарни воизлик қилишнинг ажойиб имкони туғилди. Буюк ҳаворий уларга руҳлантирувчи қувончли воизликни ўқишнинг ўрнига, мутлақо бошқача йўл тутди. Мана, бу ҳақда нима дейилган:

“Бир неча кундан кейин, Феликс яҳудий хотини Друсилла билан келиб, Повулни чақиртирди ва Исо Масихга имон ҳақида уни тинглади. Повул ҳақлик, ўзини тийиш ва келаётган ҳукм ҳақида сўзлагани учун Феликс қўрқувга тушиб: “Энди боргин, вақт топганимда, сени яна чақиртираман”, — деди” (Ҳаворийлар 24:24, 25).

Муқаддас Китобнинг инглизча АМРС таржимасида янада аниқроқ ёзилган: “У бенуқсонлик, пок ҳаёт кечириш (нафсни тийиш) ва келаётган ҳукм ҳақида гапиришда давом этган сари, Феликс саросимага ва даҳшатга тушди, кейин унга: “Бор, кет” – деди”.

Воқеани тўлиқ ўқиб, Феликс Худо ва ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида эшитишни истагани учун Повулни олиб келишларини буюрганини кўраимиз.

Хукмдор, шубҳасиз, ўз Яратувчиси билан муносабатга эга бўлишни истаган. Уни Худо тўғрисида эшитишга қизиқадиган ва жамоатга келиб турадиган, бироқ ҳали нажот топмаган кишига қиёслас бўлади. Повулнинг воизлиги Феликсни гуноҳларидан фош этгани ойдин. У ўзининг гуноҳларидан халос бўлишни истамаган, шунинг учун ҳам у даҳшатга тушган ва Повулни ҳайдаб юборган.

Уни бугунги йиғиндан: “Мен бу ерга бошқа келмайман, воизнинг сўзлари мени қўрқитди!” – деб чиқиб кетаётган обрўли имонсиз киши билан таққосласак бўлади. Нега у қўрқиб кетди? Эҳтимол у воизликда фош бўлган гуноҳидан воз кечишни истамас?

Агар Повул бугунги кундаги ғарбдаги фалсафага мослаб воизлик қилганида, унинг мактуби тахминан шундай жаранглаган бўлар эди: “Феликс, Худо сени севади. У сен нажот топишинг учун Исо Масиҳни ўлимга юборди. Уни ўз юрагинга қабул қилишни истайсанми? Агар рози бўлсанг, ортимдан ушбу ибодатни қайтар: “Исо Масиҳ менинг юрагимга кел ва мени Худонинг фарзандига айлантир”. Шу билан ҳаммаси тугади.

Аммо ҳаммаси аксинча бўлди – Феликс Повулнинг сўзларидан қўрқиб кетди. Ҳаворий Феликс фақат биргина йўл билан – қилган гуноҳларига тавба қилиш орқали масиҳий бўла олиши мумкинлигини билган. Агар у фош қиладиган эмас, балки руҳлантирадиган воизликдан сўнг тавба ибодатини қайтарганда эди, Феликс алданиб қолган бўлар эди. У қутқарилмаган бутпарастлигича қолиб, самодан туғилдим деб ўйлаб юрар эди. Аслида Повул ўз ҳаракатлари билан жамоатга криптонитнинг таъсирини киритган бўлар эди. Бироқ ҳаворий Исо Масиҳнинг содиқ хизматкори сифатида, бундай бўлишига йўл қўймади.

Буларнинг бари ҳушни жойига соладиган бўлиб эшитилади, лекин биз бугун Хушхабарнинг элчилари сифатида мана шундай хизмат қилишимиз зарур.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Замонавий жамоатларнинг аксарияти “нажот ибодати” орқали тавба қилган одамлардан иборат, бошқача қилиб айтганда, улар Исонинг гуноҳимиз учун қурбон бўлганини шунчаки эътироф этишган ва Уни юракларига таклиф этишган.

Агар етакчилар жамоаси одамларни гуноҳларидан тавба қилиб, Худога ўгирилишга таклиф қилишни бошласа эди, жамоатингиз қанақа бўлишини тасаввур эта оласизми? Нима деб ўйлайсиз, жамоатингизда қанча одам қолган бўлар эди?

Эҳтимол, баъзи одамлар, айниқса жамоат етакчилари бу ҳақда озгина ўйлагандан сўнг ранжиб, кетиб қолиши мумкин. Бироқ ўша қолган одамлар қандай одамлар бўлишини фараз қилинг. Биринчи улўғ ўйғониш воизлари жамоатларга бориб тавбани воизлик қилишганида, воизликни эшитган одамлар ўтирғичларга ёпишиб, қатор-қатор ўриндиқлар орасида бақриб тавба қилиб йиғлашган, улар Худодан нажот сўраб илтижо қилишган. Айнан ўша тавба қилган (миллионлаб) одамлар дунёни ўзгартирган.

Тавба ҳақидаги воизлик эҳтимол бизнинг жамоатларимизни сийраклаштириши мумкин, ёки аксинча уни одамлар билан тўлдириши мумкин. Худодан тавба келтирадиган имкониятларни кўрсатишини сўранг, сўнгра, Ундан шу имкониятларни сизнинг ҳаётингизга ва жамоатингизнинг ҳаётига қуйишини сўранг.

УЧ ПОДШОҲ

Мен ушбу китобни ёзишимга Эски Аднинг олти китобини қайтадан ўқиб чиққаним туртки бўлди.

Охириги қирқ йил давомида мен кўпинча иккита Шоҳлар китобини ва иккита Йилнома китобини қайта ўқиб, ўргандим. Лекин яқинда мен ибодат қилиб, уларни жуда кучли мулоҳаза ва режа билан ўқидим, илгаридан кўра чуқурроқ ўргандим. Худо мен илгари сезмаган нарсаларни очиб берганидан ҳайратланиб кетдим.

Сўнгида ушбу китобларнинг бироз илмий ва ҳатто, синчковлик билан қилинган таҳлилни келтираман, агар мен Эски Аҳднинг шоҳлари ҳақидаги воқеалар ҳақида қисқача умумлаштирувчи маълумот бермасам, менинг қилган хулосаларим катта фойда келтирмайди.

Уларнинг ҳар бирининг ҳаётини кўриб чиқсак, у ерда қудратли ҳақиқатни кўрамиз. Агар биз барча олти китобни тўлиқ ўқисак, уларда бошқа кўп ҳикоялар борлиги сабабли бу ҳақиқат кўзга ўнчалик ҳам яққол ташланмай қолади.

Ушбу китобларни илгари ўқиганимда мен доим икки тоифадаги шоҳлар - “Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қиладиган шоҳлар” ва “бутпараст шоҳлар” бор деб тахмин қилар эдим. Бироқ вақт ўтиб, мен уч тоифадаги шоҳлар бўлганини англаб етдим.

Ҳақиқат шундаки, Исроилдаги шоҳларнинг бирортаси ҳам Худонинг назарида маъқул бўлган ишни қилмаган. Йеҳудан ташқари, лекин афсуски, у ҳам ҳаётининг охирида тўғри йўлдан оғиб кетган.

Келинг Яҳудиядан бошлаймиз. Яҳудия устидан Шоул, Довуд ва

Сулаймондан ташқари жами бўлиб йигирмата шоҳ ҳукм сурган. Бетавфиқ шоҳларнинг орасида Реҳобоам, Абийаҳ, Йеҳорам, Аҳазиаҳ, Аталиаҳ (малика), Аҳаз, Манассеҳ, Амон, Йеҳоаҳаз, Йеҳоиаким, Йеҳоиахин ва Сидқияҳ эди. Манашу шоҳлар Яҳудияни бошқарган даврда халқ ҳаддан зиёд машаққатлардан ва душманларнинг ҳужумларидан азоб чеккан, уларнинг ҳужумини кўпинча тўхтатиб бўлмагани сабабли давлатга катта зарар етган.

Худого маъқул бўлган ишларни қилган шоҳлар ҳам бўлган. (Масалан, Довуд ва Сулаймон, гарчи Сулаймон ҳукмронлик қилган даврининг охирида Худонинг амрларини бузган.) Шоҳлик иккига бўлиниб кетганидан сўнг Аса, Йеҳосафат, Йеҳоаш, Амазияҳ, Уззияҳ, Йотам, Ҳизқияҳ ва Йосиаҳ каби шоҳлар ҳам бўлган. Бироқ манашу рўйхатдаги саккизта шоҳни иккита тоифага бўлса бўлади. Биринчи тоифадиги шоҳлар ўзларининг шахсий ҳаётида Худонинг назарида маъқул бўлган ишларни қилган, лекин улар масъул бўлган халқнинг орасидан бутларга бўлган сажда тепаликларини вайрон қилишмаган.

Иккинчи тоифадаги шоҳлар Худого маъқул бўлган ишларни нафақат ўзларининг шахсий ҳаётида бажарганлар, шунингдек халқнинг орасидаги бутларга бўлган сиғинишни ҳам қирғин қилганлар.

Манашу шоҳларнинг даврида мамлакат, тепаликларни вайрон қилмаган бошқа шоҳларнинг даврдан кўра жуда фаровон ҳаёт кечирганлиги билан ажралиб туради. Келинг уларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

1. Довуд. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакатда бутпарастлик бўлмаган. У халқни Худого бутун юрак, онг, жон ва тана билан хизмат қилишга ундаган. У урушларда мағлуб бўлмаган. Унинг шоҳлиги жуда ҳам бойиб кетган. У ўзидан сўнг шоҳлик устидан ўзининг ўғлини ўтқизган, унинг ўғли халқ устидан муваффақият билан ҳукмронлик қилишни бошлаган.
2. Сулаймон. У ҳукмронлик қилган даврнинг деярли охиригача отаси Довуднинг изидан борган. Унинг итоаткорлиги туфайли нафақат унинг ўзи, балки халқ ҳам фаровон ҳаёт кечирган. Ёзилганки: “Яҳудо ва Исроил Сулаймоннинг барча кунларида, Дандан Беершебагача ҳар бир киши ўзининг ўзумзори остида ва анжир дарахти остида хотиржам яшар эди” (1-Шоҳликлар 4:25). Фараз қилинг, ҳеч ким давлатнинг ёрдамига муҳтож бўлмаган, чунки мамлакатда тўқинчилик бўлган. Унинг ҳукмронлиги шуқадар улуғ бўлганки, “Сулаймоннинг донолигини эшитиш учун барча халқлардан, унинг донолигини эшитган ерлик барча подшоҳлардан одамлар келар эдилар” (3-Шоҳликлар 4:34). Боз устига, сўнгида шундай деб ёзилган: “Сулаймоннинг

юрагига Худо солган доноликни эшитиш учун бутун замин уни кўриш имконини излар эди” (3-Шоҳликлар 10:24). Яна шундай деб ёзилган: “У муваффақиятли бўлди ва бутун Исроил унга бўйсунди” (1-Йилнома 29:23). Шу билан бир навбатда мамлакат гуллаб-яшнаган: “Подшоҳ Йерусалимда олтин ва қумушларнинг қийматини оддий тошга тенг қилди, кедрларни эса уларнинг кўплигидан пастқамликларда ўсадиган сикаморларга тенг қилди” (2-Йилнома 1:15).

Бироқ вақт ўтиб Сулаймон Худого итоат этишдан тўхтади ва бегона халқлардан кўп хотин олди. Улар уни бегона худоларга оғдирдилар (билиб туриб, давомий қилинган гуноҳ), оқибатда Раббий Сулаймоннинг муваффиқиятига тўсқинлик қилган душманларни кўтарди (3-Шоҳликлар 11:14, 23). Унинг қўпол итоатсизлиги туфайли шоҳлик иккига бўлиниб кетди, унинг ўғли билан иккита қабила қолди, қолган ўнта қабила тарқалиб кетди.

Манашу жойдан бошлаб мен фақат Яҳудиянинг шоҳларини санаб ўтаман:

3. Реҳобоам. Худонинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.
4. Абийаҳ. Худонинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.
5. Аса. У иштиёқ билан Худонинг ортидан эргашган. У Худонинг назарида маъқул бўлган ишларни нафақат ўзининг шахсий ҳаётида қилган, балки халқнинг орасидаги бутпарастликни барбод қилишга жон-жаҳд билан кўрашган.

У Яҳудиянинг барча шаҳарларида эркак ва аёл коҳинларнинг ўртасида бўлган фоҳишабозликни таъқиқлади, барча бутларни қириб ташлади, ўзининг онасини Ашераҳ бутини ясагани учун маликалик рутбасидан маҳрум қилди (3-Шоҳликлар 15:11-13). У шунингдек барча мажусий қўрбонгоҳларни ва бутларни йўқ қилди, бутга сиғиниш тепаликларини вайрон қилди, Ашераҳнинг бутларини ва бегона худоларга тутатқи тутатиш қўрбонгоҳларини синдириб ташлади. Моҳиятан, Аса Яҳудия халқини давомий гуноҳлардан тавба қилишга чақирди. У уларга Раббийни излашни ва Унинг қонунларига ва амрларига риоя қилишни буюрди (2-Йилнома 14-4).

Аса одамларга давомий гуноҳдан тийилишни уқтиргани сабабли улар ўз мамлакатига фаровонликни кўрдилар: “...Унинг вақтида шоҳлик тинчликда эди” (2-Йилнома 14:5). Ўша тинч йиллар даврида у бутун Яҳудия бўйлаб мустақкам шаҳарларни қуришга муваффақ бўлди. Ўша пайтда ҳеч ким унга ҳужум қилишга ҳаракат қилмаган. Кейинчалик кўряпмизки, миллионлик қўшин Асага ва Яҳудияга ҳужум қилади,

лекин шундай деб ёзилган: “...эфиопияликлар қуладилар ва улардан ҳеч ким тирик қолмади, чунки улар Раббий қаршисида ва Унинг қўшини қаршисида қириб ташландилар. Улар ўта кўп ўлжани қўлга киритдилар” (2-Йилнома 14:13). Аса ўзининг жангчилари билан ғанимга қарши нафақат жанг қилди, балки шу жангда жуда катта бойликни қўлга киритди.

Биз Худого нафақат шахсан ўзи бўйсуниб, атайлаб қилинадиган давомий гуноҳни қилишдан тўхтаган, балки бошқаларни ҳам шундай йўл тутишга ундаган етакчининг устида барака бўлганини кўряпмиз.

6. Йеҳосафат. Бу шоҳ ўзининг шахсий ҳаётида ҳам давлатни бошқаришда ҳам Худонинг назарида маъқул бўлган ишларни қилган. У одамларни бутпарастликдан (маълум бўлган давомий гуноҳдан) тавба қилишга чақирди. У бутун мамлакат бўйлаб эркак ва аёл фоҳишаларни қириб ташлади (3-Шоҳликлар 22:46). У мажусий тепаликларни ва эманзорларни бекор қилдирди ва бутун Яҳудия бўйлаб Ашераҳнинг бутларини йўқ қилди (2-Йилнома 17:6). Ўз ҳукмронлигининг учинчи йилида бутун Яҳудия шаҳарлари бўйлаб хизматкорларни юборди. Улар Худонинг қонунидан нусха кўчириб, Яҳудия шаҳарлари бўйлаб халққа таълим бериб юрар эдилар. Йеҳосафатнинг раҳбарлигининг натижаси нима бўлди? “Яҳудиянинг атрофида бўлган ернинг барча шоҳликларини Раббийнинг қўрқуви қамради, шунинг учун улар Йеҳосафат билан уруш қилмас эдилар. Филистинликларнинг баъзи бирлари Йеҳосафатга ҳадялар ва ўлпонга кумуш келтирар эдилар. Шундай қилиб, Йеҳосафат тобора юксалиб борар эди” (2 Йилнома 17:10-12). Сўнгида шундай деб ёзилган: “Йеҳосафат кўп бойликка ҳамда шўҳратга эга эди...” (2 Йилнома 18:1). Қўшинлар унга ва Яҳудияга ҳужум қилишар эди, лекин Раббий душманларни бир-бирини қириб ташлашга ўгирди ва Яҳудия бунинг натижасида жуда кўп ўлжани қўлга киритди. Бу шоҳ ҳақида Ёзув бизга шундай дейди: “Шунинг учун Раббий шоҳликни унинг қўлида мустаҳкамлади, бутун Яҳудия Йеҳосафатга ҳадялар тақдим этар эди ва у кўп бойликка ҳамда шўҳратга эга бўлди. Унинг юраги Раббийнинг йўлларида юксалди...” (2-Йилнома 17:5, 6). Йеҳосафат битта катта хатога йўл қўйди, у бутпараст бўлган Аҳабнинг ўйи билан иттифоқ тузди. У шу тўфайли ўлишига сал қолди, унинг ўғли манашу бетавфиқликдан азият чеқди. Йеҳу исмли пайғамбар уни фош қилди: “Сен бетавфиққа ёрдам беришинг ва Раббийдан нафратланадиганларни севишинг лозимми?” (2-Йилнома 19:2). Бироқ умуман олганда Йеҳосафат ва Яҳудия унинг

итоаткорлиги тўфайли фаровон яшадилар. У бу халқнинг давомий қилган гуноҳини (бутпарастликни) эътиборсиз қолдирмади.

7. Йеҳорам. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишни қилмаган.
8. Аҳазиаҳ. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишни қилмаган.
9. Аталиаҳ (малика). Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишни қилмаган.
10. Йеҳоаш. У ҳақда шундай дейилган: “Йеҳоаш ... Раббий нигоҳида тўғри бўлган ишларни қилар эди” (2-Йилнома 24:2). Бироқ унинг шоҳлиги ҳақида умуман бошқа ҳикоя ёзилган. Бошқача сўз билан айтганда у халқини давомий гуноҳдан тавба қилишга ундамаган. Оқибатда “...Яҳудиянинг ҳокимлари келиб, подшоҳга тиз чўкдилар; шунда подшоҳ уларга қулоқ сола бошлади. Улар ўз оталарининг Худоси Раббийни тарк этиб, Ашераҳга бағишланган эманзорларга ва бутларга хизмат қила бошладилар...” (2-Йилнома 24:17, 18).
У таъсир ўтказиши лозим бўлган одамлар унинг фикрини ўзгартиришига эришишди, сўнгида шундай деб ёзилган: “Шунда уларнинг ушбу айби тўфайли Яҳудияга ва Йерусалимга Раббийнинг ғазаби келди” (18 оят).
Пайғамбар келиб, унга деди: “Нима учун сизлар Раббийнинг амрларини бўзмоқдасизлар? Сизлар муваффақият қозонмайсизлар...” (20 оят).
Сўнгида шундай деб ёзилган: “Йилнинг охирида, Суриянинг қўшини унга қарши кўтарилди... халқ орасидан халқнинг барча ҳокимларини қириб ташладилар ва улардан тортиб олинган бор ўлжани Дамашқнинг подшоҳига юбордилар. Сурия қўшини кам сонли одамлар билан келган бўлса ҳам, Раббий барибир уларнинг қўлларига ўта кўп сонли қўшинни топширди, чунки улар ўз оталарининг Худоси Раббийни тарк этдилар. Шу тарзда, улар Йеҳоаш устидан ҳукмни ижро этдилар” (23, 24 оятлар).
Йеҳоаш аввалига сурияликлар томонидан ярадор қилинган эди, сўнгра эса ўлдирилган эди. Унинг ҳукмронлиги етакчи давомий бўлган гуноҳни йўқ қилмагани учун шафқатсиз оқибат муқаррар эканининг мисолини кўрсатади.
11. Амазиаҳ. Ёзилганки: “У Раббий нигоҳида тўғри бўлган ишларни қилар эди, лекин бор юрагидан қилмас эди” (2-Йилнома 25:2).
“Фақат тепаликлар йўқ қилинмаган эди, халқ ҳамон тепаликларда қўрбонликлар келтирар ва тутатқи тутатар эди” (4-Шоҳликлар 14:4). Унинг шоҳлиги ҳам шафқатсиз синовларни бошидан кечирди. Амазиаҳ эдомликларни мағлуб қилгани учун жуда мағрурлик қилди. Шундан сўнг у Исроил шоҳи Йеҳоашга уруш эълон қилди. Йеҳоаш унга менинг халқимга тегмагин деб огоҳлантирди. Амазиаҳ унга

қулоқ солмади ва Исроилга қарши уруш билан борди, бироқ жангда тор-мор бўлди. У асирга тушди. Исроил Йерусалим шахрининг 180 метрини вайрон қилиб, Раббий маъбадининг ичида бўлган бор олтинни, кумушни ва буюмларни олиб кетди. Исроил шоҳ саройининг бор хазинасини талади ва одамларни гаровга олиб кетди. Амазияҳни ўлдиришди (2-Йилнома 25:11-28). Биз Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилишни бошлаган, лекин одамларни доимий ғуноҳдан тавба қилишга ундамаган мамлакат етакчиси қандай азият чекканини кўряпмиз.

12. Уззияҳ. У Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилган ва у Уни қидирган пайтда Худо унга фаровонлик берган. У қудратли ва муваффақиятли шоҳга айланди. Муқаддас Китобда у бутларга сажда қилиш жойлари билан нима қилгани ҳақида ҳеч нима айтилмаган бўлса-да, у ўзининг мағрурлиги сабабли моховдан ўлганини биламиз.
13. Йотам. Бу шоҳ ҳақида кам ёзилган. У Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилган, бироқ унинг ҳукмронлиги даврида одамлар бетавфиқ ҳаёт кечиришган. Афсуски, унинг даврида: "...тепаликлар йўқ қилинмаган эди; халқ ҳамон тепаликларда қурбонликлар келтирар ва тутатқилар тутатар эди..." (4-Шоҳликлар 15:35). Биз бунни қанақа оқибатларга олиб келганини кўряпмиз: "Ўша кунларда Раббий Сурия подшоҳи Резинни ва Ремалияҳнинг ўғли Пекаҳни Яҳудияга қарши юбора бошлади" (2-Шоҳликлар 15:37).
14. Аҳаз. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.
15. Ҳизқияҳ. Ҳизқияҳнинг отаси Аҳаз жуда ҳам бетавфиқ шоҳ бўлган. Аҳаз маъбаднинг эшикларини қулфлаб, ҳақиқий саждани тўхтатган. Ҳизқияҳ биринчи бўлиб Раббий маъбадининг эшигини яна очди, уни ҳар қандай ҳаромдан тозалаб, бинони таъмирлади. У ҳақда шундай деб ўқиймиз: "У отаси Довуд қилгани каби Раббийнинг нигоҳида тўғри бўлган ишларни қилар эди. У тепаликларни йўқ қилди, бутларни синдирди ва Ашераҳ эманзорини кесиб ташлади. Шунингдек, у Мусо ясаган мис илонни парчалаб ташлади, чунки ўша кунларгача Исроил ўғиллари унга тутатқи тутатар эдилар..." (4-Шоҳликлар 18:3, 4).

Сўнгра у Раббийнинг Песаҳ байрамани нишонланишини эълон қилди. Бу катта ҳодиса эди: "Буларнинг ҳаммаси тугаганидан сўнг, ўша жойда бўлган барча исроилликлар Яҳудия шаҳарларига бордилар ва бутларни синдирдилар, Ашераҳга бағишланган эманзорларни кесиб ташладилар, бутун Яҳудиядаги, Бениамин, Эфраим, Манассеҳ еридаги

тепаликларни ва қурбонгоҳларни охиригача вайрон қилдилар. Шундан сўнг Исроилнинг барча ўғилларининг ҳар бири ўз мулкига, ўз шахрига қайтдилар” (2-Йилнома 31:1).

Ҳизқияҳ ҳақида шундай деб ёзилган: “Зеро у Раббийга ёпишган эди ва Ундан чекинмас эди ҳамда Раббий Мусога амр этган амрларга амал қилар эди. Раббий у билан бирга эди. У қаерга бормасин, доно ҳаракат қилар эди” (4-Шоҳликлар 18:6, 7). Сурияликлар унга қарши уруш билан чиқдилар, лекин Раббийнинг фариштаси сурияликларнинг қароргоҳига келиб 185 000 аскарни қириб ташлади. Ҳизқияҳ ўзининг ҳукмронлиги даврида халқнинг маълум бўлган давомий гуноҳи билан курашгани сабабли унинг ҳаётида ва мамлакатда ҳаммаси яхши эди.

16. Манассеҳ. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.
17. Амон. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.
18. Йосиаҳ. У ўзининг шахсий ҳаётида ҳам ва етакчиликда ҳам жуда итоатли шоҳ бўлган. У ҳақда шундай деб ёзилган: “Подшоҳ ва у билан бирга Яҳудиянинг барча одамлари, Йерусалим аҳолиси, руҳонийлар, пайғамбарлар, бутун халқнинг кичигидан каттасигача Раббийнинг уйига борди ва уларга Раббий уйида топилган аҳд китобидаги барча сўзларни у баланд овозда ўқиб берди” (4-Шоҳликлар 23:2). Сўнгра у аҳдни янгилади ва Раббийнинг маъбадидан Баалга, Ашераҳга ва осмондаги юлдузларга сажда қилиш учун ишлатилган барча буюмларни олиб чиқишни буюрди. У уларни ёқиб юборди ва уларнинг кулини бутпараст бўлган одамларнинг мозорига сочиб юборди.

Бу етакчининг доимий итоатсизликни йўқ қилишга қаратилган ишлари ҳақида кўп ёзилган. Мен Муқаддас Китобимда Йосиаҳнинг Яҳудияда овоза бўлган гуноҳга қарши қилган ишлари ҳақида ёзилган барча оятларни белгилаб қўйдим:

“Четлаштирди, вайрон қилди, ёқиб юборди, ҳаром қилди, бекор қилди, қулатди, синдирди, кесиб ташлади, чангга айлантирди”. Бу сўзлар биргина 2-Шоҳликлар китобининг 23 бобининг ўзида 23 марта учрайди. Бу шоҳ ҳақида шундай деб ёзилган: “Мусонинг бутун қонунига мувофиқ Раббийга ўзининг бор юраги билан, бор жони билан ва бор кучи билан ўғирилган эди. Унга ўхшаган подшоҳ унча бўлган эмас эди, ундан кейин ҳам унга ўхшаши чиқмади” (4-Шоҳликлар 23:25). Унинг ҳаёти ва у бошқарган халқнинг ҳаёти фаровон бўлган.

19. Йеҳоаҳаз. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.
20. Йеҳоиаким. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.
21. Йеҳоиахин. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.
22. Сидқияҳ. Раббийнинг назарида маъқул бўлган ишларни қилмаган.

Ушбу шоҳларнинг ҳаёти ҳақида яқуний ҳулоса чиқарамиз: агар уларнинг бутун ҳаётига қарасак, кўриниб турибдики: етакчилар диёнатли яшаганида ва улар бошқарган халқнинг орасидаги давомий гуноҳ (бутпарастлик) билан курашганида мамлакат фароғат ҳаёт кечирган. Агар ҳукмдорнинг ўзи диёнатли ҳаёт кечирган бўлса-ю, лекин халқнинг давомий гуноҳи билан курашишдан қочган бўлса мамлакатнинг ҳоли вой бўлган.

Биз бугун жамоатда бундан дарс олишимиз зарур. Агар биз гуноҳқорни чинакам тавбага эмас, балки оддий табва ибодатига чақирсак, бошимизга кўп мусибатларни ёғдирамиз.

Бизнинг “янги имонлиларимиз”да ўзларининг гуноҳидан воз кечиш нияти бўлмасачи? Шу йўсинда, биз жамоатимизга бутпарастларни олиб келаётган бўламиз.

Биз етакчилар, шахсий ҳаётимизда диёнатли ҳаёт кечиришимиз мумкин, лекин одамлар орасидаги гуноҳ тепаликлари билан курашмасак, бунинг оқибати ёмон бўлади, бунинг натижаси шоҳларнинг бошига тушган қисматдек бўлади. Эҳтимол, қисқа вақтли муваффақият келар, лекин бу яхшилик билан тугамайди. Халқнинг итоатсизлиги билан курашмаган бир нечта шоҳларнинг иши яхши кетаётган эди, бироқ уларнинг етакчилик қобилиятидаги камчиликлари уларнинг ҳаётига таъсир қилди.

Агар биз одамлардан тавба қилишни талаб қилмасдан Хушхабар билан бўлишсак, биз Худонинг олдида ўзини ҳақ деб ҳисоблайдиган бутпарастларнинг ўрнини эгаллаган бўламиз. Шу йўсинда ўзимизнинг жамоатимизни руҳий криптонитнинг таъсирига йўлиқтирамиз.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Бордию биз алоҳида қисмларга диққат қаратишни бошласак, суратни умумий кўринишини кўздан қочириб юборамиз, бошқача сўзлар билан айтганда дарахтлар ортидаги ўрмонни кўрмай қоламиз. Бу нарса биз ҳатто Худонинг Сўзини ўрганган пайтимизда ҳам содир бўлиши мумкин, айниқса тарихнинг узоқ даврини ҳисобга олсак. Бироқ тарихдаги узоқ давр мобайнида бўлган мавзунини қўзатиб бориш бизга мисолларни очиб беради. Бунинг бошқача йўли билан кўришнинг имкони йўқ. Биз манашу бобда анашундай услубни

қўлладик. Шундай қилиб, биз тўлиқ очилган суратни кўряпмиз.

Биз Исроил ва Яҳудо тарихининг суратига назар солдик. Улар ўзининг шахсий ҳаётида тартиб ўрнатган ва уларга Худо томонидан берилган ҳокимиятга чиндан ҳам масъул бўлганларида, Худо етакчиларга фаровонлик берган.

Эҳтимол сиз шоҳ ёки малика эмасдирсиз. Балки сиз иш юритувчи ҳам, иш раҳбари ҳам эмасдирсиз. Лекин Худо сизга ҳокимият берган соҳалар бор. Сиз нафақат ўзингизнинг шахсий ҳаётингиз учун маъсулсиз, балки бу соҳада ҳам сиз катта масъулиятга эгасиз ва Худо сиз орқали қандай ҳаракат қилишини сизга кўрсатади. Худодан сиз таъсир этишингиз керак бўлган соҳани кўрсатишини ва донолик беришини сўранг, токи ундаги ҳақлик учун сиз масъулиятга эга бўлинг. У сизга айтган сўзларни ёзиб олинг, сўнгра ҳаракат қилиш режасини тузинг.

КРИПТОНИТНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ

「4-БЎЛИМ」

ЮЗМА-ЮЗ

Келинг, авваломбор ушбу ўлимга олиб келадиган моддани менсимай, унга чидаб юрганимиз сабабли юзага келган оқибатларга тик кўз билан қараймиз ва шахсий ҳаётимиздаги ва жамоатимиздаги криптонитни йўқ қилиш учун қадам босишни бошлаймиз.

Мен юқори синфда ўқиганимда, биздан ноқонуний гиёҳванд моддасини истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича икки кунлик машғулот дарсларидан ўтиш талаб қилинган эди. Ушбу дарсларда биз гиёҳванд модданинг даҳшатли оқибатлари ҳақида билиб олдик. Шу сабаб Масихга имон келтиришдан олдин мен ҳатто, энг бебош кечки базмларда ҳам бирор марта гиёҳванд модда истеъмол қилганим йўқ. Мени унинг оқибатларида олдидаги қўрқув ҳимоя қилди.

Албатта, носоғлом қўрқув ҳам бор, лекин Исо бизни ундан озод қилган. Бироқ мен мактабда гиёҳвандга қарши соғлиқни сақлаш дарси вақтида ҳис этган қўрқув сингари, ўзига қул қилиб олиши мумкин бўлган нарсалардан сақлайдиган диёнатли қўрқув ҳам бор. Муқаддас Китобда битилган: “Шунинг учун Унинг оромига кириш ҳақидаги ваъда ҳали бор экан, сизлардан бирор киши кечиккан бўлиб чиқмасин, деб қўрқайлик” (Ибронийларга 4:1). “...Раббийдан қўрқиш эса ёвузликдан йироқлаштиради” (Ҳикматлар 16:6).

Бу бобда мен яна масихий етакчиларга мурожаат қилапман. Бироқ бу мактуб ҳар биримиз учун огоҳлантириш, чунки ҳар бир имонли —“дум эмас, бошдир” (Қонуннинг Қайтарилиши 28:13). Биз барчамиз Унинг Шоҳлигининг элчилари бўлишга даъват этилганмиз — бизнинг етакчилик ўрнимиз муҳим аҳамиятга эга.

Биз Муқаддас Китоб доирасида замонавий хизмат режаси ҳақида ўйлаганмизми?

Нима сабабдан биз гуноҳ тоғлари билан курашишга жазм қилмаяпмиз? Худони таниб-билишни истайдиган одамлар биз уларга ҳақиқатни айтишимизга умид қилишяпти. Бироқ биз, улар чинакам муносабат қуришига ҳалақит бераётган нарсаларни улардан яширяпмиз. Биз уларни ҳимоя қиляпмизми? Биз одамларга ҳақиқатни айтишдан қочиб, уларни хавфга қўяётганимиз ҳақида ўйлаб кўрдикми? Абадий ҳаёт ҳақида эшитишга келган одамларни хафа қилишнинг нима кераги бор?

Анжеллани эслайлик, унга никоҳнинг маъноси ҳақида олдиндан ҳеч ким айтиб бермаган, шунинг учун у ўзининг никоҳини қийин аҳволга солиб қўйди. Нима сабабдан биз одамларга Исо билан муносабатда бўла туриб, одат бўлиб қолган, давомий гуноҳда яшашнинг ёмон жойи йўқ деб ўйлашига имкон беришимиз мумкин деб ҳисоблаймиз? Ахир бунинг иложи йўқ. Биз мавжуд бўлмаган муносабатларни таклиф этмаяпмизми? Биз уларни нажотдан маҳрум қилмаяпмизми?

Келинг вазиятни ҳар томонлама кўриб чиқамиз. Худони изловчи одамларнинг ҳаётидаги натижани, криптонитнинг таъсирини тан олишдан бош тортган етакчиларнинг ҳаётидаги яқунни ва оқибатда бутун жамоатнинг натижасини – барча уч тарафнинг устига ёғиладиган оқибатларни аниқлаймиз.

Изловчилар

Биз шуни ёдда сақлашимиз керакки, Ҳукм куни мен Худо Шоҳлигига кираман деб, Исонинг олдига манманлик билан келадиган одамларнинг сони кам бўлмайди, аксинча, кўпчилик одамлар қуйидаги сўзларни эшитадилар: “Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!” (Матто 7:23).

Бу одамлар ким ўзи? Афсунгарларми? Бошқа дин вакилларими? Жодугарлик билан шўғулланадиган одамларми? Агар биз Исонинг сўзларини ўрганиб чиқсак, бу одамлар бизнинг орамиздан экани маълум бўлади, улар бизнинг жамоатларимизга келадилар ва масиҳийликни эътироф этадилар. У шундай сўзлар билан нутқини бошлайди: “Менга: “Ё, Раббий! Ё, Раббий!” – деганларнинг ҳар бири ҳам Осмон Шоҳлигига кирмайди, аммо Осмондаги Отамнинг иродасини бажарадиган киши киради” (Матто7:21). Исо Уни Раббий деб атайдиган одамларга урғу бериб

гапирган. У Жозеф Смит, Муҳаммад, Будда, Хари Кришна, Фонфуций, Ра, Сикхе ва аллақандай бошқа сохта пайғамбар ёки сохта худо ҳақида гапирамаган. Йўқ, осмонга кириши таъқиқланган одамлар Исо Масихни ўзининг “Раббийси” деб иштиёқ билан атамоқдалар.

Нима учун “Раббий” сўзи ушбу оятда такрорланиб айтилган? Юқорида кўрсатилган сабабга кўра – Муқаддас Китобда сўз ёки ибора такрор ишлатилиши тасодиф эмас. Муаллиф бунга атайин урғу берган. Бироқ бундай ҳолларда бу шунчаки урғу эмас, балки ҳиссиётнинг кучайтирилишидир. Масалан, шоҳ Довуд йоаб қўшинининг аскарари унинг ўғлини ўлдирганини эшитиб юраги чилпарчин бўлди. Муқаддас Китоб унинг таассуротини шундай таърифлайди: “Оҳ, менинг ўғлим Абсалом, оҳ Абсалом, менинг ўғлим, менинг ўғлим!” – деб баланд фарёд қилар эди (Шомуилнинг 2-китоби 19:4). Ҳойнаҳой, Довуд “менинг ўғлим” сўзини икки марта такрорламаган, у шунчаки қайғудан ҳўнграгани ажаб эмас, – у ўғлини йўқотгани сабаб шунчалик изтириб чекканки, муаллиф, ўқувчи унинг ҳиссиётининг кучини ҳис этиши учун унинг сўзларини такрорлаган.

Шу йўсинда, Раббий ҳам бу одамларнинг Унга нисбатан бўлган кучли ҳиссиётини етказган. Улар Исо Масих Худонинг Ўғли экани тўғрисидаги таълимот билан нафақат рози, балки бунга оташин ишонишларини иштиёқ билан кўрсатган. Биз масихий бўлишдан бахтиёр бўлган, аниқроғи, ўзининг имони ҳақида завқланиб гапирадиган одамлар ҳақида сўзлаяпмиз.

Бундай кишилар Масихга нафақат чуқур ишонадилар, шунингдек Унга хизмат ҳам қиладилар:

“Мен Ҳукм куни, минглаб одамлар мақтаниб: “Раббий, биз Мактубни воизлик қилдик, жинларни қувдик, Худо учун қилган лойиҳаларимиз ҳақида атрофдаги барчага айтдик” – дейишини тасаввур қиляпман” (Матто 7:22, инглиз тилидаги MSG таржимаси).

The Message ифодали таржима китоби бу одамлар четда турган томошобин бўлишмаганини яхшироқ кўрсатади. Улар жамоат ишини қўллаб-қувватган ва ўзлари ҳам унда бевосита иштирок этишган. Улар Хушхабарга ишонишлари ҳақида – «Бизлар Мактубни воизлик қилдик» деб баландпарвоз гапирганидан биламиз. Моҳиятан улар бошқа одамларнинг ҳаётини ўзгартириш учун меҳнат қилишган.

Бу ифодали таржимада “минглаб” сўзи ишлатилган. Бироқ бошқа кўпгина таржималарда “кўплаб” сўзи ишлатилган. Ушбу юнонча *polus* сўзи «кўп миқдордаги сон, рақам» маъносига эга, - бу сўз кўпинча “кўпчилик” маъноси билан ишлатилади. Ҳар ҳолда Исо кичик гурӯҳ ҳақида эмас, йирик гурӯҳ ҳақида, эҳтимол умумий соннинг ичидаги кўпчилик ҳақида гапиряпти.

Демак, хулоса чиқарамиз: Исо Хушхабар таълимотига ишонадиган одамлар ҳақида гапиряпти, улар Уни Раббий деб атаганлар, улар ҳиссиётга тўла, ўзларининг овозини Хушхабар учун беришган, улар масиҳий йиғинларда фаол қатнашган. Биз уларнинг чинакам масиҳий эканини билишимиз қийин эмас. Унда уларни қанай чизик ажратиб турибди? Улар ҳақиқий масиҳийлардан нимаси билан фарқ қиладилар? Исо бизга шундай дейди: “Мен эса уларга эълон қиламан: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!” (Матто 7:23).

Кўриниб турибдики, бу ердаги асосий сўзлар – бу қонунбузарлик қилувчилар ҳисобланади. Биринчидан, қонунбузарлик бу нима? Бу юнончада *anomia* дейилади. Тэйернинг юнонча луғатига кўра бу “билимсизлик ёки қонунбузарлик оқибатида қонунсиз ҳолда бўлиш дегани”. Бошқача сўзлар билан айтганда, қонунбузарлик қилувчи одам Худо Сўзининг ҳокимиятига бўйсунмайди. У самимий тавба қилмасдан мунтазам гуноҳ қилади. Бу инсон – замонавий бутпараст ҳисобланади.

Шундай қилиб қонунбузарлик – бу криптонитнинг бир тури.

Бу эркаклар ва аёллар вақти-вақти билан қоқиниб турмайдилар. Аниқроғи, улар Худонинг Сўзига итоат қилишдан доим қочадилар, уни рад қиладилар ва менсимайдилар. Улар нопок ҳаёт кечирадилар. Уларнинг баъзилари Муқаддас Китобдаги у ёки бу оятлар бошқа маънога эга дейди, баъзилари Ёзувдаги бу сўзларнинг бугунги кунимизга даҳли йўқ дейди, уларнинг кўпчилиги эса бундай оятларни Муқаддас Китобдан назарда тутмаган иноят қоплаб турибди деб ҳисоблайди.

Афсуски, ўйлашимча, одамлар гуноҳда яшаётганининг сабабларидан бири шундаки – уларнинг етакчилари уларни тўғрилаб, ҳақиқий тавбага чақирмаётганидир. Бу одамларга Исо Масиҳ билан бўлган аҳд орасига бутпараст маъшукларни қўшиш мумкин эмас деб ҳеч ким гапирмаган. Агар улар чиндан ҳам иноят билан қутқарилган бўлса эди, улар гуноҳли фикрлардан нафақат ҳазар қилган бўларди, балки давомий гуноҳдан йироқлашиш учун қўлдан келгунча ҳаракат қилган бўлар эдилар. Улар ўз танасини, ҳирсу эҳтирослари билан бирга хочга михлаган ҳамда диёнатли хулқ ва ҳосилларга интилган бўлар эди. Айнан шу масиҳийни ажратиб турадиган фазилатдир.

Исонинг: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ” сўзлари эътиборга лойиқ. Юнон тилидан “билганим йўқ” - *ginosko* сўзи “яқиндан билиш”ни англатади. Уларда У билан ҳеч қачон чинакам муносабат бўлмаган. Улар Уни “Хўжайин” ва “Раббий” деб аташларидан қатъий назар – бу улар учун шунчаки атоқли унвон ва улар Унга бўйсунмайдилар. Худо билан чинакам муносабат борлиги ҳақида Худонинг Сўзига риоя қилиш далил бўла олади:

“Агар биз Унинг амрларига риоя қилсак, шундан Уни таниб-билганимизни биламиз. Кимки мен Уни таниб-билдим деб айтса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у одам ёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир” (Юҳаннонинг 1-мактуби 2:3, 4).

Бу оятлар Исонинг сўзларини тўлиқ акс эттиради, У шундай дейди: Шундай қилиб, уларни ҳосилларидан билиб оласизлар (Матто 7:20). Исо бу ерда айтаётган ҳосиллар – бу масиҳий йиғинлар ҳақида эмас. У воизликлар эшитиш, жамотга қатнаш ҳақида гапирмаяпти, чунки осмондан юз ўгирган одамлар учун бундай нарсалар нотаниш бўлмайди. Бугун одамларнинг кўпчилиги Исони Раббий деб атайдиган, Унинг таълимотига ишонадиган, жўшқин, ҳамда масиҳийлик хизматида фаол иштирок этадиган одамни Худонинг фарзанди деб ҳисоблайдилар.

Қуйидаги фикр билан бўлишишимга ижозат беринг: шубҳасиз, сиз бу барча фазилатларни ҳақиқий имонли кишида топасиз. Боз устига, буларсиз ҳақиқий имонли бўлишнинг имкони йўқ. Бироқ, бундай фазилатларга эга бўлиб, киши тўғридан-тўғри Худонинг фарзандига айланиб қолмайди. Ҳал қилувчи масала қуйидагича: у давомий гуноҳдан тавба қилдими ва Раббийга итоат этишга жон-жаҳди билан интиляптими? Сўнгра Исо уни маъбадда учратиб, унга: “энди ...бошқа гуноҳ қилма” – деган сўзларини мажбурий ёки мажбурий эмас деб қабул қиладими – анашу энг катта имтиҳон (Юҳанно 5:14).

Хабарчилар

Келинг Инжил хушxabарчилари ва етакчиларнинг бошига тушадиган узоқ муддатли оқибатларни кўриб чиқамиз. Ёзув Худонинг Сўзи ишониб топширилган, аммо уни ушлаб туриб, одамларга ҳақиқатнинг фош қилувчи қирраларини етказмаган одамни ҳукм кутмоқда деб айтган. Худо Ўзининг элчиларига берган огоҳлантиришни диққат билан ўқиб чиқинг:

“Мен қонунбузарга: “Сен аниқ ўласан”, — деб айтганимда, сен уни огоҳлантирмасанг ва қонунбузар ҳаёт бўлиши учун уни қонунбузарлик йўлидан огоҳлантириш учун гапирмасанг, унда ўша қонунбузар ўз қонунбузарлигида ўлади ва Мен унинг қонини сенинг қўлларингдан талаб қиламан. Лекин агарда сен қонунбузарни огоҳлантирган бўлсанг-у, у эса ўз қонунбузарлигидан ва қонунбузарлик йўлидан қайтмаган бўлса, унда у ўз қонунбузарлигида ўлади, сен эса ўзининг жонингни қутқардинг. Агар ҳақ одам ўзининг ҳақлигидан қайтса

ва қонунбузарлик қилса, шунда Мен унинг олдида тўсиқ қўйсам ва у ўлса, агар сен уни огоҳлантирмаган бўлсанг, у ўз гуноҳи учун ўлади ва унинг қилган ҳақ ишлари ёдга олинмайди. Унинг хунини эса сенинг қўлингдан талаб қиламан. Агар сен ҳақ одам гуноҳ қилмаслиги учун ҳақ одамни огоҳлантирсанг ва у гуноҳ қилмаса, унда у ҳам яшайди, чунки у насиҳатни қабул қилди, сен ҳам ўз жонингни қутқардинг” (Эзекил 3:19-21).

Қаранг, юқорида келтирилган оятларда “огоҳлантириш” сўзи қанчалик кўп ишлатилган. Мен чўпонларга, етакчиларга ва барча имонлиларга, ҳалок бўлган одамларни қутқариш ва гуноҳда яшаётганларни севги билан тўғрилаш буйруғига эга бўлган барчага рўй-рост савол беришимга ижозат беринг. Сизнинг маслаҳатингиз бўйича ўзини Худонинг олдида ҳақ деб ўйлайдиган, аслида эса сиз уларни давомий гуноҳдан юз ўгириш ҳақида огоҳлантирмаганингиз учун ноҳақ бўлган одамлар учун жавоб беришни истайсизми? Улар худди нажот топгандек ўзларини алдаб, муғомбирликда яшайдилар, аслида эса уларни ҳеч ким огоҳлантирмагани сабабли, улар гуноҳда яшашни давом эттирадилар, ҳукм куни эса улар: “Менинг олдимдан кетинглар” деган сўзларни эшитадилар.

Балки айнан шу сабабга кўра Хушхабарни: “... Ҳар бир одамни Худого Исо Масиҳда баркамол тақдим қилиш учун биз ҳар бир одамни ўқитиб, барча доноликларни ўргатмоқдамиз” – деб воизлик қилишимиз керакдир (Колосаликларга 1:28).

Худо Ўз Сўзида Эзекил пайғамбар орқали аниқ айтган сўзларига қаранг: “Унинг хунини эса сенинг қўлингдан талаб қиламан”. Сиз ўқни хато узганимизни абадий билиб юришимиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Ишаё пайғамбар янги осмонда ва янги ерда:

“Ҳар янги ой чиққанида, ҳар шаббат кунида бор башар сажда қилиш учун Менинг ҳузуримга келадиган бўлади, – дейди Раббий. – Улар чиқиб, Мендан қайтган одамларнинг жасадларини кўрадилар: зеро уларнинг қурти ўлмайди ва уларнинг олови сўнмайди. Ўша жасадлар бор башар учун жирканч бўлади” (Ишаё 66:23, 24).

Наҳотки сиз “сўроққа тортилган” одамлар, бошқаларнинг огоҳлантиришини менсимаганлари учун оловли кўлда ёниб, буларни эсидан чиқаради деб ўйлаётган бўлсангиз?

Агар биз одамларни ўз ҳолича қабул қилиш керак, уларга нажот таклиф

қилиш керак, уларни тавба қилдирмасдан “нажот ибодати” ўтказиш керак деб ишонсак, уларга жаннатга кириш ҳақида ёлғон умидни берсак, унда бунинг оқибати нима бўлади? Биз тингловчиларимизга қалбаки хавфсизликни ҳадя қилдик ва уларни ўзларининг гуноҳлари учун виждонан тавба қилиш истагидан маҳрум қилдик. Бундай ҳолатда бу одамлар биз туфайли адашиб қолиб, аниқ “жирканч бўладилар”.

Повулнинг ҳушга келтирадиган сўзларини эсланг: “Шунинг учун бугун сизларга гувоҳлик бераяпманки, мен ҳамманинг қонидан тозаман, чунки Худонинг бор иродасини сизларга эълон қилишдан чекинмадим” (Ҳаворийлар 20:26, 27).

Повул, Худо Эзекил пайғамбар орқали Худо Сўзининг ҳар бир хабарчисига айтганларини яхши билар эди. Агар биз Унинг йўллари ҳақида хабар беришдан бош тортсак, биз бунинг учун жавоб берамиз – бу бизнинг айбимиз ҳисобланади. Эҳтимол, шунинг учун ҳаворий Ёқуб шундай деб ёзган: “Биродарларим, ўқитувчилар кўпроқ ҳукмга дучор бўлишларини билиб, кўпларингиз ўқитувчи бўлаверманглар” (Ёқубнинг мактуби 3:1).

Муқаддас Китобда бу сўзлар биз беписанд бўлишимиз ёки уни жиддий қабул қилмаслигимиз учун ёзилмаган. Худо биздан Унинг огоҳлантиришларига беписанд бўлмаслигимизни ва У давомий қилинаётган гуноҳдан тавба қилишга ўндаётгани ҳақида жим турмаслигимизни ёлвориб сўраган. У буни етакчининг, шунингдек Худони излаётганларнинг фойдасини кўзлаб айтган. У бизни севади, У муқаддас Худо – У Ўзининг ҳузурида гуноҳга жой бера олмайди. У катта нарх тўлаб, бизга нажот берди, токи бизлар гуноҳдан халос бўлайлик ва озод ҳаёт кечириш учун куч-қудратга эга бўлайлик. Агар биз буюк нажотни қабул қилмасак, унинг таълимотини менсимасак, унда ҳукмдан қандай қочиб қутуламиз?

Янги Аҳд баланд овоз билан хабар бераётган Хушхабарга беписанд бўлиш мумкинми? Янги Аҳднинг охириги китобида қуйидагича яқуний сўзлар ёзилган: “Кимки бу башорат китобининг сўзларидан бирортасини олиб ташласа, Худо уни бу китобда ёзилган ҳаёт дарахтидан ва муқаддас шаҳардан маҳрум қилади”. Биз қандай қилиб бу огоҳлантиришга беписанд бўлишимиз мумкин? Қандай қилиб ҳақиқатни эшитишга чанқоқ бўлган одамларга, нажот сари бўлган илк қадам – гуноҳдан тавба қилиш экани ҳақида айтмаслигимиз мумкин?

Наҳотки биз Худодан кўра кўпроқ биламиз деб ўйласак? Наҳотки биз энг муҳими инсонни жамоатга олиб келиш, гуноҳни эса келажақда бирор кун қолдирса бас деб ўйласак? Аслида эса ҳаммаси тескари бўлиши керак. Агар бу инсон ибодат қилгани учун нажот топгани ва “оила” аъзосига айлангани ҳақида

аллақачон эшитган бўлса, унда нима сабабга кўра унда тавба қилиш истаги пайдо бўлади? Бу одам аллақачон “нажот топган” ва “иноят билан қопланган”.

Чарльз Г. Финней буюк хушхабарчи бўлган. Унинг хизмати шуқадар кучли бўлганки, бир неча марта бир нечта шаҳарлар ёппасига (хусусан, Нью-Йорк штати, Рочестер шаҳри) у ўтказган йиғинларнинг самарадорлиги сабабли кундалик ишларни қолдириб, йиғинга борганлар. Шундай пайтлар бўлганки, у ҳар кўни кечқурун, Худони излаётган одамларни нажотга ундаётиб, то ўтирғичларининг четкаларига суяниб, қотиб қолгунича гуноҳларидан тавба қилдирган.

Ниҳоят бир неча кечалардан сўнг у: “Агар сиз масиҳий бўлиш ҳақида ўйлаётган бўлсангиз, йиғиндан сўнг мана бу бурчакка келиб, бу ҳақида сўрашингиз мумкин” – деб айтган.

Минглаб одамлар унинг йиғинларида тавба қилган, тарихдан кўряпмизки, тавба қилган одамларнинг тўқсон фоизидан ортиғи ўз имонида содиқ қолган. Бугунги статистика бўйича нажот топаётган одамларнинг сони камайган. Унинг муваффақияти ниҳоятда улкан эди, чунки у Янги Аҳднинг таълимотидан узоқлашмаган: у Янги Аҳднинг услублари энг аъло эканини билган!

Жамоат

Хуллас, сиз китобнинг бошида ёзилган нарсалар қанчалик муҳим эканини энди кўряпсиз. Агар биз гуноҳ қилишни давом эттираётган одамларга нажотни таклиф этсак, биз жамотларимизнинг эшигини гуноҳ хамиртуруши учун очган бўламиз. Атайин қилинаётган гуноҳ тез тарқалади. У ҳар бир инсонга алоҳида, шунингдек бутун жамоатга, криптонит Суперменга таъсир ўтказганидек таъсир ўтказади.

Агар биз гуноҳни тузатишдан бош тортсак, биз жамоатларимизни заифлаштирамиз, оқибатда, маҳаллалар, шаҳарлар ва мамлакатлар Худонинг шўхратини кўрмайди. Илк Жамоат Худонинг шўхратидаги куч ёрдамида бутун бошли шаҳарларни ва ҳатто, минтақаларни ҳам ўзгартирган. Нима учун йигирма биринчи асрда биз ҳали ҳануз ўз минтақаларимизни ўзгартира олмаяпмиз? Инсонларга эришиш учун бизда илк Жамоатга қараганда анча ривожланган ва замонавий технологиялар бор.

Нима учун Америкада ва бошқа Ғарбий мамлакатларда бола олдириш, зино, жинсий бузуқлик, бесоқолбозлик ва ирсият масаласида ғулғула авжига чиққан? Бундай бўлаётганининг сабаби жамиятимиз тараққий этганидан эмас. Қонунбузарлик кўпайишининг худди шунақа мойиллиги тўртинчи ва

бешинчи асрларда, жамоат сўнишни бошлаган даврда кўзга ташланади. Рим жамиятида масиҳийлик оммавийлашгани сари, жамоат тўдалар билан аралашиб кетишни ва ўз самарадорлигини йўқотишни бошлаган, бунинг оқибатида Ўрта аслар деб номланган даврга шўнғиб қолган.

Менга келсак, навбатдаги бунақанги даврнинг гувоҳи бўлишни истамайман ва менинг бу фикримга қўплаб бошқа етакчилар ҳам қўшилишини биламан. Биз ҳақиқатни севги ва ачиниш билан бутунликда эълон қилишдан чекинмаймиз.

Агар сиз, ҳақиқатни оммабоп бўлашдан ё бўлмаслигидан, исталган бўлишдан ё бўлмаслигидан қатъий назар эълон қилишни қарор қилсангиз, бизга қўшилинг. Инсонлар ҳаётини, жамоатларни, шаҳарларни ва мамлакатларни ўзгартиришга қодир бўлган Худонинг Сўзини гапиринг. Бундан бошқача йўл тутиш – ўз яқинларингизни севишдан бош тортишни англатади.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Масиҳ Танасида сиз гуноҳнинг оқибатини яшира олишингиз мумкин бўлган касб йўқ. Бу нарсa нафақат етакчиларга зарар етказади, балки ҳатто ўз ҳаётига гуноҳни киритган битта одам орқали ҳам бутун жамоат бўйлаб тарқалиб кета олади. Агар биз гуноҳ ҳақида гапирмай жим юрсак, одамлар азият чекади, улар ҳалок бўлгани учун эса биз жавоб берамиз.

Охирги гапни ўзингизга қўллаб, буни қайтадан ўқиб чиқинг: агар мен гуноҳ ҳақида гапирмай жим юрсам, одамлар азият чекади, улар ҳалок бўлгани учун эса мен жавоб бераман.

Бу сўзларни баланд овоз билан бир неча бор такрорлаб айтинг, токи улар ичингизда чуқур илдиз отсин. Бу ҳақиқат ўзининг бор вазни билан юрагингизга ва онгингизга сингиб борсин.

Худо сизни бу масала бўйича сўроққа тортади. Гуноҳ ҳақида гапирмай жим юриш мумкин эмас. Ушбу ҳақиқат доирасида ўз ҳаётингизни кўриб чиқинг. Турмушингизда ва болалар тарбиясида нимадир ўзгардимиз? Энди жамоатингиздаги одамлар билан бошқача гаплашишни бошлайсизми? То мана шу ҳақиқат билан қандай яшашни яхши тушуниб олмагунингизча, Худодан бу саволларнинг жавобини беришини сўранг. Сўнгра ўзингиз ишонадиган дўстингизнинг олдига бориб, ушбу ўзгаришларни ўз ҳаётингизда қўллаш учун қандай режалар тузганингиз ҳақида гаплашиб олинг.

САБРЛИЛИК

Энди, тирилган Шоҳимиз томонидан бевосита айтилган сўзларга нигоҳ соламиз.

Муқаддас Китобнинг охириги китобида Исо Асиянинг еттита жамоатига еттита мактуб йўллаган. Агар Унинг сўзлари фақатгина ўша тарихий жамоатларга тегишли бўлганида, улар Муқаддас Китобга қўшилган бўлмас эди. Улар умумий китоблар тўпламига қўшилганлиги, у башарат сифатида қўлланилишидан дарак беради. Бошқача сўзлар билан айтганда, ундаги башоратлар нафақат ўша пайтдаги уни илк бор эшитган одамларга, шунингдек бугун бизга ҳам тааллуқли.

Худонинг сўзи тирик, шунинг учун келинг, Исонинг таъкидлаб айтган сўзларига қараймиз, У гўё бугунги даврда яшаётган авлодга қарата гапиргандек. Агар пойабзални кийиш фўрсати келган бўлса уни кияйлик – ёки Унинг таҳсини билан мустаҳкамланайлик, ёки Унинг севгидаги тузатишлари орқали тозаланайлик.

Йезебел ким?

Биз диққатимизни Тиатирдаги жамоатга қаратамиз. Исо унга мурожаат қилиб, Ўзини: “Кўзлари алангали олов бўлган ва оёқлари қиздирилган ярқироқ мисга ўхшаш Худонинг Ўғли...” деб атаган (Ваҳий 2:18). Бу сўзларни қуйидагича талқин қилиш мумкин: Унинг кўзлари бамисли лазер нури бўлиб, ҳамма нарсанинг моҳиятини ёритади, Унинг оёқлари эса Унинг қудратининг тимсоли бўлмиш ярқироқ мисга ўхшайди.

Қувончлиси шундаки, У бизни мақтаб шундай дейди: “Сенинг ишларинг, муҳаббатинг, хизматинг, имонинг, бардошингни биламан. Охирги ишларинг аввалгисидан кўпроқ эканини ҳам биламан (Ваҳий 2:19). Ҳаммаси аниқ равшан: У ўлик эмас, балки тирик ва ўсаётган жамоатга мурожаат этган.

У гапини бизнинг севгимизни тан олишдан ва мақташдан бошляпти. Одатда жамоат ёки хизмат, Худога ва одамларга нисбатан севгиси сўнганидан сўнг ўлади. Ушбу фожеали аҳволдан сўнг ҳақликнинг бошқа мевалари ҳам астан-секин ҳалок бўлишни бошлайди.

Раббий аввало, рўйхатнинг биринчи қаторида бўлган Эфес жамоатида севги совуганини эътиборга олгани ажаб эмас. Лекин Тиатир жамоати ҳақида У бошқача гапиряпти. Исо унинг севгисини мақтаяпти. У бир-бири ҳақида ғамхўрлик қилаётган одамларни имонлилар жамоати деб атаяпти, - бу Худонинг назарида жуда муҳим. Шахсан мен ишонаманки, айнан шу сабабга кўра Исо бизни, авваламбор севгимиз учун мақтаяпти ва шундан кейингина имон, хизмат ва бардош каби бошқа масалаларни кўтаряпти.

Бу сўнгида жамоат севгида, имонда, хизматда ва бардошда ўсаётгани ҳақидаги ҳайратомуз сўзларни эшитяпмиз. Ғаройиб! Имонлиларнинг танаси “сақламоқ ва қўлламоқ” сўзлари билан ифодаланмайди, йўқ, улар бир жойда туришмайди, балки доимо муҳим масалаларда ўсиб борадилар. The Message таржимасидаги ажойиб сўзларни ўқиб чиқинг: “Мен сиз Мен учун қилган ҳамма ишингизни кўряпман. Қойил! Севги ва имон, хизмат ва қатъиятингизни. Баракалла, жуда соз! Сизлар кундан кунга аъло даражада ўзгаряпсизлар”. Ҳар қандай жамоат етакчиси ва аъзоси Раббийнинг Ўзидан бундай сўзларни эшитиб, боши осмонга етган бўлар эди.

Лекин қўққисдан Унинг мақтови тузатишга ўгирилиб кетди:

“Лекин сенга қарши озроқ даъвойим бор, чунки сен ўзини “пайғамбар” деб атайдиган Йезебел исмли аёл таълим беришига ва Менинг қўлларимга зино қилишни ҳамда бутларга бағишланган нарсаларни ейишни ўргатиб, уларни янглиштиришига йўл қўймоқдасан” (Ваҳий 2:20).

Бу сўзларда чуқур маъно ётибди. Биринчидан, келинг Йезебелга назар соламиз. Гап шундай исмли аниқ бир аёл ҳақида кетмоқдами? Қўпчилик изоҳчиларнинг фикрича бундай эмас. “Янги америкача изоҳ”. Ваҳий китобида шундай деб ёзилган: “Ўша даврнинг юнон-рим адабиётида Йезебел исми тилга олинмаган... Масиҳийлар фарзандига Яҳудо исмини бериши ёки яҳудийлар ўзининг фарзандига биринчи асрдан сўнг Исо исмини қўйиши эҳтимолдан нари бўлганидек, аллақандай яҳудий ҳам

Ўзининг қизини Йезебел деб аташи эҳтимоли жуда оз бўлган”. Афтидан “Янги тирик таржима” таржимонлари ҳам бу фикрга қўшиладилар, чунки улар Исонинг бу ердаги сўзларини “бу Йезебел” деб таржима қилишган.

Бу аёл ўша даврда улкан ҳокимиятга эга бўлган, у “Йезебел” деб аталган десак муболаға бўлмайди, лекин бу унинг ҳақиқий исми бўлмаган. Унда кучли таъсир ўтказиш маҳорати бўлган ва етакчилар гуруҳи унинг таълимотини қоидага айлантириб қўйишган. Бу бүгунги кундаги бирорта таълимотни ташфиқот қилувчи битта эркак, битта аёл ёки бутун бошли етакчилар гуруҳи десак бўлади. Қандай бўлишидан қатъий назар, бу каби хизмат фалсафаси бутун жамоатга таъсир қилади.

Раббий бизга нима сабабдан бу сўзни берди? Ҳойнаҳой, унинг ҳосили Шоҳликлар китобида ёзилган қадимий Исроил подшоҳи Аҳабнинг хотини Йезебилникига ўхшайди. Бу тарихий малика ҳақида кўп нарса дейиш мумкин, лекин келинг унинг Исроилга ўтказган таъсири ҳақида гапирамиз. У бутпарастликни ташфиқот қилган, оқибатда Исроил мамлакати бўйлаб Раббийнинг Сўзи эшитилмай қолган. Етакчилар оғзини юмиб, бутун халқ миқ этолмай, серрайиб қотиб қолган. Фақатгина бир киши, Элиях унга қарши овоз кўтаришга жазм қилган.

Йезебилнинг таъсири сезилиб турибди. Элиях халқни фош қилиб, ундан ё Худога итоат қилишни ёки гуноҳ қилиб яшашни давом эттиришни танланглар деб сўради. У бу гапни Йезебилнинг таъминотида бўлган “хизматкорлари”, - Баал ва Аштаротга сиғинадиган пайғамбарларнинг ҳузурида айтди. Булар Элияхнинг давридаги медиа бўлими ишчилари, масалаларни ечиш бўйича махсус гуруҳ, қонун чиқарувчилар, юристлар ва ҳоказолар бўлишган. Бутун халқ бу “намояндаларнинг” юзи олдида тўпланди ва Элиях уларни курашга чорлади:

“Қачонгача икки фикр орасида тебранасизлар? Агар Раббий Худо бўлса, унда Унга эргашинглар; агар Баал бўлса, унда унга эргашинглар”, – деди (1-Шоҳликлар китоби 18:21).

Худонинг ортидан эргашиш – бу шунчаки чурқ этмасдан ишониш дегани эмас. Биз Унинг Сўзини айтишимиз шарт, биз унинг элчилари бўлишга даъват этилганмиз. Повул буни жуда яққол тушунтирмоқда:

“Сўзни воизлик қилгин, (содиқ бўлиб қол, тайёр тур, ёнида бўл) бу ишда қулай фурсатми, фурсат эмасми, саботли бўлгин. Фош қилгин, тақиқлагин, бутун сабр-тоқат билан таълим бериб насихат қилгин” (Тимотийга 2-мактуб 4:2, инглиз тилидаги АМРС таржимаси).

Элиях Исроил халқини севгани учун уларнинг хатосига ишора қиладиган ягона инсон эди. Йезебелнинг таъсири етакчиларни ва бутун халқни қалтиратиб қўйди. Ҳамма ҳадиксираб жим бўлиб қолди, гўёки кўзи илиниб қолгандек, бирор киши Yahweh номини айтишга журъат этмади. Давомий гуноҳ уларни асир этди ва Худонинг Сўзи беписанд бўлиб қолди. Янги Аҳдда шунга ўхшаш таъсир жамоатга яширинча киришни бошлади. Исо бунга йўл қўймайди, шунинг учун У Элиях сингари, жим турмайдиган ҳаворий Юҳаннони танлади.

Беҳазил саволлар

Энди биз савол беришимиз керак: наҳотки Исо Тиатир жамотига мурожаат этганда, бу жамоатнинг аъзолари жинсий бузуқликлар қилиб, бутларга бағишлаш учун тайёрланган овқатларни еганини назарда тутмоқда? Эҳтимол шундайдир, лекин мен бундай изоҳдан нари турмоқчиман, чунки Повул Рим ва Коринф жамоатларига ёзган мактубларида улар бутларга бағишланган овқатни еганлари учун уларни ҳукм қилмаган (Римликларга 14 ва Коринфликлар 1-мактуб 10 бобга қаранг). Нима сабабдан Исо, Повул Муқаддас Рухнинг илҳоми остида маъқуллаган нарсани ёвузлик деб атамоқда? Бир ишончли изоҳда шундай деб ёзилган: Аксарият таржимонларнинг фикрича жинсий бузуқликка чалиниши ҳақида гап кетмаган, бу ерда тўғридан тўғри жинсий алоқа ҳақида айтилмаяпти, - жамоат ҳам бунга йўл қўймаган бўлар эди. Ҳойнаҳой, гап руҳий ва/ёки таълимотдаги садоқатсизлик ҳақида кетмоқда” (Янги амарикача изоҳ. Ваҳий).

Кандай бўлмасин, Исонинг эътибори бошқа фактларни тузатишга қаратилган. У бу ерда ҳаракатга эмас, ҳаракатсизликка урғу бермоқда. У бизнинг эътиборимизни “йўл қўясан” сўзига қаратмоқда. Юнон тилида бу сўз еао деб аталади. Бу сўзни “Ҳаворий Юҳаннонинг Ваҳий китоби бўйича йўлланма”да (A Handbook on the Revelation to John): “ўнинг маъноси ё ижобий: “йўл қўймоқдасан”, “руҳсат бераяпсан”, ё салбий: “сен таъқиқламаяпсан”, “тўхтатмаяпсан”, “олдини олмаяпсан” бўлиши мумкин”.

Бундай сўзларнинг устидан мулоҳаза юритиб кўринг, улар ақлга сиғмайди. Исо ким айбдор эканини айтди, бизнинг ҳолатимизда эса айбдорлар – инсонларни бутпарастлик (давомий гуноҳ) қилишга васваса қилувчи таълимотни илгари сўрмоқчи бўлган кишилардир.

У аниқ гапирмоқда: “Тавба қилиши учун Мен унга вақт бердим, бироқ у ўз зинокорлигидан тавба қилмади” (Ваҳий 2:21). Кўриниб турибдики, улар илгари ҳам огоҳлантирилган, лекин улар огоҳлантиришни писанд қилмаган.

Исо бузуқлик давом этишига йўл қўядиган барча одамларнинг

ҳаракатларини тузатмоқда, бошқача сўзлар билан айтганда гуноҳни фош қилмаётган одамларни. Биз эса аксинча, Янги Аҳднинг фақатгина яхши, қувватлайдиган ва руҳлантирадиган жойларидан таълим беришни давом эттиряпмиз.

Моҳиятан биз ўша даврдаги исроил халқидан ҳеч фарқ қилмай жим юрибмиз. Бун қуйидаги вазият билан таққослаш мумкин: биз барчамиз ёнаётган бинодамиз, лекин ҳеч ким ҳеч қуриса ўзини ёки бошқа бировни оловдан қутқаришга ҳаракат қилмаяпти. Биз бинонинг томи ва деворлари қулаётган бир пайтда бир-биримизга қараб, биз нақадар баракалимиз деб, бир-биримизга бўлган муҳаббатимиз ҳақида гапиришда давом этаётганга ўхшаймиз.

Ўхшаш зиддиятлар

Ҳаворий Яҳудо шунга ўхшаш зиддият билан тўқнаш келди. У масиҳий биродарларга нажот мўъжизаси ҳақида тетиклантирувчи мактуб ёзмоқчи эди, лекин ёзолмайди. У жамоатга кириб олган криптонит ҳақида фош қилишига тўғри келди. Унинг сўзларини ўқинг:

“Севганларим, мен сизларга умумий нажотимиз ҳақида ёзишга ғайратим кўп бўлиб, бир нарс ҳақида насиҳат қилиб ёзишни лозим кўрдим: Бир вақтлар муқаддасларга топширилган имон учун астойдил курашинглар. Чунки қадимдан маҳкум бўлишга тайин қилинган баъзи одамлар орангизга яширинча суқилиб кириб олганлар. Бу бетавфиқлар Худойимизнинг иноятини бузуқликка айлантирмоқдалар ҳамда ягона Худо Эгамизни ва Раббимиз Исо Масиҳни рад қилмоқдалар” (Яҳудо 3, 4).

Худонинг бу хизматкори ўзининг азиз одамларига Масиҳдаги ҳаётимизда бор бўлган имтиёзлар, баракалар ва ваъдалар ҳақида астойдил ёзмоқчи бўлган. У орамиздаги кўпчилигимизга ўхшаб тетиклантирадиган ва руҳлантирадиган оҳангни ва кайфиятни сақлаб қолмоқчи бўлган. Мен уни мушкул вазиятга ва саросимага тушиб қолганини тушунаман. Мен ҳам кўпинча ёзиш ёки таълим беришдан олдин жуда кучли ҳиссиёт билан - фақатгина “руҳлантириш”ни танлаш истаги билан курашишимга тўғри келади. Менга руҳлантириш ёқади, бу кимга ҳам ёқмайди? Бироқ Муқаддас Руҳ бизнинг диққатимизни Худонинг қимматли фарзандларига ўлим олиб келиши мумкин бўлган нарсаларга қаратади.

Шу боис Яҳудонинг самимий севгиси уни имонлиларга ҳимоялайдиган

огоҳлантириш сўзларини ёзишга мажбур қилди. Нима бўляпти ўзи? Вазият Тиатирникидан фарқ қилади. Бу нопок ташфиқотчилар, чўпоннинг, етакчининг ва имонлининг ниқобини кийиб олишган, улар “куч ато этадиган иноят”нинг ўрнига “йўл қўядиган иноят” деб аталган нарсани ўзларининг ҳаёт тарзи билан кўрсатмоқдалар ёки бу ҳақда таълим бермоқдалар. Бошқача сўзлар билан айтганда, йўл қўядиган иноят бизни криптонитдан асрамайди ва ундан нарироқ юришимизга куч бермайди, у бизга ёки зўрға кўринадиган чегаралар билан ёки умуман чегарасиз яшашга имкон беради.

Шунинг учун жамият бизга куч-қудрат билан тўлдирадиган эмас, балки юзаки қопланган иноятга яраша ҳаёт кечириш ҳақида буйруқ беришни бошлайди. Шу йўсинда эгилувчан имонлилар жамият маданиятининг буйруғи билан криптонитнинг таъсирига тушиб, ўзларининг гуноҳкор табиатининг истаклари ортидан эркин юрадилар. Худо иноятининг мақсади бундай эмас.

Яҳудо жамоатларда таъсир ўтказаятган хамиртурушга кўз юмиб ўтириш ниятида эмас.

У чиникам ота сифатида, фарзандларини Худо билан яшашдан йироқлаштирадиган бузуқ ҳаёт тарзидан ҳимоя қилмоқда. Исо уни ҳам Тиатир жамоатининг етакчиларини тўғрилагандек тўғрилаб ўтирмади, аксинча У буни Яҳудога топширди.

Повул ҳам Жамоатдаги одамлар орасида бўлинишлар, бузуқлик, суд ишлари ва бошқа хил худосиз ишлар бошланганда жим ўтирмай, ғамхўр отанинг намунасини кўрсатди. У уларни шунчалик севардики, у Тана бўйлаб тез тарқалиши мумкин бўлган хамиртурушга қарши саволлар беришдан қочмади. Ёқуб ва Петъор ҳам шундай қилдилар.

Агар сиз илк Жамоат оталарининг мактубларини ўқиб чиқсангиз, улар анашу мисолга эргашишган, Худонинг Сўзида айтилган ва ёзилган қуроллардан фойдаланиб, Худо халқининг орасидаги давомий гуноҳни тузатишган. Улар соғлом таълимотга зид бўлган маданият томонидан шаклланган ғояларни ва баҳоналарни аниқ кўрсатиб беришган. Бу етакчилар маданиятли бутларни тор-мор қилаётганларида Йезебилнинг каллакесарлари уларни қўрқита олмади!

Сукут – розилик белгисидир

Етакчиликда сукут сақлаш имо-ишора мулоқот воситаси ҳисобланади. У розиликни ва ижозатни англатади, бу ҳудди: “Сен қилаётган ишнинг ёмон жойи йўқ” дегани. Қадимий лотин матали бор: “Сукут – розилик белгиси;

имкон бўлганида гапириш керак эди”. Илк Жамоатнинг оталаридан ва етакчиларидан ҳеч ким, криптонит инсонларнинг ҳаётига суқулиб кираётган вақтда жим туришмаган. Улар ўша одамлар учун масъулиятни сезишган. Улар ўзларининг овозини баланд кўтаришган, чунки бунинг вайрон қилувчи, заҳарли ва ҳалокатли кучини билишган, чунки у хамиртуруш каби тарқалиб кетишга қодир бўлган.

Ҳаворий Юҳанно шундай деб ёзган: “... бутун дунё эса ёвуз шайтоннинг ҳокимлиги остидадир” (Юҳаннонинг 1-мактуби 5:19). Жамиятда ёвузликнинг оқими тўхтамаяпти, энг ҳалокатли куч – яширин ёвузликдир. Ҳа, у яхшилиқнинг ниқобини кийиб олган. Бу алдовчи оқим “бу дунёнинг одати” деб аталади (Эфесликларга 2:2).

Кўйидаги суратни кўз олдингизга келтиринг: сиз дарё бўйлаб юқорига кўтарилишингиз учун оқимга қарши сузишингиз керак. Биз Худонинг Шоҳлигига қарши томонга оқаётаган оқимга эга бўлган дунёда яшаймиз, лекин ҳамма нарсадан кўра унинг маккорлиги хавфлироқ – оқим яхшилиқ ниқобини кийиб олган. Агар биз овозимизни кўтармасак, бу эшакни ишлатмай, оқим бўйича сузиб кетиш билан баробар бўлади. Биз ўзимизни юқорига сўзаётгандек тутишимиз, яъни ўзимизни масиҳийдек тутишимиз мумкин, масиҳийлардек гапиришимиз мумкин, лекин биз давримизнинг ижтимоий ахлоқига мувофиқ равишда сўзаётган бўламиз ва самарадорлигимизни йўқотамиз.

Эшакларни ишлатмасак, биз изтиробли адоватдан қочган бўламиз, гарчи биз қаршилиқ кўрсатмасак, ўзгаришларни кўрмаймиз. Эдмунд Берк шундай деб ёзган: “Ёвузлик тантана қилиши учун – яхши одамлар ҳеч нима қилмасликларининг ўзи кифоя”. Маданий бутлар сукут сақлайдиган имонлиларнинг юрагига ва онгига қаттиқ ўрнашиб олади.

Ёлғон кучайиши сари, биз сабр-тоқат қилган нарсаларнинг васвасасига йўлиқишни бошлаймиз. Биз ғайритабиий кучимизни сўриб олаётган нарсаларга ачинишни ва ҳаттоки бунга индамасдан рози бўлишни бошлаймиз. Биз маданиятга қарши бўлишнинг ўрнига маданиятга бўйсунишни бошлаймиз. Биз устимизга “масиҳийлик” ёрлиғини осиб олдик, аммо куч-қудратнинг элчилари бўлишнинг ўрнига хижолат ёювчиларига айланыпмиз. Атрофдаги дунё бизга шундай саволлар берапти: “Биз жамоатларингизни кўряпмиз, мусиқангизни, севги ва иноят ҳақидаги таълимотингизни эшитаяпмиз, лекин Қодир Худо ҳақидаги шаҳодатингиз қани?”

Повул масиҳийликни эътироф этувчи, лекин дунёнинг оқимини танлайдиган одамларни аслида хоч душманлари деб айтади. Ҳа, душманлари!

“Чунки кўп одамлар Масиҳ хочининг душманлари каби яшаяптилар. Мен сизларга улар ҳақида тез-тез айтиб турар эдим, энди ҳатто кўз ёшим билан гапираяпман. Уларнинг охирати – ҳалокат, уларнинг худоси – қорин, уларнинг шуҳрати – уларнинг шармандалигидадир. Улар ердаги нарсалар ҳақида фикр юритадилар. Бизнинг фуқаролигимиз эса – осмондадир. Биз у ердан Нажоткор Раббимиз Исо Масиҳнинг келишини кутмоқдамиз” (Филиппиликларга 3:18-20).

Биринчи оятни диққат билан ўқиб чиқинг: биринчидан, “кўп одамлар” дейилган. Иккинчидан улар душман эканини уларнинг сўзлари билдирмаяпти, чунки улар сўзлари билан Исони Раббий деб тан олишяпти. “Улар: “Худони биламиз”, – деб айтадилар-у, лекин ўз қилмишлари билан Ундан воз кечадилар. Булар ҳеч қандай хайрли ишга ярамайдиган, разил ва итоатсиз одамлардир” (Титусга мактуб 1:16). Улар художўйлик ниқобини кийиб оладилар, лекин ўзларининг ҳулқи билан душман эканини кўрсатадилар; улар танавий хоҳишларга– ҳирс, лаззат, унвон, машхўрлик, жинсий нуқсонлар, ғийбат ва ҳоказоларга рўжу қўйганлар. Повул жим турмаган, у қаршилиқ кўрсатган. Унинг мактубларини ўқиб чиқинг, у бизни тўғри йўлга бошлаб, нопок ва дунёвий ҳулқ-атвордан эҳтиёт бўлишимиз ҳақида огоҳлантирган. Эсингизда бўлсин, Повул қалам тебратиб бизга Худонинг Сўзини етказмоқда.

Қотмаларни синдиришнинг ягона йўли – Худонинг Сўзини эълон қилиш орқали тўғридан-тўғри қарши курашишдир. Агар биз Ёзувнинг обрўсини юксалтирмасак, бу каби фалсафий қалъалар имонлиларнинг ҳамда имонсизларнинг юрагида ва онгида янада баттар қаттиқлашади ҳамда юқори кўтарилади. Биз овозимизни баланд кўтаришдан бош тортсак, криптонитнинг таъсири учун эшик очган бўламиз.

Қарама-қарши натижалар

Исонинг жамоатимизга айтган якуний сўзлари нима эди? Бу сўзлар қўрқоқларга айтилмаган. Масиҳ аниқ айтяптики, сохта таълимотга эргашган одамлар агар тавба қилмасалар “буюк кулфатга” дучор қилинадилар. Бу белги бўлади ва шунда барча жамоатлар, У бизнинг фикрларимизни ва ниятларимизни Синовчи эканини ва ҳар биримизнинг қилган ишимизга яраша тақдирлашини билиб олади (Ваҳий 2:22, 23).

Лекин бир ажойиб хабар бор: ким криптонитга таслим бўлмаса, ким Унинг Рўҳи ва Унинг Сўзида мустаҳкам турса, унга барча халқлар устидан

ҳокимият берилади... худди Отамиз Исо Масихга берган ҳокимиятни беради.

Натижалар эса кескин қарама-қаршидир: биринчиси – кулфатли оқибатлар, иккинчиси – ақл бовар қилмас мукофотлар.

Қандай қилиб биз бу насиҳатларга эътибор бермаслигимиз мумкин, ахир бу сўзларни тирилган Шоҳимизнинг Ўзи айтган-ку?!

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Йезебел Худонинг пайғамбарларини миқ этмай юришга мажбурлади ва ҳатто, уларнинг кўпларини ўлдирди. Фақат бир киши Худонинг номидан сўзлашга жазм қилди, лекин Худо бу пайғамбар учун нималар қилишни истаганига қаранг. Худо уни ҳимоя қилган, таъминлаган ҳамда биз бугун ҳам қойил қоладиган ғайритабиий аломатлар ва мўъжизалар билан қўллаб-қувватлаган.

Худо илгаригидек қаддини ростлаб, ҳақиқатни гапирадиган одамларни қидирмоқда. Бу энди ҳаммани бирин-кетин танқидлашни бошлаш керак дегани эмас. Биз гуноҳ овчилари эмасмиз. Лекин шу билан бир қаторда одамлар бизни орқазамон, бесабр деб ўйлашади, ёки бизга аллақандай бошқа бир лақаб қўйишади деб қўрқиб, ҳаёжонланиб, чурқ этмай юриш мумкин эмас.

Биринчи навбатда биз ўзимизнинг шахсий ҳаётимизда бу огоҳлантиришга қулоқ солишимиз шарт. Ҳар қандай нархни тўлаб, илгари берилган гуноҳдан озод бўлишимиз даркор. Сиз озод бўлган пайтданоқ, бошқаларни озод қилишга киришинг, уларни гуноҳнинг хавфи тўғрисида тиришқоқлик билан огоҳлантиринг. Повул шундай деб ёзмоқда: "...сизларнинг итоатингиз бажо бўлганида, ҳар қандай итоатсизликни жазолашга тайёрмиз" (Коринфликларга 2-мактуб 10:6).

Агар сизга тузатиш ҳақидаги фикр ёқмаётган бўлса, Худодан сизни инсонларни тузатишга мажбурлайдиган севгини сўранг. Мана шундай мақсад сизнинг кейинги қадамингиз бўлсин. Шунда Худонинг инояти билан сиз бошқа одамларга бу мақсадга эришишга ёрдам бера оласиз.

СЕВГИ ВА ҲАҚИҚАТ

Энди биз криптонитнинг энг муҳим томонига яқинлашмоқдамиз – уни йўқ қилиш истагига. Криптонитни йўқ қилишга қодир бўлган кучнинг озлиги ёки унинг йўқлиги, ҳойнаҳой Хушхабарни етказиш услуби билан бизнинг хизмат қилиш фалсафамиз орасидаги истакнинг тебранишига боғлиқ. Мен айтаётган куч Худонинг севгисидан бўлак бошқа ҳеч нарса эмас. Повул бизга қудратли сўзларни айтган:

“...токи бизлар энди инсонларнинг маккорлиги ва ҳийлагар авраш маҳорати бўйича бўлган таълимотнинг ҳар қандай шамоли билан учадиган ва тебранадиган чақалоқ бўлмайлик, аммо ҳақиқатни севгида айтиб, Бош бўлган Масих томон ҳамма нарсада ўсиб борайлик” (Эфесликларга 4:14, 15).

Исо Тиатирда бор деб айтган, шунингдек Яҳудо, Петъор, Юҳанно ва Повул мактубларида таърифланган сохта таълимотлар шуқадар ақллики, уларни ҳақиқат деб ўйлаб, осонликча қабул қилиш мумкин. Душман биз ўйлагандан кўра ақллироқ. Агар у Худонинг ҳузирига тўлиб турган, комил дунёда яшаётган Ҳаввани аврай олган бўлса, унда гуноҳ айнитиб қўйган ерда яшаётган бизларни авраш унга қанчалик осонроқ? Бизни сохта таълимотнинг аврашидан нима ҳимоя қилиши мумкин?

Тўғри жавоб – ҳақиқат, лекин шунчаки ҳақиқатнинг ўзи эмас, балки севгида айтилган ҳақиқат. Севгисиз бўлган ҳақиқат бизни ўлдирадиган “қонун ҳарфи” йўлига – қонунпарастликка олиб кетади. Охир оқибат у ёлғонни жадаллаштиради ва одамлар жамоатнинг соғлиги учун жуда

муҳим бўлган Муқаддас Китобнинг огоҳлантиришларидан қочиб юришига ва ҳатто, унга қаршилиқ кўрсатишига олиб келади.

Бизга қонунпарастлик зарба бермоқда, чунки у тошбағир ва қабиҳ, у нафратни қўзғатади. Унинг ваҳшийлигини бартараф этиш учун биз севгини юқорига кўтарамиз. Лекин севги ҳақиқат билан бирга бўлмаса – бу севги эмас, бу сохта севгидир. Бу яхшилиқнинг, хуш кўришнинг, мулоимлиқнинг ва сабр-тоқатнинг бир шаклидир - буларнинг бари севгининг диёнатли кўринишидир. Лекин агар бу яхши фазилатларни ҳақиқатсиз қолдирсак, биз ёлғон йўлга оғиб кетишимиз муқаррар.

Келинг виждодан гапирамиз: Биз Муқаддас Китобнинг айрим ҳақиқатларини гапиришга шошилмаётганимизнинг сабаби шундаки, уларда биз ташна бўлган севги йўқ деб ўйлаймиз. Биз одамлар қаддини кўтаришига ва ҳаёт тарзини ўзгартиришга ундайдиган ҳақиқатларга бефарқ бўлмоқдамиз. Биз эркак ва аёлларни тавбага чақирсак, уларга нисбатан бизда ачиниш, мулоимлик, эзгулик ва севги етишмаслигини кўрсатаётган бўламиз деб ўйлаймиз. Лекин фарз қилиб кўринг, мен кўзи кўр одамни тўғри жарликка қараб кетаётганини кўряпман, агар у пастга тушиб кетса у аниқ ўлади. Мен ичимда: “уни ўлиб кетишига йўл қўйишим керак, чунки агар мен у одамни тўхтатсам, мен унинг танловига салбий муносабат кўрсатган бўламан, одамларнинг кўзида бесабрлик қилган бўламан дейишим мумкин”. Лекин мен уни тўхтатмасам ва тузатмасам у ҳалок бўлади. Агар мен уни ижобий, руҳлантирувчи изоҳлар билан кўнглини кўтарсам-у, лекин унга сиз бурилишингиз керак деб ҳақиқатни айтмасам, мен туфайли унга унинг охириги қадамлари ёқимли бўлиб кўринади, лекин нима бўлса ҳам у жарликдан қулаб ҳалок бўлади. Наҳотки бунининг севги деб аташ мумкин?

Дунёда ва кўплаб жамоатларда чинакам севгини манфур ва ўтакетган мутаассиблик деб ўйлашади. Бу қотма кўплаб масиҳийларда шаклланишининг сабаби шундаки, улар ҳаётга абадият ўлчами билан эмас, балки етмиш йиллик ёки саксон йиллик ўлчам билан қарайдилар. Шундай бир мисолни кўз олдингизга келтириб кўринг: агар менинг назиримда бахт бу фақат бир кун бўлса, мен дастурхондаги ошиб-тошиб ётган ширинликларнинг ҳаммасини еб кўраман. Мен бу кунни бахтиёрликда ва шодликда ўтказаман. Бироқ менинг назаримдаги бахт олти ойга чўзилса, мен бу дастурхонга бошқача кўз билан қарайман. Балки, мен фақат бир дона ширинлик еган бўлар эдим, лекин анигини айтсам, мен уларнинг бир донаси ҳам емаган бўлар эдим.

Чунки мен эртаси куни ошқозоним оғриб юришини истамайман, келгуси кунларда еган ширинликлар туфайли 3 килога семириб, соғлиғимни йўқотишни истамайман.

Ҳақиқий севгининг моҳиятини тушуниб етиш учун ҳаётга абадият доирасида қараш керак. Келажак бу фақат ердаги ҳаётни ўйлайдиган севги, у одамларни улар қандай бўлса шундайлигича қабул қилади ва уларни одатларингизни ўзгартиришингиз керак деган гаплар билан безовта қилмайди.

Биз бошқа нарсаларнинг кераги йўқ, улар абадий жарликка қулашидан аввал, ўзларининг охириги қадамларидан баҳра олишса бас деб ўйлаймиз. Чинакам севги абадият нуқтаи назари билан шундай дейди: “Мен сенга бефарқ эмасман, шу боис мен сени таърифлаб бўлмайдиган қийноқлардан, азоблардан ва кулфатдан қутқариш учун сенга бироз вақтга ноқулайлик яратишга тайёрман”.

Ҳақиқий дўзах чиндан ҳам бор. Бу киноя эмас, ифодали гап эмас ва бу вақтинчалик жазо жойи эмас. У ерга тушган одамлар “... абадулабад туну кун азобланадилар” (Ваҳий 20:10). Наҳотки Исонинг шундай сўзларига бефарқ бўлиш мумкин: “Шунда булар абадий жазога, ҳақ одамлар эса абадий ҳаётга борадилар” (Матто 25:46), ёки Повулнинг сўзларига: “Улар Раббийнинг ҳузуридан ва Унинг куч-қудратининг шўҳратидан абадий ҳалокат билан жазоланадилар” (Фессалоникаликларга 2-мактуб 1:9).

Абадий сўзи мангу деган маънони англатади, бу сўзнинг бошқа талқини мавжуд эмас. У ерда қанақа азоблар, оғриқ ва жазо кутилаётганини, унинг охири йўқлигини таърифлаб бўлмайди. Лекин энг даҳшатлиси, бу одамлар Худонинг ҳузуридан маҳрум бўлишидир. Улар Унинг ҳузурида нафақат у дунёда балки шу дунёда ҳам тура олмайдилар. Мен бу ҳақда қисқача ёзиб ўтаман.

Худо дўзахни одамлар учун яратмаган, У уни “шайтон ва унинг фаришталари учун” яратган (Матто 25:41 га қаранг). Шайтон инсониятни алдаб уни ўзига асир қилиб олди, гарчи шайтоннинг бир ўзи асир бўлишга маҳкум эди. Исо Ўзининг буюк севгиси тўғриси, биз ўзимизни мубтало этган жазодан халос этиш учун келди. Агар У чидаб бўлмас азоблардан ўтган бўлса ва бизни Ўзининг қудрати билан халос этган бўлса, У бизни даҳшатли қисматимиздан халос этиш учун қилган меҳнатига энгилтаглик билан қарашимиз мумкинми?

Келинг тўй базми ҳақидаги изоҳга қайтамыз. Агар мен фақат битта ширинлик ейишга қарор қилсам ёки биттасини ҳам емасам, одамлар менга гапиришни бошлайди. Кимдир: “Қани Жон, овқатга қара, ширинликлар жуда мазали, уларни есанг ҳеч нима бўлмайди, улар сенга ёқиб қолади, ҳаётдан лаззатланиш керак ахир” дейдилар.

Эй-йўқ, бу сўзлар ҳақиқатдан йироқ, улар мени йўлдан оздиради. Бу “ҳаётдан лаззатланиш” деб аталмайди, бу “бир кунгина лаззатланиш” деб

аталади. Ҳақиқат шундаки, агар мен келажакка узоқ муддатли назар билан қарасам ҳаётдан анча кўпроқ баҳра оламан. Худонинг Шоҳлиги билан ҳам худди шундай.

Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан ҳаворий Повул тошбўрон қилиниб, беш марта ўттиз тўққиз бора қамчи еб, уч марта таёқ еб, хавф-хатарлардан ўтиб, кўпинча кечаю кундуз ўхламай ва яна шунга ўхшаш кўплаб синовларга бардош бера олди? Наҳотки у ўзининг обрўсини ва номини ўйлаб, анжуманларда машҳур воизхон бўлиш учун, ортидан оломонни эргаштириш учун ва таниқли муаллиф бўлиш учун шундай машаққатларга чидаган деб ўйлайсиз? Йўқ, уни Худонинг севгиси олдинга туртарди – унинг ҳаракатлантирувчи куч севги эди. У абадийлик нуқтаи назари билан қараган ва мардонавор севган. У ҳақиқатни машҳурликка алмаштирмади, чунки у кимларга хизмат қилган бўлса уларни севди, токи улар Масихга имон келтирсинлар.

Чинакам севги нима?

“... Худо севгидир” (Юҳаннонинг 1 - мактуби). Унда нафақат севги бор, Унинг Ўзи севгининг моҳиятидир. Севгини қандай қилиб ифодалаш мумкин?

Бир мунча муддат аввал Раббий менинг юрагимга деди: “Ўғлим, Менинг халқим, ўз диққатини севгининг асл моҳиятига эмас, балки иккинчи даражали томонларига қаратган”.

Шунда менинг онгимга: “Севги узоқ сабр-тоқат қилади. У меҳрибонлик қилади. Севги ҳасад қилмайди, севги кеккаймайди ва мағрурланмайди. Севги бебошлик қилмайди, ўз манфаатини изламайди...” дейилган Коринфликларга 1-мактубнинг (13:4) сўнги сўзлари ва Муқаддас Китобнинг бошқа жойдаги оятлари келди. Сўнгра Муқаддас Рух менга, биз болага эркак билан аёлни ўртасидаги фарқни ўргатаётган тасвирни кўрсатди. Биз буни қандай амалга оширамиз? Агар биз болага: “Аёл кишининг иккита оёғи, иккита кўзи, бурни, оғзи, иккита қўли, иккита қўл панжаси ва иккита оёғи бор” деб айтсак буни тўғри таърифлаб бериш деса бўладими?

Ахир бола фақат шунақа таърифга эга бўлса у эркак кишига қараб: “Бу киши аёл” деб айтади-ку. Агар сиз болага эркак билан аёлнинг ўртасидаги фарқни аниқ таърифлаб бермасангиз, сиз: “аёл киши эркакдан шуниси билан фарқ қилади...” деб ётиғи билан тушунтирмасангиз шундай ҳолат юз беради.

Бутун дунё лаззат оладиган севги мавжуд: у ҳам сабр-тоқат қилади, раҳмдиллик қилади, мағрурланмайди ва Худонинг севгиси билан кўп ўхшаш жиҳатларга эга. Шундай бўлса-да Худонинг севгиси билан дунёвий севгининг ўртасидаги фарқ қуйидаги сўзлар билан битилган: “Худони севиш

– Унинг амрларига риоя қилиш демакдир...” (Юҳаннонинг 1-мактуби 5:3).

Агар биз севги ҳаворийси деган номга эришган Юҳаннонинг биринчи мактубида ёзилган ушбу муҳим мактубни илғаб олмаган бўлсак, у буниникинчи мактубида такрорламоқда:

“Севги шундан иборатки, бизлар Унинг амрлари бўйича ҳаракат қилайлик. Бу сизлар бошидан эшитган амрдир, токи сизлар у бўйича ҳаракат қилинглари” (Юҳаннонинг 2-мактуби 6).

Ҳаворий Повул Коринфликлар Биринчи мактубида севги нима эканини бошқача тушунтириб берган. Юҳанно севгининг сифатларини ифодаламаган, лекин ифоданинг мазмунини – Худонинг севгиси бошқа турдаги севгилардан нимаси билан фарқ қилишини кўрсатган. Севги – Исонинг амрларини бажаришдир. Раббий бу ҳақда сирли Кечликда яққол гапирган:

“Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга риоя қилса, ўша одам Мени севади. Мени севганни эса Отам севади, Мен ҳам уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиламан” (Юҳанно 14:21).

Шундай қилиб, агар мен яхши, сабр-тоқатли, мулоим бўлсам, ҳасадгўй, мағрур, мақтанчоқ бўлмасам ва ғазабланмасам, лекин доимо хотинимни алдасам ва солиқ тўлашдан тойсам, мен Худонинг севгисида юмаяпман.

Шундай қилиб, агар мен яхши, сабр-тоқатли, мулоим бўлсам, ҳасадгўй, мағрур, мақтанчоқ бўлмасам ва ғазабланмасам, лекин, кўплаб давлатларнинг ҳукумати томонидан маъқулланаётган ва рағбатлантирилаётган бесоқолбозликни маъқулласам ва рағбатлантирсам, демак мен Худонинг севгисида юмаяпман.

Боз устига, мен алданганман ва қўпол, ҳасадгўй, мақтанчоқ ва ғазабланувчи одамдан кўра кўпроқ хавфдаман, чунки у одам Худодан узоқ эканини аниқ билади, мен эса йўқ.

Мен тавба ибодатини такрорлаганим учун Худонинг қаршисида ҳақман деб хато ўйлаб юрган бўлишим, лекин доим такрорлайдиган гуноҳларимга тавба қилмаган бўлишим мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, мен Исо Масихнинг амрларини бажармаётган ҳисобланаман.

Энди мен жуда муҳим фикрга урғу беришимга ижозат беринг: мен нажот топиш учун Худонинг амрларини бажармайман. Аниқроғи мен нажот топганим учун ва Унинг севгиси менда жо бўлгани учун уларни бажараман. Итоаткорлик – бу мен юрагимни ва ҳаётимни чиндан ҳам Унга бағишлаганимнинг далолатидир.

Яна такрор айтаман, Худонинг Сўзига ва Унинг йўллариغا зид бўлган ҳар қандай кўринишдаги севги мангу севги эмас. У вақтинчалик севгидир. Одамлар у билан ўзини яхши ҳис қиладилар, улар севги учун ҳатто, қурбон бўлишга ҳам тайёрман деб ўйлайдилар, бундай севги яқинликни ва хайрихоҳликни бахш этади, аммо у мангу эмас. Вақти келиб у қиялиқдан абадий оловли кўлнинг жарига қулайди.

Нима сабабдан шунчалик тўғридек туюлган севги аслини олганда вақтинчалик? Одам ва Ҳавва яхшилиқни ва ёмонлиқни билиш дарахтининг мевасини ёқимли ва донолик беради деб ўйладилар.

“Хотин дарахтнинг озиққа яхши, кўзга ёқимли ва донолик бериши учун ардоқли эканини кўриб, унинг мевасидан олиб еди. Кейин эрига ҳам берди, у ҳам еди” (Ибтидо 3:6).

Тўғрироғи, Ҳавва қуйидагича фикрлаган: “Нега Худо биз учун яхши бўлган нарсани еманглар деб айтди? Бунда ҳеч қанақа мантиқ йўқ”. У Худонинг маслаҳатига кирмайдиган билимни ва “яхши” нарсани танлади. Биз “нима учун” деган саволнинг жавобини билишни истаймиз, лекин биз бир сўзли бўлимишимиз керак: шундай нарсалар борки, Исо биздан итоаткор бўлишимизни кутмоқда, гарчи сабабини тушунмасак ҳам. Бизга яхши бўлиб туюлган нарсага У тегма деб буйруқ бераётганида У бизни севишига ишонсак бўладими? Унинг феълига ишонсак бўладими? Ёки Худони ҳукм қилиб, биз учун нима яхшилигини ўзимиз ҳам яхши биламиз деб, Адан боғидаги ўша эр-хотиндан ҳеч қандай фарқимиз йўқми?

Худонинг кўрсатмаларининг ортида яширилган сирларнинг ва “нима учун” деган саволларнинг жуда кўп мисолини келтириш мумкин, лекин сизга фақат биттаси ҳақида айтиб беришимга ижозат беринг. Қирқ йил ичида, Худо нима сабабдан пайғамбарга: “У ерда нон емагин, сўв ҳам ичмагин ва сен борган йўлдан ортингга қайтмагин” деб айтди деган саволимга жавоб бера оладиган битта ҳам одамни учратмадим (1-Шоҳлиқлар 13:9).

Пайғамбар шу гўёки беъманидек туюлган буйруққа бўйсунмади, лекин охир-оқибат ўзининг итоатсизлиги туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Ҳақиқатни тан олсак, ҳақиқий севги, севгининг ҳиссиётига гўё қарама-қаршилиқ қилаётгандек. Нима учун Повул Коринфдаги жамоатга шундай деган: “Мен эса ўзимни сизларнинг жонларингиз учун бажонидил сарф қиламан ва сарф бўламан. Мен сизларни ҳаддан ташқари севсам ҳам, сизлар томондан камроқ севилмоқдаман” (Коринфликларга 2-мактуб 12:15).

Жуда ғалати, бу жамоат Повулда севувчи инсонни кўрмаган! Ўйлайманки,

улар Повулни маълум бир қоидаларга бўйсундирмоқчи бўлган қонунпараст деб тасаввур этганлар. Эҳтимол, улар уни ҳатто, риёкор деб ҳисоблаганлар. Аммо улар янглишганлар. У уларни вақтинчалик бўлган эмас, балки мангу бўлган севги билан севган. У уларни ҳақиқат билан фош қилди, уларни огоҳлантириб, тавба қилишга чақирди. Эҳтимол, айнан шунинг учун эшитувчилар у бизни севмайди деб ўйлашгандир, аслида эса унинг сўзлари Худонинг чинакам севгисига тўлиқ бўлган.

Ҳақиқатни севги билан айтинг

Юқорида айтилган сўзларнинг доирасида келинг, чинакам севгининг муҳимлиги тўғрисида мулоҳаза юритамиз. Севги нима эканига таъриф беришдан бошлаймиз:

Севги узоқ сабр-тоқат қилади.

Севги меҳрибонлик қилади.

Севги ҳасад қилмайди.

Севги кеккаймайди.

Севги мағрурланмайди.

Севги бебошлик қилмайди.

Севги ўз манфаатини изламайди.

Севги тез аччиқланмайди.

Севги ёвузликни ўйламайди.

Севги ноҳақликка қувонмайди.

Севги ҳамма нарсани кўтаради.

Севги Унинг амрларини бажаришимиздан иборатдир.

Агар биз ҳақиқатни гапирсак, лекин яхши ва сабр-тоқатли бўлмасак, аксинча, ҳасадгўй, мақтанчоқ, мағрур бўлсак, кеккайсак, ўз манфаатимизни изласак, тез аччиқлансак, ёвузликни ўйласак, ноҳақликка қувонсак ва одамларни севишдан тўхтасак, демак биз Унинг амрларига риоя қилмаямиз. Шунинг учун биз тавба қилиш ҳақида, Исо Масиҳга имон келтириш ҳақида воизлик қилишимиз мумкин – бу ҳақда бутун Ёзувда айтилган, лекин ўзимиз чинакам севгида яшамаётган бўлишимиз мумкин. Биз қонунпарастлик соҳасига қадам босиб, одамларни Худога олиб келишнинг ўрнига уларни яралаётган бўламиз.

Бир марта ёш йигит олдимга келиб шундай деди: “Мен сиз хизмат қилаётган хизматда бўлишимга даъват этилганман. Мен Масиҳнинг Танасини тузатишга даъват этилганман!”

Мен бу сўзларни эшитганимдан сўнг, унинг ичидаги нияти нотўғри эканини юрагим билан ҳис этдим. Муқаддас Рух мен орқали ундан шундай деб сўради: “Сен мазкур пайғамбарлик хизматида қандай ҳаракат қилиш кераклигини биласанми?”

Унинг юзи порлаб кетди ва у бир зумда: “Ҳа, мен бунни билишни жуда ҳам истайман” – деб жавоб берди.

Мен унга: “Ҳар сафар, сен одамларни бирор бир нарсада тузатсанг ёки огоҳлантирсанг, сенинг юрагингда уларга нисбатан оташин севги бўлиши керак” – дедим.

У бироз вақтга сукут сақлаб, сўнгра шундай деди: “Худо менинг устимдан ҳали яна кўп ишлаши керак” – деди.

Мен унга шундай деб жавоб бердим: “Мен сен билан фахрланаман. Фақат камтарин одам бундай гапни айтиши мумкин. Сен ўз хизматингга сен ўйлаганингдан ҳам кўра яқин турибсан. Сенда юмшоқ юрак бор”.

Севги ўзидан кўра бошқа инсон ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилади. У бефарқ эмас ва одамнинг жарликдан тушиб кетишига йўл қўймайди. У Коринфиликларга биринчи мактубнинг 13-бобида ёзилган барча мулоҳим фазилатларга эга, лекин шу билан бир қаторда у бизнинг Нажоткоримизнинг ва Худонинг амрларидан ҳеч қачон чекинмайди.

Севги жуда ҳам муҳим, жуда ҳам зарур – у ҳаётнинг моҳиятидир. Худо сизнинг юрагингизни Ўзининг севгиси билан тўлдириши учун ибодат қилинг, токи сиз чиндан ҳам ўзингиздан кўра кўпроқ бошқа одамларнинг ҳаёти учун ғамхўрлик қилинг. Ёзилганки, Муқаддас Рух Ўзининг севгисини юракларимизга қуяди. Биз Худодан ушбу ҳаётбахш севгини, унинг тубини, узунлигини ва баландлигини сўрашимиз мумкин.

Шунинг учун сўранг, яна бир бор сўранг, сўрашни тўхтатманг, токи У сизнинг юрагингизни илоҳий абадий севгиси билан тўлдирсин.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Бизлар гуноҳни жамоатга кириб олаётганига миқ этмай томоша қилиб ўтирмаслигимиз керак, лекин бу ҳақда фақатгина севги билан айтишимиз мумкин, акс ҳолда бизнинг огоҳлантиришларимиз кутилган натижаларни бермайди. Муқаддас Китобда Худонинг огоҳлантиришлари кўп марта учрайди, лекин Унинг оташин севгиси Уни янада каттароқ саҳийлик қилишга ундайди – У бизни огоҳлантирган гуноҳларнинг жазосидан қутқариш учун Ўзининг Ўғлини тўлов сифатида қурбон қилди.

Биз ҳам одамларни гуноҳдан нари юриш ҳақида огоҳлантириб шундай севги билан ёнишимиз керак. Севгининг фақат битта манбаи бор – бу Худо. Худо севгидир. Агар биз севгида ўсишни истасак, биз Худо билан муносабатимизни ўстиришимиз керак.

Худо билан узлуксиз равишда вақт ўтказиш ва Ундан бизни Ўзининг севгиси билан янада кўпроқ тўлдириши ҳақида сўраш қанчалик муҳим эканини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Биз севгига тўла бўлганимизда, барча қўрқувлар йўқолиб кетади ва шунда биз гуноҳни ўз номи билан атай оламиз. Севги бизни атрофимиздаги одамларнинг манфаатини ўйлаб чора кўришимизга мажбурлайди, бу шунчаки инсонпарварлик мақсадида эмас, балки эҳтиёж туғилганда огоҳлантириш учун керак. Худонинг севгиси бизни озод қилади ва биз бошқа одамларга ҳам озодлик элтишимиз учун куч беради. Шу бугун ғайрат билан ибодат қилиш учун вақт ажратинг – қўлларингизни пастга туширишга шошилманг, токи Худо сизни Ўзининг севгиси билан тўлдирсин.

КРИТОНИТНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ

Гап гуноҳ ҳақида кетаётганда, имонлининг ҳаётида учта ҳолат юзага келиши мумкин.

Биринчидан, юраги тошбағир бўлганлиги сабабли ўзининг гуноҳини пайқашни истамайдиган одамлар бор. Уларнинг ичида Худонинг юрагини ранжитадиган иммунитет ишлаб чиқарилган. Худо улар ҳақда шундай деб йиғлайди: “Улар қилган жирканчликларидан уяладиларми? Йўқ, асло! Улар уялмайдилар ҳам, қизармайдилар ҳам” (Йермиёҳ 8:12). Улар ўзларининг виждони билан савдолашадилар, ҳатто виждон бутунлай ёниб кул бўлиб кетгунича савдолашадилар.

Иккинчи ҳолат бунчалик хавfli эмас. Одамлар биз барчамиз табиатан гуноҳқормиз ва Исонинг инояти шунчалик қудратлики, у бизни гуноҳнинг жазосидан қутқаради, лекин гуноҳ қуллигидан қутқара олмайди деган ёлғон билан рози бўладилар. Бу одамлар Масихда биз барчамиз муқаддасмиз деган ҳақиқатни маҳкам тутишади, аммо муқаддасланган ҳаёт билан яшаш шарт эмас деган ёлғонга ишонишади. Мана шунақа таълимот Тиатир жамоатида кенг тарқалган эди. Повул мазкур тафаккурнинг мазмунини таъкидлаб, шундай деб ёзган:

“Хўш, унда нима деймиз? “Иноят кўпайсин”, – деб гуноҳ қилиб юраверамизми? Йўқ, асло! Биз гуноҳ учун ўлганмиз. Энди қандай қилиб гуноҳда яшайверамиз?” (Римликларга 6:1,2).

Биринчи иккитта ҳолат – ғирт криптонитнинг ўзгинасидир, маълум бўлган давомий гуноҳ бўлиб, имонли кишини, шунингдек бутун бошли

масиҳий жамоатни заифлаштиради. Ушбу иккита тоифада гуноҳ қилувчи одамлар – гуноҳга берилганлар ҳисобланади. Исо Ҳукм куни мана шуларга: “Менинг олдимдан кетинглар” (Матто 7:20-23 қаранг) – дейди.

Учинчи тоифадаги одамлар – гуноҳдан озод бўлиш учун курашувчилардир. Улар қутулишни истайдилар, лекин гуноҳ уларга қаттиқ чирмашиб олган. Улар ҳали Худонинг Сўзидаги имон орқали озодлик берадиган қудратни кўришмаган. Гуноҳ қилиб, улар эзиладилар, чунки улар Худони севадилар. Улар рўй-рост тавба қилишади, лекин маълум бир вақт ўтгандан сўнг яна гуноҳ қилиб қўйишади. Афсуски, улар айбдорлик ва маҳкумлик ҳисси билан боғланиб қолишган, шунинг учун уларга гуноҳ занжиридан қутулиш қийин. Улар содир этган гуноҳ уларни ўзини ушлаб турибди.

Агар сиз учинчи тоифадаги гуруҳга мансуб бўлсангиз, мени диққат билан эшитинг. Исо бизга шундай деган: “Ўзингизни назорат қилинглар! Агар биродаринг сенга қарши гуноҳ қилса, унга танбеҳ бергин. Агар тавба қилса, уни кечиргин. Агар бир куннинг ўзида сенга қарши етти марта гуноҳ қилса-ю, етти марта сенга қайта келиб: “Тавба қилдим”, – деса, уни кечиргин” (Луқо 17:3, 4). Нега Устозимиз бизга, гуноҳ қилиб, лекин чинакам тавба қилган инсонни бир куннинг ичида кўп марта кечиришимиз ҳақида айтмоқда? Чунки Самовий Отамиз бизни кечиргани каби, биз ҳам кечиришимиз шарт (Эфесликларга 4:32). Тушунинг, агар сиз кўп марта гуноҳ қилган бўлсангиз, лекин ҳар сафар Худога ҳокисорликда самимий тавба билан чин юракдан мурожаат қилган бўлсангиз, сиз Исо Масиҳнинг қони билан ювиласиз ва гўё илгари ҳеч қачон гуноҳ қилмагандек кечириласиз. Ўзингизни жазоламанг, бўлмаса сиз Исо қонининг улуғворлигини камситган бўласиз ва ҳақлиқни яна ўз ишларингиз билан ишлаб топишни истаб қоласиз. Бундай қилиб, сиз нажотни ва кечиримни қабул қила олмайсиз. Кечирим – бу Худонинг қимматли инъомидир.

Ушбу бобда мен учинчи ҳолатни кўриб чиқмоқчи эдим. Мен Худонинг Сўзи қандай қилиб мени озод қилгани ҳақидаги воқеа билан бўлишмоқчиман.

Мен озод бўла олмадим

Мен ўн икки ёшга тўлганимда дўстларим менга беҳаё журналларни кўрсатдилар. Бизлар уларни бир-биримизга узатишни бошладик ва жуда тез орада мен тобеликка тушиб қолганим ҳақида айтишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ҳаммаси енгил беҳаё тасвирлардан бошланди, лекин жуда тез орада оғир мазмунли материалларга ўтиб кетдим. Натижада мен шахвоний ҳаёлларга берилишни бошланам, мен бу ҳаёлларни онгим билан бошқара

олмас эдим. Катта синфлардаги дарсларда мен қизларга қиё боқиб ўтарар эдим ва улар билан шахвоний ҳаракатларни фараз қилар эдим. Мени жинсий ҳирс қуршаб олган эди.

Ўн икки ёшимда мен умумий ётоқхонадаги йиғинда ўз ҳаётимни Исо Масихга бағишладим. Кўплаб гуноҳлар ҳаётимнинг устидан эга бўлган ҳокимиятини бир зумда йўқотди: ичкиликбозлик, сўкинишлар, қизларга нисбатан ноўрин ҳаракатлар, қўполлик ва ҳулқимдаги кўплаб бошқа хунук одатлар ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Бироқ беҳаё тасвирлар ва ҳирс мени қўйиб юбормас эди. Мен илгаригидек бунга боғлиқ эдим ва бундан қутула олмадим. Ҳар сафар васвасага тушиб, гуноҳ қилганимдан сўнг, мен тезликда тавба қилар ва Худодан чин юракдан кечирим сўрар эдим.

Нажот топгунга қадар мен икки марта ўйлаб ўтирмас эдим – истак эндигина пайдо бўлганиданоқ, шу заҳоти унга берилар эдим. Нажот топганимдан сўнг мен нуқсон доирасига тушиб қолдим. Мен беҳаё тасвирларни кўришни истамас эдим, чунки бунини нопоклик эканини билар эдим, лекин ҳирс менинг қаршилиқ кўрсатишимни енгарди.

1982-йил мен йигирма уч ёшга тўлганимда, Лизага уйландим. Мен орзу қилган қизга ўйланиб бўлганимдан сўнг ҳирс ўз-ўзидан йўқолиб кетади деб ўйлаган эдим. Лекин у нафақат йўқолиб кетмади, балки янада кучайиб кетаверди. Агар яқин атрофда беҳаё тасвирларни кўрганимда, улар мени магнит пўлат устарани тортганидек тортар эди. Менинг тобелигим Лиза бўлган тўшақдаги ва бошқа яқин муносабатларимизга таъсир қилар эди.

1983-йил мен жамоатда хизмат қилишни бошладим, лекин илгаригидек беҳаё тасвирлар билан курашар эдим. Хизматимда мен чўпонга, унинг оиласига ва барча меҳмон воизларга ёрдам беришим керак эди. Бизнинг жамоатимиз Америкадаги энг йирик ва машҳур жамоатлардан бири эди, биз кўплаб машҳур чўпонларни ва воизларни қабул қилар эдик. Уларнинг бири озод қилувчи хизматкор деган ном билан шўҳрат қозонган эди. У бир неча йилини Осиёда ўтказган, унинг инсонларни нуқсонлардан ва жинлардан озод қилиш ҳикоялари ниҳоятда ажойиб эди, баъзан улар ақлга сиғмасди ҳам. Худо уни қудрат билан ишлатар эди. Унинг исми Лестер Самралл эди.

1984-йилнинг кузида у бизнинг жамоатимизга тўрт кунлик семинар ўтказиш учун келди ва мен одатга кўра уни кузатиб олишим ва ёнида бўлишим лозим эди. Мен уни, у бизнинг жамоатимизга илгариги ташрифларидан яхши билиб олган эдим. Бу гал, мен уни машинада олиб кетаётганимда машинада фақат биз иккимиз ўтирган эдик ва мен унга ўзимнинг ҳирсим билан бўлган курашим ҳақида айтиш учун қулай фурсат келди деб ўйладим. Мен ғуруримдан тушиб, ўз ихтиёрим билан унга

ҳаммасини айтиб бердим. Лестер ҳақиқий имон отаси сифатида жуда кескинлик билан жавоб берди. Мен унинг ҳар бир сўзини диққат билан эшитдим, сўнг тушкунликка тушиб, ундан: “Илтимос, менинг озодлигим учун ибодат қилинг” – деб сўрадим.

У куч бериб ибодат қилди, лекин афсуски, келгуси ҳафталар ва ойларда ҳеч нима ўзгармади. Мен ҳирс билан курашишда давом этдим.

Тахминан тўққиз ой ўтгандан сўнг менга вақтимни рўзада ва ибодатда ўтказишим учун бир жойни таклиф қилдилар. Рўзанинг тўртинчи кунида (мен бу санани ҳеч қачон унутмайман – 1985-йилнинг 6-май куни), чуқур ибодатда бўлиб, мен ҳирснинг руҳидан тўлиқ озод бўлдим. Муқаддас Рух менга рашк билан ҳирсга қараб, “ҳаётимни тарк этгин” деб буюришимни айтди. Мен шундай қилдим ва устимга шунақанги ҳокимият қуйилдики, уни бирор нарса билан таққослаб бўлмас эди. Худого шукр, мен бугунга қадар озодман!

Нега шу заҳоти эмас?

Чамаси икки йиллар озодликда яшаб, мен Худонинг олдига ибодатда бир азобли савол билан келдим. “Ота, мен тушунмаяпман. Мен шуқадар буюк бўлган одам, Сенинг хизматкоринг Лестернинг олдида ғуруримдан тушдим. Кўплаб одамлар унинг хизмати орқали озодлик олди, нега у мен учун ибодат қилганида, ўша кўннинг ўзида озод бўлмадим? Нима учун фақат тўққиз ой ўтганидан сўнг озод бўлдим?”

Раббий менинг ўша пайтдаги ҳаётимни кўрсатишни бошлади. 1984-йилнинг куз ойида, Лестер воизлик қилиш учун келганида, мен ҳар куни эрталаб камида бир ярим соат ибодат қилар эдим. Бу тахминан икки йил давом этди. Мен эрта тонг соат 5 да турар эдим, соат 5 дан 30 дақиқа ўтганга қадар уй ишлари билан машғул бўлар эдим ва сўнг то соат 7 га қадар ибодат қилар эдим. Ўша пайти менинг оташин ибодатим шундай эди: “Худойим, кўплаб одамларни Исога олиб келишим учун мендан фойдалангин, кўплаб одамларни шифолаш учун мендан фойдалангин, одамларни озод қилиш учун мендан фойдалангин. Ота, халқларни Масихга олиб келиш учун мендан фойдалангин”. Мен доим шу ҳақда ибодат қилар эдим, кун сайин Худодан мени хизматга қўйишини ва ҳеч ким ёпа олмайдиган эшикларни очишини сўрар эдим. Мен жон-жаҳд билан ибодат қилар эдим!

Бир марта ўша кузнинг ўзида одатимга кўра эрталаб ибодат қилаётган эдим ва Худодан кўп ойлар ва ҳатто йиллар давомида сўраган нарсалар учун хитоб қилдим. Қўққисдан, мендан оқаётган кўплаб сўзларнинг орасида Муқаддас Рух менга: “Ўғлим, сен кўплаб одамларни Исога олиб

келишинг, кўпларни озод қилишинг ва касалларни шифолашинг мумкин, ўзинг эса дўзахда абадий куйишинг мумкин” – деди.

Мен қотиб қолдим. Бўлиши мумкин эмас? Буни менга Муқаддас Рух айтяптими? Мени шубҳа босиб, жим турган бир пайтимда, У яна шундай деди: “Ўғлим, Яхудо Менинг ортимдан эргашиш учун ўз ишини қолдирди, Яхудо Хушхабарни воизлик қилди, касалларни Менинг номим билан шифолади, одамларни Менинг номим билан озод қилди, бироқ Яхудо ҳозир дўзахда”.

Мен католиклар оиласида катта бўлдим ва мен юқоридан туғилганимга атиги беш йил бўлган эди, шунинг учун мен билан содир бўлган нарса менга нотаниш эди. Мен бу сўзларни эшитганимда мен титрашни ва қалтирашни бошладим. Мен жимирлаб кетдим ва ҳеч нима дея олмадим. Ўша вақтнинг ўзида мени саросима босди, лекин мен билан Худо гаплашаётганини аниқ билар эдим. Унинг ҳузури мени титроқ ва эҳтиром билан тўлдирди.

Ниҳоят, мен барча кучимни тўплаб, ҳурмат билан сўрадим: “Унда мен биринчи навбатда нимага интилишим керак? Энг муҳими нима?”

Ундан жуда яққол жавоб келди: “Мени шахсан билгин”.

Манашу учрашувдан сўнг, Муқаддас Китобни шахсан ўзим учун ўрганиб, Довуднинг, Мусонинг, Повулнинг ва ҳаётини яхши тугаллаган бошқа барча одамларнинг энг катта истаги нима бўлганини тушундиб етдим. Повул шундай деган:

“Шубҳасиз, Раббим Исо Масиҳни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсани беҳуда, деб ҳисоблайман. У учун мен ҳамма нарсадан воз кечдим. Масиҳга эга бўлишим учун мен ҳамма нарсани ахлат, деб ҳисоблайман”
(Филиппиликларга 3:8).

У Исони шахсан билишга интилган ва шунинг учун унинг хизмати шуқадар қудратли бўлган. Мен Исони шахсан таниб-билишга интилмаганман, мен хизмат ортидан юрган эканман. Ўша куни ҳаммаси ўзгарди.

Энди менинг тонгги ибодаларимда бошқача ибодат қилишни бошладим, мен Унга: “Раббий, мен Сени инсон таниб-билиши мумкин қадар билишни истайман. Мен Сени мумкин қадар мамнун этишни истайман. Менга юрагингни кўрсат, менга Сен учун муҳим бўлган ва муҳим бўлмаган нарсаларни кўрсат. Мени Ўз йўлларингга ўргат ва менинг ҳаётим Сенга қувонч келтирсин...” дедим.

Мен эрта тонглари туришни давом эттирдим, лекин менинг ғалати илтижоларим бошқа томонга қаратилган эди. Мен нима содир бўлаётганини

англамас эдим, лекин Худо кечроқ буни менга кўрсатди.

Демак, “Нима учун Лестер Самралл мен учун ибодат қилганида мен озод бўлмадим?” деган саволимнинг жовоби тушунарли бўлишни бошлади. Сўнгра Худо менга шундай деди: “Сен хушхабарчига гуноҳинг ҳақида айтганинда, сен гуноҳ ҳирси, Мен сени даъват қилган хизматдан ушлаб турганидан қўрқар эдинг. Сен гуноҳ сени хизматингдан маҳрум қилади деб қўрққансан. Сен ўзинг ҳақида қайғурган эдинг, бу дунёвий қайғу эди”.

Сўнгра У яна шундай деди: “Тўққиз ой ўтиб, сен Мени шахсан таниб-билиш учун Менга хитоб қилганинг учун сенинг юрагинг эзиларди, чунки сен Менинг юрагимни ўз гуноҳинг билан тирнар эдинг. Мен сени гуноҳдан озод қилиш учун ўлганимни билар эдинг. Сен Мен хочга қоқилишим учун сабаб бўлган нарсада иштирок этишдан нафратланинг. Сен Мен ҳақимда қайғурдинг, бу эса Худо учун бўлган қайғу эди”.

Повул Коринф жамоатига шундай дейди:

“Энди мен қайғурганингиз учун эмас, балки сизлар тавба учун қайғурганингизга қувонаяпман. Чунки сизлар Худо учун қайғурдингизлар, шунинг учун биздан ҳеч қандай зарар кўрмадингизлар. Чунки Худо учун қайғуриш нажотга олиб борадиган шубҳасиз тавбани келтириб чиқаради, дунёвий қайғуриш эса ўлимни келтириб чиқаради” (Коринфликларга 2-мактуб 7:9, 10).

Юнонча “нажот” сўзи бу оятда юқоридан туғилишни билдирмаслиги ҳам мумкин. Бу *soteria* сўзи, “хавфсизлик, озодлик, хавф-хатардан ва бузилишдан сақланиш” деган маънони билдиради (WSNTDICT). Келинг «озодлик» сўзини ушбу ифодадан ажратиб олиб, юқоридаги оятга қўшиб кўрамиз: “Зеро Худо учун қайғуриш озодликка олиб борадиган шубҳасиз тавбани келтириб чиқаради”. Мен халос қилиндим, озод қилиндим ва айнан Худо учун қайғуриш озодликни сақлаб қолиш эшигини очиб берди.

Иккита қайғу

Қайғунинг икки хил тури бор, бири Худо учун, иккинчиси дунёвийдир. Уларнинг орасидаги фарқ нимада? Шоҳ Шоулнинг ва шоҳ Довуднинг ҳаёти шу фарқни яхши кўрсатади. Илгари айтиб ўтилганидек, Шоул Амолеқ халқи масаласида Худога итоат қилмади. Шоҳ Шомуил сўроқ қилганида, у ўз айбини тан олмади, лекин Шомуил қатъий турар эди. Шунда Шоул пайғамбарнинг

чекинмаганини кўриб, халқни айблашга ўтди ва фақат охирида Шоул: “Мен гуноҳ қилдим” – деб тан олди. Лекин бу сўзлардан сўнг бирданига у Шомуилга: “Гуноҳ қилдим, лекин энди халқимнинг оқсоқоллари олдида, Исроил олдида мени ҳурмат-иззат қилинг...” – деб айтди. Шоулнинг ғайғуси ўзининг манфаатини кўзлади. Шомуил уни етакчилар ва халқнинг олдида фош қилиб, саросимага солиб қўйди. Шунинг учун Шоул унинг иззати тикланиши истади.

Шоҳ Довуд ҳам ўз навбатида оғир гуноҳ қилиб қўйди. У бировнинг хотини билан зино қилди ва ўзининг гуноҳини яшириш мақсадида унинг эрининг ўлимини ташкиллаштирди.

Пайғамбар Натан Довудни унинг етакчилар жамоаси ва халқи олдида фош қилди. Довуд гуноҳлари ошкор бўлганини кўриб, ерга юз тубан йиқилиб: “Мен Раббий қаршисида гуноҳ қилдим”, – деди (Шомуилнинг 2-китоби 12:13).

Шоул: “мен гуноҳ қилдим” – деди. Довуд эса: “Мен Раббий қаршисида гуноҳ қилдим” – деди. Уларнинг ўртасида фарқ бор. Довуд ўзини паст олди, чунки ўзи севган Худонинг юрагани яралаган эди. Унинг қайғуси Шоулникига ўхшаб ўзининг манфаатини кўзламади. Биз бунинг тасдиғини Довуд бутун кечаси билан Раббий олдида тавба қилиб, етти кун рўза тутганидан кўраимиз. У Худога қарши қилган қилмишидан жуда ҳам пушаймон бўлди.

Буни биз унинг қуйидаги илтижосидан биламиз:

“Мен Сенга, фақат Сенга қарши гуноҳ қилдим ва Сенинг кўз олдингда ёвузлик қилдим. Шунинг учун Сен Ўз сўзингда ҳақсан ва Ўз ҳукмингда поксан” (Санолар 50:6).

Дунёвий қайғу ўзимизга қаратилган. Унинг оқибатлари қанақа? Мени маҳкум этишадими? Хизматимни йўқотаманми? Ўз гуноҳим учун азоб чекаманими? Одамлар энди мен ҳақимда нима деб ўйлайдилар? Ва ҳоказо. Худо учун бўлган қайғу Исога қаратилган: Мен Севганимнинг юрагини яраладим ва У қанақа қарор чиқаришининг аҳамияти йўқ; Унинг ҳукми ҳақ ва покдир ва мен Унинг шавқати қаршисида тиз чўкаман.

Қандай чиқиш керак?

Шундай қилиб, мен озод бўлдим, лекин менинг онгимда илгаригидек янгилашиш содир бўлиши учун икки ёки уч йил керак бўлди. 1985-йилнинг май ойига қадар мен қаердадир беҳаё материалларни кўрсам, улар мени ўзига тортар эди ва мен қаршилик кўрсата олмас эдим. Вақт ўтиб мен қаршилик кўрсатишни ўргандим ва улардан юзимни буриш қобилятини

қўлга киритдим. Агар ёнимдан таранг кийимда кийинган чиройли аёл киши ўтиб кетса, менинг ҳаёлларим у билан чалғиб кетмаслиги учун бошқа томонга қарар эдим. Бу Исо бизга тўхфа қилган тўлиқ озодлик эмас. Менинг озодлигим тўлиқ эмас эди.

Озод бўлиш билан озодликда юриш тушунчаларининг ўртасида фарқ бор. Мен 6-май куни озод бўлдим, лекин Исо шундай деган: “Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади” (Юҳанно 8:32). Бизни ҳақиқат озод қилиши керак, бунинг учун у бизнинг ичимизнинг тубигача кириб бориши лозим.

Вақт ўтар эди, мен Унинг Сўзида ва ибодатда жо бўлдим. Мен аёлларга Худонинг назари билан қарашни бошладим. Менда илк ўзгариш барча аёллар – Худонинг қизлари эканини юрагим билан англаб етганимдан сўнг содир бўлди. Биламан, ҳамма ҳам бунда теран ваҳийни кўрмайди, лекин мен учун чиндан ҳам янги бир нарса очилди. Муқаддас Рух менга ҳар бир аёл – кимнингдир жажжи қизи эканини очиб берди. Аёл киши мен илгари ўйлаганимдек бир бўлак гўшт эмас эди.

Бироз вақт ўтиб, менинг юрагимни янада каттароқ ваҳий тўлтирди. Менга барча аёллар Худонинг суратида яратилгани очилди ва У уларга шўҳрат ҳамда иззат тожини кийдирди (Ибтидо 1:26, 27 ва Санолар 8:6 ларга қаранг). Эҳтимол, бу унчалик ҳам теран эшитилмаётгандир, лекин мен учун бу буюк ваҳий эди, у менинг юрагимнинг тубигача кириб борди ва ҳаётимни ўзгартирди.

Шундан сўнг қаердадир менинг кўз ўнгимда беҳаё суратлар милт этса мен жирканишни бошладим! Ҳа, илгари мени ўзига тортган нарса энди мени итқитар эди. Агар жозибатор аёл ёнимдан ўтиб кетса, илгари кўп йиллар давомида қилганимдек, бошимни ўгирмайдиган бўлдим, чунки мен озод бўлдим. Энди мен унинг кўзларига ифлос истакларсиз қараб, ҳушмуомалалик билан “салом” дея оладиган бўлдим.

Мен Исо Масиҳ иноятининг қудратини кўрдим. Мен тушундимки, масиҳийларнинг аксарияти иноятда нажотни ва гуноҳлардан кечирилишни кўрадилар, уни ишлаб топиб бўлмайдиган инъом деб ҳисоблайдилар. Кўпчилик мана шу билан кифояланадилар. Мен Худонинг инояти ҳақиқатдан ҳам мана шу барча фазилатларга эга эканини англаб етдим, лекин у шунингдек бизга ўзгаришимиз учун ва ҳақиқат бизни ундаган нарсаларни қилишимиз учун қудрат бахшида этади.

Исонинг бепул тўхфаси, бизни нафақат гуноҳ учун бўлган абадий жазодан озод қилишига, шунингдек гуноҳнинг занжирларидан озод қилиш учун етарлича қудратга эга эканига ишона оламизми?

Сиз мени бунинг тескарисига умуман ишонтира олмаймиз.

Мен биламан! Мен Унинг ўзгартирувчи иноятини бошимдан ўтказдим ва энди мен озодман. У мен учун қилган иши учун миннатдорман, шунингдек У сиз учун ҳам худди шу нарсани қила олиши учун ҳам миннатдорман! Бу мен учун боғда сайр қилиш бўлмади, бу жанг бўлди, у қатъиятликни ва оташин ибодатни талаб этди. Ҳойнаҳой, сиздан ҳам худди шундай қилиш талаб қилинади. Хушxabар шундан иборатки, сиз қуламайсиз, чунки Худонинг инояти ва севгиси сизга ҳеч қачон панд бермайди. Шунинг учун у билан бирга бўлинг ва озодликда яшанг.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Худо – сизнинг Нажоткорингиз, ёлғиз У сизга нажот бера олади. Сизни гуноҳнинг асирлигидан озод қилишга қодир бўлган беш поғонали дастурлар, қоидалар рўйхати мавжуд эмас, инсоний уринишлар ҳам ёрдам бермайди. Лекин бу энди биз ҳаракатсиз ўтирсак, Худо бизни гуноҳдан озод қилади дегани эмас. Худо сизни озод қилади, лекин Унга интилиш учун ҳаракат қилиш талаб этилади. Самовий Отага тўғри ният билан интилиш лозим – Ундан бирор нарса олиш эмас, Уни таниб-билиш керак. Айнан шу нарса бизни озодликка элтади.

Гап шундаки, сиз озод бўлишни қанчалик истайсиз? Худони излаш учун вақт ажратасизми? Керак бўлганда У билан учрашиш учун бирор бир руҳий сафарга бориб келишга тайёرمىсиз? То Унинг ҳузурини топгунча ва Унинг ваъдаларини олгунга қадар, тинмасдан хитоб қиласизми? Унга муносабатларингизни мустаҳкамлашига йўл бериб, Унга яқинлашасизми? У билан муносабатларингиз яхши бўлиши учун гуноҳлардан озод бўлишга интиласизми? Етук художўй етакчилар сиз учун ибодат қилишлари учун ва ҳаётингизга гапиришлари учун ўз ғурурингиздан тушасизми?

Занжирларингиз учун қандай нарх тўлаётганингизни англаб етинг, шунингдек озод бўлишнинг нархини ҳам ҳисоблаб кўринг. Сўнгра Худонинг ортидан бутун юрагингиз билан эргашинг. Сиз Уни шахсан таниб-билишингизни У кўтапти!

ГУНОҲ БЎЛМАГАН ГУНОҲ

Сиз ушбу бобнинг сарлавҳасини ўқиганингизда қошингиз кўтарилиб кетгандир?

Биз бутпарастликнинг яна бир томонини ҳали кўриб чиққанимиз йўқ, унинг номи гуноҳ бўлмаган гуноҳ деб аталади. Криптонитни йўқ қилиш жараёнини тугаллашимиз учун ушбу қиррага бефарқ бўла олмаймиз, чунки уни илиб олиш қийинроқ. Келинг ҳикматдан бошлаймиз.

Бир марта тасодифан ўтиб кетаётган одам Исога қараб, Худонинг Шоҳлигидаги базмда ўтириш зўр эканини айтди. Исо чуқур ҳақиқатни тасвишлаб бериш учун унинг изоҳидан фойдаланди. У шундай деди: “Бир одам кечки зиёфатга катта дастурхон тайёрлаб, кўпларни чақирди. Кечки зиёфат вақти келгач: “Келинлар, дастурхон тайёр бўлди”, – деб меҳмонларга айтмоқ учун қулини юборди. Шунда ҳаммалари келишиб олгандек, ўзр сўрай бошладилар...” (Луқо 14:16-18). Бу ҳикматнинг асосий сўзи – “ўзр сўрай бошладилар”.

Сиз билан ҳам шундай содир нарса бўлганми? Сиз кимдандир ёрдам сўрасангиз, ёки байрамга таклиф қилсангиз, ёки бирор бир ишни тугатишни ёки вазифани бажаришни сўрасангиз, ёки яна бирор бир бошқа нарсани сўрасангиз-у, лекин жавобан аҳмоқона баҳонани эшитганмисиз?

Ҳикматда “ўзр сўрай бошладилар” деган сўзлар нимани билдиради? Бу сўзлар одамлар ўзларининг ишларини сизнинг илтимосингиздан кўра муҳимроқ деб ҳисоблайдилар.

Уларнинг сўзларининг мазмуни шундан иборат: “Мен учун рўйхатимдаги нарсалар сенинг илтимосингдан устун туради”.

Исонинг сўзларига кўра, бу инсон нафақат қовурма, сомсалар ва тансиқ овқатлар билан зиёфат уюштирган. У катта байрам, муҳим базмни ташкиллаштирди. У таклиф этилган одамларни дуо қилмоқчи эди. Таклифномалар чоп этилган, конвертларга солинган ва байрамга келишни истаган ҳар бир кишига жўнатилган эди, лекин у жавобан қўйидаги баҳоналарни эшитди: “Биринчиси у одамга: “Мен ер сотиб олдим, бориб уни кўришим керак. Илтимос, мени кечиринг”, – деди” (Луқо 14:18).

Жуда муҳим савол туғилади: наҳотки ерни харид қилиш гуноҳ бўлса? Албатта, йўқ. Агар бу гуноҳ бўлса, унда мен тавба қилишим керак, чунки менда ҳам ер сотиб олишга тўғри келган пайтлар бўлган. Бироқ ер сотиб олиш Худонинг Сўзидан кўра муҳимроқ бўлса, унда бу гуноҳ ҳисобланади – бу гуноҳ бўлмаган гуноҳдир. Аниқроқ қилиб айтганда, бу бутпарастлик деб ҳисобланади, бу криптонит.

Келинг кейинги одамга назар соламиз: “Бошқаси эса: “Мен беш жуфт хўкиз сотиб олдим, уларни синагани боряпман. Илтимос, мени кечиринг”, – деди” (Луқо 14:19).

Яна савол туғилади, хўкизларни харид қилиш ёки замонавий тилда айтганда, тадбиркорлик учун мосламалар харид қилиш гуноҳ саналадими? Албатта, бу гуноҳ эмас, мен ҳам офис учун мосламалар харид қилганман.

Келинг таклиф олган охириги кишининг жавобини ўқиймиз:

“Яна бошқаси: “Мен уйландим, шунинг учун кела олмайман”, – деди” (Луқо 14:20).

Мен сизга ҳам шу саволни охириги марта беришимга ижозат беринг: уйланиш гуноҳми? Агар уйланиш гуноҳ бўладиган бўлса, унда кўплаб эркакларнинг, шу жумладан менинг ҳам ҳолимга вой. Албатта, бу гуноҳ эмас. Бироқ Раббийнинг Сўзидан кўра хотин кўпроқ муҳим бўлиб қолса, бу гуноҳ ҳисобланади. Бу ҳам гуноҳ бўлмаган гуноҳдир, бу аниқроқ қилиб айтсам бутпарастлик, ёки криптонитдир.

Ўйлайманки, бу фикр тушунарли: агар биз кимнидир ёки ниманидир, шунингдек ҳар қанақа машғулоти Худонинг Сўзидан устун қўйсак унда, бу гуноҳ бўлмаган нарса гуноҳга айланади.

Менинг криптонитим ўзини кўрсатди.

Мен Перди университетининг иккинчи курсида ўқиётганим чоғларим, Исо Масиҳни севиб қолганим ҳақида илгари айтган эдим. Мен Уни 1981-йили талабалар ётоқхонасида Раббим деб қабул қилдим. Мен У учун ловуллаб ёнишни бошладим!

Бир неча ой ўтганидан сўнг Пердида футбол мавсуми бошланди. Мен учинчи курсда ўқиётган эдим ва талаба сифатида барча ўй мусобақалар обуна бўлган эдим. Охирги икки йил давомида мен битта ҳам ўйинни ўтказиб юбормаган эдим. Бироқ энди мен Исога шуқадар ботиниб кетган эдимки, мусобоқа вақтида Муқаддас Китобни ўрганар эдим. Ётоқхонада жим-жит эди, чунки барча йигитлар ўйинни томоша қилишга кетар эди. Бу мен ибодат қилишим учун ажойиб имконият эди. Мен Худо билан ўтказган вақтимдан, футбол ўйинини томоша қилишдан кўра кўпроқ лаззат олардим.

Ҳеч ким менга: “Сенга футбол ўйинига бориш мумкин эмас” демас эди. Мен ҳеч қачон ўйинни томоша қилишга бориш ёмон деб ўйлаган эмасман. Боз устига, университетнинг охирги курсларида мен кўп ўйинларга бордим.

Перди университетини тугаллаганимдан сўнг мен бирданига Далласга кўчиб ўтдим ва бир неча ойдан сўнг жамоатда ишлашни бошладим. Жамоатда тўрт юздан ортиқ ишчи ходим бор эди, чунки хизмат жуда йирик ва кенг кўламли эди.

Ўша даврда “Даллас чавандозлари” жамоаси миллий футбол лигасининг ичида энг зўрларидан бири эди. Мен “Чавандозларнинг” катта ишқибози эмас эдим, чунки мен Мичиганда катта бўлганман, лекин офисдаги йигитлар бу жамоа тўғрисида ҳар якшанба куни гапиришар эди. Улар биргалашиб олдин бўлиб ўтган ўйиннинг ҳар бир лаҳзасини батафсил муҳокама қилишарди – статистикани, ёрқин лаҳзаларни ва албатта, плей-оффнинг жадвалидаги жамоаларнинг имкониятларини муҳокама қилишар эди.

Мен “Чавандозларни” қизиқиб томоша қилишни бошладим. Бошида мен ўйиннинг чорагини ёки яримини кўришни бошладим. Уларнинг ўйини бағоят ажойиб бўлгани учун уларни томоша қилиш менга ёқиб қолди. Бундан ташқари, бу менга яна битта имтиёз берди – мен офисдаги йигитлар билан ақлли тортишувлар олиб боришимга имконият берди.

Лекин вақт ўтиб бу жамоага нисбатан қизиқишим кучайиб кетди, мен ўйинларни бошидан охиригача томоша қилишни бошладим. Мен телевизор билан ҳис-туйғу билан гапираётганимни, ўйинчилар учун куйишни ва ҳатто, уларга қараб, бақираётганимни сезишни бошладим. Ниҳоят, мен бирорта ҳам ўйинни ўтказмайдиган бўлиб қолдим, экрандан кўз ўзмай ҳаммасини томоша қилишни бошладим. Ҳатто доимий мусобақалар бўлмаган пайтда ҳам мен ҳамкасбларим билан кейинги мавсум қанақа бўлиши ҳақида ва “Чавандозлар” ўзларини нақадар аъло даражада намоиш қилишлари ҳақида гапирар эдик. Мен ашаддий мухлисга айланган эдим!

Ўйин мавсуми бошланганида, мен шу заҳотиёқ завқланиб кетар эдим. Ҳар якшанба куни йиғиндан сўнг мен ўйимга югуриб кетар эдим, ҳатто

кийимимни алмаштирмасдан (ўша даврда биз фақат костюм кияр эдик) телевизорни қўшардим. Гарчи устимда ноқулай кийим бўлса-да ва ҳаммом қилишим керак бўлса ҳам, мен баъзан телевизорга ёпишиб қолгандек ўтираверардим. Мен ўйинни ўтказиб юборишни истамас эдим. Танаффус пайтида мен кийимимни алмаштирардим. Лизага ёрдам бериш умуман ҳаёлимга ҳам келмас эди. Мен унга: “азизам, “Чавандозлар” ўйнашаяпти” дердим. Биз ёки танаффус вақтида, ёки ўйиндан сўнг тушлик қилар эдик, лекин асло ўйин вақтида эмас.

Ўша вақтда мен жамоанинг статистикасини билар эдим. Мен уни эътибор билан ўрганар эдим ва доим ўйинчилар қандай қилиб аълороқ натижаларни кўрсатишлари мумкинлиги ҳақида ўйлар эдим. Иш жойимда мен барча суҳбатларнинг етакчи мутахассисига айландим. Бизнинг жамоатимизда ўзларига обуна харид қилган одамлар бор эди, мени стадионга бориб бирор бир ўйинни томоша қилишга таклиф қилишганда, мен рози бўлардим. Мен ўйинга бормаслик мақсадида ҳеч қачон аҳмоқона баҳоналарни тўқиб чиқармас эдим.

Яна навбатдаги мавсум бошланди. Бундан бироз вақт олдин мен оддий ва мен ўйлаганимдек унчалик аҳамиятга эга бўлмаган ибодат билан ибодат қилдим. Бироқ мен манашу ибодатим менинг ҳаётимни ўзгартиради деб ўйламаган эдим. Мен шундай деб ибодат қилдим: “Раббий, мен Сендан юрагимни тозалашингни сўрайман; мен муқаддас бўлишни, Сен учун ажратилган бўлишни истайман, шунинг учун, агар менинг ҳаётимда Сенга ноъмақул бўлган бирор нарса бўлса ёки Сендан муҳимроқ бўлган устувор нарса бўлса, менга буни кўрсат ва ундан халос бўлишимга ёрдам бер”.

Футбол мавсуми тез орада тугашни бошлади ва плей-офф ўйинлари яқинлашаётган эди. Ўйиннинг жуда муҳим куни кириб келди. “Чавандозлар” “Филадельфия бургутлари” билан ўйнаётган эди, ғолиб жамоа плей-оффга чиқади, мағлуб бўлган жамоа эса турнирдан чиқиб кетади. Мен телевизорга ёпишиб, ўриндиғимга ўтиролмай тўғри экраннинг қаршисида тик туриб томоша қилар эдим. Ўйиннинг охири чораги кетаётган эди, финалгача саккиз дақиқа қолган эди. “Чавандозлар” тўрт очкога ортда қолаётган эди, лекин уларнинг юдузли квотербеки жамоани рақибларининг дарвозаларига бошлаётган эди. Мен полни оёқларим билан оҳиста босиб ташлар эдим. Улар хато қилганида иложсикликдан бақирардим ёки улар нишонга тўғри урганини кўриб ҳайқириб юборар эдим. Ўйин жуда қизғин кетди.

Қўққисдан ҳеч қандай огоҳлантиришсиз Худонинг Рўҳи мени ибодат қилишга ундади. Мени ўзим кутмаган шиддат қуршаб олди – ибодат қил, ибодат қил, ибодат қил! Устимга жудаям оғир юк тушгандек бўлди. Шу пайти мени Муқаддас Рўҳ ибодат қилишга йўналтираётганини тушундим.

Мен баланд овоз билан: “Раббий, ўйин тугашига атиги саккиз дақиқа қолди-ку. Ўйин тугасин кейин ибодат қиламан” – дедим.

Муқаддас Рух мени ундашдан тўхтамади.

Бир неча дақиқа ўтди. Бу оғир юкни енгиллашишини кутиб, мен хайқириб: “Раббий, хоҳласанг мен беш соат ибодат қиламан, фақат ўйин тугасин. Ахир бор йўғи олти дақиқа қолди-ку!” – дедим.

“Чавандозлар” тўпга эгалик қилишаётган эди ва майдон бўйлаб рақибларининг дарвозасига қараб югураётган эдилар. Бироқ ибодат қилиш ҳақидаги ундов мени тарк этмади. Боз устига у кучайиб кетди. Мен чорасиз қолдим, чунки телевизорнинг экранидан узоқлашишни истамасдим.

Шунда мен баланд овозда: “Раббий, агар истасанг, мен бугун куннинг бутун қолган вақти давомида, ҳатто бутун кечаси билан ибодат қилиб чиқаман!” – дедим.

Мен ўйинни охиригача кўриб чиқдим. “Чавандозлар” ғалаба қозонишди ва мен Худога ваъда берганим сабабли, мен ўша заҳотиёқ телевизорни ўчирдим, зинадан офисимга чиқдим, эшикни ёпиб, гилам устида ибодат қилиш учун тиз чўқдим. Лекин ибодат қилиш ундови мени тарк этиб бўлган эди. Ҳеч қанақа юк, заррача ҳам ҳиссиёт йўқ эди. Ҳеч нарса йўқ эди.

Мен бу ундовни қайтармоқчи бўлдим. Мен ибодат қилишни бошладим, лекин айтган сўзларим нўхатни деворга отгандек учиб кетаверди. Бироз вақтдан сўнг гап нимада эканини тушуниб етдим. Мен ўйинни Худонинг ундовидан устун қўйдим. Мен Унинг илтимосини бажаришдан бош тортиб аҳмоқона баҳона тўқиб чиқардим.

Мен гиламга юз тубан йиқилиб, фарёд қилишни бошладим, мен Унга: “Худойим, агар бирор киши мендан: “Сен учун нима муҳимроқ, Худоми ёки “Даллас чавандозларими” деб сўраганида, мен иккиланмасдан: “Албатта Худо” деб айтган бўлардим. Лекин ҳозиргина мен учун ким муҳимроқ эканини кўрсатдим. Мен Сенга керак эдим, лекин мен Сенинг ўрнинга футболни танладим. Илтимос мени кечир!” – дедим.

Бир зумда мен юрагимда шундай сўзларни эшитдим: “Ўғлим, Мен сенинг беш соат ибодат қилиб қурбонлик келтиришингни истамайман, Мен итоат қилишингни истайман”.

Ҳаётнинг ҳар қандай соҳаси

Бундай турдаги бутпарастлик ҳаётнинг ҳар қайси соҳасида юзага келиши мумкин. Яна ўша пайтлар бир куни эрталаб жўхори пагаларини

косага солмоқчи бўлганим ёдимда. Мен эрталаблари пагаларни ейишни ёқтираман! Лекин ўша кунни эрталаб Худо менга пичирлаб: “Мен бугун рўза тутишингни ва ўзингни нонуштадан тийишингни истайман” – деди.

Мен ўша жўхори пагаларига қандай қараганим ва уларни жудаям егим келгани ҳали ҳам эсимда. Мен: “Раббий, мен келгуси ҳафтада уч кунлик рўза оламан” – дедим. Бу Унинг илтимосига бўйсунмасликнинг яна битта аҳмоқона баҳонанинг усули эди. У ўша пайти овқат менинг ҳаётимда бутга айланганини кўрсатди. Мен У билан ўтказишим мумкин бўлган қимматли вақтларни қўлдан бой берар эдим, чунки овқат ейиш истаги Унинг ҳузурида бўлиш ва Сўзини ўқиш билан вақт ўтказиш истагидан кучрилоқ эди.

Шу йўсинда кечроқ, менинг голфга бўлган меҳрим ҳаётимнинг катта бўлагини эгаллаб олган вақтда, Муқаддас Рўх менга барча голф ҳассаларимни бир чўпонга совға қилишимни айтди (айнан унга бериш тасодиф эмасди).

Бир ярим йил ўтгандан сўнг, бу вақт мобайнида эса мен бирор марта ҳам ўйнаган эмасдим, Раббий бир профессионал голфчининг юрагига бир неча минг доллар турадиган анжомларни менга совға қилишни солибди. Мен саросимага тушиб қолдим. Сўнгга бир неча ойдан сўнг бир чўпон менга, Худо унинг юрагига менга голф ҳассалари тўпламини совға қилишни солганини айтди. Мен янада кўпроқ саросимага тушдим!

Сўнгга, мен хилват жойда, Раббийдан: “Мен манабу голф анжомлари билан нима қилай?” – деб сўрадим.

Мен юрагимда “Бор, голф ўйнайвер” деган сўзларни эшитдим.

Мен Унга: “Лекин Сен менга бир ярим йил олдин спортни қолдириб, барча ҳассаларни бошқага беришимни айтган эдинг-ку?” – дедим.

У: “Голф сенга энди халал бермайди. Энди сен голф ўйнаб, дам оласан ва вақтингни мароқли ўтказан” – деди.

Ўша вақтдан бошлаб мен голф ўйнайман ва Худойимга шукрки, бу менга ҳордиқ ва тетиклик бағишлайди. У шунингдек мен учун ҳалок бўлаётган одамларни қутқаришга йўл очди, шунингдек ўғилларим, жамоатнинг етакчилари ва хизмат ҳамкорларим билан вақт ўтказиш услубига айланди. Бундан ташқари, бизнинг дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Messenger голф турнир кубоги орқали “Messenger International” ташкилотига хушхабар фаолияти учун беш миллион доллардан ортиқ маблағ эҳсон қилишди.

Агар мен ҳаётимнинг охиригача голфдан воз кечмаганимда эди бу нарса содир бўлмаган бўларди. Голф криптонит бўлишдан тўхтади.

Мана шулар гуноҳ бўлмаган гуноҳнинг қирраларидир. Улар тадбир-

корликда, хизматда, спортда, муносабатларда, ҳордиқ чиқаришда, ҳатто ҳаётнинг муҳим соҳаларида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Иш, нарсалар, муносабатлар ва вазиятларнинг охири бўлмаганидек, бу рўйхат ҳам тугамайди.

Худо биз барчамиз ҳаётдан баҳра олишимизни истайди. Бундан ташқари, мени ҳаворий Повулнинг сўзлари ҳайратлантиради:

“...лаззатланишимиз учун бизга ҳамма нарсани мўл қилиб берадиган тирик Худого” (Тимотийга 6:17).

У биз Унинг барча ғаройиб баракаларини қабул қилишимизни истайди. У биз ҳаётдан лаззат олишимизни истайди. У фақат устувор бўлган нарсаларнинг рўйхатида Уни биринчи ўринга қўйишимизни истайди, бу Худо ва Унинг истаклари ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жойда ва ҳар қандай ишнинг орасида энг муҳим демакдир.

Ҳеч қанақа аҳмоқона ва жиддий баҳоналар бўлмаслиги шарт!

Базмни ўтказиб юборманг!

Келинг Исо ҳикматининг якуний қисмига назар соламиз. Биз байрамга таклиф этилган, лекин баҳона тўқиб чиққан учта одам ҳақида ўқидик. Матннинг сўнигида шундай деб ёзилган:

“Қул қайтиб келиб, хўжайинига булар ҳақида хабар берди. Шунда уй эгаси ғазабланиб, ўз қулига: “Тўр, шаҳарнинг катта ва тор кўчаларига тез бориб, қашшоқ, майиб, шол ва кўрларни бу ерга олиб кел”, – деди. Сўнгра қул: “Хўжайин, сиз буюрганнгиздай қилдим, лекин ҳали бўш жой бор”, – деди. Шунда хўжайин қулига: “Менинг уйим тўлиши учун йўлларга ва сўқмоқларга бор, одамларни келишга ишонтиргин”, – деди. Чунки сизларга айтаманки, ўша чақирилган одамлардан бирортаси ҳам зиёфатимдан татиб кўрмайди” (Луқо 14:21-24).

Бу ҳикмат, шубҳасиз, Ота Худо Ўзининг Ўғли учун охириги кўнларда уюштирадиган базм ҳақида, Қўзи билан бўладиган никоҳ базми ҳақида айтилган. Биз барчамиз унга таклиф этилганмиз. Худо бизни бизнинг кўндалик мундарижамизни бузадиган бирор нарсага таклиф этаётганида, ёки бизга кўпроқ ёқадиган машғулотларни халақит берса, бу Худо биз учун бундан-да яхшироқ нарсани тайёрлаб қўйганининг аломатидир. Бу илоҳий учрашув деб аталади ва бу учрашув базм, Худо Сўзининг тантанаси,

донолиги, ҳузури, таъминоти, маслаҳати, қудрати ва бошқа кўплаб баракалар билан тугайди. Буларнинг бари фақат У беришга қодир.

Худо “Даллас чавандозлари” ўйнаган пайтда Худо мен учун ниманидир тайёрлаб қўйган эди. Бир пайтлар келиб бу нима бўлганини билиб оламан, лекин мен аминман, Худо йўллардан ва сўқмоқлардан бошқа бир кишини топган, у одам мен учун белгиланган махсус баракани олган. Мен эса уни ўтказиб юбордим.

Мен ҳукм остида изтироб чекмаяпман, чунки Худодан кечирим сўрадим, Унинг шавқати жуда буюк, лекин мен ўша ва бошқа қилган хатолардан дарс олдим. Мен криптонитга ёпишиб қолиб, Худо мен учун тайёрлаган бирорта ҳам кутилмаган совғасини ўтказиб юборишни истамайман.

У бизга Ўзининг Сўзини ёки донолигини қабул қилишимизни таклиф қилган пайтда, биз барча баҳоналарни қолдирсак, биз кучлироқ бўламиз. Эсингизда бўлсин, криптонит бизни фақат заифлаштиради.

Афсуски, баъзи одамлар қайта-қайта баҳоналар тўқиб чиқаришни бошлайдилар. Улар барибир Худога биринчи ўринни беришмайди ва катта базмни қўлдан бой беришади. Лекин биз билан бундай бўлмайди деб умид қиламан, чунки Унинг ўйида ҳамма учун жой бор ва биз барчамиз таклиф қилинганмиз.

Илтимос, мен кўп йиллар аввал қилган манашу оддий ибодат билан ибодат қилинг: “Ота, Раббим Исо Масих номи билан юрагимни тозалашингни сўрайман. Мен муқаддас бўлишни, Сен учун ажратилган бўлишни истайман. Агар ҳаётимда Сенга ноъмақул бирор бир нарса бўлса ёки Сендан устун бўлган бирор бир нарса бўлса, менга буни кўрсат ва ундан халос бўлишимга ёрдам бер. Мен Сенинг бирорта ҳам базмингни ўтказиб юборишни истамайман!”

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Ушбу бобнинг якунида келтирилган ибодат билан ибодат қилдингиз деб умид қиламан. Агар сиз ибодат қилган бўлсангиз, Худо ҳаётингизнинг келгуси кунларида, ҳафталарида ва ойларида сизни Ўзига яқинлаштириш учун ҳаракат қилишни бошлайди ва бунинг жараёнида У сизга, сизни Ундан нима ушлаб турганини очиб беради. Унга очиқ бўлинг ва Ундан сизнинг ҳаётингиз ҳақида гапиришини сўранг, сиз учун қандай нарсалар баҳона бўлиб қолгани ҳақида, сизни нима ушлаб тургани ҳақида, Унинг сўзларига

итоат қилиш учун нима тўсиқ бўлаётгани ҳақида гапиришини сўранг. У сизга очиб берган ҳамма нарсани ёзиб олинг ва бу ҳақда ибодат қилиш учун вақт ажратинг. Худодан бу нарсаларга нисбатан Ўзининг фикрини айтишини сўранг ва У сизга айтган сўзларни ёзиб олинг.

Ушбу бобнинг охирида келтирилган ибодат билан ибодат қилмаган бўлсангиз, бошқа ибодат учун ҳозирнинг ўзида вақт ажратинг. Манашу ибодат билан ибодат қила олишингиз учун Худодан сизга очиқ ва мардонавор юрак беришини сўранг. У сизнинг юрагингизга ибодат вақтида солган ҳамма нарсани ёзиб олинг.

БАЗМ ЭШИГИ

Ваҳий китобида Исо бошқа жамоатга энг ҳайратомуз фикрни айтди. Унинг сўзлари олдинги бобда биз муҳокама қилган сўзларга ўхшайди:

“Мана, эшик олдида туриб тақиллатаяпман. Кимда-ким Менинг овозимни эшитиб эшикни очса, унинг олдида кираман. Шунда Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўраимиз” (Ваҳий 3:20).

Исо билан базм! Умумий байрам – бу Устоз билан мулоқот. У ерда биз Унинг Сўзини, донолигини, маслаҳатини, қудратини ва Унинг ҳузуридаги барча баракаларни оламиз. Умид қиламанки, бунақа озуқа бизда иштаҳа, умид ва завқ уйғотади, токи бизлар Унинг баракаларини истеъмол қила олайлик. Исо тўхфа этган кечлик озуқаси бизга қувват бахшида этади, бу криптонитнинг тўлиқ тескарисидир. Бунга қуёшдан тикланиш ва куч-қувват оладиган Супермен билан қиёслаш мумкин. Исо – тирик Сўз, осмондан тушган ҳақиқий Нон, Унинг ҳузури бизга ҳар қандай турдаги криптонитга қарши туришимизга қудрат улашади.

Шундай савол туғилади: “Исо қайси эшикни тақиллатади?” Кўпгина хизматкорлар одамларни тавбага чақириш учун Ёзувнинг манашу оятдан фойдаланадилар ва бу эътиборга лойиқ. Лекин биз Исо, Уни билмайдиганларга эмас, балки жамоатга, Ўзининг издошларига мурожаат этаётганини эсда сақлашимиз керак. Бироқ Исо аввало эшик ҳақида айтмаган. Исо “Кимда-ким...эшитиб...” деган сўзларига урғу берган.

Агар менинг уйимда товуши катта ҳажмли бўлган мусиқа гулдураб турса

ва шу вақти қайсидир муҳим меҳмон эшигимни таққиллатиб мени чақирса, мен уни эшитмайман. У озгина кутиб, қайтиб кетади.

Шу йўсинда янада муҳимроқ савол туғилади: “Биз эшитишимизга нима ҳалақит беради?” Агар биз эшитмасак, биз базмни ўтказиб юборамиз, шунинг учун мулоҳаза қилиб, бу муҳим саволга жавоб берайлик.

Муқаддаслик

Агар сиз замонавий жамоатда “муқаддаслик” сўзини айтсангиз, одамлар ўзини олиб қочиб, бир зумда мавзуни ўзгартириши турган гап. Ҳаётида “тараққий этиб” кетаётганлар учун бу тушунча орқазамон ҳисобланади, бу гўё ҳаётни тўхтатиб қўядиганга ўхшайди. Муқаддасликни кўпинча ўз нажотни ишлар билан қўлга киритиш ёки қонунпарастлик билан тенглаштиридилар.

Бироқ Янги Аҳдда Исо Масиҳ фақат мана шунақа жамоатни олиб кетиш учун келиши ҳақида баён этилган. Исо “етакчиликни мўлжал қилган”, “замонталаб”, “обрўли” ёки “дўстона” жамоатнинг ортидан келади деб ёзилмаган. Буларнинг бари жамоатнинг ўсиши ва муваффақияти учун жуда муҳим, лекин уларнинг бирортаси ҳам Масиҳ жамоатининг муҳим фазилатларига кирмайди.

Афсуски, ўтмишда қонунпарастлик билан қилинган кўпгина воизликлар кўпгина одамларни муқаддаслик мавзусидан чўчитиб юборди. Бугун жамоат ўсиши учун бу мавзудан нари юриш керак деган фикр кенг тарқалган. Шу билан бир қаторда хушёр етакчилар бутун Янги Аҳд муқаддаслик ҳақида сўзлаётганини билишади, шу боис уни эътиборсиз қолдиришнинг имкони йўқ. Шу йўсинда Худо Сўзининг воизлари ва муаллимлари муқаддаслик тушунчасига янада ёқимлироқ зираворлар қўшишди, бу қуйидагича эшитилади: “Муқаддаслик масаласига келадиган бўлсак, шахсий масъулият ҳақида ташвишланишнинг ҳожати йўқ, чунки Исо – бизнинг муқаддаслигимиздир, у Масиҳда яширилган”. Бу таълимот унчалик ҳам тўғри эмас, чунки Янги Аҳд муқаддаслигининг икки томони борлиги ҳақида гапиряпти. Замонавий таълимотлар ва воизликлар кўпинча икковини аралаштириб юбормоқда.

Муқаддаслиكنинг биринчи томони ҳақида бизга шундай дейилган:

“Ўзининг ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун Худо дунё яратилишидан аввал бизни Масиҳда севги билан танлади” (Эфесликларга 1:4)

Биз абадий қадр-қимматга эга бўлишимиз учун бирор бир арзигулик иш қилишимиздан аввал Худо қарор қабул қилди. У бизни танлади – шу орқали У бизни муқаддас деб эълон қилди. Биз Унинг назарида бенуқсонмиз. Бу “мавқе билан боғлиқ муқаддасликдир”. Биз Исони қабул қилган кунимиз Худонинг назарида муқаддас бўлдик ва ҳеч қачон бундан-да кўпроқ муқаддас бўла олмаймиз. Йигирма беш миллион йил ўтиб ҳам биз Исони қабул қилган кунимиздагидек бир хил муқаддас бўламиз.

Бир мисол келтираман: Мен Лиза Тоскано билан 1981-йилнинг июн ойида танишдим. Биз танишганимиздан сўнг тез орада мен уни севиб қолдим ва мен унинг қўлини сўрадим. 1982-йили иккинчи октябр куни биз турмуш қурдик. У ўттиз беш йилдан буён менинг хотиним ва унинг хотинлик мавқеи ўзгармади. Шунингдек, бизнинг етмиш йиллигимизни нишонлаганимизда ҳам унинг хотинлик мавқеи ўзгармайди. У Жон Бивернинг хотини деган мавқега эга. У бу мавқени ишлаб топиши, қўлга киритиши ёки харид қилиши керак эмас. У мен уни танлаганим учун менинг хотиним ҳисобланади.

Бундай муқаддаслик ҳақида баъзи етакчилар таълим беришади ва у ҳақиқатан ҳам мавжуд. Энди эса муқаддасликнинг бошқа томонини ҳам никоҳимнинг бошқа мисолида кўрсатиб бераман.

Лиза мен билан танишишдан олдин бошқа йигитларга ҳам ноз қилган, уларга ўзининг телефон рақамини берган ва ўзи ёқтирган ҳар бир йигит билан учрашувга борган. Биз турмуш қурганимиздан сўнг у эркаклар билан ўйин қилишни бас қилди. У ўзини хотинлик мавқеига хос равишда тутишни бошлади!

Петъорнинг сўзларини ўқинг:

“Энди итоатли болалар каби илгариги адабсизлигингизда бўлган ҳирсларга тақлид қилманглар. Лекин сизларни даъват этган Худо муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар...” (Петъорнинг 1-мактуби 1:14, 15, инглиз тилидан таржима).

Петъор бизнинг одобимиз қанақа бўлиши кераклиги ҳақида аниқ шарт қўймоқда. Петъор бизнинг Масихдаги мавқеимиз ҳақида эмас, балки ишларимиз ҳақида сўзлаяпти. Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимасида яхши тушунтирилган: “Ўзинигизнинг барча ҳатти-ҳаракатларингизда ва ҳаёт тарзингизда муқаддас бўлинглар”. Бу муқаддаслик мавқега эмас, балки хулқа доир муқаддасликдир. Бу ўзгаришлар биз Лиза билан турмуш қурганимиздан сўнг унинг хулқида содир бўлган ўзгаришларга ўхшайди. Бизнинг хулқимиз бизнинг ўрнимизни акс эттириши лозим.

Манашу ерда рақобат бошланади. Мен ўзимнинг масиҳий ҳаётимнинг бошида доим муқаддас яшашга уринганман ва доим ҳам бунинг уддасидан чиқмаганман. Мен бундан қаттиқ ранжир эдим десам муболаға бўлмайди. Сўнгра мен Худонинг инояти борлигини фаҳмлаб етдим. Мен иноят биз сазовор бўлмаган Худонинг куч-қудрати эканини тушуниб етдим, у бизга ўз кучимиз билан қила олмайдиган ишни амалга оширишга ёрдам беради. Мен беҳаё тасвирларга ва бошқа гуноҳли одатларга бўлган тобеликдан қутула олмаган эдим, аммо иноятни таниб-билганимдан сўнг, мен озодликда яшашни ўргандим, унга таянишни ва у билан ҳамкорлик қилишни ўргандим.

Бир қайғули ҳолатни келтираман. Бизнинг хизматимиз икки йил илгари текширув ўтказди. Биз таълимоти турли хил бўлган йўналишдаги жамоатларга мурожаат қилдик. Биз бутун мамлакатимиз бўйлаб беш мингдан ортиқ юқоридан туғилган масиҳийлар билан савол-жавоб ўтказдик. Иштирокчилардан Худонинг инояти ҳақида учта ёки кўпроқ бўлган ифода келтиришини сўрадик.

Текширувнинг натижаси, иштирокчиларнинг қарийб ҳаммаси, Худонинг инояти нажот ва гуноҳлардан кечирим беради, бу Худонинг бепул совғаси ва севгиси, уни ишлаб топиб бўлмайди деб ҳисоблашини кўрсатди. Бу яхши хабар эди. Натижанинг фожеаси шунда эдики, имонлиларнинг бор-йўғи икки фоизи иноят - бу Худонинг кучи эканини билар эди. Шундай бўлса-да Худонинг Ўзи шундай дейди: “Менинг иноятим сен учун етарлидир, чунки Менинг қудратим заифликда камолга етади” (Коринфликларга 2-мактуб 12:9). У Ўзининг инояти ҳақида Ўзининг қудрати эканини айтган.

Петъор шундай деб ёзган: “...сизларга иноят ва тинчлик кўпайсин. Унинг илоҳий куч-қудратидан ... бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарсa бизга ато қилинди” (Петъорнинг 2-мактуби 1:2, 3). Петъор Худонинг инояти ҳақида, у бизга диёнатли, яъни муқаддас ҳаёт кечиришимиз учун қудрат берадиган Унинг илоҳий қудрати деб айтган.

Ҳақиқат шундаки, агар биз ишонмасак, биз Худодан ҳамма нарсани ололмаймиз. Шунингдек биз билмаган нарсага ҳам ишона олмаймиз. Агар тахминан атиги икки фоиз америкалик масиҳийлар иноят бизга қудрат бериши ҳақида билса, бу қолган тўқсон саккиз фоизи ўзининг кучи билан муқаддас яшашга уринмоқдалар дегани, бу эса имконсиз. Бундай ҳолда уларни ранж, мағлубият, тушкунлик, ҳукм ва айбдорлик ҳисси қоплаши муқаррар.

Энди нима сабабдан масиҳий воизлар муқаддасликнинг барча қирраларини унинг битта тоифасига – мавқеига киритиши тушунарли бўлмоқда. Кўплаб масиҳийлар диёнатли ҳаёт кечиришга қурби етмаганидан изтироб чекадилар, чунки бу учун ўзларининг кучи етмайди. Иноят – бу

нафақат Худо берадиган нажот ва кечирим, шунингдек биз муқаддас ҳаёт билан яшашимиз учун Унинг қудратли таъминотидир! Ибронийларга мактубининг муаллифи шундай дейди: “Муқаддасликнинг пайида бўлинглар, чунки муқаддасликсиз ҳеч ким Раббийни кўра олмайди. Диққат қилинлар, токи ҳеч ким Худонинг иноятдан маҳрум бўлиб қолмасин...” (Ибронийларга 12:14, 15).

Бу оятларда чуқур маъно ётибди. Асл юнон тилида “пайида бўлинглар” сўзи – бу *dioko*. У “эргашиш, куч билан босиш, бирор бир нарсага қатъий истак ва ғайрат билан интилишни” англатади (WSNTDICT). Бошқа луғатда шундай ёзилган: “маълум бир мақсадга ва вазифага эга бўлиб, бирор нарса қилиш учун куч ишлатиш” (LOUW-NIDA).

Биз бу иккита ифодани ўқиб чиқдик, хўш, бу мавқе бўйича бўлган муқаддасликми ёки ҳаракат бўйича бўлган муқаддасликми? Жавоби оддий: ҳаракатлар бўйича бўлган муқаддаслик. Фараз қилинг, кимдир менинг хотинимнинг олдида келиб: “Лиза Бивер, сиз Жон Бивернинг хотини мавқеига эришиш учун ҳаракат қилишингиз керак” – деди.

У кулиб юбориб: “мен аллақачон унинг хотиниман” – дейди.

Ўз мавқеимиз бўйича биз аллақачон муқаддасмиз – биз муқаддасликка эришимиз учун қўшимча куч ишлатишимиз керак эмас. Шунинг учун Ибронийларга ёзилган Мактубнинг муаллифи ҳаракатлар ҳақида гапираётгани аниқ.

Биз ўз хулқимизда муқаддас бўлишимиз учун ғайрат билан ҳаракат қилишимиз керак. Бугун бутун дунё жамоатларида барча нарсани қоплайдиган иноятдан маҳрум бўлишнинг имкони йўқ деб воизлик қилишмоқда. Шундай бўлса-да, иноят Худодан қўйиладиган, биз хулқимизда муқаддасликка интилишимиз учун қобилият берадиган қудрат эканини англаганимизда, ундан қандай қилиб маҳрум бўлишимиз мумкинлигини англаб етамиз.

Ибронийларга Мактубининг муаллифи ушбу бобни қуйидаги сўзлар билан якунлаган: “...иноятни маҳкам тутайлик, токи шу иноят билан эҳтиром ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қилайлик” (Ибронийларга 12:28). Иноят бизга, биз Худога маъқул хизмат қилишимиз ва муқаддас яшашимиз учун қудрат ато этади.

Энди муҳим қисмга келдик. Ёзилганки: “...муқаддасликнинг пайида бўлинглар, чунки муқаддасликсиз ҳеч ким Раббийни кўра олмайди...” (Ибронийларга 12:14, 15).

Муаллиф нима ҳақида гапиряпти? Наҳотки Исони ҳамма кўрмайди? Ахир тушунарли қилиб ёзилган-ку: “Мана, У булутлар билан келмоқда! Уни ҳар бир кўз кўради, Унинг баданини тешганлар ҳам кўрадилар” (Ваҳий 1:7).

Унда қандай қилиб шу Муқаддас Китобнинг ўзида “муқаддасликсиз ҳеч ким Раббийни кўра олмайди” деб ёзилган? Бу нима дегани?

Исони кўриш

Муқаддаслик тўғрисидаги ваъдада “Раббийни кўриш” нимани англатишини тасвирлаб беришимга ижозат беринг. Мен Америка Қўшма Штатларида эллик саккиз йилдан бери яшаяпман, шу давр ичида ўн иккита президент алмашди. Мен уларнинг ҳар бирининг бошқаруви ва ҳокимияти остида бўлганман, уларнинг барча қарорлари менинг ҳаётимга таъсир қилган. Уларнинг ҳар бирини мен кўпинча “бизнинг президентимиз” деб атар эдим. Бироқ уларнинг бирортасини ҳам мен шахсан кўрмаганман. АҚШнинг бошқа фуқаролари ҳам бор, улар президентни хизмат юзасидан ёки дўстлик риштаси туфайли доим кўриб турадилар. Бундай имтиёзга эга бўлган одамлар уни мунтазам равишда кўрадилар ва тез-тез унинг ҳузурида бўладилар.

Худди шунингдек АҚШ президентлари тўғрисида ҳар хил манбалардан кўп ҳолатларни – улар ниманинг тарафдори эканини, қанақа қарорлар қабул қилишини, уларнинг таржимаи ҳолини ва оммага очиқ бўлган бошқа кўплаб маълумотларни билиб олдим. Лекин мен ушбу етакчилар билан шахсий мулоқот қилиш имтиёзига муяссар бўлмадим. Шунинг учун мен уларнинг жамиятдан пинҳон бўлган шахсий ҳаётининг тафсилотларини билмайман. Шунингдек мен уларнинг бирортасининг ҳам дўсти бўлиш шарафига эга бўлмаганман.

Худди шунингдек Исонинг ҳокимияти остида бўлган масиҳийлар бор. Исо уларнинг Етакчиси бўлгани сабабли, Унинг қарорлари уларнинг ҳаётига таъсир ўтказди, улар Уни “Раббий” деб атайдилар, лекин Уни кўрмайдилар, Унинг ҳузурида турмайдилар. Агар сиз бунга шубҳа қилаётган бўлсангиз, Исонинг сўзлари сизга ҳақиқатни очиб беради:

“Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга [чиндам ҳам] рия қилса, ўша одам Мени севади. Мени [чиндам ҳам]севганни эса Отам севади, Мен ҳам уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиламан (очиладман, кўринаман)”. [Мен Ўзимни унга яққол кўрсатаман ва у учун чиндан ҳам кўринаман] (Юҳанно 14:21, инглиз тилидаги АМРС нинг изоҳи).

Унинг: “Мен унга Ўзимни яққол кўрсатаман” – сўзларига қаранг. Исонинг амрларига эга бўлиш ва рия қилиш, юриш-туришимизда муқаддас бўлишга интилиш демакдир. Шундай қилувчилар Раббийни кўрадилар; У Ўзини уларга очади. У уларга Ўзининг намоён бўлган ҳузурини очади. Муносабат Унинг шоҳлигига бўйсунуш даражасидан, Шоҳ билан дўсталишиш

даражасига кўтарилади. У яна шундай дейди:

“Агар Менинг сизларга буюрганимни бажарсангиз, унда сизлар Менинг дўстларимсизлар” (Юҳанно 15:14)

Унинг “агар” деган сўзига эътибор беринг. Исо бизнинг Дўстимиз деб қўшиқлар куйлаймиз, китоблар ёзамиз ва мактублардан дарс берамиз. Лекин “агар” сўзи У билан дўст бўлишнинг шarti бор дегани. Исо билан бўлган дўстлик бизнинг чинакам муқаддаслигимизда қурилган ва ким шуни устун билса, қул мақомидан дўстмақомига кўтарилади. Исо содиқ одамларига шундай дейди: “Энди Мен сизларни қулларим деб атамайман...” (Юҳанно 15:15).

“Энди Мен... атамайман” деган сўзлар, Исо уларни бир пайтлар дўст эмас, балки қул деб санаганини билдиради.

Айтганча, Худонинг қули бўлиш ёмон мавқега эга бўлиш дегани эмас – албатта, У билан ҳеч қандай муносабатга эга бўлмагандан кўра ҳеч қурса Унинг қули бўлиш яхши. Бироқ қул ҳар битта “нима” деган сўзнинг ортида “нима учун” деган савол турганини билмайди, лекин дўст эса билади.

Сиз: “Ахир биз барчамиз Худонинг ўғиллари ва қизларимиз-ку?!” – деб эътироз билдиришингиз мумкин. Ҳа, лекин биз Повул ёзган ҳақиқатни ёдда сақлашимиз керак: ...меросхўр ҳамма нарсанинг хўжайини бўлса ҳам, болалик даврида қулдан ҳеч фарқи йўқдир (Галатияликларга 4:1). Юнонча “қул” сўзи Исо юқорида ишлатган “хизматкор” сўзи билан бир хил маънога эга. Токи ўғил ёки қиз бола экан, уларга “нима учун” деган саволлар беришмайди, улар фақат Худо нима қилаётгани ҳақидаги саволнинг жавобини биладилар.

Лекин ўғил ёки қиз ҳаётининг янги босқичига ўтиб, дўст орттирганидан сўнг, уларнинг ота-онаси бу улуғ ҳодисани байрам қилиб нишонлайдилар. Худонинг оиласида ҳам шундай содир бўлади. Ўзгаришлар муносабатларнинг ўсиши орқали келади, бу бизнинг Отамиз бизга ишониб, кўпроқ сирларни очганида келади. Лекин бизда ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Энди биз ўз ҳаётимиз билан Унинг кўнглини совутишмасликка интиламиз – бу Унга шунчаки қулоқ солишдан кўра қудратлироқдир. Биз умримизнинг охиригача Унга итоатли бўлишга интилишдан тўхтамаймиз, лекин бундан ташқари бизнинг юрагимизда бошқа ҳаракатлантирувчи қудрат маскан топади. Жумладан – Унинг кўнглини ранжитмаслик.

Эшик

Шунинг учун муқаддаслик — бу қонунпарастлар тасвирлайдиганидек ниҳоя эмас. Бу Исо билан ҳақиқий муқаддасликка киришдир. Энди биз Исо айтаётган “эшик” қанчалик муҳим эканини тушинаймиз: бу имонлининг юрагидир. Биз муқаддасликка эга бўлиш учун уринишдан қочсак, ўзимизни эшитиш ва жавоб бериш қобилиятдан маҳрум қиламиз. Шундай қилиб, биз У билан базм қилиш имтиёзини йўқотамиз. Бу уйимизга муҳим меҳмон келиб, эшикни таққиллатганида уйнинг ичида жудаям шовқин-сирон бўлгани сабабли уни эшитмаганимизга ўхшайди. Азиз меҳмон узоқ вақт таққиллатади, у ҳатто бизни исмимиз билан чақиради, ниҳоят қайтиб кетади.

Биз муқаддаслик ҳақида таълим беришдан қочаямиз ва шу аснода бизнинг Шоҳимиз билан яқин бўлишга олиб борадиган йўлни тўсиб қўмоқдамиз, ҳақиқий имонли эса айнан мана шу нарсага ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ташна! Биз танлаган режа — қоплайдиган иноят ҳақида таълим бериш бўлиб, бу бизга қудрат берадиган иноятни сиқиб чиқаряпти. У эшикни маҳкам қулфлаб қўйибди. Биз иноятга муносиб баҳо бермаямиз, чунки у нафақат қоплайди, балки бизга қудрат ҳам беради! Шундай бўлса-да, биз Раббий билан мулоқот қилиб баҳра олиш ҳолатида бўлишимиз учун, бизга қудрат жуда ҳам зарур.

Мен Лиза билан никоҳ тузганим ҳақида Индиана штати томонидан берилган никоҳ гувоҳномамиз бор, шунинг учун бизнинг никоҳимиз қонунийдир. Сиз мени ушбу гувоҳномани қўлимга олиб, Лизага қараб: “Биласанми азизам, биз турмуш қурганмиз, бир-биримиз билан қонуний никоҳ риштаси билан боғланганмиз, бироқ менинг бошқа аёлларим ҳам бор” дейишимни тасаввур қила оласизми? Эҳтимол, мен илгаригидек Лизанинг расмий эри бўлиб қоларман, лекин шубҳасиз, у ўзининг яширин истакларини ва сирларини мен билан бўлишишдан тўхтайдди. Бундан ташқари бизнинг ўртамизда яқинлик йўқолади. Биз дўст бўлишдан тўхтаймиз, чунки мен бундай имтиёзни йўқотаман. Наҳотки гўзал қўшҳаёт шундай кўринишга эга бўлса? Наҳотки биз шу мақсад билан турмуш қурган бўлсак? Агар мен ўзимникида туриб олсам, охир-оқибат турмушимни бир умрга бузиб юбораман.

Биз одамларни ўзимизнинг таълимотимиз билан шунга ўхшаш ҳулқ-атворга ундамаямизми? Биз қанақа ҳаракатлар қилишимиздан қатъий назар, бизда ҳаммаси жойида эканини кўрсатиш учун Ёзувнинг алоҳида жойларини танлаб олиб, матндан юлиб олмаямизми? Ахир, бу дунё билан бир тўшакка ётиб олиб, шу билан бирга Исога: “Биз тавба ибодатини қилдик, иноят билан нажот топдик ва Сенга тегишлимиз” дейишимиз

мумкинми? Наҳотки У бизни Ўз юрагининг сирли бурчакларига киритади деб ўйласак?

Мен Лизага қарши зино қилмаяпман, чунки мен ўша ғаройиб яқинлик лаҳзаларини, унинг боши ёстиқ устида менинг бошимнинг ёнида ётган ва у бошқа ҳеч кимга айтмайдиган сўзларни менга пичирлаб айтишини йўқотишни асло истамайман. Мен ушбу ҳайратли аёл, яъни хотиним билан бўлган мулоқотнинг лаззатини йўқотишни хоҳламайман.

Исо билан ҳам худди шундай. Мен Унга қарши зино қилмайман, чунки У билан яқинлиқни йўқотишни ва дўстлигимизни оёқ-ости қилишни истамайман. У билан муносабатга эга бўлишдан аълоси йўқ. Исо билан яқин бўлишдан кўра яхшироқ бўлиши мумкин бўлган ўнвон, бойлик, лаззат, иш, машҳурлик, мавқе ёки гуноҳ йўқ.

Мен ҳаётимни Унинг ваъдаларисиз тасаввур эта олмайман: "... Сен билмайдиган, буюк ва имкондан юқори бўлган нарсаларни сенга кўрсатаман» (Йермиях 33:3). Ёки "У чуқур ва яширин бўлган нарсаларни очади..." (Дониэл 2:22), деган серҳашам ҳақиқатдан воз кечиш мумкинми? Шунингдек, мен ҳаётимнинг Исонинг қуйидаги таклифисиз тасаввур қилолмайман: "...Лекин шундай вақт келмоқдаки, Мен сизларга масаллар билан бошқа гапирмайман, аммо сизларга Отам ҳақида очиқ гапираман" (Юҳанно 16:25). У шунингдек, Унинг руҳи бизга ҳамма нарсани кўрсатишини айтган (Юҳанно 16:13).

Муқаддаслик салбий сояга эга эмас, аксинча, бу Янги Аҳддаги энг ижобий ҳақиқатлардан биридир. Биз ҳақиқатдан ҳам у бағишлайдиган имкониятларни англаб етганимизда, биз у ҳақда ҳамма жойда жар соламиз!

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Муқаддаслик – бу ёмон сўз эмас: бу калит. Бу сизга юрагингиз эшигини Худонинг овозига оча олишингиз учун қобилият беради. Муқаддасликсиз Ота сизга нима деяётганини эшита олмайсиз. Муқаддаслик – бу Исо Масихнинг қурбонлиги сабабли Худо сизга тўхфа қилган аллақандай нарса эмас, бу сиз ўз ҳаётингизда, фикрларингизда, сўзларингизда ва ишларингизда кўрсатишингиз шарт бўлган, айнан шарт бўлган нарсадир.

Лекин Худо сизни жангда ёлғиз қолдирмайди. Айнан шу сабабдан У бизга иноят беради! У бизни шунчаки қутқаришдан кўра кўпроқ нарсаларни амалга ошира олади ва бу чиндан ҳам ажабланарли. Худонинг инояти бизга қудрат ато этади, токи биз ички ва ташқи ҳаётимизда Худони мамнун қилиб яшайлик!

Худони ҳозирнинг ўзида излашни бошланг. Кутиб ўтирманг, айнан ҳозирнинг ўзида Худога хитоб қилинг ва Унинг иноятини сўранг. Унинг инояти

ҳаётингизнинг қайси соҳасида қўпроқ кераклигини айтинг ва Худодан сизни Ўзининг инояти билан тўлдиришини ва Унинг овозини эшитишингизга тўсиқ бўлаётган нарсаларни енгиб ўтишга ёрдам беришини сўранг.

ТУРГИН

Нима учун суперқаҳрамонлар ҳақидаги кинолар энг оммабоп саналади? Фараз қилинг: кинотеатрларга қатнайдиған томошинларни ҳарбий кинолар, отишма, жосус триллерлари ва ҳатто, муҳаббат ҳикояларидан кўра кўпроқ суперменлар тўғрисида олинган голливуд суратлар ўзига тартади. Бунақа фильмлар нафақат эркакларга ёқади, чунки мен доим аёлларнинг оғзидан уларга ҳам блокбастерлар ёқишини эшитиб тураман. Бунинг сабаби нимада? Биз улўғворлик учун яратилганмиз ва бизнинг суперқаҳрамонларимиз бизга айтилмаган ички истакларни кўрсатадилар.

Келинг Суперменни кўз олдимизга келтириб кўрамиз. Вазият чорасиз бўлиб тўюлганда, ваҳимали хавф-хатар ёғилаётганда ва ҳамма нарса ачинарли бўлиб кўринаётганда, бир зумда Daily Planet ичидан Кларк Кент югуриб чиқиб, телефон уйчасига киради ва бир неча дақиқадан сўнг ёрдам беришга отланади. У енгилмас бўлиб тўюлган душманларни мағлуб қилиши бизга жуда ёқади, бу бизнинг кайфиятимизни кўтариб юборади. Биз адолат ғалаба қозонганини, қўрбонлар озод қилинганини ва жамиятда тартиб тикланганини кўриб завқланиб кетамиз.

Ҳамма нарсанинг мазмуни қуйидагича: биз суперқаҳрамонлар ёвузлик устидан ғалаба қозонганини кўриб лаззатланамиз, чунки бу бизнинг ички истагимизни қаноатлантиради. Худо бошида инсонни “Худога ўхшаш қилиб, Унинг илоҳий табиятини аск эттирадиган қилиб” яратган (Ибтидо 1:27, инглиз тилидаги MSG таржимаси). Яна бошқа жойда: “Раббий - жангчи” деб ёзилган (Чиқиш 15:3, РБО). Сиз бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Унинг манашу қиррасини камдан-кам ёдга оламиз. Худди биз бу ҳақиқатни қандай қўллашни билмаймиз. Ишаъё яна шундай дейди:

“Раббий паҳлавон каби чиқиб, жангчи эркак каби рашк уйғотади. У бақириб, ҳарбий ҳайқириқ кўтаради ва Ўзини душманларига қарши куч-қудратли эканлигини кўрсатади” (Ишаъё 42:13).

Адолатсизликка қарши курашувчи жангчилар – қаҳрамонлардир. Исонинг келсак, У чинакам Суперқаҳрамондир. У Ғолиб ва Жаҳонгир.

Ишаъё бу сўзларни ёзишидан анча аввал, Йешуа Нун Ўғли Уни кўрган эди. Бизнинг Шоҳимиз қўзини эмас, балки қилични ушлаб турган ва У Ўзини: “Раббий қўшинининг бош қўмондони...” деб атади (Йешуа Нун Ўғли 5:14).

Бундан анча вақт ўтгандан сўнг ҳаворий Юҳанно ҳам Раббийни кўрди ва Уни янада қойил-мақом қилиб таърифлади: “Унинг кўзлари олов алангасидайдир. Унинг бошида кўп тожлар бор. Унинг пешанасига Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган бир исм ёзилган эди” ва “Унинг оғзидан ўткир қилич чиқар эди” (Ваҳий19:12, 15).

У жангчи! Кўпчилигимиз жангчининг табиати иродасиз, руҳи тушган, ғамгин эмаслигини биламиз. Йўқ, жангчи жанг орасида хушёр, довюрак ва у зир титратади.

Келинг ўзимизга савол бериб кўрамиз. Сиз бирор марта, Исо Ваҳий китобида барча еттита жамоатларга: “Ғолиб келадиганга...” деб айтгани ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Агар бизда рақиб бўлмаса, унда кимнинг устидан ғалаба қозониш мумкин? Агар жанг бўлмаса, қандай қилиб ғолиб бўлиш мумкин?

Бугун кўпгина одамлар бу даъватни камситиб, биз Масихда жо бўлганимиз сабабли, биз ҳам ғолибмиз дейишмоқда. Бошқача сўзлар билан айтганда, У Ғолиб бўлгани учун, бизлар ҳам Масихда ўз-ўзидан ғолибмиз дейишмоқда. Биз Масихда тутган ўрнимиз ҳақидаги бу гапларнинг ҳаммаси тўғри, аммо бу тўлиқ ҳақиқат эмас. Агар ғалаба бизнинг нажотимиз билан биргаликда автоматик равишда қўшиб бериладиган бўлса, унда нега Исо барча еттита жамоатдаги одамларга: “ғолиб келадиганга” деб айтмоқда?

Дунёда Лекс Лютор суперюлдуз бор ва унинг номи – шайтон. Унинг тумонат лашкарлари бор, улар анқов эмас, уларнинг мақсади битта – сизни тўхтатиш, асир қилиш ва бошқариш. Шайтон то охиригача, ҳафтасида 7 кун 24 соатдан меҳнат қилади. Лекин у қуроллардан маҳрум этилган. У бизнинг устимиздан ҳокимиятга ва қудратга эга эмас!

Худди шундай Лекс Лютор пўлат инсоннинг олдида ожиз эди. Бироқ ўзининг шайтоний даҳо ақли билан криптонитни топди ва ҳукм суриш учун

уни ишга солди. Криптонит унга бизнинг Суперқаҳрамонимизни тутишга ва бошқаришга имкон берди. Худди шу йўсинда шайтон ҳам жанг майдонида ғолиб бўлиш учун, унинг ўзини ҳалок қилган – руҳий криптонитдан фойдаланади. У ўзининг қуролини осмонда мойланган каруб бўлган пайти яратган (Эзекил 28:14-16). У бу қурол бизни қандай заифлаштиришини ва Шоҳлигимизнинг қудратини бартараф эта оладиган қудратни яхши билади.

Шайтон (чинакам Лекс Лютор) агар биз руҳий криптонитнинг ҳақиқий таъсирини кўра олсак, биз уни четлаб ўтишимизни билади, шунинг учун у уни пухталиқ билан яшириб қўяди. Сиз қачон бўлса ҳам, унинг таъсирига тушиб қолганингизда ичингизда нималар содир бўлишни бошлаганига эътибор берганмисиз? Биз қисқа лаззат ва ҳузур-ҳаловат олишимиз мумкин, лекин биз заифлашиб кетишимиздан ташқари янада кўпроқ қаноатсизликни сезишни бошлаймиз. Сиз ўзингизнинг ғолиблик табиатингиздан узоқлашиб кетасиз, гўё қуёш ва сўвсиз қолган ўтга ўхшаб қоласиз. Кундан-кунга ичингиздан сўлиб бораётганингизни сезишни бошлайсиз.

Шуълалар

Худонинг азиз фарзанди, ўзингизнинг чинакам ҳолатингизга қайтинг. Сиз манашу ўзингиз яшаётган ҳаётда, манашу авлод ичида суперқаҳрамон бўлишга даъват этилгансиз. Сизнинг ичингизда ғалаба учун керак бўлган нарсаси бор. Бу ўйдирма эмас. Мен бутун дунё бўйлаб сафарларда бўламан ва сон-саноксиз одамлардан ташкил топган Масих Танасини кўриш бахтига эгаман. Мен жамоат орасида ва алоҳида имонлилар орасида содир бўлиши мумкин бўлган шуълаларни кўряпман.

Мен сизга кўпгина мисоллар келтиришим мумкин, лекин сизнинг иштаҳангизни очиш учун фақат бир нечтасини келтираман, холос. Мен дунёнинг халқи энг зич мусулмон давлатида бўлганман ва қирқ мингдан ортиқ аъзога эга жамоатда бир неча бор воизлик қилганман, уларнинг ярмиси илгари мусулмон бўлган. Жамоатнинг асосий биноси ўттиз беш мингта одамни сиғдиради, шундай бўлса-да, улар якшанба кунлари бир неча бор хизмат йиғини ўтказишига тўғри келади. Агар мен ўзим у ерда бўлиб, ўз кўзим билан кўрмаганимда эди, эҳтимол мен бунга ишонмаган бўлар эдим. Жамоат чиндан ҳам самарадор хизматни олиб боряпти ва оғир вазиятларга қарамасдан гуллаяпти. Ушбу жамоатнинг жангчилари – қаҳрамон ва ғолиб одамлар.

Манашу жамоат чўпонининг иккинчи ўғли туғилиш пайтида мия жароҳатини олган, шифокорлар уни юра олмайди ва гапира олмайди деб айтишган. Мутахассислар чўпон билан унинг хотинига уларнинг ўғли бутун

умри давомида сабзавотдек бўлади деб айтганлар.

Худо бу чўпонга: “Мен қаердаман?” деб айтган.

Чўпон: “Сен осмондаги тахтингдасан” – деб жавоб берган.

Шунда Раббий унга: “Йўқ, Мен сенинг ичингда яшайман, шунинг учун Мен қачонлардир сўзим билан сен кўраётган ҳамма нарсани яратганимдек, сен ҳам ўғлингнинг миясига қараб гапиришингни ва янги мия яратишингни истайман” – деган.

Чўпон итоатли бўлиб, ўғлининг миясига ҳар куни Исо номи билан гапирган. Аста-секинлик билан бола гапиришни бошлаган. Шунда Раббий унга унинг оёқларига ҳам гапиришини буюрган. Бола олти ёшида юришни бошлаган. Мен ўша йигит билан голф ўйнаганман, ҳозир у ўйланган ва унинг уч нафар фарзанди бор.

Бу чўпон – криптонит олдида тўхтаб қолмаган ғолиб инсон ҳисобланади.

Яқинда мени масиҳийлик ҳаракатидаги чўпонларга ва етакчиларга воизлик қилишим учун бир мамлакатга таклиф этишди. Улар мени стадионга олиб боришди ва мен етакчилар билан лиқ бўлган стадионни кўриб лол қолдим, у ерда 12 500 киши бор эди. Уларнинг ҳаммаси оташин эди, иштиёқи эса ёқумли эди.

Кейинги куни учта бош етакчилар билан тушлик қилдик. Мен уларнинг барча жамоатларида жами бўлиб уч юз мингдан ортиқ одами борлигини билиб қолдим. Мен улардан бу ҳаракат қачон юзага келганини айтиб беришларини сўрадим, ўзим эса бу ҳаракат бир ёки икки авлод муқаддам пайдо бўлган деб ўйлаган эдим. Улар бунинг бари ўн олти йил илгари бир кишидан бошланганини айтиб бердилар.

Мен ҳайрон қолдим. Мен ундан: “Ривожланган давлатда бу қандай содир бўлимиш мумкин?” – деб сўрадим.

Бу одам инглиз тилида сўлим гапириб, тебранмасдан: “Биз одамларимизни абадиёт учун яшашга ўргатамиз” – деди.

Мен унга миқ этмай қараб турар эдим.

Ўша етакчи давом этиб: “Мен Американинг кўплаб жамоатларида бўлганман ва Америкадаги масиҳийлар етмиш-саксон йил учун яшамоқдалар. Бизнинг одамларимиз абадиёт учун яшамоқда” – деди.

Мана шундай ёндошув уларга руҳий криптонитнинг таъсирига тушиб қолиш хавфи борлигини фаҳмлашга ёрдам беради.

Мен Лиза билан биргаликда Ереванда, Армениядаги анжуманда воизлик қилдик. У ерда 3500 та чўпон ва етакчилар йиғилишди. Эрондан ҳам талайгина етакчилар келган эди.

Йиғилишлар орасида бизнинг олдимизга бир қиз келиб, Эрон полицияси у қисқа вақтга йўқлиги пайтида уни қаерда эканини текшириш унинг уяли телефонига қўнғироқ қилганини айтди.

Мен: “Агар сенинг ҳаётинг хавф остида бўлса, у ерга қайтиб боришингни нима кераги бор?” – деб айиб юбордим.

У ўйлаб ўтирмай: “Агар мен у ерга қайтиб бормасам, Эрон халқига Исо ҳақида ким айтиб беради?” – деб жавоб берди. Мен уялиб кетдим. У ўзини криптонитдан асраб юрган одамга ўхшар эди.

Бир неча йил илгари битта жамоат икки ой давомида ҳар куни йиғин ўтказган ва ҳар куни кечқурун йиғинларга тўрт минг одам келган. Сон-саноқсиз одамлар нажот топган, шифоланган ва озодлик олган. Бир куни у ерда Исо Масиҳ зоҳир бўлган. Кўплаб одамлар Уни кўриб бақириб юборганлар. У фақат бир баҳяга намоён бўлган, лекин У ғойиб бўлишидан аввал Ўзининг ҳузури ҳақида далил қолдирган. Залнинг деворида тахминан икки ва икки ярим метр ҳажмда бўлган Унинг юзининг сурати пайдо бўлган. У Турин матосидаги суратни эслатарди. Келгуси ўн саккиз ой давомида сурат ҳали ҳам деворда сақланиб қолган, сўнгра аста-секин хиралашиб, бутунлай ўчиб кетган.

Бошқа куни кечқурун залга кириш эшикларининг олдига “тез ёрдам” машинаси етиб келган. Санитарлар замбилда фалаж бўлиб ётган одамни залга олиб келиб қўйишган. У тахминан йигирма тўрт соатдан сўнг ўлиши керак бўлган. Худонинг қудрати шуқадар кучли бўлганки, бу инсон бироз вақт ўтгандан сўнг бутунлай соғайиб кетиб, ўрнидан турган ва шахсан ўзи замбилни залдан олиб чиқиб кетган.

Мен бунни аниқ биламан, чунки мен ўша барча йиғинларга шунчаки қатновчи бўлмаганман, мен ўша жамоат чўпонининг биринчи ёрдамчиси эдим.

Мен тўғри бизнинг хизмат биномизга қараб жазава билан ҳаракатланаётган бераҳм ёнғинни мўъжизавий равишда ўчганини кўрганмаган. Мен йўлимдаги пўртанани тўхтаганини ҳам, четлаб ўтганини ҳам кўрганман, шундай мўъжизалар содир бўлганки таърифлашга тил ожиз. Мен карлар эшитиб кетганини, кўрларнинг кўзлари очилганини, чўлоқлар юришни бошлаганини кўрганман. Менинг ўликлардан тирилган бир дўстим бор, шунингдек Мексика ва Марказий Америкада ҳам тирилган жуда кўп одамлар бор. Худо бир йиғинда Ўзининг ҳузурини шундай қудрат билан намоён қилган эдики, стадиондаги саккиз мингдан ортиқ киши оёғида тик тура олмас эдилар, у ерда мўъжизалар содир бўлган эди ва одамларнинг ҳаёти абадул-абад ўзгарган эди.

Гарчи мен ўз кўзим билан кўрмаган бўлсам ҳам, бутун бошли қабилалар

ва минтақалар батамом бузуқ маданиятдан нажот топгани ҳақидаги баъзи хикояларни биламан. Ҳозирги пайтда бу каби ҳодисалар камдан-кам содир бўляпти, лекин мен, биз илк Жамоатникига ўхшаган, бироқ улканроқ даврга қараб, шиддат билан ҳаракатланаётганимизга ишонаман.

Исо билан бўлиш

Бу барча одамлар илк Жамоатда бўлган ҳамма нарсага эга. Бу Хушxabарларда ва Ҳаворийлар китобида эсга олинган ҳамда изоҳ келтирилган ва биз бунга эга бўлишимиз мумкин. Бунинг барини учта сўз билан умумийлаштирамиз: ҳокимият, куч ва жасорат.

Биз Исо шаҳарларни ва қишлоқларни қандай ўзгартирганини кўряпмиз, У бирор жойга келса, атроф-муҳит ўзгариб кетар эди. Хушxabардан бир мисол келтираман, Исо синагогага кирганидан сўнг одамлар шу заҳотиёқ “...Исонинг таълимотидан ҳайратланар эдилар, чунки У уларга уламолар каби эмас, балки ҳокимият эгасидай таълим берар эди” (Марк 1:22).

Сўнгра кутилмаган воқеа содир бўлди: “Уларнинг синагогасида, ичида нопок руҳ бўлган одам бор эди. У қичқириб: «Бизни тарк эт! Биз билан нима ишинг бор назорий Исо? Сен бизларни ҳалок қилгани келдингми? Сенинг Кимлигини биламан – Худонинг Муқаддасисан» – деди (Марк 1:23, 24). Лекин Исо: “Жим бўл ва ундан чиқиб кет”, – деб унга ман этди. Ёвуз руҳ бақириб юборди, бу одамни талвасага тушириб ерга қулатди ва ундан чиқиб кетди. Барча одамлар ҳайратланиб қотиб қолди, улар Унинг ҳокимиятини, қудратини ва жасоратини кўриб ларзага келишди. Бу ҳолат шўқадар нотабий эдики, кейинги куни бутун шаҳар Исони қидиришга тушди (21-38 оятларга қаранг). Хушxabарлардан бу каби йирик бўлган яна кўплаб мисолларни келтириш мумкинлигини сиз биласиз.

Исо Ўзининг ердаги ҳаётининг якунида ҳайратомуз сўзларни айтган: “Сизларга тинчлик бўлсин, Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юборайман” (Юҳанно 20:21).

Агар бу ишончли эшитилмаётган бўлса, У бошқа жойда аниқ қилиб айтган: “Ростини, сизларга ростини айтаман, Менга ишонган одам, Мен қилган ишларни қилади ва бу ишлардан кўра каттароғини ҳам қилади, чунки Мен Отамнинг олдига кетяпман” (Юҳанно 14:12). У қилган ишларни ва бу ишлардан кўра каттароғини ҳам қилади! Наҳотки бунинг имкони бўлса? Исо шундай деган бўлса, демак, бунинг аниқ имкони бор! Илк Жамоат бу ҳақиқат эканини сезиларли даражада кўрган. Улар шундай ҳокимият, қудрат ва жасорат билан юришганки, бутун бошли қишлоқлар

ва шаҳарлар бир неча кун ичида Исога келишган. Мен шунга ўхшаш воқеаларни бизнинг давримизда ҳам кўрганман.

Агар яна илк Жамоатга қарасак ва фақат Йерусалимга назар солсак, бу шаҳарда ҳеч ким бефарқ қолмагинини кўрамиз. Бир неча кун ичида бор аҳоли уч гуруҳга бўлинди: бу ерда мисли йўқ қудратнинг ҳодисаларидан эсанкираб қолган аҳоли бор, Исо ҳақидаги воизликдан баджаҳл бўлганлар бор ва Шоҳликнинг пайида бўлганлар бор. Жамоат шиддат билан ўсган, қудратли куч билан ҳаракат қилган ва аниқ мўъжизаларни кўрган. Масалан, ҳар кунги йиғинга олиб келинган туғма шол одам шифо топган. Ўша заҳотиёқ у сакрашни ва ҳайқиришни бошлаган, шаҳар аҳлининг аксарият қисми ҳайратга тушиб уни кўриб кетиш учун йиғилган.

Ҳокимиятдагилар бу ҳаракатни тўхтатиш мақсадида Петъор билан Юҳаннони ҳибсга олдилар. Ҳаворийларни синедрион аъзоларининг олдига олиб келишганда, улар шундай хулосага келдилар:

“Бошлиқлар эса Петъор ва Юҳаннонинг дадиллигини кўриб ҳамда уларнинг ўқимаган, оддийгина одамлар эканликларини англаб, ҳайратланар эдилар. Шу билан бирга, уларнинг Исо билан бирга бўлганликларини билиб қолдилар” (Ҳаворийлар 4:13).

Уларнинг дадиллиги бошлиқларнинг эътиборини тортди. Петъор билан Юҳаннога шаҳардаги энг катта ҳокимият эгалари олдига жим туриб, ўзларини тинчликпарвар қилиб кўрсатиш осон эди. Улар қаршилиқ кўрсатмаса ҳам бўлар эди. Бироқ улар катта хавф қаршисида ҳам содиқ қолдилар.

Қандай жасорат ва қандай куч – булар қаердан пайдо бўлди? Буларнинг илдизи: “уларнинг Исо билан бирга бўлганликларида эди...”. Бу одамлар илгаригидек, Худонинг ҳузурида юришган. Улар У қилган ишни қилишган ва натижада бутун бошли шаҳарлар ўзгарган. Улар муқаддас одам бўлишган. Илк Жамоат криптонитни четлаб ўтган ва Ўғилга яқин юрган, Унинг кучига тўлиб юрган. Шунинг учун улар буюк жасорат, ҳокимият ва қудрат билан хизмат қилган.

Афсуски, тарих шуни кўрсатяптики, Йерусалим, Самария, Ёппа, Лидия, Сарон, Антиохия ва Яҳудия билан Осиёнинг бошқа минтақаларидаги шогирдлар ўзининг шаҳарларига таъсир ўтказгандек Коринф жамоати ўзининг шаҳрига шундай таъсир ўтказмаган.

Коринф жамоати уларнинг тескараси бўлган. Ажабланарли ҳолат: Коринф жамоати Муқаддас Рухнинг инъомларига ишонган ва уларда

ҳаракат қилган. Имонлилар орасида мўъжизалар содир бўлганига қарамай, шаҳарга таъсир ўтказиши учун уларга энг муҳими етишмаган.

Биз ўз авлодимиз учун нимани истаймиз? Бутун бошли шаҳарлар ўзгаришини яна бир бор кўришнинг имкони борми? Мени турли хил шаҳарлардаги кўплаб йирик жамоатларга воизлик қилиш учун таклиф қилишади, лекин у ерда бўла туриб, Худонинг Шоҳлигини билмайдиган бошқа миллионлаб одамлар ҳақида ўйлаб, эзиламан. Нима учун биз бутун бошли қишлоқларга, шаҳарларга ва минтақаларга таъсир ўтказмаяпмиз? Бизни криптонит бошқараётган бўлиши мумкинми?

Худо бизга Эски Аҳддаги ҳакамнинг ҳаёти орқали бизнинг даъватимизни кўрсатди. Унинг исми Самсон эди. У итоатсизлик билан ўйин қилгани учун, итоатсизлик унинг ҳаёт тарзига айланиб қолди. Охири криптонит Самсоннинг кучини ўғирлаганидан сўнг у даҳшатли нархни тўлади. У энди илгаригидек ғайритабиий қудрат билан ҳаракат қила олмасди. Бироқ азоб чекканидан сўнг у тавба қилди ва у яна қучга тўлди. Ҳаётининг охирида у илгариги йилларидан кўра каттароқ жасорат кўрсатди.

Дониэл пайғамбар охират кунларининг кулфати қаршисида чекинмайдиган авлод пайдо бўлиши ҳақида башорат қилган. У шундай деб ёзган:

“Ўз Худосини таниб-билган одамлар, кучли эканини исботлайдилар, Улар мустаҳкам турадилар ва қаҳрамонликларни амалга оширадилар” (Дониэл 11:32, инглиз тилидаги АМРС таржимаси).

Бу одамларнинг кучи ва ҳокимиятининг сири “Ўз Худосини таниб-билгани”дадир. Бундай яқинликнинг калити эса чинакам муқаддасликка интилишдан иборат.

Якуний сўзлар

Худди шундай. Худо сизни қаҳрамон, ғолиб, ҳаётда ғалаба қозонадиган ва дунёни ўзининг таъсири билан ўзгартирадиган одам бўлишга даъват этган. Кучли ва мард киши бўлинг, Шоҳга яқинлашинг, чунки У бағрикенг. У сизнинг ёнингизда бўлишни, сизни Ўзининг қудрати билан тўлдиришни истайди. У сизга ишонади, энг муҳими, У сизни абадий севги билан севди.

Сиз Унинг бу дунёдаги ҳақиқий суперқаҳрамонларидан бирисиз. Бизнинг ичимизда жо бўлган Чемпион, бу дунёнинг Лекс Люторидан катта. Инсонларнинг ҳаётини ўзгартириш учун Унинг кучи билан тўлинг.

Сиз то Шоҳнинг тахтига келгунга қадар дунёда қандай ўзгаришлар киритишингизни охиригача билмайсиз. Криптонитга бўйсунмасликни қарор қилганингиз учун бугун ҳам, ўша куни ҳам бағоят хурсанд бўласиз.

Шунинг учун криптонитни йўқ қилинг, уни ўлдилинг, ундан халос бўлинг, унга ҳаётингизнинг увоғини ҳам берманг. Сиз буюк шўҳрат ва қудрат учун яратилгансиз. Сиз қудратлисиз, сизнинг даъватингиз бор ва сиз ўз даъватингизни бажаришингиз учун бу дунёга кераксиз.

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Худо Жангчи, биз эса Ундек бўлишимиз учун яратилганмиз. Бутун тарих давомида биз Худо учун серҳашам ишларни қилган одамлар ҳақида гувоҳликларни кўряпмиз, улар ўзларининг ҳаётида маълум бўлган гуноҳнинг криптонитига сариқ чақа ҳам имконият беришмаган. Бир неча кун ичида бутун бошли шаҳарлар Худонинг қудрати билан ва Унинг халқининг жасорати билан ўзгарган. Худо сизни олдинга боришга ва Унинг ишида иштирок этишга ундаяпти.

Худодан, У сизни қайси жангда курашишга ундаётганини сўранг. У сизни қайси минтақани, шаҳарни, ҳудудни ёки мамлакатни ўзгартиришга чақиряпти? Ундан эшитганларингизни ёзиб олинг ва бу дунёда Унинг мақсадларига эришиш учун Худо устингизга Ўзининг иноятини қуйишини сўраб ибодат қилинг. Сўнг абадий мукофотга – бу ҳаётда садоқат билан қилган ғолибона хизматингиз туфайли оладиган барча ваъдаларга диққатингизни жамланг ва олдинга қараб юринг. Худо сизни қаҳрамон бўлишга даъват қиляпти!

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз “Криптонитни йўқ қилиш” китобини дарслик курсининг қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз (бу ажойиб ғоя!), мен сизга ҳар ҳафта видеодарсларни томоша қилишни ва гуруҳда муҳокама қилиш учун тегишли саволларга жавоб беришни тавсия этаман. Курснинг видеодарслари ёнма-ён ёзилган, улар ушбу китобнинг асосий мавзуларини кучайтиради, шунинг учун барча иштирокчилар видеодарсларни томоша қилиб, китобни ўқиса беками-кўст бўлар эди.

Дарс жараёнидан завқланинг!

1-Дарс. Бизнинг имкониятларимиз

1-3 бобларнинг мавзусини ёритади

1. Сизда ўзингиз билмаган имкониятларни рўёбга чиқаришга истак бўлмайди. Бу қонун-қоида ҳаётда ишлашини қандай билиб олдингиз? Улар ўз ҳаётингизда ижобий таъсир ўтказишини билиб олганингиздан сўнг қанақа янги маҳсулотларни, технологияларни ва маслакларни ишлатишни бошладингиз? Бу дарсдан билиб олган нарсаларга қайси жиҳати билан ўхшайди?
2. Бизнинг Худодаги имкониятларимиз тасаввур қилиш қийин бўлган имкониятларни ўз ичига олади. Бу дарс сизни Масихда эга бўлган имкониятларингизни ўрганиб чиқишингиз учун қандай руҳлантирди? Нима деб ўйлайсиз, агар бизга бунинг барининг имкони бор деб ўргатишганида эди, жамоат ўзгарган

бўлармиди? Энди, сиз ушбу имкониятлар устида фикр юритишни бошлаганингиздан сўнг, улар сизни қандай ўзгартиришни бошлади?

3. Биз бўлишимиз мумкин бўлган масиҳий бўлмаганимизда, бу дунёнинг масиҳийлик ҳақидаги ва Худо ҳақидаги тасаввурига таъсир ўтказди. Агар биз ўз имкониятларимиздан фойдалансак эди, дунё бизга қанчалик бошқача кўз билан қараган бўлар эди? Агар биз ўз мақсадларимизга эришсак эдик, дунё Худога қанчалик бошқача кўз билан қараган бўлар эди?

2-Дарс. Биттанинг кучи

4-7 бобларнинг мавзусини ёритади

1. Повул: “Масиҳийлар Масиҳнинг Танасини ҳурмат қилмаётганлари учун уларнинг кўпи заиф, касал ва ҳатто, барвақт ўлмоқда” – деб ёзган. Бу сўзлар бизга ҳам тегишли, бундан ташқари “кўп одамлар азоб чекмоқда” деб ёзилган. Бу сиз Масиҳнинг Танаси ҳақида эга бўлган тасаввурингиздан фарқ қиладими? Нима сабабдан барча имонлилар буни бугун тушунишлари зарур?
2. Масиҳ Танасидаги кўп одамлар жамоатда маълум бўлган гуноҳ тўғрисида ўзларининг имкониятларига эришишга қодир эмас, бироқ бу масиҳийларнинг касал ёки заиф бўлишига, барвақт ўлишига олиб келган ягона сабаб эмас. Нима учун мана шу фарқни кўрсатиш жуда муҳим? Жамоат ичидаги азобларнинг яна қандай сабаблари бор?
3. Дунёдаги одамларда яқин ҳолда фикр юритиш хусусияти бор, бироқ Ахан Худога қарши қилган гуноҳининг оқибатида бутун Исроил азоб чекди, чунки улар битта Тана эдилар. Бу ҳақиқат Масиҳ Танасининг ичидаги вазифангизга бўлган тасаввурингизни қандай ўзгартирди?
4. Рухий криптонит – бу маълум гуноҳ. Ахан ўлжадан бирор нарса олиш мумкин эмаслигини билган, коринфликлар ҳам кечлик вақтида ичкиликбозлик ва худбинлик қилиш гуноҳ эканини билишган. Икки ҳолатда ҳам бирор бир ёмон иш қилмаган беайб одамлар азоб чекди, баъзилари ҳатто вафот этди. Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан Худо Ўзининг Танасидаги гуноҳга шуқадар жиддий қарайди? Нима деб ўйлайсиз, нима учун У биздан ҳар биримиз ҳар бир имонлини нафақат алоҳида, балки бутун Танани юксак даражада қадрлашимизни истайди?

3-Дарс. Криптонит

8-10 бобларнинг мавзусини ёритади

1. Жастин ва Анжелланинг воқеасига ўхшаш вазиятни тасаввур эта оласизми? Йўқ, албатта. Лекин Худо билан аҳди бор бўлган баъзи масиҳийларнинг муносабатида қандай ўхшашликни кўряпсиз? Ўзининг хотинига/эрига шундай муносабатда бўлган одам ҳақида нима деган бўлар эдингиз?
2. Маълум гуноҳ – бу руҳий криптонит, руҳий криптонит эса – бу бутпарастликдир. Жамоатнинг кўпгина аъзоси бутларга сажда қилишяпти деган фикрни қандай тушунасиз? Ҳайкал ва бутларга сажда қилмайдиган мамлакатда бутпарастлик қандай кўринишга эга?
3. Бутпурасатлик – жамоатларда камдан-кам воизлик қилинадиган мавзу ҳисобланади. Ушбу дарсда бутпарастлик ҳақида билиб олган нарсаларнинг орасида сизни нима кўпроқ ҳайратга солди? Нима деб ўйлайсиз, нима учун сизни бу бошқа нарсалардан кўра кўпроқ ҳайратга солди?
4. Бутун Муқаддас Китоб мобайнида Худо бутпарастликни зино билан тенглаштиряпти. Ўз сўзларингиз билан айтиб берингчи, Худо нима сабабдан бундай қилган? У бизга таклиф қилаётган муносабатлар ҳақида бу ердан нималарни билиб олсак бўлади?
5. Бутпарастлик Яратувчига эмас, яратилган нарсаларга сажда қилишдан бошланади. Худо бунақа ҳатти-ҳаракатларга қандай қарайди? Нима сабабдан Худо, Уни танламаганлардан узоқлашади? Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан бесоқолбозликка эрк бериш – жамият бутпарастликка оғиб кетаётганининг ўзига хос белгиси деб ҳисобланади?
6. Агар биз бутпарастлик борлигини тан олишга тайёр бўлсак, биз ҳақиқий сажданинг мазмунини тушунишимиз керак. Ҳақиқий сажда – бу Худонинг амрларига риоя қилишдир, бу дилкаш қўшиқларни куйлаш эмас. Сажда нима эканини тушуниш масиҳийлик ҳаёти ҳақидаги тафаккурингизни қандай қилиб ўзгартиради? Худого сажда қилиб яшашнинг энг аъло намунасини кўрсатиб келаётган бирорта одамни шахсан биласизми?

4-Дарс. Замонавий бутпарастлик

11-14 бобларнинг мавзусини ёритади

1. Шоулнинг бир неча амалеқликларнинг ҳаётини сақлаб қўйган итоатсизлик тарихи бизга жамоатдаги бутпарастликнинг илдинини кўрсатяпти. Нима сабабдан Шоулнинг ғаразғўйлиги бутпарастлик билан тенг?
2. Шомуил Шоулга қайсарлик – бу бутпарастлик билан тенг деб айтган. Биз Худонинг иродасини бажаришдан кўра кўпроқ истаган нарсамизга эга бўлиш учун чирмашиб оламиз. Шоулнинг воқеасидан кўряпмизки, бу унинг ҳаётига янада каттароқ гуноҳ учун эшик очиб берди. Бу ерда бутпарастлик нимадан иборат? Нима сабабдан у янада каттароқ гуноҳларга олиб келади?
3. Ғаразғўйлик бизни бутпарастликка етаклайдиган нарсадир, боз устига унинг ўзи ҳам бутпарастликдир. Агар сиз ўзингизнинг мақсадларингизга, сиз учун устувор бўлган нарсаларга ва одатларингизга назар солсангиз, ҳаётингизда нима кўпроқ кучга эга – очкўзликми ёки қаноатми? Кўпроқ қаноатда яшаш учун қандай қилиб интилишингиз мумкин?
4. Ҳар бир масиҳийнинг ҳаётида қаноатлилик бўлиши муҳим, шундай бўлса-да, биз уни ўзига бино қўйишдан фарқлашимиз зарур. Уларнинг ўртасидаги фарқни ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг. Сиз қаноатли бўлган, бироқ, шунингдек ўзига бино қўйган одамни қандай фарқлай оласиз?
5. Биз ёдда сақлашимиз зарур бўлган яна битта муҳим тушунча бор: бутпарастлик - бу инсон гуноҳ қилишини эмас, балки инсон ўзини гуноҳга беришини англатади. Ушбу дарслардан билиб олганингизга кўра, ушбу иккита ҳолатнинг ўртасидаги фарқни қандай ифодалаган бўлар эдингиз?
6. Агар биз билиб туриб қилинган гуноҳ – бу руҳий криптонит эканини тушунишни истасак, биз Худо бизга мутлақо янги табиат билан – Унинг табиати билан яшашни таклиф этаётганини ҳам тушунишимиз зарур. Сиз гуноҳга эмас, балки ҳақликка нисбатан мойилликка эга бўлиш мумкинлигини англаяпсизми? Бунақанги ўзгариш имконли ва ҳатто у ҳаётингизда содир бўлиши мумкинлигини қандай сезиш мумкин?

5-Дарс. Сохта Исо

15-18 бобларнинг мавзусини ёритади

1. Худо сизни Ўзига олиб келиш учун қутқарди. У сиз билан яқин муносабатларга эга бўлишни истайди. Бунинг учун сиз барча дунёвий нарсалардан мутлақо тозаланишингиз керак, чунки У сиз билан чинакам муносабатларга эга бўлишни истайди. Бу нимани англатади? Сизда шу нарсалар бор эканини қандай билиш мумкин?
2. Агар Исо Ўзига олиб келишни истаган одамлар, гарчи улар Уни қутқарувчи эканини тан олган бўлсалар-да, Унинг ёнига келишдан бош тортсалар Худонинг кўнгли қандай ранжишини тасаввур қила оласизми? Сиз билан турмуш қурган инсон, сиз билан бир хонада бўлишдан бош тортса, ўзингизни қандай ҳис қилган бўлар эдингиз? Агар у сиз билан ҳатто, телефон орқали гаплашишни ҳам истамаганида қай аҳволга тушган бўлар эдингиз? У сиз билан фақат воситачи орқали гаплашса ўзингизни қандай ҳис этар эдингиз? Охирида, у билан бўлган муносабатингиз нима билан тугар эди?
3. Ҳорун қароргоҳда қолди, шу боис тоғда Худонинг ҳузурида бўлишдан кўра, қароргоҳдаги одамлар билан қолиш у учун қулайроқ бўлган деб тахмин қилсак бўлади. Баъзи одамлар шунақа: улар учун Худонинг ҳузурида бўлишдан кўра, жамоатда бўлиш қулайроқ. Худонинг ҳузурини сезганингизда қандай муносабат билдирасиз?
4. Исроилда Йахвеҳ Исроилни Мисрдан олиб чиқди деб эълон қилган ва Йахвеҳга тамоман ёндириш қурбонлигини келтириб сажда қилган олий руҳоний бор эди, лекин шунча вақт давомида у уларнинг истагини қондириш учун уларга олтин буқани кўрсатиб келган. Агар Исроил Худонинг исмини тилга олиб, шу билан бир қаторда шунчалик сохта, жирканч нарсани қилган бўлса, унда биз ҳам жамоатда бундай ишларни қилишимиз мумкин эмасми? Бундай ҳолатда бизнинг саждамиз қандай кўринишга эга бўлади?
5. Исроил Худонинг айрим амрларига риоя қилди, лекин қолганларини эса менсимади. Бутун дунё бўйлаб жамоатлар худди шундай қилмоқда, ўзларига ёққан жумлаларни танлаб олишмоқда, лекин муқаддас ҳаёт билан яшашга ва Худога тўлиқ бағишланиб яшашга чорлайдиган қолган жумлаларга беписандлик қилмоқда. Биз қалбаки эмас, ҳақиқий Исога сажда қилаётганимизни қандай билиб олишимиз мумкин?

6-Дарс. Бошланиш нуқтаси

19-21 бобларнинг мавзусини ёритади

Қандай қилиб Исроилда қалбаки Йаҳвеҳ пайдо бўлди ва қандай қилиб бугун жамоатда сохта Исо пайдо бўлди? Иккови ҳам чинакам тавбанинг йўқлиги сабабли юракларнинг қаттиқлашиши натижасида пайдо бўлди.

1. Бу дарс тавба мавзусини, унинг заруриятини, унинг Хушхабардаги тутган ўрнини ва унинг асл мазмунини очиб беради. Бу тавба сизнинг илгариги тавбангизнинг ўхшашлиги ёки фарқи нимада? Бу сизнинг Хушхабар ҳақидаги тасаввурингизни ўзгартирмайдими? Агар ўзгартирган бўлса, нимани ўзгартирди?
2. Ҳар битта Хушхабар гуноҳ ҳақида воизлик қилган Яҳё Чўмдирувчи ҳақидаги воқеадан бошланаяпти. Бу Исонинг Хушхабари доим тавбадан бошланишини англатади. Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз? Тавба нима сабабдан Хушхабар учун шунчалик муҳим?
3. Агар одам гуноҳи учун тавба қилмаса Исо Масихга чинакам имонга эга бўлмайди. Агар биз гуноҳга илашиб олиб, ўзимизни масиҳий деб атасак, демек биз ўз-ўзимизни алдаган бўламиз. Нима деб ўйлайсиз, нима учун Худо бизнинг ҳаётимизга жиддий эътибор билан қарайди?
4. Жастин билан Анжеланинг ҳикояси эсингиздами? Анжела эрга теккандан сўнг, собиқ йигитлари билан бўлган муносабатини тўхтатиши керак эди. Исони билмайдиган одамлар, агар уларга кимдир тавба қилиши кераклигини айтмаса, улар бу ҳақда қандай билиб оладилар? Агар биз одамларга гуноҳ қилишни бас қилиш керак десак, биз билан нима содир бўлиши мумкин? Нима учун биз хушхабар айтганимиз учун нарх тўлашимизга тўғри келиши мумкинлигини эсда сақлашимиз жуда муҳим?
5. Бизга ниятларимиз эмас, балки ҳатти-ҳаракатларимиз баҳо беради. Бу бизни тамомила ўзгартиришга қодир бўлган Хушхабарнинг қудратини кўрсатади. Тавба яхши ва ижобий нарсa эканини қандай билиб олиш мумкин? Худонинг тавба қилиш ҳақидаги талаби – бу Унинг бизга бўлган шавқати эканини ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг.

7-Дарс. Ҳақиқат, бардош ва севги

22-24 бобларнинг мавзусини ёритади

1. Яҳудо биз мўъжизавий равишда нажот топганимиз ҳақида, ҳаётнинг саргузаштлари ҳақида ёзмоқчи бўлган, лекин ўзининг тингловчиларини, Худонинг иноятини гуноҳ қилишга рўхсат деб биладиган одамлар ҳам борлиги ҳақида огоҳлантиришга мажбур бўлган. Сизда бирор марта, нуқул яхши нарсалар ҳақида гапириб, Худонинг огоҳлантиришларини менсимай қўйган вақтларингиз бўлганми? Нима учун огоҳлантиришларни ёдда сақлаш ва улар ҳақида гапириб туриш жуда муҳим?
2. Жамоат гуноҳга тоқат қилиб яшашининг сабаби, жамоат ҳақиқий севги ҳақида бузуқ тасаввурни ўзлаштириб олганлигидан далолат. Ҳақиқий севги ҳақиқатни талаб қилади, ҳақиқат эса доим абадият манзарисида кўрсатилган. Абадият манзараси ҳаётдаги муҳим нарсалар ҳақида бўлган тасаввурингизни қандай ўзгартиради?
3. Худони севиш Худонинг амрларига риоя қилишни билдиради. Айнан манашу масиҳийча севгини дунёвий севгидан ажратиб туради. Худонинг амрларини эсга олмасдан, Худонинг севгиси билан дунёвий севгининг ўртасидаги фарқни қандай қилиб ифодалаган бўлардингиз?
4. Худонинг ҳақиқатига бириктирилмаган севги ҳақиқий севги эмас - бу сохта севги. Бизнинг маданиятимиз манашу севгидан узоқлашаяпти, шунинг учун жамоат сохта Исога ёндошмоқда. Ҳақиқат севги билан айтилиши кераклигига қандай қарайсиз? Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан жуда кўп одамлар ҳақиқатда юришда ўзларини ноқулай ҳис этмоқдалар?

8-Дарс. Криптонитни йўқ қилиш.

25-28 бобларнинг мавзусини ёритади

1. Баъзи имонлилар гуноҳга сабр қиладилар, чунки улар гуноҳ Худонинг юрагини яралашини билмайдилар. Бошқа масиҳийлар биз шунчаки табиатан гуноҳқормиз ва Исонинг қони бизни гуноҳ асирлигидан эмас, фақат гуноҳнинг жазосидан озод қилишга қодир деган ёлғонга ишонадилар. Бундай имонлиларда давомий гуноҳ сифатида маълум бўлган - криптонит мавжуд. Бу фикрлар сизнинг

ҳаётингизга қандай таъсир ўтказди? Бу фикрлар ўзини масиҳий деб атайдиган бошқа одамларга қандай таъсирга эга?

2. Учинчи гуруҳ имонлилар — ўзининг қилаётган гуноҳини англайдиган, бироқ улар гуноҳ билан доимо курашаётган чинакам масиҳийлардир. Улар озод бўлишни хоҳлайдилар, лекин гуноҳдан озод бўлиб яшаш учун Худонинг Сўзидаги қудратни ҳали топганлари йўқ. Улар қилган гуноҳи учун уялишади, манашу уят уларни гуноҳ қўллигида ушлаб турибди. Мана шундай ҳолатда бўлган имонлилар билан ушбу дарсдаги қайси ҳақиқат билан бўлишган бўлардингиз?
3. Манашу дарсда мен, Худо мени қандай қилиб ҳирсдан ва беҳаё тасвирлардан озод қилгани ҳақида айтиб бердим. Бу гувоҳликнинг нимаси сизни кўпроқ руҳлантирди? Нима учун? Сизга нима кўпроқ таъсир қилди? Нима сабабдан?
4. Дунёвий қайғу эмас, балки Худо учун қайғу чекиш гуноҳдан озод бўлишга олиб келади. Худо учун қайғу, гуноҳ Худони ранжитишини тан олади. Дунёвий қайғу эса фақатгина гуноҳ бизга ва бизнинг келажагимизга қандай таъсир ўтказиши ҳақида ўйлайди. Нима деб ўйлайсиз, нима учун Худо бизга, дунёвий қайғуга эга бўлганимизда эмас, балки Худо учун қайғу чекканимизда озод бўлиш иноятини беради? Ўз ҳаётингизда манашу икки хил турдаги қайғунинг ўртасидаги фарқни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?
5. Суперқаҳрамонлар ҳақидаги кўпгина ҳикоялар бизнинг тасаввуримизни асир этади, чунки улар ҳар бир инсоннинг юрагидаги яширин истакларни қондиради. Биринчи имонлилар ўз даврининг суперқаҳрамонлари бўлишган. Бу қандай қилиб дунёнинг Худо ҳақидаги фикрини ўзгартириши мумкин?
6. Худо Жангчидир, биз У каби бўлишимиз учун яратилганмиз. Исо Ваҳий китобида еттита жамоатни ғалаба қозонишга чорлаган, бу биз ғалаба қозонишга даъват этилганимизни ва биз енгишимиз керак бўлган ғаним борлигини билдиради. Энди бу китобнинг бутун мавзусини кўз олдингизга келтиринг ва Худо сизни ҳаётда ғалаба қозонишга ундаётгани ҳақидаги тасаввурингизни қандай ўзгартиргани ҳақидаги саволга жавоб беринг. Ўзингиз ҳақида, бошқа имонлилар ва умуман жамоат ҳақидаги тасаввурингиз қандай ўзгарди?

ИЛОВА

НАЖОТ ҲАР БИР КИШИГА ТЕГИШЛИ

*“Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан
эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига
ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон
ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот
топиш учун оғзи билан эътироф этади”.*

Римликларга 10:9, 10

Худо сизнинг ҳаётингизда абадий муваффақиятни кўришни истайди. У сизни оташин севади ва сизнинг ҳаётингизда Унинг режаси бор. Лекин ўз тақдирингизга элтадиган фақат битта йўл бор – Худонинг Ўғли, Исо Масих орқали нажотни қабул қилиш.

Исонинг ўлими ва тирилиши орқали Худо Ўзининг севикли ўғли ва қизи учун Ўз Шоҳлигига йўл очган. Масихнинг хочдаги қурбонлиги туфайли сиз учун абадий тўкин ҳаёт очиқ. Нажот – Худонинг сиз учун бўлган инъомидир, уни ишлаб қўлга киритишнинг, унга сазавор бўлишнинг имкони йўқ.

Ушбу қимматли инъомни олиш учун, ўзингизнинг гуноҳларингизни, сиз Яратувчисиз яшаганингизни (чунки бу барча қилинган гуноҳларнинг негизидир) тан олишингиз керак. Тавба – нажотни қабул қилишнинг энг асосий қисми. Петъор Ҳаворийлар китобида, беш минг киши нажот топган вақти бу ҳақда аниқ айтган: “Шунинг учун гуноҳларингиз ўчириб ташланиши учун тавба қилинглр ва Худога ўгирилинглр...” (Ҳаворийлар 3:19).

Ёзув ҳар биримиз гуноҳнинг қули бўлиб туғилганимиз ҳақида айтган.

Бу қуллик Одам Ато ўзбошимчалик ва итоатсизлик қилган гуноҳидан келиб чиққан. Тавба — бу танлов, бу ўзингизга ва ёлғон отаси бўлмиш шайтонга бўйсунишни бас қилганингизни ҳамда сиз учун Ўз ҳаётини қурбон қилган, янги Хўжайинингиз Исо Масиҳга итоат қилишни бошлашингизни билдиради.

Сиз ўзингизни Масиҳга бўйсундиришингиз, Уни ўз Хўжайинингизга айлантиришингиз, Унга ҳаётингиз (руҳингизни, жонингизни ва танангизни бўйсундиришингиз), бутунлай ўзингиз ва сизда бор бўлган нарса устидан ҳокимият беришингиз керак. У ҳаётингиз устидан тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиши лозим. Сиз шунини қилганингиздан сўнг, ўша заҳотиёқ Худо сизни зулматдан қутқаради ва сизни Ўз Шоҳлигининг нурига ва шўхратига олиб боради. Сиз ўлимдан ҳаётга ўтасиз ва Унинг фарзандига айланасиз!

Агар сиз Исо орқали нажотни қабул қилишни истасангиз, манашу ибодат билан ибодат қилинг:

Осмондаги Худо, мен гуноҳкор эканимни ва Сенинг ҳақлик ўлчамларинг билан яшай олмаслигимни тан оламан. Қилган гуноҳларим учун абадий жазога лойиқман. Мени шундай аҳволда қолдирмаётганинг учун Ўзингга шукр, чунки мен ишонаман, мен ўлмаслигим учун ва менинг жазойимни хочга олиш учун, Сен бокира Марям орқали туғилган Ягона Ўғлинг Исо Масиҳни юбординг. У учинчи кун тирилганига ва ҳозир Сенинг ўнг тарафингда ўтирганига ишонаман. У менинг Раббим ва Нажоткорим. Бугун мен Сендан мустақил равишда яшаганим учун тавба қиламан ва ҳаётимни тўлиқлигича Раббий Исога бағишлайман.

Исо мен Сени ўзимнинг Раббим ва Нажоткорим деб эътироф этаман. Менинг ҳаётимга Ўз Руҳинг билан киргин ва мени ўзгартириб, Худонинг фарзандига айлантир. Мен шу пайтгача юрган зулматдан воз кечаман ва шу кундан эътиборан ўзим учун яшамайман, балки Сенинг июнатинг билан Сен учун яшайман, чунки мен абадий ҳаётга эга бўлишим учун Сен Ўзингни қурбон қилдинг.

Раббий Ўзингга шукр. Энди менинг ҳаётим Сенинг қўлларингда ва Сенинг Сўзингда айтилганидек мен уятда қолмайман.

Худонинг оиласига хуш келибсиз! Мен сизни ўзингиз билан содир бўлган воқеа ҳақида бошқа имонлилар билан бўлишишга чорлайман.

Муқаддас Китобга ишонадиган бирор бир маҳаллий жамоатга боришни бошланг, чунки сизни имонда қўллаб-қувватлайдиган имонлилар билан мулоқотда бўлиш жуда ҳам муҳим.

Сиз энг ғаройиб саёҳатни бошладингиз. Худо сизни дуо қилсин, токи сиз ҳар куни Уни таниб-билишда, иноятда ва дўстликда ўсиб боринг.



“Мессенжер Интернэшнл” одамларга, оилаларга, жамоатларга ва халқларга Худо Каломининг ўзгартирадиган кучида яшашга ва уни амалга оширишга ёрдам бериш билан шуғулланади.

Бу ўзгаришлар одамларнинг ҳаёти куч билан тўлишига, жамият ўзгача тарзда шаклланишига, дунёдаги адолатсизликларнинг ечими юзага келишига олиб келади.

Cloud Library – бу бутун дунё бўйлаб, хизматкорлар ўз она тилида цифрала манбаларга эга бўлишига имкон яратадиган онлайн-платформа ҳисобланади.

CloudLibrary.org сайтида сиз Жон ва Лиза Биверларнинг 80 дан ортиқ тиллардаги манбаларини топишингиз ва уларни осонлик билан юклаб олишингиз мумкин.


Электрон китоблар, видео ва аудио таълимотлар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб...

Кўпроқ истайсизми? Сканер қилинг



CLOUD LIBRARY





Бугун ва абадийликда аҳамиятга эга бўлган ҳаёт

Бир кун сиз Худонинг қаршисида туриб, ўз ҳаётингиз учун ҳисобот берасиз. Ҳозир сиз ўзингиздан биринчи ўринда – “мен бунга тайёрманми?” – деб сўрашингиз зарур.

Худо сиз ўз даъватингизни билишингизни истайди, У сизни ҳеч нарсадан беҳабар бўлиб ўтиб кетишингизни хоҳламайди. У сиз ерда нима учун яшаётганингизни англаб, мазмун ва мақсадга эга бўлишингизга чанқоқ.

Охирги нафас бизни шунчаки тайин этилган жойга эмас, балки абадий ҳаётга элтади. Жуда кеч бўлишни кутиб ўтирманг. Худо сиз учун режалаштириб қўйган даъватни билиб олинг ва ердаги ҳаётингизни шундай яшаб ўтингки, токи у абадийликда улкан мазмунга эга бўлсин.

Жон ва Лиза Бивернинг шу ва бошқа манбаларини ўзбек тилида қуйидаги сайтдан юклаб олишингиз мумкин:



CloudLibrary.org

Youtube.com & Youku.com ва бошқа сайтларда томошо қилиш ва юклаб олиш учун қўпгина тилларда қўшимча манбалар бор.

Ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга ва ҳар бир душманни яқсон қилишга қодир **СУПЕРМЕН КАБИ**, Масиҳнинг издошлари ўз йўлларидаги барча қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ғайритабиий қобилиятларга эгадирлар.

Аммо Суперменда бўлгани каби бизларда ҳам битта муаммо бор – бу бизларнинг кучимизни ўғирлайдиган криптонитдир.

Сўзсиз, Супермен ва криптонит – тасаввурнинг маҳсулларидирлар. Аммо руҳий криптонит ҳақиқатан мавжуд.

Бу китобда сиз, шубҳасиз биринчи аср масиҳийлари эга бўлган илоҳий кучдан бизларнинг кўпчилигимиз нима учун маҳрум деган саволга жавоб топасиз.

«Криптонитни йўқ қилиш» китобида, Жон Бивер руҳий криптонит нима экани, бизнинг жамиятимизга қандай таҳдид солиши ва унга асирликдан қандай қутулиш мумкинлиги ҳақида сўзлайди.



Жон Бивер ва унинг турмуш ўртоғи Лиза «Мессенжер Интернэшнл» хизмати асосчиларидирлар. Хизматчи ва бозори чаққон китоблар муаллифи Жон мурасасиз ҳақиқатни дадиллик ва эҳтирос билан воизлик қилади. У маҳаллий жамоатларни қўллаб-қувватлаш ва етакчиларни уларнинг турар жойлари, тиллари ва моддий ҳолатларидан қатъий-назар манбалар билан таъминлаш истаги билан ёнади. Ҳозирги вақтда унинг китоблари дунёнинг юздан ортиқ тилларига таржима қилинган, уларнинг миллионлаб нусхалари кўплаб давлатларда чўпонлар ва етакчиларга тарқатилган.



Мана шу ва бошқа
манбаларни қуйидаги сайтдан
юклаб олишингиз мумкин:

CloudLibrary.org



MESSENGER
INTERNATIONAL
MessengerInternational.org

Бу китоб – муаллифдан тўхфа.
Сотиш ман этилади.

Қўпроқ ўқийсизми?
Сканир қилинг

